

З.А. АРТУКМЕТОВ, Х. Н . ОТАБОЕВА

АГРОНОМИЯ АСОСЛАРИ ВА ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС,
КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

З.А. АРГУКМЕТОВ, Ҳ.Н. ОТАБОЕВА

АГРОНОМИЯ АСОСЛАРИ ВА ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШ

Касб-ҳунар колледжлари учун дарслик

636.082:633.2

А 80

ББК 4я722
А 80

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Марказининг илмий-методик
кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган*


Дарсликда республикамиз қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган испо-
хотлар, ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, чорвачилик учун озуқа захи-
расини кўнайтириш йўллари, ем-хашак экинларни этиштиришга татбиқ қили-
наётган илғор технологиялар зоотехника йўналиши хусусиятларини инобатга олган
ҳолда атрофлича баён этилган. Унда назарий ва амалий тажриба машғулотлари
ўзаро мутаносибликда берилган.

Тақризчилар: Р. Х. ҲАМРОҚУЛОВ — ТошДАУнинг зоотехника кафедра-
си доценти; Н.Б. ҚАШҚАРОВ — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти
дехқончилик ва тупроқшунослик кафедраси доценти;
А. У. АЛИЕВ — ТошДАУ қошидаги ихтисослашган Респуб-
лика касб-хунар лицейи директори мувовини.

А 370401010021-12 буюртма, 2003
М 359(04) — 2003

ISBN 5-8244-1545-5

© «Мехнат» нашриёти, 2003 й



КИРИШ

Дәхқончилик қишлоқ хұжалиғи экінларини стишириш, улар ҳосилдорлигини ошириш, ердан унумли фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш ҳақидағы фандир. Тупроқнинг табиий унумдорлигини сақлаган ҳолда унинг маҳсулдорлигини юксалтириш ҳар доим дәхқончиликнинг асосий вазифаси булып келган. Зоро, шу масаланиң ижобий ұал етилиши қишлоқ хұжалиғи ишлаб чиқаришининг тараққиетини таъминлады.

Республикамизнинг умумий майдони 447,4 минг км² булып, унинг атиги 10 фоизи экінзорлар билан банд. Кейинги ярим аср мобайніда сүфориладиган ер майдони 2,46 млн. гектардан 4,3 млн. гектарга етказилди. Унинг ярмидан күпроғи мелиоратив жиҳатдан нокулай — түрли даражада шұрланған тупроққа түғри келади. Лалмикор дәхқончилик майдони 743 минг гектар булып, Жиззах вилоятіда 220,9 минг, Қашқадарё вилоятіда 252,0 минг ва Самарқанд вилоятіда 175,5 минг гектарни ташкил этади. Республикаизда етиширилаётган қишлоқ хұжалиғи маҳсулоттарининг асосий қисими сүфориладиган ерлардан олинмоқда. Бундай майдонларда экинлар ҳосилдорлиги лалми дәхқончиликлагига қараганда бир неча (хатто 10 ва ундан ортик) марта юқоридир.

Хозирғи кунда аҳоли жон бошига Ўзбекистонда — 0,16—0,17 га, Қозогистонда — 1,54, Қыргызистонда — 0,26, Украинада — 0,59 ва Россияда — 0,67 га сүфориладиган ер түғри келади. Қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларига үсіб бораётган әхтисіжни қондириш ва чорвачиликни юқори сифатли озуқа билан таъминлаш учун керакли экинлар етишириледиган ерлардан янада оқылона фойдаланиш, улар ҳосилдорлигини ошириш талаб этилади.

Дәхқончиликни жадал юритиш тизими катта миқдорда үғитлар ва үсімліктернің қимоя қилиш воситаларини құллаш, тупроққа рацонал ишлов беріш, мелиоратив тадбирларни ишга солиш, экин-

ларни парваришлаш технологиясини ва қишлоқ хұжалиги техника-сини такомиллаштириш билан боғлиқ. Замонавий деҳқончилик хұжалигининг табиий ва иқтисодий шароитларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқариш ресурслари — тупроқ, үйт, машиналар, иш кучидан унумли фойдаланишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси халқ хұжалигининг энг иирик тармоги бўлган қишлоқ хұжалиги мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин бу соҳани ривожлантириш мақсадида мулкчиликнинг янгича шакллари тенг ҳуқуқли асосда равнақ топишини таъминлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш бора-сида ислоҳотларни чуқурлаштириш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Юртимизда қабул қилинаётган қонунлар, Ҳукумат қарорлари қишлоқ хұжалигига ер-сув ресурсларидан янада сама-ралироқ фойдаланишга, сугориладиган гектар маҳсулорлигини оширишга имкон бермоқда. «Қишлоқ хұжалиги кооперативи (ширкат хұжалиги) тұгрисида», «Фермер хұжалиги тұгрисида», «Деҳқон хұжалиги тұгрисида»ги Қонунлар ва бошқа месъөрий хужжатлар ишлаб чиқарувчи деҳқон ва фермер хұжаликларининг ер-сув ресурсларига бўлган манбаатли муносабатлари тұлақонли шакланишига йўл очди.

Фан ва илфор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиши қишлоқ хұжалиги самарадорлигини оширувчи омиллардан ҳисобланади. Бунга эса аниқ бир жойнинг табиий ва иқтисодий шароитларини эътиборга олган ҳолда деҳқончилик тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш асосида ердан унумли фойдаланиш, экинларни парваришлашынг такомиллаштирилган замонавий технологияларини құллаш каби тадбирлар орқали әришилади.

Республика қишлоқ хұжалигига амалга оширилаётган ислоҳотлар, экинлар етиштириш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга жорий қилинаётган технологиялар ушбу соҳа, шу жумладан, чорвачилик мутахассислари ишига ҳам құшимчы талаблар қўймоқда. Чорвачиликка ихтисослашган хұжалик мутахассиси агрономия буйича ҳам зарурий билим ва амалий кўникмаларни ўзида мужассам этган ишбоши бўлиши лозим. Шу сабабдан, деҳқончилик асослари ва ем-хашак етиштириш технологиясини ўрганиш зоотехника мутахассисларини тайёрлаш дастурининг таркибий қисми бўлиб, бу фанлар қишлоқ хұжалиги ҳайвонларини озиқлантириш, қишлоқ хұжалиги иқтисодиёти, табиатни муҳофаза қилиш, чорвачиликни механизациялаш ва автоматлаштириш фанлари билан узвий алоқададир.

I. АГРОНОМИЯ АСОСЛАРИ

1. ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРИХИДАН

Деҳқончилик инсониятнинг қадимий фаолият турларидан булиб, экинларни етиштиришга оид дастлабки маълумотлар қадимги юон шоири Гесиод (мил. авв. 776 й.) ва файласуф олим Аристотел (мил. авв. 384 й.) асарларида келтирилади. Рим шоири Вергилий (мил. авв. 70—19 й.) деҳқончилик түгрисидаги поэмасида тупроқ хусусиятлари, шудгорлаш, экинларни далада навбатлаб экишининг аҳамияти ҳақила тұхталиб, ерга ишлов беришга оид тавсиялар ёзіб қолдирған.

Ибтидоий одамлар ёввойи ҳолда ўсуви үсимликлар донини йиғишириб олишдан аста-секин уларни сунъий равищда етиштиришга ўта бошлашган. Бунда, асосан, лиман деҳқончилик юритилған, яғни экинзорлар дарё соҳилида барпо қилиниб, тошқын пайтида уларни сув босған. Милоддан аввалги VI—V минг йилликда лиман сугориш Марказий Осиёнинг жануби-ғарбидаги тоголди ҳудудларида таркиб топған ва ривожланған.

Милоддан аввалги IV минг йилликда Марказий Осиёнинг жанубий тоголди ҳудудларида лиман ва қайир деҳқончилигидан сугориб деҳқончилик қилишга ўтила бошлаган ва шу минг йилликнинг иккінчи ярми ҳамда III минг йиллик бошларида зироатчиликнинг бу усули көнгая борди.

Марказий Осиёнинг ўрта ва шарқий қисмларida сугориладиган деҳқончилик нисбатан кеч тарқалған. Ўзбекистоннинг тоголди воҳаларида ўтроқ деҳқончилик тарихини ўрганиш бўйича олиб борилған археологик тадқиқотлар сугориб деҳқончилик қилиш милоддан аввалги II минг йилликда Сурхондарё водийси (Сополлитепа, Кучуктепа, Далварзинтепа), Фарғона водийсининг шарқий қисми (Чуст), Амударё дельтаси (Кўкча, Бозор) ва Зарафшон водийси (Замонбо-бо)да юзага келгандигини кўрсатади.

Милоддан аввалги I минг йилликда Марказий Осиёда сугориш ишларини ривожлантиришда янги давр бошланди. Хоразм, Марғиёна ва Кофарниҳонда милоддан аввалги VI—IV асрлардан милодий IV асрғача, Фарғона, Сўёд ва Тошкент воҳасида милодий III—IV асрларда сугориши ишлари тараққий этди.

Ўзбекистоннинг жануби (Занг канали ва бошқа сув манбалари) ва Тожикистон (Вахш, Ҳисор водийлари) даги, Тошкент ва Самар-

қанл воҳаларидаги қадимий сүфориш тизимларининг қолдиқлари антик дәхқончиликнинг тез суръатларда ривожланиши милодий I—IV асрларга тўғри келганлигини тасдиқлайди.

Қулдорлик тузумидан феодал жамиятга ўтиш даври (IV—VI асрлар)да Марказий Осиёда сүфориладиган ерлар майдони кескин қисқарди. VII асрдан бошлаб эса яна кенгая борди ва айниқса, IX—XIII асрларда, яъни Сомонийлар (IX—X асрлар), Қорахонийлар (XI—XII) ва Хоразмшоҳлар (XII—XIII аср боши) ҳукмронлиги даврларида сүфориладиган дәхқончилик кенг кўламда ривожланди.

Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда сүфориладиган дәхқончилик XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳар томонлама равнақ топа бориб, XX асрнинг иккинчи ярмида жадал тараққиёт босқичига кирди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ФАННИ АВЛОДЛАР СИЛСИЛАСИДА

Дәхқончилик фан сифатида табиий фанларнинг умумий ривожланиши билан узвий боғлиқликда шаклланиб, равнақ топиб борди. Кўпроқ табиий омиллар асосида сүфориб, дәхқончилик қилиш авж олган Шарқда ўрта асрларда бу соҳада илмий, оммабоп рисолалар, китоблар яратила бошланди. Жумладан, Ниёзий исмли муаллифнинг 1515 йили ёзиб тутатилган саккиз бобдан иборат «Иршод уз-зироат» («Зироат дастури») асарида Ҳирот вилояти дәхқончилиги мисолида кенг илмий таҳдил, хулоса ва тавсиялар берилган. Ўша даврга мансуб «Фаний кишту зироат» («Зироатчилик амали») китоби ҳам бу борада бутунги кунда фойдали кўлланма бўла оладиган асарлардан-дир. XVIII асрда Россияда агрономия фанининг оёққа туришида рус олимларининг хизматлари бекиёс катта бўлди. М.В. Ломоносовнинг (1711—1765) саъй-ҳаракатлари туфайли Россия Фанлар академиясида 1765 йили «Дәхқончилик синфи» янгитдан ташкил этилди.

Агроном А.Т. Болотов (1738—1833) дәхқончилик фанининг асосчиларидан биридир. У 300 дан ортиқ рисола чоп эттирган бўлиб, «Далаларнинг бўлинниши ҳақида»ги асарида алмашлаб экиш тушун-часини таърифлаб берди.

И.М. Комовнинг (1750—1792) «Дәхқончилик ҳақида»ги китоби шу соҳадаги қомусий асар ҳисобланади. Олим дәхқончиликнинг далалар алмашлаб туриладиган тизими тарафдори бўлиб, зироатчиликни илмий асосда ривожлантиришига катта эътибор қаратди.

Москва давлат университетининг профессори М.Г. Павлов (1793—1840) «Қишлоқ хўжалиги» асарида тупроқ унумдорлиги бу соҳа ишлаб чиқаришининг ягона асоси эканлигини таъкидлаган.

XIX асрда А.В.Советов, И.А. Стебут, В.В. Докучаев, П.А. Костичев, К.А.Тимиризев ва бошқа йирик олимлар агрономия фани ва амалиётига ўз киссаларини қўшишиди.

Замонавий тупроқшунослик асосчиси В. В. Докучаев (1846—1909), «Рус қоратупроғи» асарида биринчи маротаба тупроқ ва унинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида илмий тушунча берди ҳамда тупроқларни илмий асосда тоифаларга ажратди. Россиянинг дашт минтақаларида дәхқончилик қилиш тадбирларини ишлаб чиқди.

П.А. Костичев (1845—1885) тупроқшунослик фанига агрономик нуқтаси назардан ёндашиб, тупроқни қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий омили деб қаради ва тупроқ билан ўсимлик ўртасидаги узвий боғлиқликни кўрсатиб берди. Олим қишлоқ ҳўжалиги экинлари парвариш қилинаётган шароитда тупроқ унумдорлигини ошириши, тупроқ таркиби тизимини шакллантириши ва уни сақлаб қолишига эътибор қаратиш, алмашлаб экишни қўллаш ҳамда кўп ийлилк ўтларни қўпайтиришни тавсия этди.

Агрономия фани равнақига катта ҳисса қўшган К.А.Тимиризев (1843—1920) фаннинг асосий вазифаси юқори ҳосил стишириш учун курашдан иборат деб ҳисоблаб, ўсимликларнинг физиологик хусусиятлари ривожланиши ва ҳаёти учун зарур талабларни ўрганиб чиқиб, ўсимликлар физиологияси фанини яратди ва бу соҳала кашф этилган янгиликларни қишлоқ ҳўжалиигига татбиқ этди.

Агрокимё мактабининг асосчиси деб эътироф этилган Д.Н.Прянишников (1865—1948) дәхқончилик тизимида экинларни навбатлаб экиш, минерал ва органик ўғитларни кенг кўламда қўллаши, қатор ораларига ишлов бериш ва дуккакли маданий ўсимликларни қўпайтириш тавсиялари билан чиқди.

Н.И. Вавилов (1887—1943) дәхқончиликада эришиладиган ютуқлар кўп жиҳатдан қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва уларнинг навлари тўғри жойлаштирилишига боғлиқ эканлитини исботлаб берди. Унинг «Жануби-шарқ дала экинлари» асари қатор тажриба муассасаларини ташкил этиш ва илмий тадқиқот ишларини кенгайтиришда муҳим роль ўйнади.

Илмий агрономиянинг ривожланишида А.Г.Дояренконинг хизматлари ҳам диккатта сазовордир. Тупроқ агрофизикаси илмий мактабининг асосчиси бўлган бу олим тупроқнинг физик хоссаларини, сув ва ҳаво режимини текшириш усусларини ишлаб чиқди ва амалиётга жорий этди.

Н.М.Тулайков (1875—1938) ҳам агрономия фани тараққиётига катта меҳнати синган олимлардан санаалади.

В.Р.Вильямс (1863—1939) тупроқшунослик фанини ривожлантириши ва тупроқнинг пайдо бўлиш жараёнини таҳлил этиш бораси-

да илмий тадқиқотлар олиб борган бўлиб, бу фанда биологик назарияга асос солди. Тупроқ унумдорлигини оширишда ўсимликлар ва тупроқ микрофлорасининг аҳамиятини кўрсатиб берди ҳамда органик моддаларнинг пайдо бўлиши ва парчаланиши тупроқ шаклланишининг асосий омили эканлигини аниқлади.

Селекция фанини ривожлантиришга П.П.Лукъяненко (1901—1973), В.С.Пустовойт (1886—1972), В.Н.Ремесло (1907—1984), В.Н.Мамонтова (1895—1982) ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Республикамизда дәхқончилик фанининг равнақида С.Н.Рижов, М.В.Муҳаммаджонов, А.Қ.Қашқаров, З.С.Турсунхўжаев, В.Ф.Кондратюқ, Н.А.Малицкий, А.Ф.Соколов ва бошқа олимларнинг хизматлари беқиёс катта бўлди.

С.Н.Рижов (1903—1981) гўзани суғориш, тупроқнинг сув-физик хоссаларини бошқаришга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқди.

М.В.Муҳаммаджонов (1914—2000) гўза, ем-хаshawak экиладиган ерларни ҳайдаш чуқурлигини ошириш ҳамда тупроқ унумдорлигини юксалтиришга имкон берувчи бошқа талбирлар тизими ни таклиф қилди.

А.Қ.Қашқаров дәхқончилик фанини ривожлантириш ва дәхқончилик маданиятини ошириш, ҳайдов чуқурлигини табақалаштириш, ерга ишлов беришсонини камайтириш ва бошқа масалаларга оид тавсиялар берди.

А.Н.Аскоченский, С.Т.Алтунин, Н.А.Димо, В.Д.Журин, А.А.Рачинский, И.Ф.Сукач, Х.А.Аҳмедов, В.С.Малигин, Н.В.Макридин, С.М.Кривовяз, Н.Ф.Беспалов, К.Мирзажонов ва бошқа кўпгина олимлар мелиорация ва ирригацияни ривожлантириш борасида муҳим талқиқотлар олиб бордилар.

Илмий фаoliyatiini, асосан, Марказий Осиёдаги тупроқ хилмакхиллиги билан боелиқ ўзига хос хусусиятларни ўрганишига бағишиланган Н.А.Димо, В.А.Ковда, А.Н.Розанов, М.А.Панков, И.Н.Антипов-Каратаев, Ю.П.Лебедов, Н.В.Кимберг, И.С.Рабочев, М.Баҳодиров, А.М.Расулов ва бошқа олимларнинг йирик ишлари ҳам кўпчиликка яхши маълум.

Республика агрокимё фанини ривожига А.Кудрин, Б.П.Мачигин, М.З.Казиев, П.В.Протасов, М.А.Белоусов, Н.П.Малинкин каби йирик олимлар муносаб ҳисса қўшдилар.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Агрономия фанининг мазмуни, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Республика қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволи ҳақида сўзлаб беринг.

3. Қишлоқ хұжалигини ривожлантиришга оид қонун ва қарорларни күрсатынг.

4. Дәхқончилликнинг ривожланиш тарихи ҳақида нималарни биласиз?

5. Дәхқончиллик фанининг ривожланиш босқичларини бағыттынг.

6. Чорвачилик озуқа базасини мустақамлашда дәхқончилликнинг ақамияти нимада?

2. ҚИШЛОҚ ХҰЖАЛИГИ ӘКИНЛАРИНИНГ ҲАЁТ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

Үсімліклар ҳаёти учун ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, сув ва озиқ моддалар зарурий омиллар қосыбланади. Үсімліклар тупроқдан сув ва унда әриган моддаларни ҳамда ҳаводан карбонат антидрийн үзлаشتыриб, фотосинтез жараёнила бирламчы органик моддаларни синтезлашидан ёғ, оқсил каби бириқмалар шаклланади. Ушбу жараённинг муваффақиятли кечиши үсімлікнинг ҳаёт омиллари билан қай даражада таъминланғанлығига боғлиқ. Дәхқончиллик фаны шу омилларнинг үзаро боғлиқтығы, уларнинг тупроқ ҳамда үсімлікка таъсирини ўрганувчи фанларнинг іютуқтарыга асосланған ҳолда уларни бошқариш (мұтадиллаштыриш) йұлларини ишлаб чиқади ва амалиётта татбиқ этади.

Ёруғлик таъсиріда үсімлікларда фотосинтез жараёни кечиши натижасыда органик молда ҳосил болып, атмосферага кислород ажратып чиқарылади. Ёруғлик етарлы бұлғанда 1 m^2 барг сатқы 10—12 г органик молданы синтезлайди. Унинг камлиғи үсімлікнинг нимжон ривожланиши, ҳосилдорлықнинг камайиши ва маңсулот сиғати пасайиши (оқсил, қанд, крахмал на бөшқа моддалар кам түпланиши) да олиб келади.

Үсімліклар келиб чиқиши ва турига күра, ёруғлика қар хил талабда бўлади ҳамда шу асосда узун кун (бугдой, жавдар, арпа, сули, зипир, картошка, карам) ва қисқа кун (ғұза, маккажұхори, каноп, тариқ, кунгабоқар, оқ жұхори, соя, ловия ва бөшқа) үсімлікларига бўлинади. Узун кун үсімліклари жанубий ва шимолий минтақаларда яхши үсіб ривожланиши мумкин, қисқа кун үсімліклари эса, асосан, жанубий кенгіліктардагына етиштирилади.

Үсімліктарнинг ёруғлик режимини дала шароитида күчат қалинливини мұтадиллаштыриш, бегона үтларни ўз вақтида йўқотиш, әттіларни шимолдан жанубга томон йўналтириш каби тадбирлар эвазига бөшқариш мумкин. Ҳимояланған тупроқ (парник) ва иссиқхоналарда қар хил даражада ёруғлик ўтказувчи плёнка ва ойналардан фойдаланып, ёруғлик режимини турлича таъминлаш имконияти мавжуд.

Эқинларнинг биологик хусусиятлари, структураси, сув, үгіт ван проекцияларынин түғри ишга солиши каби омилларга алоҳида

зътибор бериб, комплекс тадбирлар құллаш ёруғликлан унумли фойдаланишга олиб келади.

Иссиқлиқ үсімлік ҳәтіда катта аҳамиятта зәг булып, уруғнинг яхши унишини, үсімлікнің илдіз тизими ва ер үсткі органлари шаклланишини таъминлайды. Үсімлік организміда кечадиган барча физиологик жараёнлар, тупроқ—үсімлік үртасыда боладиган модда алмашинуви, озиқ моддалар ҳаракати ҳам иссиқлиқ билан бевосита боғлиқдир.

Хар хил үсімліклар иссиқликтен турлича қабул қылади. Баъзилари иссиқлиқка күп әхтиёж сезса, бошқалари нисбатан пастроқ ҳароратда яхши үсади. Масалан, гүза ривожи учун қулай ҳарорат 25—30°C ҳисобланиб, иссиқликтен 25°C дан пасайыб кетиши унинг үсиши ва ривожланиши тұхташига олиб келади. Шунингдек, ҳарораттнинг 35—37°C дан ошиши ҳам унга салбий таъсир этади. 35—36°C ҳароратда күсаклар етилиши тезлапады. Гәлі де экинларининг яхши үсиши ва ривожланиши учун эса 20°C иссиқ әнг мақбул ҳарорат ҳисобланади.

Экин уруғларининг униб чиқиши учун ҳам муайян ҳарорат зарурдир. Агар тупроқ иссиқлиги паст бұлса, уруғ кеч униб чиқады ёки бутунлай унмасдан қолиб кетади. Уруғ униб чиқиши учун зарур әнг паст ҳарорат билан үртаса суткалик ҳарорат орасидаги фарқ *самаралы ҳарорат* дейилади. Хар хил үсімліклар уруғининг униб чиқиши учун турлича ҳарорат талаб этилади. Масалан, бүгдой, жавдар, арпа, сули уруғи 4—5°C иссиқда, беда, йұнғичқа — 2—3°C, зипир — 6°C, картошқа — 8—9°C иссиқда уна бошланды, уларнинг үсиши учун мұтадил ҳарорат 15—20°C ҳисобланса, уруғи 10—12°C да униб чиқадиган маккажұори, тарық, оқ жұхори ва 12—14°C да унадиган гүза үсімлігі 20—25°C да үзини жуда яхши сезади. Күплаб үсімлікларда фотосинтез жараёни, асосан, 0—5°C да бошланади, мұтадил ҳарорат эса 20—30°C ҳисобланади. Ҳарорат бундан ошган сары фотосинтез жараёни ҳам сусайыб боради ва 40—45°C да деярли тұхтайди, 50—52°C да эса үсімлік нобуд бұлади. Үсімліктарнинг паст ҳароратта чидамлилік даражасы ҳам турлича. Баҳорғы экинлар 1—6°C совуқ ҳароратда нобуд бұлса, күзги экинлар — 18—20°C совуққа барлош беради.

Тупроқнинг иссиқлиқ режимі ундағы микробиологик жараёнларга кучли таъсир этади ва үсімлікнің озиқланиши имконияттарини белгилаб беради. Микроорганизмлар учун тупроқдаги мұтадил ҳарорат 20—25°C ҳисобланади. Иссиқликтен 10°C дан паст ёки 40°C дан юқори бўлиши улар фаолиятига салбий таъсир күрсатади. Қуёш нурининг энергияси тупроқ ҳароратининг манбаи бўлиб, ундағы органик моддалар парчаланувига имкон беради.

Тупроқнинг иссиқлик ютиши, сифими, иссиқлик ўтказувчанилиги ва ажратиши унинг иссиқлик режимини белгиловчи асосий хусусиятлардир. Бу режим тупроқнинг сув-ҳаво хусусиятини яхшилаш, структура ҳолатини таъминлаш, ишлов бериш, органик ўғитлардан фойдаланиш, зах қочириш йўли билан бошқарилади. Шунингдек, сугориш йўли билан тупроқ ва ер сатҳига яқин атмосфера ҳавосининг иссиқлик режимига таъсир этиш мумкин. Сугориладиган ерларда ҳарорат сугорилмайдиган ерлардагидан анча паст бўлади ҳамда тупроқ ҳароратининг ўзгариш амплитудаси камаяди. Тупроқнинг иссиқлик режимига пушталарни **мульчалаш** (масалан, плёнка остига экиш) йўли билан ҳам таъсир курсалтилади. Тупроқнинг иссиқлик режимини бошқариша экинларни пушталаб экиш маълум аҳамияттаги этади.

Ўсимликларнинг иссиқликка талаби фаол ҳароратлар (10°C дан юқори) йиғиндиси билан белгиланади. Бу кўрсатгич картошка учун $1200-1800^{\circ}\text{C}$, маккажӯҳори учун эса $2100-2900^{\circ}\text{C}$ га тенг. Шуни ҳисобга олиб, ўсимликлар тури ва навини муайян жой шароитларидан келиб чиққан ҳолда танлаш лозим.

Ўрмон иҳота дараҳтлари ва ҳимоя-кулис экинлари ҳам сугориладиган даланинг микроклимини яхшилашда катта аҳамиятга эга. Улар туфайли ер сатҳига яқин атмосфера ҳарорати пасайиб, нисбий намлиқ ортади.

Ҳаво. Ўсимликларнинг озиқданишила ҳаво, жумладан, карбонат ангидриднинг ўрни беқиёсdir. Атмосфера ҳавоси $78,08$ фоиз азот, $20,95$ фоиз кислород, $0,03$ фоиз карбонат ангидрид ва бошқа моддалардан иборат. Ўсимликлар фотосинтез жараёнида ҳаводан карбонат ангидридни ўзлаштириб, кислород ажратиб чиқаради. Нафас олиш жараёнида эса кислорол ютиб, карбонат ангидрид ажратади.

Тупроқ ҳавоси қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларнинг ҳаёт омили бўлиб, унинг таркибида ўсимликларга зарур унсурлар — кислород, углерод, азот мавжудdir. Тупроқдаги аэроб бактериялар ва ўсимлик илдизи нафас олиши учун ҳаво зарур. Туганакли бактериялар тупроқ ҳавосидаги молекуляр азотни ўсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклга айлантириб беради. Аммиакни оксидлашда қатнашадиган нитробактериялар учун ҳам кислород керак. Тупроқдаги кислород ўсимликлар униб чиқишига хизмат қилади. Етарли дараҷада кислород бўлмаган шароитда уруглар униб чиқмасдан, нобуд бўлишга маҳкумдир.

Тупроқ ҳавосининг таркиби доимий бўлмай, атмосфера ҳавосидан кескин фарқ қиласи (кислород 20 фоиздан 5 фоизгача ва карбонат ангидрил $0,1$ фоиздан $1,5$ фоизгача ўзгариб туради). Тупроқ ҳавосида кислород 5 фоиздан кам бўлганда, ўсимликларнинг нобуд бўлиши кузати-

лади. Бундай шароитта тупроқ микроорганизмларининг фаолияти ҳам сустлашади. Ўсимликлар учун ер юзасига яқин атмосфера ва тупроқ ҳавосида 1 фойизга яқин карбонат ангидриднинг булиши қулай ҳисобланади.

Сув. Ўсимликнинг ҳар бир органи, тўқимаси ва ҳужайраси таркибий қисми булиб, унинг танасида ҳамда тупроқда юз берадиган физиологик, кимёвий, биокимёвий жараёнларнинг барчаси сувли мұхитда кечади. Сув тупроқдаги озиқ моддаларининг эриши, ўсимлик танасига сўрилиши ва ҳаракатланишида, фотосинтезда, хуллас, барча ҳәтий жараёнларда бекіёт аҳамиятга эга.

Сув ўсимлик ҳәтида механик вазифани ҳам бажаради — ўсимлик сувга тўйинганда тургор ҳолатида, акс ҳолда газомолиз ҳолатида булади.

Сувга бўлган талабига кўра, ўсимликлар гидрофит (сувга ўга талабчан), ксерофит (курғоқчиликка чидамли) ва мезофит (сувга ўртача талабчан) турларга бўлинади. Тупроқ ва ўсимликлар орасидаги сув алмашиниш жараёни диффузия ҳодисасига асосланган. Кўп ийлилк ўтлар сувни кўп, гўза нисбатан камроқ, маккаждӯхори ундан ҳам кам талаб қиласи.

Сув билан таъминланганлик ўсимликнинг ўсиш, шохланиш ва баргланиш даражаларига ҳамда барг ўлчамига таъсир этади. Ўсимлик органлари тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда ривожланади ва ўсади. Тупроқ намлиги кам бўлса, ўсимликнинг илдиз тизими чуқур қатламларга кетиб, ер устки органлари яхши ўスマйди, аксинча бўлганда эса, илдиз тизими яхши ривожланмайди, ер устки органлари ғовлаб кетади.

Ўсиш давомида ўсимликлар турлича тадрижий жараённи босиб ўтишади. Шунга кўра, уларнинг сув истеъмол қилиш динамикаси ҳам турлича булади. Маккаждӯхорида бу даврлар куйидагича: 1) сulton чиқаргунча; 2) сulton чиқаришдан доининг сут-мум пишиш давригача; 3) пишиш даври.

Озиқа. Тупроқ ўсимликларни озиқ унсурлари билан таъминловчи асосий маңба ҳисобланади. Улар илдизлари орқали тупроқдан сув ва унда эриган озиқ унсурлари — азот, фосфор, калий, кальций, магний ва бошқа кўпгина моддаларни, ҳаводан эса карбонат ангидридни ўзлаштиради. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари таркибидаги куруқ модданинг 42—45 фоизи углерод, 40—42 фоизи кислород, 6—7 фоизи водороддан иборат булиб, 6—10 фоизини азот ва бошқа моддалар ташкил этади.

Ўсимликлар ҳәтида озиқ унсурларининг аҳамияти турлича. Азот ўсимликнинг ўсишига таъсир қилувчи кучли омил булиб, унинг ётиш маслиги ҳам, кўплиги ҳам заарлидир. У камлигида ўсимликнинг ўсиши секинлашади, меъёридан ортиқча бўлганида, экин ғовлаб кетади. Фосфор ҳосил унсурларининг шаклланиши, пишиб етилишида иштирок этса, калий моддалар алмашинувини тезлаштиради, ўсимликнинг касалликка чидамлилигини оширади.

Ўсимликлар танасида учрайдиган барча унсурлар ҳәтий ўрни ва миқдорига кўра уч гуруҳга ажратилади: 1) макрэлементлар ўсим-

лик танасининг 0,01 фоизидан ўнлаб фоизгача бўлган миқдорини ташкил этади. Буларга углерод, кислород, водород, азот, фосфор, калий, кальций, магний, олтингурут, темир ва бошқа унсурлар мисол бўла олади; 2) *микроэлементлар ўсимлик таркибида кам миқдорда* (10^{-3} — 10^{-6} фоиз) учрайдиган унсурлар бўлиб, марганец, бўр, молибден, мис, рух, кобальт, йод, ванинадий шулар жумласига киради; 3) *ультрамикроэлементлар ўсимлик танасида жуда кам миқдорда* (10^{-6} — 10^{-12} фоиз) учрайдиган рубидий, цезий, селен, кадмий, кумуш, симоб ва бошқа унсурларни ўз ичига олади.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚОНУNLARI VA УЛАРНИNG АҲАМИЯТИ

Деҳқончилик қонунлари тупроқ унумдорлигини ошириш ва ундан тўғри фойдаланишининг назарий асослари ҳисобланниб, ўсимликлар ҳаётий омилларининг ўзгариб туриши ва ўзаро боғлиқлигини белгилаб беради. *Ўсимликларнинг автотрофлик* (мустақил озиқланиши) қонуни уларнинг минерал озиқланиши ва фотосинтез назарияларини бирлаштиради. Қонуннинг моҳияти шундан иборатки, яшил ўсимликлар тупроқдан сув ва унда эриган минерал бирикмаларни ҳамда ҳаводан карбонат ангидридни ўзлаштириб, күёшнинг ёруғлик энергиясидан фойдалangan ҳолда, ўзининг ҳаёт фаолияти учун керакли органик моддаларни ҳосил қиласди. Инсон бу қонунни тўлиқ ўзгартира олмайди, лекин унинг энг юқори даражада амалга ошиши учун зарур шароитлар яратади. Масалан, агротехник тадбирлар эвазига барг сатҳи шаклланишини тезлаштириш мумкин, бу фотосинтез жараёни жадаллашувига олиб келади. Муайян аник бир шароит учун самарали экин тури ёки навини танлаш, ўз вақтида қулай меъёрда сифатли экиш, тупроқда мұтадил озиқ миқдори, сув ва ҳаво режимларини таъминлаш, яхши парвариш қилиш йўли билан ўсимлик ўз биологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши учун шароит яратиш мумкин.


Ўсимликлар ҳаёт омилларининг тенг аҳамиятлилиги ва алмаштириб бўлмаслиги қонуни. Барча омиллар (ёруғлик, ҳарорат, ҳаво, сув, озиқ) ўсимлик ҳаётида тенг аҳамиятли бўлиб, бирини иккинчиси билан алмаштириш мумкин эмас. Агар ўсимликка сув етишмайди бўлса, ҳар қанча минерал ўғит қўллаш билан унинг ўрнини босиб бўлмайди. Ёки етишмайди азот ўрнини фосфор ҳисобига тўлдириш мумкин эмас. *Ўсимликлар озиқланишида микроэлементлар танқислиги уларнинг ўсиб-ривожланиш жараёни издан чиқишига олиб келади, ўсимликлар озиқланишида ҳаёт омилларининг миқдорий кўрсаткичлари асосий шароит сифатида роль ўйнамаслиги уларнинг тенг аҳамиятли эканлигини билдиради.*

Үсімліклар ҳосилдорлиғи унга таъсир этувчи ҳаёт омилларининг эң кам миқдори билан белгиланади ва бу қонун *минимум қонун* дейилади. Тупрөк унумдорлиғи үсімлік учун зарурый озиқ унсурларининг эң кам миқдори билан тұғридан-тұғри боғлиқ бұлади. Немис олими Ю. Либих үсімлікларнинг ҳосилдорлиғи ҳаёт омилларининг эң кам миқдори даражасыда булишини биринчі бұлиб (1840 й.) тасдиқлаган. Ушбу назариянинг янада чуқурлаشتырилиши шуни күрсатады, үсімлікларнинг ривожланиши ва ҳосилдорлиғи нафақат ҳаёт омилларининг эң кам ёки ортиқча даражада таъминлаганнанғига, балки чекловчы сабабларға (касалык, заракунанда каби) ҳам боғлиқ. Ҳозирги кунда мазкур қонун *чекловчы сабаблар қонуны деб юритилади*.

Дәхқончилик шароитида *оптимум қонуни* эң ажамиятлы ҳисобланып, унга биноан, барча ҳаётті омиллар үсімліклар учун мұтадил, мақбул (оптималь) миқдорларда бұлғанда, эң юқори ҳосил шаклланаған. Чунки ҳаёт омилларининг етишмовчилігі ёки меъердан зиёда булиши үсімлікларға салбий таъсир қылғаси ва ҳосилдорликни чеклаб құяды.

Ҳаёт омилларининг биргаликда таъсир этиши қонуны. Бунда үсімлік учун ҳаёт омилларининг аксарияти мұтадил миқдорда бұлғанда, етишмәйтган маълум бир омилнинг кам салбий таъсир күрсатиши тушунлады. Айрим омиллар (масалан, озиқ унсурлари) билівсита таъсир этиши хусусиятига эга: фосфор ва калий ҳосилнинг етилишини тезлаشتырыш билан биргаликда үсімлікларнинг сувга бұлған әхтиёжини сезиларлы миқдорда камайтиради. Тупроқда сувнинг етарлы булиши озиқ унсурлары яхши үзлаشتырилишига олиб келади.

Үсімлікларнинг ҳаёт омилларига талабини қондирішда, эң авало, уларнинг үсиб-ривожланишини чекловчи омилларни яхшилашыра, яғни уларнинг чеклов маррасини юқоригоқ күтаришга қаратыш лозим. Буни Добенек бочкасаси мисолида күриш мүмкін (1-расм). Бочка тахтачаларининг ба-



1-расм. Минимум қонунини ифодаловчи чизма.

ландлиги алоҳида омил билан таъминланганлик даражасини кўрсатади. Бочкада тутиб қолинадиган сув сатҳи унданаги энг паст таҳтача (энг кам таъминланган омил) баландлигига бўлиб, у шаклланадиган ҳосил миқдорини белгилайди. Шу сабабдан асосий эътибор энг кам таъминланган ҳаёт омиллари мўътадил даражада бўлишига қаратилиши лозим.

Тупроқ бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан қўйилдаги хусусиятлари билан фарқланади: узоқ вақт фойдаланиш натижасида у эскирмайди ва емирилмайди, тўғри ва унумли фойдаланилганда, унинг барча хусусиятлари, шу жумладан, унумдорлигига яхшиланиб боради. Буни тупроқ унумдорлигининг ортиши қонуну билан изоҳлаш мумкин. Тупроқдан унумли фойдаланишда илмий асосланган алмашлаб экишни қўллаш, органик ва минерал ўғитларни мўътадил месъёрларда ишлатиш, ерга тўғри ишлов бериш, мелиоратив тадбирларни амалга ошириш, тупроқ нурашининг олдини олиш каби тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

Ю. Либих тупроққа ўзлаштирилган моддаларни қайтариш қонунини кашф этди. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, ўсимлик ўзлаштирган ва ҳосил билан олиб чиқиб кетилаётган озиқ унсурлари тупроқдан табиий йўқотилишини ҳам ҳисобга олган ҳолда тупроққа минерал ва органик ўғитлар тарзида қайтарилимоғи лозим, акс ҳолда тупроқ унумдорлиги пасая боради.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўсимликлар учун ҳаётий омилларни таърифланг.
2. Ёруғлик ва иссиқлик омилларини ва уларни бошқариш йўлларини кўрсатинг.
3. Сув, озиқ ва ҳаво омиллари ҳамда уларни бошқариш ҳақида сўзлаб беринг.
4. Тупроқнинг иссиқлик ва ҳаво режимлари деганда нима тушунилади?
5. Тупроқнинг сув ва озиқ режимлари ҳамда уларни бошқариш йўлларини баён этинг.
6. Дехқончиликнинг асосий қонунларини таърифланг.
7. Дехқончилик қонунларини тўлиқ рӯёбга чиқаришини таъминловчи тадбирлар ҳақида маълумот беринг.

3. ТУПРОҚ ВА УНИНГ УНУМДОРЛИГИ

Тупроқ — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий ва бирдан-бир воситаси бўлиб, ҳар қайси мамлакатнинг битмас-туганмас табиий бойлиги ҳамда кишилик жамияти учун зарурий озиқ маҳсулотлари ва турли ҳом ашё этиштириладиган асосий ва ягона манбадир.

Ер шари пўстлогининг ўсимликлар ўсиб ривожлана оладиган устки тоғик қатлами тупроқ дейилади. У маълум шароитда табиий омил

ва тирик организмларнинг ўзаро таъсирида тоғ жинсларининг нураши оқибатида пайдо бўлган. Ўзига хос тузилишга, таркиб ва хусусиятларга эга бўлганилигидан тупроқни мураккаб табиий жисм деб қарашиб мумкин.

Тупроқ ҳақидаги дастлабки илмий тушунчани таклиф этган рус олими В.В. Докучаев (1846—1903) бу соҳадаги илмий фан асосчиси ҳисобланади. Тупроқшунослик фанининг асосий йўналишларини ишлаб чиқсан олим тупроқнинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан унга табиий-тарихий жисм сифатида қарашини тавсия этган.

Тупроқнинг пайдо бўлиши мураккаб биофизик-кимёвий жарб бўлиб, у ер юзасида тарқалган тоғ жинслари ва минераллари, тоукум сингари ғовак жинсларнинг узоқ вақт давом этиб келаёт нураш жараёни маҳсулидир.

Ҳароратнинг ўзгариши ҳамда ҳаво ва организмлар таъсирид. Жинслари, минералларининг парчаланиш ҳодисасига нураш дейилади. Тупроқ она жинсининг пайдо бўлишидаги дастлабки жараён ҳисобланган нураш, уни юзага келтирадиган айрим табиий омиллар таъсирига кўра, физикавий, кимёвий ва биологик нураш турларига бўлинади.

Тупроқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унумдорлигини белгиловчи асосий омиллар кўйидагилардан иборат: тупроқ она жинси, ўсимликлар ва ҳайвонот олами, иқлим, жойнинг рельефи, тупроқнинг ёши ва инсон фаолияти. Бу омиллар тупроқ пайдо бўлишига турлича таъсир кўрсатади. Демак, тупроқ унумдорлиги нисбий тушунчадирки, ҳар хил шарт-шароитлар таъсирида ўзгариб туради.

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ

Тупроқ унумдорлиги — бу унинг ўсимликларни бутун ўсиш даври давомида озиқ унсурлари, сув, ҳаво ва бошқа зарурий омиллар билан таъминлаш хусусиятидир.

Механик таркиби оғир, структурасиз, зичлашган тупроқларнинг ҳаво режими ниҳоятда ёмон ва унумдорлиги паст булади. Тупроқ унумдорлиги унинг доимий ва ўзгармас сифати бўлмай, ерга оқилона таъсир этилганда ошиб, нотуғри ишлов берилганда эса, аксинча, пасайиб боради.

Тупроқ унумдорлиги табиий ва сунъий унумдорликка бўлинади. Таъсий омиллар таъсирида вужудга келадиган табиий унумдорлик тупроқнинг пайдо бўлиш шароити, органик ва минерал таркиби, кимёвий ва биологик хусусиятларига кўра, юқори ёки паст даражада бўлиши мумкин. Ибтидоий деҳқон дастлаб тупроқда озиқ моддаларининг умумий захираси билан белгиланадиган табиий унумдорликка дуч келган. Сунъий унумдорлик эса инсон томонидан тупроқни маданийлаштириш жараёнида яратилади. Инсон фан ва техника ютуқларидан фой-

даланиб, тупроқнинг табиий хоссаларини ўзгартиради. Деҳқончиликда қўлланилаётган ерга ишлов бериш, сугориш, ўғитлаш, алмашлаб экиш, шўр ювиш, сизот сувлар режимини мўътадиллаштириш каби тадбирлар тупроқнинг сунъий унумдорлигини шакллантиради. Табиий ва сунъий унумдорлик бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Тупроқ унумдорлиги *потенциал ва самарали унумдорликка* ҳам бўлиниади. Потенциал унумдорлик тупроқдаги озиқ унсурларининг умумий миқдори билан, самарали унумдорлик эса ўсимлик ўзлаштира оладиган озиқ моддаларининг тупроқдаги миқдори билан белгиланади. Самарали унумдорлик нафақат тупроқнинг табиий унумдорлигига, балки ўнумдорлик маданийлаштирилганлик даражасига ҳам боғлиқ. Табиий унумдорлик юқори, самарали унумдорлик эса паст бўлиши мумкин ёки, янчча, агротехник тадбирларни оқилона қўллаб, унумдор бўлмаган ердан юқори самарага эришиш имконияти ҳам мавжуд.

ТУПРОҚНИНГ МАДАНИЙЛИГИ

Академик В.В. Вильямс тупроқ унумдорлигини шароит ва унсурларга ажратиб, ўсимликларнинг тупроқдаги ҳаёт омиллари — озиқ моддалари ва сувни шундай унсурлар сифатида кўрсатади. Унумдорлик шароити тупроқнинг табиий хусусиятигагина боғлиқ бўлмасдан, тупроқни маданийлаштириш натижасида ҳам вужудга келади. Бундай шароит қурай маданий тупроқларда ўсимликтининг унумдорлик унсурлари билан таъминланганлик даражаси яхшиланади. Тупроқ қанчалик унумдор бўлмасин, унинг унумдорлик шароити ўсимлик учун қурай бўлмаса, кутилган натижага эришиш қийин. Демак, тупроқ унумдорлик хусусияти билан бирга маданий бўлиши ҳам керак.

Ўсимликларнинг ўсиши учун қурай шароит яратилган, агрокимёвий ва физикавий хоссалари яхши бўлган, зарарли организмлардан тозаланган тупроқ маданийлашган тупроқ ҳисобланади. Агрокимёвий ва физикавий хусусиятлари ёмон, яъни яхши текисланмаган, шўрланган, ботқоқланган, бегона ўтлар босиб кетган ерларнинг маданийлашганлик ларёжаси паст бўлади. Тупроқни маданийлаштиришнинг асосий учта — агрокимёвий, агрофизикавий ва биологик усуслари мавжуд.

Тупроқни агрофизикавий усула маданийлаштиришда замонавий техника воситалари ёрдамида зовур-коллекторлар қуриш орқали ерларнинг шўрини ювиш, захини қочириш, ботқоқликларни қуритиш каби тадбирлар амалга оширилади. Ерларни текислаш орқали экинларни яхши парвариш қилишга қурай замин яратилади. Қумлоқ тупроқларга лойка қостириш, оғир механик таркибли соз тупроқларга қум солиш орқали

тупроқнинг физикавий хоссалари яхшиланади. Тупроқни агрокимёвий усулда маданийлаштириш кислотали тупроқларга оҳак, ишқорий тупроқларга гипс солиш каби тадбирларни ўз ичига олади. Органик ва минерал ўғитларни ишлатиш тупроқнинг кимёвий таркибини яхшилайди.

Тупроқни биологик усулда маданийлаштириш учун экинларни навбатма-навбат алмашлаб экиш натижасида унинг физикавий ва кимёвий хоссалари такомиллаша боради. Шунингдек, тупроқдаги микробиологик жараёнларни фаоллаштириш мақсадида тугунакли ва эркин яшовчи бактериал ўғитлар солинали. Улар тупроқда азот тўпланишини таъминлайди.

ТУПРОҚНИГ УНУМДОРЛИГИ ВА МАДАНИЙЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Тупроқдаги гумус миқдори, фитосанитария ҳолати (бегона ўтлар, зааркунанда ва касаллик тарқатувчиларнинг мавжудлиги), ҳайдов қатлами қалинлиги, механик таркиби, структураси, озиқ унсурлари ҳаракатчан шаклларининг миқдори, тупроқ эритмасининг мұхит реакцияси ва бошқалар тупроқ унумдорлигининг асосий омиллари ҳисобланади.

Тупроқда ўсимлик ва ҳайвонлар қолдигидан иборат жуда күп органик моддалар тўпланиб, унинг асосий таркибий қисмiga айланаб қолади. Бу моддалар ўсимликларни озиқ унсурлари билан таъминлаш қаторида, тупроқнинг физик хоссаларини ҳам яхшилайди, микроорганизмлар фаолияти учун қулай шароит яратади. Маданийлашган тупроқ таркибida кўплаб микроорганизмлар ҳаёт кечиради: 1 см³. да тахминан 300 млн. гача тупроқ бактериялари бўлиши мумкин.

Органик моддалар ўсимлик қолдиқлари, илдизлари, микроорганизмлар ва турли жонзорлар танасининг чириши натижасида ҳосил бўлади. Органик ўғитлар солиш орқали ҳам тупроқ чириндига бойитилади. Микроорганизмлар ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг ярмидан кўпроғини парчалайди, чиринди (гумус) ва чиринди кислоталари ҳосил бўлишида иштирок этади. Гумус лотинча сўз бўлиб, тупроқ, яъни ер маъносини билдиради.

Тупроқ унумдорлигининг асосий омили ҳисобланган гумус (чиринди) гумин кислота, фульвокислота ва уларнинг тузларидан иборат. Гумус тупроқнинг физик-механик ва биологик ҳусусиятларини ҳамда озиқ режимини белгилайди, шунингдек, озиқ моддаларининг алмашинуви, ўсимликларга ўтиши ва тупроқда ҳаракатланишини таъминлайди.

Пайдо бўлиш шарт-шароитларига кўра, тупроқлар ҳар хил миқдордаги чириндига эга. Ўзбекистондаги тупроқлар таркибida гумус нисбатан кам. Чиринди озиқ моддалар таркиби ва миқдорининг ўзгариши

аэроб ва анаэроб бактериялар фаолиятiga боғлиқ. Ҳаво етарли бўлганда аэроб бактериялар чириндини парчалаб, карбонат кислота, аммиакли сув ва нитрат кислота ҳосил қиласди. Бу эса чиринди миқдорининг пасайишига олиб келади. Агар тупроқда сув кўп бўлса ва кислород етишмаса, чиринди анаэроб шароитда парчаланиб, торғ ҳосил бўлади. Демак, аэроб бактериялар чириндини парчаласа, анаэроб бактериялар янги чиринди захирасини ҳосил қиласди. Иссик иқлимни суғориладиган ерларда аэроб бактериялар фаолияти ниҳоятда жадал кечади. Шунинг учун ҳам бундай ерларда тупроқ таркибида органик моддалар камайиб кетади.

Ерга маҳаллий ўғитлар солини, сидерат (кўкат) экинлардан фойдаланиш, ўсимликларнинг илдиз ва анғиз қолдиклари, микроорганизмлар ва тупроқ жониворлари ҳисобига тупроқда органик модда миқдори таъминланниб турилади.

Ернинг унумшорлиги ва маданийлигига тупроқнинг сингдириш қобилияти, тупроқ эритмасининг реакцияси ва тупроқдаги озиқ моддалар миқдори каби омиллар кучли таъсир кўрсатади. Академик К.К. Гедройц тупроқ майда дисперс заррачалардан ташкил топганлигини таъкидлаб, унинг катион ва анионларни сингдириш ва алмаштириш қобилиятини сингдирувчи мажмуя (комплекс) деб тътифлади.

Сингдириш қобилияти дехқончиликда катта аҳамиятга эга, шу тифайли ўсимлик учун зарур озиқ унсурлари тупроқда тутиб қолинади, бу эса ўсимликларнинг озиқланиш режими ва тупроқ унумдорлиги яхшиланишига олиб келади. Тупроқ шароитига кўра сингдириш қобилияти турлича: чириндили кўмоқ ва соуз тупроқларда юқори, кўмлоқ ва кам чириндили тупроқларда эса паст бўлади. Тупроқларнинг сингдириш мажмусини тўйинган катионлар таркибига кўра, тупроқнинг физик, кимёвий ва биологик хоссалари ўзгаради.

Сингдириш мажмусига сингдирилган катионларнинг умумий миқдори тупроқнинг сингдириши сифами деб юритилади ва 100 г тупроқга нисбатан миллиграмм-эквивалентларда ифодаланади. Бу кўрсатичга қараб, унинг маданийлашганлик даражасини аниқлаш мумкин.

К.К. Гедройц тупроқларнинг сингдириш қобилиятини механик, физик, физик-кимёвий, кимёвий ва биологик сингдиришларга ажратган.

Тупроқ эритмасининг реакцияси (pH) сингдирилган катионларга беносита боғлиқ калъиций билан тўйинган тупроқ нейтрал, водород билан тўйинган тупроқ нордон ва натрий билан тўйинган тупроқ эса ишқорий муҳитга эга бўлади. Тупроқ эритмаси реакцияси ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда микроорганизмлар фаолиятига кучли таъсир этади. Кўпчилик унсурлар учун мўтадил тупроқ эритмаси реакцияси нейтралга яқин, яъни pH 6,5—8,0 га тенг бўлишилгилар. Тупроқ эритмасида водород ионининг салгина кўпайиши ёки

камайиши тупроқ микроорганизмларининг фаолияти ҳамда ўсимликлар учун ҳаёт шароитларининг ёмонлашувига олиб келади. Гидроксил иони эса ишқорий мұхит ҳосил қыладыки, унинг салбий тәсіри яққол күзга ташланади. pH нинг 6,5 дан кичик ва 8,0 дан юқори булиши маданий әкінларининг заарланишини көлтириб чиқаради.

Хайдалма қатлам қалинліги тупроқни маданийлаштиришга йұналтирилған ишларнинг асосий күрсаткычлардан бири ҳисобланади. Ўсимликтарнинг ўсиши ва ривожланиши учун чуқур унумдор қатлам ҳосил қилиш мұхим ахамияттаға етады. Чunksи илдизларнинг асосий қисми ҳайдалма қатламда жойлашса ҳам, маълум қисми анча чуқурлікка кириб боради. Масалан, күпчилик дон әкінларининг илдизлари 1 м, жұхорининг илдизлари 3 м чуқурліккача етиб бориши мүмкін. Ғұза, картошка, сабзи, помидор, қовун, тарвуз, ер ёнғоқ каби әкінларнинг илдизлари асосан ҳайдалма қатламда жойлашады. Шүннинг учун ҳам маданийлашған чуқур ҳайдалма қатлам ҳосил қилиш билан ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратиласади.

Ўсимликтарнинг ўсиши ва микроорганизмлар фаолияти тупроқ түзилишига ҳам боғлиқ. Тупроқнинг қаттық зарралари ва улардаги ғовакликлар әгаллаган җажмларнинг фоизде ифодаланған нисбий салмоғи ҳайдалма қатлам түзилиши дейилади. Тупроқдаги ғовакликлар иккиге бўлинади: диаметри 1—2 мм.дан кичик ғовакликлар капилляр, ундан катталари нокапилляр ғоваклик деб юритилади. Нокапилляр ва капилляр ғовакликлар биргаликда умумий ғоваклик дейилади. Табиий түзилиши бузилмаган тупроқ җажмининг бир қисми қаттиқ зарралар билан, қолган қисми — сув ва сувдан бўш ғоваклар ҳаво билан тўлган бўлади. Демак, тупроқ қаттиқ, суюқ ва газ (ҳаво) әгаллаган қисмлардан иборат бўлиб, уларнинг җажмий нисбати доим ўзгариб туради ва бу кесакларнинг катта-кичиқлиги, шакли, жойлашувига, намлиги ва ҳароратига боғлиқ бўлади.

Тупроқ зичлашган бўлса, капилляр ғовакликлар кўпайиб, тупроқнинг сувни кўтариш хусусияти кучаяли ва тупроқдан сув кўп миқдорда буғланади. Нокапилляр ғоваклик кўп бўлса, тупроқнинг аэрация (ҳаво алмашиниш) даражаси кучаяди. Бу ҳам ҳайдов қатламида намликтарнинг камайишига олиб келади. Капилляр ва нокапилляр ғовакликлар нисбати 1:1 бўлганда тупроқнинг сув, ҳаво ва озиқ режимлари яхши бўлади.

Тупроқнинг зичлиги унинг қатор физик хоссаларини белгилайди. Табиий ҳолатдаги мутлақ қуруқ тупроқ вазнининг шундай ҳажмдаги сув (4°C ҳароратдаги) вазнига нисбати тупроқнинг зичлиги дейилади. У тупроқнинг механик ва минералогик таркибиға, чиринди миқдори, донадорлиги ҳамда ишланиш даражасига боғлиқ бўлиб, g/cm^3 ёки t/m^3 ларда аниқланади.

ТУПРОҚ СТРУКТУРАСИ

Тупроқнинг механик унсурлари бир-бiri билан ёпишиб, ҳар хил шаклдаги ва ўлчамдаги кесакчалар вужудга келтириши структура ҳосил қилиш хусусияти деб аталади. Тупроқшуносликла *тупроқ структураси* дейилганда унинг ҳар хил шакл ва ўлчамдаги агрегатлар, яъни кесакчаларга ажралиб кетиш хусусияти тушунилади.

Йирик-майдалигига қараб, кесакчаларни қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин: мегаструктуралари (диаметри 10 мм. дан ортиқ), макроструктуралари (диаметри 10—0,25 мм), микроструктуралари (диаметри 0,25 мм. дан кичик) кесакчалар.

Агрономия нуқтаи назаридан сувда эриб, эзилиб кетмайдиган, 1—3 мм ўлчамли кесакчалар энг мақбул йирикликтаги кесакчалар ҳисобланади. Донадор тупроқларда сув ўтказувчанлиги, ҳаво алмашинуви яхши бўлганлигидан ўсимликлар учун қулай шароит вужудга келади. Ўз навбатида, бу тупроқнинг озиқ режими ҳам яхши бўлишини таъминлайди.

Тупроқ структураси доимий бўлмай, қўйидаги сабабларга кўра ўзгариб туради: 1) механик таъсир остида — далалар узра тракторлар, одамлар ва ҳайвонларнинг юриши ҳамда ишчи органлар билан кесакчаларнинг майдаланиши натижасида; 2) кимёвий таъсир туфайли—ёғин-сочин суви билан ва улар таркибидаги NH_4^+ , H^+ ионлари томонидан тупроқдаги Ca^{++} ва Mg^{++} нинг сиқиб чиқарилиши, бостириб сугорилганда сув ҳайдаб чиқарган ҳаво таъсирида тупроқ кесакчаларининг уваланиши; 3) биологик таъсир воситасида — аэроб бактериялар ёрдамида механик элементларни ёпишириб түрувчи чириндиларнинг парчаланишидан тупроқнинг майда заррачаларга бўлинниб кетиши натижасида.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тупроқ тушунчаси, тупроқнинг аҳамияти ва пайдо бўлиш жараёни ҳақида сўзлаб беринг.
2. Тупроқ унумдорлигини таснифланг.
3. Тупроқнинг маданийлиги ва уни белгиловчи омиллар нималардан иборат?
4. Тупроқ унумдорлигини қандай омиллар белгилайди?
5. Тупроқнинг сингдириш мажмуаси тушунчасини таърифланг.
6. Ҳайдалма қатлам чуқурлиги қандай аҳамиятга эга?
7. Тупроқ структураси ҳақида нималарни билиб олдингиз?

1-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ТУПРОҚНИНГ МОРФОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ

Дарс режаси:

1. Намуна ва монолитлар асосида тупроқлар морфологиясини ўрганиш.
2. Тупроқ қирқими (разрези) асосида тупроқнинг морфологиясини аниқлаш.

Керакли асбоб-анжомлар: тупроқнинг намуна ва монолитлари, бел-курак, рулетка ёки пўлат метр, чизгич, пичоқ.

Тупроқларнинг хусусиятларини морфологик белгиларига кўра аниқлаш учун амалий машгулотда монолитлардан фойдаланилади. Уларни дала шароитида текшириш ва морфологик белгиларини ўрганиш учун эса ҳар хил чукурликдаги қирқимлар қазилади. Тупроқни атрофлича ўрганиш учун чуқур (150—200 см. дан 300 см. гача, кенглиги 60—80 см, узунлиги чукурлигига мутаносиб), айрим тупроқ типларининг тарқалиш чегарасини аниқлаш ва юза қатламларининг муҳим хусусиятларини ўрганиш учун ярим чуқур (75—150 см) қирқимлар ташкил этилади. Чукурчалар (25—50 см) тупроқ хилларини ва уларнинг тарқалиш чегараларини аниқлаш учун қазилади.

Ўрганилаётган ҳудуднинг номи, жой рельефи, ўсимликлари, сизот сувлари, тупроқ она жинси, тупроқнинг генетик қатлам ва қатламчалари қалинлиги, тузи, механик таркиби, структураси, намлиги, қовушмаси, янги яратмаси ва қўшилмаси иш дафтарига ёзиб олинади.

Тупроқнинг генетик горизонти. Тупроқ қирқимининг тик деворидаги белгилар унинг бир неча қатламлар — генетик горизонтылардан тузилганлигини кўрсатади. Фарқланувчи бслгилар тупроқ типлари ҳамда хилларида турлича ва тупроқнинг генезиси (келиб чиқиши)га боғлиқ бўлади. В.В. Докучаев тўпроқ қатламини қўйидаги уч хил генетик горизонтга ажратади: *A* — чириндили устки қатлам, *B* — ўтувчи (оралиқ) қатлам ва *C* — тупроқ ости қатлами.

Чириндили устки қатлам (*A*)да органик модда, чиринди ва ҳар хил унсурлар бирикмасидан иборат минерал моддалар тўпланади. Унинг тузи қўйи қатламларга нисбатан тўқ бўлиб, чириндили аккумулятив (тўпланиш) горизонт деб юритилади.

Ўтувчи (оралиқ) қатлам (*B*) — тузи, структураси ва қовушмасига кўра, устки қатламдан ажралиб турадиган бу горизонтдаги айрим бирикмалар пастки қатламларга ювилиб тушиб туради. Шу сабабли эллювиал (ювиљувчан) горизонт деб ҳам юритилади.

Түпроқ ости қатлами (C) — устки қатламдан юилиб тушадиган айрим бирикмаларнинг тұпланишидан келиб чиқувчи бу қатlam иллювиал (йигувчи ёки шимувчи) горизонт ҳам дейилади. Қатлам тузы түпроқ она жинсі (рухляк) рангидан бир оз фарқланады.

Она жинснинг түпроқ пайдо қылувчи омиллар таъсирида ҳали үзгармаған қуи қисми *D* белгиси билан ажратилади. Баъзи түпроқтарнинг сернам ва ботқоқланиш белгиси — күкимтириң тусінә эга бўлган айрим қатламлари берч (глейли) горизонт деб юритилади ва *g* ҳарфи билан белгиланади. Бундай ботқоқланиш эллювиал қатламда бўлса — *Bg*, иллювиал қатламда — *Cg* ва она жинс қатламида бўлса — *Dg* тарзила белгиланади.

Ташқи кўринишидаги яққол ажралиб турувчи белгиларига кўра, битта генетик қатламда бир неча қатламча ажратилиши мумкин. Бунда улар *A₁*, *A₂*, *B₁*, *B₂*, *C₁*, *C₂* кўринишида белгиланади.

Түпроқнинг қалинлиги унинг типи ва хилларига кўра, турлича қалинликла: ўрта ҳисобда 40—150 см, айрим ҳолларда 250—300 см. Гача бўлиши мумкин. Түпроқнинг умумий қалинлигини аниқлаш билан бир вақтда унинг алоҳидаги генетик горизонтлари қалинликларини ҳисобга олиш агрономия нуқтаси назаридан муҳим аҳамиятга эга. Чунки чириндили қатлам (*A*)нинг қалинлиги түпроқ унумдорлигидан дарак берса, эллювиал қатлам (*B*)нинг аниқ ажралиб туриши бу қатламдан кўпгина моддаларнинг қуи қатлам (*C*)га юилиб кетганинлигини билдиради. Түпроқ умумий ва генетик горизонтларининг қалинликлари см ҳисобида аниқланади.

Түпроқнинг тузы унинг муҳим морфологик белгиларидан ҳисобланади, түпроқ типи ва хилларига боғлиқ бўлади ва шунга кўра турлича ном билан юритилади. Масалан, қора түпроқ, қизил түпроқ, каштан түпроқ, бўз түпроқ ва ҳ.к. Түпроқ тузы унинг кимёвий таркибига ва чиринлигига қанчалик бойлигига боғлиқ. Таркибидаги чиринди 10 фоиздан кўн бўлса, тузы тим қора, 8—10 фоизда — қора, 6—8 фоизда — қорамтири ски тўқ жигарранг бўлади. Темир (III)-оксиди түпроққа қизил, кремнечум ту; оҳак, каолинит, алюмин оксиди — оқ; темир (II)-оксиди — кўкимтири, марганец бирикмалари эса қора ёки қўнгир ту беради.

Түпроқ тузынини аниқлашда унинг намлиги, структураси, ёритилиши даражаси, она жинс ранги ҳисобга олинади. Она жинс сариқ, оқ-сарғиши тусада ва лёсс (соз түпроқ) рангда бўлади.

Түпроқнинг механик таркиби кўра соз, қумоқ, қумлоқ ёки қумли бўлади. Муҳим морфологик белгилардан ҳисобланувчи бу кўрсаткичини аниқлаши ерга ишлов бериш, экинларни суфориш, түпроқ унумдорлигини ошириши тадбирларини белгилашда алоҳидаги аҳамиятга эга.

Соз тупроқлар құрығанда құл билан майдалаб бұлмайдиган даражада қаттың кесакчаларға айланади. Нам ҳолида эса улар эзилиб, «хамир» ҳолига келади ва ундан тасма тайёрлаб, доира шаклида букилганда сиртида ёриқлар пайло бұлмайды. Құмоқ тупроқлар эса намлигіда әшилса-да, доира шаклида букилганда ёрилиб кетади. Құмлоқ тупроқлар қовушмайды ва намлигіда ҳам сочилиб кетади. Құм тупроқлар умуман қовушмайды.

Тупроқнинг структурасини унинг механик, коллоид ва кимёвий таркиби белгилайди. Шуннингдек, тупроқ структурасыга унинг физик, физик-кимёвий хоссалари, сув, озиқ, ҳаво ва иссиқлик режимлари ҳам таъсир күрсатади. Донадор тузилиши тупроқ деҳқончилик нұқтаи назаридан катта аҳамияттаға эга. Тупроқ структурасини аниқлашда бұлакчалар шакли, чидамлилігі ва йириклиги инобатта олинади. Одатда, бу бұлакчалар кубсімон, призмасымон, таhtaсимон шакларда булади.

Тупроқ қовушмасы деганда, ҳар қайси қатламдаги тупроқ зарралари ва бұлакчалари зичлигининг тавсифи ҳамда даражасы тушунилади. У она жинс таркиби, тупроқнинг органик, органо-минерал ва механик таркиби, структурасы ҳамда намлигига боғылғы бўлиб, тупроқда ўта зич, зич, ғовак ва сочиılma қовушмалар кўп учрайди.

Кам чириндили, структурасыз ва оғир механикавий таркибли соз тупроқдарнинг қуруқ қатламлари фоят зич қовушмага эга. Бундай қовушма майда заррачалари кўп бўлган қатламларга хосdir. Ғовак қовушмага мисол бўладиган чириндига бой, құмоқ ёки енгил соз тупроқларнинг зарралари ва структура бұлакчалари бир-бирига ёпишмайди.

Қум ва құмлоқ таркибли тупроқлар сочиılma қовушмага эга бўлиб, уларда органик модда (чиринди) жуда кам миқдорни ташкил қиласади.

Тупроқнинг намлигини морфологик жиҳатдан аниқлагандан ҳұл, нам, нимхуш ва қуруқ тупроқлар ажратиб күрсатилади. Қатлам орасидан сув томчилари сизиб турса, ҳұл тупроқ, заррачаларининг оралиги сув билан түйинган ҳолатда бўлса, нам, заррачалар тўзимасдан бир-бирига ёпишиб турса, нимхуш ва заррачалари тўзиган ҳолда бўлса, қуруқ тупроқ дейилади.

Тупроқ қўшилмаси деб, унинг пайдо бўлиш жараёнига алоқасиз, лекин кейинчалик ташқаридан қўшилиб қолган тоғ жинсининг парчаси, минерал ва органик қолдиқ кабиларга айтилади. Биологик қўшилмаларга — ҳайвон суюғи, ўсимлик қолдиқлари; минерал қўшилмаларга — тош ва шағал кабилар; археологик қўшилмаларга — уй-рўзгор асбобларининг бұлаклари мисол бўла олади.

Тупроқнинг янги яралмаси деганда унинг пайдо бўлиши жараённида вужудга келган, шакли ва таркиби фарқли, турлича ҳолатдаги бирималар тушунилади. Вужудга келишига кўра, биологик ва кимё-

вий яралмалар фарқ қилинади. Тупроқ қатлами тузлар, темир ва кремний оксидлари **кимёвий янги яралма**, тупроқдаги жониворларнинг ҳаёт кечириши ва ўсимлик илдизларининг ривожланиши натижасида ҳосил бўлган қолдиқлар ҳамда жонзотларнинг чиқитлари биологик янги яралма деб қаралади.


Тупроқнинг морфологиясини аниқлашга доир маълумотлар иш дафтарида кўйидаги намуна таргибидан қайл этилади (Х. Мираҳмедов маълумотларига асосан, 2-расм):

A, горизонт — 0—32 см чириндили ҳайдалма қатлам, оч сур-сарғиш тусли, ўрта қумоқ таркибли, йирик кесакчали, қуруқ ҳолдаги ғовак қонушмали, ўсимликлар илдизининг қолдиқлари вачувалчанг йўллари учрайди.

A₂ горизонт — 32—65 см чириндили қатлам, оч сур тусли, оғир қумоқ таркибли, ўрта кесакча структурли, бир оз намли ва зичланган, чувалчанг йўллари ва ўсимлик илдизлари учрайди. Қатламнинг қўйи қисмида гишт парчалари ва карбонат бирикмаларида луч келинади.

B горизонт — 65—153 см ўтвичи қатлам, оч сурсимон тусли, қумоқ таркибли, ноаниқ таркибий тузилиши, ўртача намли, ўртача зичланган қонушмали, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари кам учрайди.

C горизонт — 153—200 см тупроқ ости қатлами, сур-қўнғир тусли, қумоқ таркибли, структурасиз, ўртача намли, бир оз зичлашган, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари оз миқдорда учрайди. 200 см. дан қўйи қисми лёсс ётқизиқларидан иборат. Сизот суюлар жуда чуқурда.



2-расм. Тупроқ қирқимиининг морфологик тузилиши.

2-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШФУЛОТИ

ТУПРОҚНИНГ АГРЕГАТ ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШ (Н.И. Саввинов усули)

Дарс режаси:

1. Тупроқнинг агрегат таркибини аниқлаш.
2. Тупроқ агрегатларининг мустаҳкамлигини аниқлаш.

Керакли асбоб-анжомлар: тарози ва тарози тошлари, күзларининг йириклиги ҳар хил элаклар тўплами, 1 лили цилиндр, челак, чинни косачалар, термостат, тупроқ намуналари.

Тупроқ қаттиқ қисмининг заррачалари ўзаро бирикиб, кесакча (агрегат)лар ҳосил қиласиди. Тупроқнинг ҳар хил катталиқдаги агрегатларга шарчаланиш хусусияти унинг структуралиги деб юритилади. Донадор бўлмаган тупроқлар структурасиз, донадор тупроқлар эса структурали тупроқлар дейилади.

Деҳқончиликда структура агрегатлари қўйидагича таснифланади: 10 мм. дан йирик агрегат—кесаклар, 0,25—10 мм — макроструктура ва 0,25 мм. дан майда агрегатлар — микроструктура.

Тупроқнинг структура ҳолатини аниқлашда бир неча усувлар бўлиб, оддийроғи Н.И. Саввинов усули ҳисобланади, у элаш орқали ўтказиладиган макроагрегат таҳлилига асосланган.

Ишни бажариш тартиби

1. Текшириладиган майдондан тупроқ намунаси олинниб, ҳавода қуритилади. Сўнгра унинг 0,5—2,5 кг миқдоридаги қисми ажратиб олинниб, таркибидаги 2 см. гача бўлган тупроқ бўлакчалари қўлда уваланади ҳамда ҳар хил кўзли элаклардан ўтказилади ва қўйидаги 9 та: 10 мм. дан йирик, 10—7, 7—5, 5—3, 3—2, 2—1, 1—0,5, 0,5—0,25 ва 0,25 мм. дан майда фракцияларга ажратилади. Элаклар тагига чангсизон заррачалар тўпландиган таглик қўйилади. Эланаётган вақтла тупроқ заррачалари чангни кетмаслиги учун элаклар тўпламининг уст томони қопқоқ билан ёпилади.

2. Элаб бўлингач, ҳар бир элакда сақланиб қолган тупроқ тарозида алоҳида-алоҳида тортилиб, фоиз миқдори ҳисоблаб чиқилади:

$$x = P \cdot 100 / H,$$

бу ерда, x — тупроқ фракцияси миқдори, фоиз; H — олинган намуна оғирлиги, г; P — маълум фракциядаги тупроқ оғирлиги, г.

Масалан, 2,5 кг намунада 10 мм. дан ортиқ фракция 125 г бўлса, унинг фоиз миқдори қўйидагига тенг:

$$x = 125 \cdot 100 / 2500 = 5\%.$$

3. Агрегатларнинг сувга чидамлилигини аниқлаш учун 50 г ўртacha намуна олинади. Ҳар элакдаги фракция ҳажмининг ярмига тенг намуна олинади. Масалан, 10 мм. дан йирик фракция 5 фоиз бўлса:

$$\begin{aligned} 50 \text{ г} - 100 \% \\ x \text{ г} - 5 \% \end{aligned}$$

$$x = 5 \cdot 50 / 100 = 2,5 \text{ г.}$$

0,25 мм. дан майда фракция намунаға құшилмайды, лекин ҳисоблашларда назарда тутилади. Үртача намуна иккі марта, яғни тақрорий-лиқда олинади ва таҳлил этилади.

Пастки әлакинің күzlары тиқи-либ қолмаслиги учун үртача намунаны диаметри 6,25 мм. дан майда фракциядан олмаслик мүмкін (лекин у үртача намуна ҳисобланада-тапта назарда тутилалы).


4. Шу үртача намуна (50 г) яр-миғача сув тұлдирилған 1 л. ли ци-линдрға солинади за 10 минут тинч қолдиралади: кейинги жараёнларда кесакчаларни механик рашвыда бу-зини мүмкін бұлған ҳаво чиқиб кетіши учун шундай қилинади.

Тупроқдан ҳавонинг күп қисми чиқиб кетстан бұлса ҳам, бир қисми ката бўшлиқларда пузакча шакли-да сақланаб қолади. Уни чиқариб юборини учун цилиндрнинг юқори қисмігача сув қуйилади ва усти ойна билан бекитилиб, тезда горизонтал ҳолатта келтириледи, сўнгра яна вертикал ҳолатга қайтарилади. Бунда тупроқ ичидаги ҳаво майда пузакчалар ҳолида ажралып чиқиб кетади.

5. Цилиндр усти силлиқланган ойна билан ёпилиб, жадал тўнка-рилали, тупроқ ойна устига чўкиб бұлғач, идиш ўз ҳолига келтири-лали ва тупроқнинг чўкини кутылади. Бу иш 10 марта тақрорланади. Илиш тўнкарилганда мустаҳкам бўлмаган агрегат — кесакчалар майда бўлакчаларга парчаланиб кетади.

6. Диаметри 20 см, баландлиги 3 см ва күzlары 0,25; 1, 2, 3, 5 мм бўлган 5 та әлак устма-уст бир-бирига кийдирилиб, сув тұлди-рилған цилиндрсімон лойқалатиш челягига тушриледи. Сув сатҳи юқориги әлак четидан 5—6 см баландда бўлиши керак (3-расм).

7. Цилиндр тўнкарилған ҳолда әлаклар устига олиб келинади. Сув остида ойна очилади ва тупроқ массаси юқориги әлакка тушади. Тупроқ текис тақсимланиши учун цилиндр сувдан чиқарилмасдан туриб, әлак остида айлантириледи. Асосий масса (0,25 мм. дан йи-рие) әлак юзасига тушгандан кейин (40—50 сек. ўтгач) цилиндр оғзи сув остида яна ойна билан беркитилади ва чиқариб олинади.



3-расм. Тупроқни цилиндрдан Н.И.Савинов әлагига ўтказиши.

8. Элакка жойланган тупроқ массаси эланади: бунинг учун юқориги элак сувдан чиқарилмасдан, элаклар тұплами 5—6 см тепега құтарилади ва тезда яна пастта туширилади. Кесакчалар қайтадан элакка тушмагунча 2—3 сек. тутиб турилади. Сүнгра элаклар тұплами секин-аста құтарилади ва тезда яна орқага қайтарилади. Юқориги (5, 3 ва 2 мм. ли) элаклар үн марта силкитишлардан сұнг олинади, пасткилари эса құшимча равища яна беш марта силкитишлиди ва сувдан чиқарилади.

9. Элаклардаги кесакчалар сув оқими билан катта чинни косачага ювіб олинади. Тиндирилиб, ортиқча суві тұқиб юборилғач, аралашма аввал тортиб құйилған ва рақамланган кичик косачаларға солинади.

10. Косачалар сув ҳаммолига ёки термостаттаға құйилади ва тупроқ яхши қуригандан кейин ұар бири алоҳида-алоҳида тортилади.

Фракциялардаги мустаҳкам кесакчалар миқдорини (г) иккиге күпайтириш орқали уннинг фоиз миқдори аниқланади. Анча йирик фракцияларнинг фоиз миқдорлари йигиндинини 100 дан айириш үйли билан 0,25 мм. дан майда тупроқ заррачаларининг фоизи топилади.

Олинган маълумотлар 1-жадвалга ёзиб болылади.

3-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШФУЛОТИ ТУПРОҚНИНГ НАМЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Дарс режаси:


Тупроқ намлигини термостатда қуритиб аниқлаш.

Кераклы асбоб-аңжомлар: парма, рақамланган стаканчалар, техник тарози, қошиқ, пичноқ, термостат, эксикатор.

Намликни аниқлаш учун тупроқ намунасини олиш

Тупроқ намлигини аниқлаш мақсадидан келиб чиққан қолда намуналар I—2 м чуқурликдаги ұар 10 см қатламдан (0—10, 10—20, 20—30 см. дан ва ұ.к.) парма ердамида ёки маҳсус чукурдан пичноқ билан кесиб олинади (4-расм).

Ұар қатламдан 2—3 тадан олинган намуналар үртака маълумоттаға зерттеуден көз каралады. Намуналарни әрталаб ёки кечкүрун олиш натижасыда сувнинг кам буғланишига эришиш



4-расм. Намликни аниқлаш учун тупроқ намунаси олинадиган парма: 1—чиққан штанга; 2—банди; 3—цилиндр.

I-жадвал

Түпроқнинг агрегат таркибинин эниккапига доир
мэдлиумотчиликтаки этиш жадвалын

Курук түпроқни элаш	Хўл тупроқни элаш		Агрегатларнинг миқдори, фоиз
	Чинни косачалар раками	Агрегатларнинг соф вазни, г	
Фракциялар ўлчами, мм			
>10			
10–7			
7–5			
5–3			
3–2			
1–0,5			
0,5–0,25			
<0,25			
Түпроқнинг номи			

мумкин. Бир хил қатламлардан олинганд тупроқ намуналари косачага солиниб, аралаштирилади. Шу аралашманинг турли қисмларидан қошиқча билан олинганд ўртача намуна олдиндан тортиб қўйилган рақамли алюмин стаканчаларга солиниб, оғзи яхшилаб бекитилиб қўйилади. Тупроқ миқдори 30—40 г атрофилда бўлиши керак.

Тупроқни термостатда қуритиб, намлигини аниқлаш

1. Қопқоқли рақамланган алюмин стаканчалар оғирлиги (*a*).
2. Нам тупроқли стаканча оғирлиги (*b*).
3. Нам тупроқнинг соғ оғирлиги (*v*) ҳисобга олинади:

$$v = b - a.$$

4. Тупроқ алюмин стаканчаларнинг қопқоғи очиб қўйилган ҳолда термостатда 105°C ҳароратда 6 соат давомида қуритилади.
5. Мутлақ қуруқ тупроқли стаканча оғирлиги (*g*) аниқланади.
6. Мутлақ қуруқ тупроқнинг соғ оғирлиги (*d*) ҳисобланади:

$$d = g - a.$$

7. Нам тупроқ ва мутлақ қуруқ тупроқ оғирлиги ўртасидаги фарқ буғланиб кетган сув миқдорини кўрсатади:

$$e = v - d.$$

8. Намлик тупроқнинг мутлақ қуруқ оғирлигига нисбатан фоизда ҳисобланади:

$$\begin{matrix} d - 100 \% \\ e - x \% \end{matrix}$$

$$x = e \cdot 100/d.$$

9. Олинганд маълумотлар 2-жадвалга ёзилади.

2-жадвал

Тупроқ намлигини аниқлашта доир маълумотларни қайд этиш жадвали

Намуна олинганд жой	Намуна олинганд вақт	Стаканчанинг рақами	Катлам, см	Стаканчанинг оғирлиги, г			Тупроқнинг соғ оғирлиги, г	Буғланган сувнинг оғирлиги, г (<i>e</i>)	Намлик, фоиз
				Буш (<i>a</i>)	Нам тупроқли (<i>b</i>)	Мутлақ қуруқ тупроқли (<i>g</i>)			

4. ҮСИМЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ, КАСАЛЛИКЛАРИ, БЕГОНА ҮТЛАРИ ҲАМДА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Қишлоқ хұжалиғи иштаб чиқаришини жадаллаштиришда юқори ва барқарор ҳосил олишни таъминловчы үсімликларни зааркунандалар, касалликлар ва бегона үтлардан ҳимоя қилишнинг аҳамияти бекітеді. Чунки жағон миқёсіда зааркунандалар таъсирида бугдой ҳосилдорлиги 5,0 фоизға, касалликлар сабабли — 9,1 фоиз, бегона үглар ҳисобига 9,8 фоиз (жами 23,9 фоиз)га камаймоқда. Бу күрсаткышлар маккаждүхори бүйича тегишли равишила 12,4; 9,4 ва 13,0 фоиз (34,8 фоиз)ни, барча әкінлар бүйича эса 11,6; 12,6 ва 10,0 фоиз (34,2 фоиз)ни ташкил этади. Йиғиштириб олинган маңсулотнинг 20 фоизи сақташ жараёнда зааркунанда ва касалликлар таъсириша йүкөтилмоқда.

4.1 ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАР. ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИ

Үсімликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда агротехник, механик, физик, карантин, биологик ва кимёвий усуллар құлданылади.

Агротехник тадбірлар үсімликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда құлданылиши мүмкін бўлган барча чоратамбірларни ўз ичига олиб, заарарлы организмлар яшашы учун нокулай шароитларни вужудга келтириш мақсадини кўзлайди.

Үсімликларни ҳимоя қилишда касаллик ва зааркунандаларга чидамли әкін навларини яратып ҳамда етиштиришнинг аҳамияти күттадир. Қишлоқ хұжалиғи әкінларининг турларини маълум бир қулууда тарқалған шундай салбий омилларни ҳисобга олган ҳолда қойлаштириш күтилган натижага ёрдам беради.

Алмашлаб әкишни түгри қўллаш касалликларга қарши кураш самарасини янала оширади. Чунки бир үсімликка мослашган касаллик иккинчи бир үсімликка таъсир этмайди. Дон әкінлари ўрнига бошқа әкінлар әкиш уларда кенг тарқалған қоракуя касаллиги камайшишига, пахтани беда билан нағбатлаб әкиш эса вилт касаллиги бартараф қилинишига олиб келади. Бир хил касалликка чалинувчи әкінлар ўзаро узокроқ масофада жойлаштирилади. Бунда асосий әкін турлари учун мақбул ўтмишдош танлаш муҳимдир. Сугориладиган деңқончилик шароитида беда, дуккакли дон әкінлари, гўза, маккаждүхори бүгдейтга яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Ангизни дисклаш, ерни шудгорлаш, әкишга тайёрлаш (текисшап, бороналаш, чизеллаш ва бошқа тадбірлар), әкін қатор орала-

рига ишлов беришни сифатли ўтказиш заарарлы организмлар ҳаёт шароитини ёмонлаштириб, уларнинг камайишига олиб келади.

Тупроқни ағдариб, чуқур ҳайдаш касалликларни камайтириш чораларидан биридир. Бегона ўтлар инфекция манбаи бўлганлигидан биринчи наебатда уларни йўқотишга алоҳида эътибор берилади. Чунки занг, замбуруғ, вирус касалликлари, кўпчилик заараркундалалар аввал шу ўтларда кўпайиб, кейин экинларга ўтади.

Бундан ташқари, яхоб бериш, экинларни ўз вақтида экиш, парваришлиш, агротехника тадбирларини, шу жумладан, ўғитлаш ва суфориш режимини тўғри амалга ошириш, ниҳоят, ҳосилни энг мақбул муддатларда йиғиб олиш фоят муҳимdir.

Ўсимликларни заараркундалардан ҳимоя қилишида бислогик курash чоралари кенг қўлланимлмоқда. Бунда йиртқич ва паразит ҳашаротлар, каналар, кушлардан ҳамда заараркундаларни касаллантирувчи микроорганизмлардан фойдаланилади. Ҳашаротлар билан озиқланувчи табиий кушандалар энтомофаглар, каналар билан озиқланувчилар эса акарифаглар деб аталади.

Энтомофаглардан *трихограмма* 80 га яқин заараркунанда тухумига ўз тухумини кўйиб, уларни нобуд қиласи. Биофабрикаларда кўпайтирилиб, заараркундалар учсиши кузатилётган далаларга тарқатилидиган трихограмма тунламларни йўқотишида айниқса, самаралидир. Шунингдек, *апантелес*, *бракон* паразит ҳашаротлар, олтинкўз каби йиртқич кушандалар ҳам кўпайтирилиб, экинларни ҳимоя қилишида қўлланимлмоқда.

Заараркундаларга қарши курашда уларни касалликка чалинтирувчи энтообактерин, дендробициллин, боверин ва бошқа микробиологик препаратлар (бактерия, вирус ва замбуруғлар)дан ҳам фойдаланилади. Улар заараркундаларнинг 50 дан зиёд турига қарши ишлатилиши мумкин.

Ўсимлик касалликларини бартараф қилишида антибиотик ва антагонистлар ҳам қўлланилади. Микроорганизмлар ҳаёт фаолиятининг маҳсулни бўлган антибиотиклар кўпгина касалликларга қарши курашда яхши самара беради. Бодрингдаги ун-шудринг касаллигига қарши трихотецин, нўхатнинг фузариоз ва гўзанинг илдиз чириш касалликларига қарши фитобактерномицин ишлатилади. Антагонистлар маълум бир микроорганизмнинг бошқа турдаги микроорганизм ҳаёт фаолиятини сусайтира олиш хусусиятига асослангандир.

Ўсимликларни заараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишида карантин тадбирларининг аҳамияти каттадир. Бу тадбир бизда учрамайдиган, лекин бошқа минтақалarda мавжуд бўлган ўсимлик заараркундалари, касаллик қўзғатувчи ва begona ўтлар кириб келишининг оддини олишга қаратилган. Карантин хизмати пайдо бўлган шундай объектларни тубдан йўқ қилиши чорасини ҳам кўради.

Картошканинг энг күп тарқалган зааркунандаси — колорадо құнғизи Америкадан Европага ўтиб, сұнгра МДХ мамлакатлари, шу жумладан, Үзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Картошка етиштиришда ундан катта зарар күрілмоқда.

Ташқи карантин чет мамлакатлардан заарлы организмлар кириб келишининг, ички карантин эса мамлакат ичкарисида маълум бир жойда учрайдиган карантин объекти кенг кўламда тарқалиб кетишенинг олдини олишга хизмат қилади.

Заарлы организмларга қарши курашда механик тадбирлар ҳам қўлланилади. Ўсимлик қоллиқлари ва ҳашаротлар уясини йўқотиш, ўсимлик танасини эски пўстлоқлардан тозалаш, дараҳтларнинг касалланган шохларини кесиб ташлаб, йўқотиш, касалланган меваларни алоҳида териб олиш шундай тадбирлар жумласидандир.

Қишлоқ ҳўжалиги экинларини зааркунанда, касалниклар ва бегона ўтлардан кимёвий ҳимоя қилишда пестицидлардан (лотинча *Pestis* — заарли, юкумли ва *cido* — ўлдираман) фойдаланилади. *Пестицидлар* қайси заарлы организмларга қарши қўлланишига қараб, *акарицидлар* (ўргимчакканага қарши), *инсектицидлар* (ҳашаротларга қарши), *фунгицидлар* (замбуруугларга қарши), *гербицидлар* (бегона ўтларга қарши), *нематицидлар* (нематодларга қарши) ва бошқа турларга бўлинади. Заарлы организмларга таъсир этиш турига кўра, улар меъда-ичак, контакт (зааркунанда ташқи қоплагичини шикасталб, организмга ўтиш воситасида), нафас йўли орқали (фумигантлар) таъсир қилувчиларга бўлинади. Шунингдек, ёппасига (барча тирик мавжудотларга қарши) ва танлаб (бир турдаги организмларга қарши) таъсир этувчи хусусиятларга эга.

Донли ва ем-хашак экинларининг кенг тарқалган зааркунандалари ва уларга қарши кураш

Марокаш чигирткаси. Арпа, буғдой, оқ жухори, тариқ, маккажўхорига катта зарар келтиради. Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Навоий вилоятларида тарқалган. Чигиртка 2,5—4,2 см. гача узунликда, жигарранг, устида X кўрининишида оқ нақш бор (5-расм). Тупроқда кўзача ҳосил қилиб, ичиға тухум қўяди. Кузача узунлиги 2,5—5 см. Ҳар бир кўзачага 18—42 та тухум қўяди. Тухуми чўзинчоқ, узунлиги 5 мм. Битта чигиртка 2—3 дона кўзача қўяди. Тухумдан келаси йил баҳорда личинкалар чиқиб, 20—35



5-расм. Чигиртка.

кунда вояга етади. Чигиртка тұдалари жуда күпайыб кетган вақыда 1 м² майдонға 1500 дан 6000 тағача күзачалар жойлады.


Кураш чоралари: чигиртка тарқалиш әхтимоли бұлған жойлар йил бүйін үч марта текширилиб аниқланади ва личинкалар 3—4 ёшта етмасидан қарши куранш чоралари күрилади. Бульдок (2,5 фоизли эмульсия концентраты — эм.к., 0,1—0,2 л/га), десис (2,5 фоизли эм.к., 0,3—0,5 л/га), конфидор (20 фоизли эм.к., 0,05—0,1 л/га), дурсбан (40,8 фоизли эм.к., 0,4 л/га), регент (80 фоизли сувда зерувчан күкүн — с.э. күк., 10,0 г/га), суми-альфа (20 фоизли эм.к., 0,1 л/га) ёки шерпа (25 фоизли эм.к., 0,1 л/га) препаратлари билан ишлов берилади.

Кузги туылам. Куртлары кузги ғалла экинлари ва маккажұхорини зараптайди. Биринчи авлоди экилған уруғликни, сұнгра ёні үсимталарни тупроқнинг юза қаватидан қирқиб, нобуд қилади. Иккінчи авлод куртлары такрорий экилған маккажұхорига катта зарар етказади. Шүнгіндек, үсимлик пояссынинг ичини, кузда эса сұтасини кемиради. Фарғона водийси, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида, Сурхондарёнинг тоғолди ҳудудларыда күп учрайди (6-расм).

Ҳашаротнинг олдинги қанотлари құнғир, бұз рангли бұлиб, баъзан құнғир ёки сарғыш рангда товланади. Олдинги қанотида буйрак-симон қорамтири дөғи бор, ёйилған қанотларининг узунлиғи 4 см. Тухуми гумбазсимон, оқиши, сирти қовурғачали, ривожланғани сари ранги қорая боради. Куртининг узунлиғи 5 см. гача, ялтироқ құкиш рангда товланадиган қорамтири-бұз тусда. Ғұмбаги 14—20 мм узунликда, оч құнғир рангда, қорнининг охирида иккита айри түккасы булади.

Катта ўшдаги қурт ғалла, маккажұхори ва полиз экинлари далаларыда, уват ва йүл әқаларыда, бедапояда тупроқнинг 5—15 см чуқурлигіда қишлиайди. Баҳорда 3—6 см чуқурликда гумбакка айланиб, апрел—майда капалаклар учебиңициади ва тухум құяди. Мавсумда 3—4 марта насл беради.

Кураш чоралари: 1) үсимликини парвариша агротехникасыни яхшилаш; 2) далаларга трихограмма тарқатып; 1 ва 2-авлод




6-расм. Кузги туылам.

1—каналаги; 2—тухуми; 3—гумбазы; 4—курти.

ёш қуртларига қарши дендробацилин (0,7—1 кг/га) пуркаш; 3) ўсиш даврида карагэ (2,5 фоизли эм.к., 0,7 л/га) ёки шимбуш (25 фоизли концентрат эмульсия — к.э., 0,3 кг/га) билан ишлов бериш.


Заарарли ҳасва. Бүгдой ва арпанинг пояси ҳамда бошогини шикастлайди. Шолига ҳам зиён етказади. У заарарлаган далалардан олинадиган дон ҳосилдорлиги 50 фоизгача камайиб кетади. Республиканинг барча минтақаларида кенг тарқалган (7-расм).

Бўйи 10—12 мм, танаси сариқ ёки сариқ-кулранг, сирти мармарсимон нақшли, қалқонининг тубида иккита оқиш доғча бор. Вояга етган ҳашарот тош ва ўсимликлар остида қишилаб, март—апрелда экинзорга ўтади. 100—180 дан 300 тагача тухум қўяди.



7-расм. Заарарли ҳасва:

а—вояга еттани; б—бүгдой баргилаги тухуми.



8-расм. Маккажӯхори поя парвонаси:

1—сўта ва донни, 2—поя ва; 3—рувакни заарарлаши.

Кураш чоралари: 1) баҳорги дон экинларини эрта муддатда экиш; ҳосилни қисқа вақтда йигиб олиш; 2) ўсиш даврида лецис (2,5 фоизли эм.к., 0,25 л/га), карагэ (5 фоизли эм.к., 0,15 л/га), нугор (40 фоизли эм.к., 1,0—1,5 л/га), суми-альфа (5 фоизли эм.к., 0,2—0,5 л/га) билан ишлов бериш.

Маккажӯхори капалағи. Маккажӯхори, каноп, гўза, оқ жӯхори, тариқ, шоли ва бошқа экинларни заарарлади (8-расм). Маккажӯхори сутасига катта зиён етказади. Республиканинг барча худудларида кенг тарқалган.

Капалагининг ёзилган қанотлари 27—28 мм, олдинги қанотлари узунроқ, эркак капалакнинг қаноти құнғир-кулранг, урғочисиники — сарғыш, орқа қаноти тегишли равища қорамтири ва оч сарғыш-кулранг. Тухуми ясси шақлда. Күртінің узунлігі 25 мм. гача, оқ хира-сарғыш рангда, орқаси бүйлаб қорамтири йўли бор. Бүғимларида 2—4 тагача қора дөгчалари бўлади. Фумбаги құнғир, узуилиги 20 мм.


Курти ўсимликлар пояси ичила қишилаб, эрта баҳорда гумбакка айланади, 2—3 ҳафтадан кейин капалак чиқиб, 250—300 дан 1250 тагача тухум қўяди. Мавсумда 2—3 авлод беради.

Кураш чоралари: 1) бегона ўтларни йўқотиб туриш; ўсимликин энг тагидан, яъни тупроққа яқин жойидан ўриб олиш; чуқур шудгорлаш; 2) трихограмма тарқатиш; 3) каратэ (5 фоизли эм.к., 0,2 л/га) ёки золон (30 фоизи намиқувчи кукун—н.к., 1,5—2,0 кг/га) препаратлари билан ишлов бериш.

Қисак қўити. Маккажўхори сутасини, оқ жўхорини заарлайди. Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона водийси вилоятларидаги кенг тарқалган.

Капалагининг ёзилган қанотлари 3—4 см, олдинги қанотлари сарғыш-кулранг, ўртасида иккита доғи бор: бири түқ кулранг, буйрак кўринишида, иккинчиси кичикроқ, кулранг, думалоқ. Тухуми гумбазсимон, қобиргали, оқимтири-сарғиши. Курти 4 см. гача узунликда, оч яшил, кўкиш, сарғиши рангдан құнғир рангтагача. Фумбаги түқ құнғир рангли, 1,5—2 см, қўрнининг охирида 2 та узун тукчаси бўлади. Фумбак ҳолатида тупроқда 10—15 см чукурликда қишилаб, апрел—майда учиб чиқади. 3—5 марта гача авлод бериб, 400 тадан 1000 тагача тухум қўяди.

Кураш чоралари: 1) ҳосил йиғиб олингач, ерни чимқирқарли плуг билан чуқур шудгорлаш; яхоб суви бериш; 2) трихограмма тарқатиш; кичик ёшдаги куртларга қарши дендробацилин (1кг/га) кўллаш; 3) ўсиш даврида десциис (2,5 фоизли эм.к., 0,7 л/га), фенкил (20 фоизли эм.к., 0,4 л/га), ципи (25 фоизли эм.к., 0,3 л/га) ёки циракс (25 фоизли эм.к., 0,3 л/га) препаратлари билан ишлов бериш.



9-расм. Буғдой трипси:

а—вонгта стгани; б—личинкаси; в—заарланган буғдой бошоги.

Буғдой трипси. Буғдой, арпа, сули, маккажўхори ва бешқа галладош ўсимликларни заарлайди. Курғоқчилик йиллари буғдой ҳосилини 50 фоизгача ишлайди.

бүд қилади. Бүйи 1,47—2,2 мм, қанотларининг четларида узун тукчалар бўлиб, томирлари йўқ. Қора ёки тўқ қўнғир рангда, личинкаси оч қизил тусда. Ёш личинка ангизда ва тупроқда қишлиб, май ойида бошоқ банди ва дон қобиғига тухум кўяди (9-расм).

Кураш чоралари: 1) ангизни сурориш ва уни аёдариб ҳайдаш; алмашлаб экиш; баҳорги экинларни эрта муддатда экиш; 2) ўсиш даврида каратэ (5 фойизли эм.к., 0,2 л/га), децис (2,5 фойизли эм.к., 0,25 л/га), нугор (40 фойизли эм.к., буғдои — 1,5 л/га, арпа, жавдар, сули — 1,0—1,2 л/га) ёки карбофос (25 фойизли к.э., 0,3 л/га) билан ишлов бериш.


Маккажӯхори шираси. Арпа, буғдои, маккажӯхори ва оқ жӯхорини зарарлайди. Ўсимлик шираси билан озиқланади. Республиканинг барча ҳудудларидага тарқалган (10-расм).

Шира танаси 1,5—2,8 мм, яшилдан тўқ қўнғир ранггача бўлади, қанотли ва қанотсиз, тирик личинка туғиб, кўпаяди.

Кураш чоралари: 1) баҳорги дон экинларини эрта муддатларда экиш; ангизни эрта ҳайдаш; 2) ўсиш даврида бензофосфат (30 фойизли эм.к., 1,6—2,3 л/га), золон (30 фойизли н.кук., 1,5—2,0 кг/га), децис (2,5 фойизли эм.к., буғдои — 0,25 кг/га), каратэ (5 фойизли эм.к., 0,15—0,2 л/га), нугор (40 фойизли эм.к., 1—1,2 л/га), 50 фойизли карбофос (0,5—1,2 кг/га) препаратлари билан ишлов бериш.

Нұхат шираси. Бир йиллик ва кўп йиллик дуккакли экинлар — нұхат, вика, беда, ясмиқ ва бошқаларга зиён стказади. Ўсимликнинг юқори қисмидаги барғи, гули, меваси ва поясининг ширасини сўриб зарар келтиради. Бунинг оқибатида барглар буралиб, ўсиб-ривожланниши секинлашади.

Шира яшил, айрим ҳолларда қўнғир-қизил рангда, 4,5—5 мм узунлика бўлади. Ўсимлик поясининг ер юзасига яқин қисмida тухум ҳолида қишлиайди, баҳорда ундан личинка чиқади. Вояга етган шира 50 дан 120 тагача тирик личинка туғади. Вегетация даврида 4 тадан 10 тагача авлод беради.



10-расм. Фалла шираси:
а—қанотлиси; б—қанотсизи; в—баргдаги тухумлари.

Кураш чоралари: 1) дуккакли-дон экиниларини эрта муддатларда экипп; бир ва күп ийлилк дуккакли экиниларни бир-биридан узокрок, жойлаштириш; 2) зааралланган даалаларга 30 фоизли карбофос (1,5 кг/га) ёки 20 фоизли метафос (1 кг/га) билан ишлов бериш.

Лавлаги узунбуруни. Құнғизи ёки қурти лавлагининг барглари ва поясині еб, заарал етказади. Совуқ ёки жуда иссиқ вактларда тупроқ остига яшириниб, құкариб келаётган үсімталарни нобуд қиласи. Личинкалари даастлаб ён илдиз үсімталарини, сұнгра илдиз учини кемиради.

Құнғизи 15 мм. гача узунликда, қанотининг усти оқиши-кулранг, қорамтири эгри йүллари бор. Қорнида майда қора нұқталар бұлади. Личинкаси оқ, оёқсиз, оч құнғир бошчали. Узунлиги 12—14 мм. Құнғиз тупроқнинг 15—45 см чуқурлигіда қышлаб, баҳорда тупроқ устки қатламиға 100—120 дан 360 тагача тухум құяды. Личинка тупроқда гүмбакка айланади.

Кураш чоралари: 1) бегона үтларни йүқотиши; 2) уруғликни гептахлор (22 фоизли эм.к., 1,1—1,4 кг/га) билан дорилаш; экиш билан бирга тупроққа гранулаланған фосфорит (100—150 кг/га) солиш; ниҳолларни полихлорпиен (65 фоизли эм.к., 1,6—3 кг/га); үсиш даврида ГХЦГ (50 фоизли н.к.к., 0,8—1,5 кг/га) ёки 80 фоизли техник хлорофос (0,8—2,5 кг/га) билан ишлов бериш.

Туганак узунбуруни. Құнғизи үсімликнинг юқориги ёш баргларини еб зиён етказади. Уруғ, барг ва үсиш нұқтасини зааралаб, үсімликни нобуд қиласи. Личинкалари илдиз тизимидағи туганаклар билан озиқланади.

Құнғизи кулранг, 3—5 мм. гача узунликда, қисқа йұғон хартум-боцли, қаноти устида оч ва түқ йүллари бор. Личинкалари 5 мм. гача узунликда, оқиши, бошчаси оч құнғир тусли. Құнғизи тупроқнинг устки қатлами ва үсімлик қолдиклари остида қышлади. Баҳорда жонланғач, күп ийлилк дуккакли үсімликтар барғи билан озиқланыб, сұнгра бир ийлилк дуккакли экин далаларига үтади. Құнғиз тупроқ ёки үсімликка бир неча ұнтадан 3600 тагача тухум құяды.

Кураш чоралари: 1) бир ийлилк дуккакли экиниларни баҳорда эрта муддатларда экиш; 2) уруғликни 12 фоизли ГХЦГ (10 кг/т) билан дорилаш; ниҳолларига 12 фоизли ГХЦГ (10—15 кг/га) ва үсиш даврида 80 фоизли техник хлорофос (2—2,5 кг/га) билан ишлов бериш.

Донли экинилар касаллiliklari ва уларға қарши кураш

Бүгдей құнғир занги. Барча вилоятларда тарқалған. Бүгдей шу касалға гуллаш даврида чалинса, 10—26,5 фоизгача, бошоқ чиқариш палласида касалланса, 40—50 фоизгача ҳосилини нобуд қиласи. Баргларда думалоқ, сарғиш-құнғир, чангли урединиопустулалар ҳосил бўлиб, уларда ривожланғач, урединиоспоралар шамол ёрдамида тар-

қалади. Ёввойи ҳолда ўсувчи бошоқли ўтлар касаллик манбаи бўлиб хизмат қиласди. Замбуруғ касалланган майсалар ичидаги миселлий ҳолида ва баргларда пустула шаклида қишлиайди.

Буғдой сариқ занги кам тарқалган, лекин зарари катта касаллиkdir.

Кураши чоралари: ўсимликка бошоқлаш палласигача тилт (25 фоизли эм.к., 0,5 л/га), рекс (49,5 фоизли суспензия концентрати — сус.к., 0,4—0,6 л/га) билан ишлов бериш.

Чанг қоракуя. Буғдой, арпа, сули, маккажӯхорини шикастлайди. Бошоқ ва рӯвакда қорамтири чант массалари ривожланади. Уруғдори-ланмай экилганда касаллик экиннинг 10—20 фоизгача қамраб олади. Касаллик яширин ҳолда ўтганда ўсимликнинг бўйи паст, бошоғидаги дон микдори ва вазни ҳам кам бўлади.

Кураши чоралари: уруғликни байтан универсал (19,5 фоизли н.кук. 2,0 кг/т), виннат (5 фоизли сус.к., 1,5—2,0 л/т), дивидент (3 фоизли сус.к., 2,0 л/т) ёки фундазол (50 фоизли н.кук., 2,0—3,0 кг/т) билан дорилаш (1 т урурга 10 л сув).

Арпадаги қаттиқ ва маккажӯхоридаги пуфакли қоракуялар. Арпала дон ўрнига қоракуя споралари билан тўлган халтачалар ва маккажӯхорининг ҳар хил органларида пуфакчалар пайдо бўлади. Инфекция уруғнинг ташқи қисмида, пуфакли қоракуя эса касалланган органларда сақланади ва кейинги йилга ўтади.

Кураши чоралари: 1) зааралланган маккажӯхори пояларини йигиб олиб, кўмид ташлаш; алмашлаб экиш; бегона ўтларни йўқотиш; экинларни парваришилашда юқори агротехникани қўллаш; 2) уруғликни байтан универсал (19,5 фоизли н.кук., 2 кг/т), фундазол (50 фоизли н.кук., 2,0—3,0 кг/т), паноктин (35 фоизли сус.к., 2,0 л/т) билан дорилаш (1 т уруғқа 10 л сув).

Ун-шудринг. А) Буғдой, арпа, сулида учрайди. Ҳосилни 2—3 фоиздан 20—25 фоизгача камайтиради. Дастилаб баргларда оқ пахтасимон дод қатлами ҳосил қиласди, кейинчалик қалинлашиб, бўртиб чиқсан кулранг ёки сарғиш-кулранг ёстиқчалар тусига киради. Касаллик поя ва бошоқларга ҳам ўтади. Уларда замбуруғ конидиялари пайдо бўлиб, бир хужайрали, рангсиз, цилиндриксимон шаклда, шамол ёрдамида тарқалади. Ёз охири ва куз даврида касалланган ўсимлик органларида замбуруғнинг қишиловчи палласи — мева таначалари пайдо бўлади. Уларда етишган аскоспоралар кузги галла ёкинарига ўтади ҳамда уларда ва ёввойи бошоқли ўтларда қишлиайди.

Кураши чоралари: 1) алмашлаб экиш; ерни чукур шудгорлаш; бегона ўтларни йўқотиш; баҳорги ва кузги галла далаларини ўзаро яқин жойламаслик; чидамли навлар экиш; 2) ўсиш даврида тилт (25 фоизли эм.к., 0,5 л/га), 80 фоизли олтингугурт (н.кук., 8,0—16,0 кг/га), рекс (49,5 фоизли сус.к., 0,4—0,6 л/га) билан ишлов бериш.

Б) Лавлагининг барча ер устки органларини шикастлайди. Касалланган органларида ёзниң биринчи ярмида сөз доғлар, иккинчи ярмида эса қора рангли майда луфаксимон клейстотелар пайдо бўлади. Касалланган барглар эрта сўлиб қолади. Замбуруг ўсимлик қолдиқлари ва уруғмева ҳамда илдизмевада қишлиайди. Куруқ ва иссиқ об-ҳаво шароитида кучли ривожланади.

Кураш чорагари: 1) касалликка чидамли навларни яратиш ва жорий этиш; ўсимлик қолдиқларини даладан тўлиқ олиб чиқиб кетиш; сурғориши ўз вақтида ўтказиш; 2) ўсиш даврида олтингугурт билан чанглаш (15—20 кг/га) ёки унинг 1 фоизли суспензияси билан пуркаш (4—6 кг/га).

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда қандай тадбирлар кўрилади?
2. Ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш чораларини басн этинг.
3. Ўсимликларни ҳимоя қилишда агротехник ва карантин тадбирларининг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
4. Доңли ва ем-хашак экиниларининг кенг тарқалган зааркунандаларини тавсифланг ва уларга қарши кураш йўлларини бән этинг.
5. Доңли экиниларнинг кенг тарқалган касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари ҳақида нималарни билиб олдингиз?

4-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЗААРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРИ ҲАМДА ПЕСТИЦИДЛАР БИЛАН ТАНИШИШ

Дарс режаси:

1. Зааркунандаларни ташқи белгиларига ва ўсимликларнинг шикастланганилигига қараб аниқлаш.
2. Заарланганлигига қараб ўсимликларнинг касалликларини билиб олиш.
3. Пестицидларни аниқлаш.

Зааркунандалар уларнинг спирт (формалин)даги намуналари ёки ясама нусхалари, мулжалари, предмет ойначасидаги препаратлар буйича ўрганилади. Шикастланган ўсимлик органлари ўрганишда эса куритилган ва қаттиқ қофозга ёпиширилган намуналар, айрим ҳолларда ўсимлик шохчаси ёки унинг бир бўлаги, илдиз бўлакчаси, туганак, илдизмева ва бошқа намуналардан фойдаланилади. Шунингдек, зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши қўлланиладиган турли пестицид намуналари ташқи кўриниши ва техник таснифига қараб ўрганилади.

Кузатиш учун заррабин-
лупа, пинцет, игнали таёқ-
ча, предмет ойначаси, Пет-
ри идишчаси керак булади.

Күпхұр зааркунандаларни ташқы күрінішига қараб анықлаш

Кузги тұнламыннег ташқы белгилари: яшил доғлы, ёғсир-
мон төвланувчи, ер-кулранг тусли, күртларинини узунли-
гы 40—50 мм. Орқаси ва ён
томондарда бүйлама йүли бор.
Бошчаси маллароқ.

Үтлок парвонасисиннег таш-
ки белгилари: күртлари ингич-
ка, яшил-кулранг; қорамтири-
ла оч тусли бүйлама йүллари бор.
Бошчаси қора, оч тусли нақышлари,
күкрап олдининг устида учта сарық йүли күзге
тапшланади. Елқасидаги қора бүргмаси оч тусли иккى ҳалқа
билин үралган. Узунлиги 25—
35 мм. Беданинг барғи тұрсы-
мон ва дағал ейилгап булади.

Ұсимликнинг шикастланғанлығында қараб, зааркунандаларни анықлаш


Туганак узунбуруни личинкаси. Ұсимликнинг илдизини, туганак-
ларини шикастлайди. Оч-құнғир бошчали, эгилган, оёқсиз, майда,
ууңлиги 5 мм. гача бүлган личинкалардан иборат.

Туганак узунбуруни құнғизи. Ұсимликнинг барға ёки пояси, айрим
қолларда генератив органлари шикастлаган, барглар чеккаси овал
шактада кемирилган булади. Уларни майда (2,8—5 мм), ер-кулранг тусли
капта хартумбошли узунбурун құнғизча заарлайди.

Бела узунбуруни (фитономус). Бедани 4,5—6,5 мм узунликдаги
құнғизчалар заарлайди (11-расм). Қанотининг усти кирсариқ тусли,



11-расм. Катта беда узунбуруни:
1—құнғизи; 2—личинкаси; 3—заараланған бела
илязи; 4—гүмбаги; 5—құнғиз билан заараланған
бела новласи.



12-расм. Лавлагининг заараркунандалар билан шикастланиши:

1—лавлаги нематоди; 2—кузги тунлам қурти; 3—оддий лавлаги узунбуруни; 4—оддий лавлаги узунбуруни құнғизи; 5—лавлаги шираси.

қорамтириң қалқон олди доғидан қанот бирикиши бүйлаб қора йұлчаси бор. Баргларда думалоқ ёки овал тешикчалар, барг банли ва пояды кичик чуқурчалар шаклида кемирилған шикастланишлар күзатилади.

Лавлаги узунбуруни. Илдизмевага кемириувчи заараркунанда шикаст етказған. Эгилган, оёқсиз, қора бошчали оқ личинкалар майда ён илдизларни еб, асосий илдизни қисман ёки илдиз учини тұлық кемириб шикаст етказади (12-расм).

Лавлаги нематоди. Лавлаги илдиз тизими кучли шохланиб, «соқолсімон» шакл олади. Ұсимлик үсиштан орқада қолади ва сұйиди. Текшириб күрілғанда илдизда узуңлиғи 0,4 мм. гача чүзиқ танали ёки бүйі 0,7—1 мм ва йұғонлиғи 0,4—0,5 мм. ча келадиган күртлар (личинкалар) бұлади.

Оддий лавлаги узунбуруни. Лавлагининг барг ва поялари шикастланған. Бу узун хартумбошли, бүйі 15 мм. гача бұлған оқиши-кулранг, қаноти устида қора әгри ва оч тусли йұллари бор құнғиз етказған заардир.

Ұсимликларнинг заарарланғанligига қараб, касаллilikларини аниқлаш

Пуфакли қоракуя. Катта ёшлаги маккажұхори ұсимлигининг барг пластинкаси томирчаларыда, поя бүғинларыда пуфаксимон шишлар вужуда келади. Султонининг айрим гуллари ва донлари шикастланған, баъзи донлари қаварған бұлади.

Үн-шудриңг. Бу касаллиқдан барча бошоқлы экинларнинг поя ва барглари шикастланади. Баргларда унга үхаш оқ ёки кулранг доғлар пайдо бұлади. Айрим ҳолларда унсимон доғларда майда қора нұқталар күзатилади.

Поя қоракуяси. Бұғдойнинг барг ва пояларida қора йүлчалар ёки дарзлар бұлиб, улардан чангсімон қора масса түшиб туради.

Поя занги. Барча бошоқлы экинлар барғи ва поясида сариқ, құнғир ёки қора ёстиқчалар пайдо бұлиб, узунасига түғри чизиклар бүйлаб жойлашади.

Сариқ занг. Жавдар, бұғдой ва арпанинг барг ва пояларida сариқ майда ёстиқчалар бұлади. Эпидермис билан қопланған қора ёстиқчалар ҳам учраши мүмкін.

Құнғир занг. Арпа ва бұғдойнинг барглари ва пояларida эпидермис остида құнғир ёки қора ёстиқчалар бұлади.

Қаттиқ қоракуя. Бұғдой ва арпа бошоқлары түлиқ шикастланған, дон қора чанға айланған. Дон қобиғи сақланған ёки унинің үрнида қопқа оқ парда қолған.

Пестицидлар билан таниши

Хозирғи вақтда үсімліктарни зарапқунанда, касаллик ва бегона үтлардан ҳимоя қилишда кенг құлланилаёттан пестицидларнинг на-муналари асосида уларнинг қуйидаги хусусиятлари үрганилади ва иш дафтариға ёзіб олинади:

- 1) агрегат қолати (суюқ, қаттиқ);
- 2) ранги (рангсиз, оқ, кулранг, құнғир ва ҳ.к.);
- 3) ҳиди (ҳидсиз, күчсиз ҳидли, ұтқир ҳидли);
- 4) препарат шакли (техник препарат, сувда әрүвчи концентрат, әмпульсия концентрати, сувда әрүвчи куқун, гранула ва ҳ.к.).

4.2. БЕГОНА ҰТЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЙҰЛЛАРИ

Инсон томонидан экilmайдиган, аммо экинлар орасида ўзича ўсіб, уларга зарар еткәзадиган үсімліклар бегона ұтлар дейилади. Улар ҳақиқиүй ва шартли бегона ұтларга бўлинади. Ҳақиқиүй бегона ұтлар — бу экинлар орасида ўсадиган ёввойи ұтлардир. Шартли бегона ұтлар жумласига экинзорда учрайдиган бошқа турдаги маданий үсімліклар киради. Масалан, маккажүхори даласида учрайдиган кунтабоқар, оқ жўхори, судан ўти шартли бегона ұтлар ҳисобланади.

Бегона ўтлар қишлоқ хұжалиғи әкінларининг яшаш шароитини ёмонаштиради. Баъзилари паразит (бошқа үсімлик ҳисобига яшовчи) ҳисобланади. Бегона ўтлар асосий үсімликларга нисбатан жадал ривожланиб, уларни сиқиб құяды, фотосинтез жараёнини сұстлаштиради, натижада үсімлик нозик бўлиб, бўйига үсиб кетади. Бу унинг маҳсулдорлиги камайишига, ётиб қолиши ва маҳсулот сифати пасайишига олиб келади. Шунингдек, бегона ўтларнинг илдиз тизими кучли ривожланганлигидан тупроқдан кўп миқдорда озиқ моддаларини ўзлаштириб, уларнинг захирасини камайтиради.

Ялпи харажатларнинг сезиларли қисми бегона ўтларни йўқотишга сарфланмоқда: фўза қатор ораларини шундай ўтлардан тозалаш учун гектар ҳисобига 25 ишчи-куни сарфланади. Бегона ўтларни чопиқ қилиш пайтида ниҳолларнинг ўрнидан қўчиб кетиши ва шикастлашиши сабабли кўчат қалинлигига путур етади, ҳосилга бегона ўтлар уруғи, мева ва барглар қўшилиб кетиши натижасида унинг сифати ёмонашади. Гумай, ажриқ, қамиш каби ўтлар билан кучли ифлосланган ерлардаги әкінларни парвариш қилиш ниҳоятда қийин бўлади. Эрта баҳорда, ҳали маданий үсімликлар униб чиқмаган пайтда заракунандалар бегона ўтларда кўпайиб, кейинчалик маданий әкінларга ўтади. Кампирчопон, какра, гумай каби ўтларнинг уруғлари ва таналарида заҳарли моддалар бўлиб, улар одам ва ҳайвонлар учун заарли ҳисобланади. Канал, ариқ ва бошқа суғориш тармоқларида үсадиган бегона ўтлар сувнинг оқишини сусайтириб, унинг бефойда буғланиб кетиши ва сарфланишига сабаб бўлади.

Бегона ўтлар ҳосилни йигиб-териб олишга ҳам ҳалақут беради. Фалла далаларидаги бегона ўтлар кеч етилиши сабабли дон ҳосилини ўриб олиш ва янчиша қийинчиликлар тудиради, маҳсулот намлигининг ошишига олиб келади. Шунингдек, бегона ўтлар инфекция тарқатувчи манба ҳисобланади. Масалан, қора итузум картошка ракини ташувчидир.

Бегона ўтларга қарши курашда уларнинг ҳаёт ва кўпайиш шароитларини яхши билиш муҳим аҳамиятта эга.

БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бегона ўтларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг серууғлигидир: бир туп ёввойи гултожихўroz — 500000, олабута — 150000, түяқорин — 200000, итузум — 45000, семизут — 200000, айрим бегона ўтлар 700000 ва ундан ҳам кўп уруғ ҳосил қиласиди. Маданий үсімликларда у 200—300 тадан ортмайди.

Бегона ўтлар уруги унувчанлик хусусиятини узоқ йиллар давомида сақтаң қолади. Тажриба маълумотларига кўра, семизўт уруги 40 йил, тутмачагул 57 йилдан кейин ҳам шу қебилиятини 6—18,2 фоиз сақлаган, итқўноқ уруги 29°C совуқда, янтоқ, уруги 85—95°C иссиқ, сувда унувчанилигини йўқотмаган. Буни уларнинг уруги сув ва ҳаво ўтказмайдиган махсус қобиққа ўралганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бегона ўтлар уруги турли муддатларда униб чиқиши сабабли дала-ларда бундай ўтларни йил давомида утратиш мумкин. Айни бир вақтда униб чиққанда, уларни йўқотиш ҳам анча осон кечар эди.

Бегона ўтларга қарши курашда улар уруғларининг тиним даврини ва маълум вақтдаги яшовчанилигини билиш катта аҳамиятга эга. Маълумки, майда уругени бир ҳенча баҳорги begona ўтлар уруги 1—2 см чуқурлиқдан бемалол униб чиқса, 5 см ва ундан ортиқроқ чуқурлиқдан мутлақо униб чиқмайди. Итқўноқ уруги 10—12 см, ёввойи сули уруги 20 см чуқурлиқдан ҳам униб чиқиши мумкин.

Бегона ўтларнинг кўпайинши ва тарқалиши

Фумай, ажриқ, қамиш, саломалайкум, қўйпечак, янтоқ, какра каби кўп йиллик begona ўтлар илдизпояларининг бўлаклари, илдизбачикилари ҳамда уруғларидан кўпаяди. Бир йиллик ва икки йиллик begona ўтлар, асосан, уруғларидан кўпаяди. Бу ўтларнинг уруғлари шамол, сув, гўнг орқали, ҳайвонлар, күшлар ва уруғлик воситасида тарқалади. Қамиши, илонч, оқбош, коқиёт уруғлари шамол ёрдамила тарқалади. Шувоқ, қўйтикан, түякорин каби ўтлар кузда илдизидан узилиб ва ўзаро чирмашиб, думалоқ шаклга кирганича, шамолла юмалаб, йўл-йўлакай уруғини тўкиб кетаверади. Қўйтикан, гўзатикан ёпишувчи, илашувчи мосламалари — тиканлари билан ҳайвонлар жунига, одамлар кийимига ёпишиб тарқалса, қора итузум қүшлар ёрламида ёйлади. Begona ўт уруғлари яхши тозаланмаган уруғлик орқали ҳам тарқалади. Бунинг натижасида лалмикор ерларда ўсадиган ўтлар сугориладиган ерларга ҳам кириб келмоқда. Далаларга солинаётган чиримаган гўнг ҳам begona ўтлар уруги тарқалишига сабаб бўлади.

Маълумки, зарпечак кўпинча янтоқда паразитлик қиласди, шунинг учун янтоқли жойларда боқилган қўй ва эчкилар гўнгини беда, полиз, сабзвот экинлари экиласидиган ерларга солиш шу экинларни зарпечак босишига олиб келади.

Ажриқ, фумай, қамиш каби begona ўтларнинг илдизпоялари қишилоқ ҳўжалиги машиналарининг ишчи органларига илашиб тарқалиши ҳам мумкин. Ана шу ўтлар ўсган майдонларга дискли бороналарда ицилов берини илдизпояларнинг майда бўлакларга бўлинишига ва оқибатда, бир ўсимлиқдан кўплаб янги ўсимликлар пайдо бўлишишига олиб келади.

БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ ТОИФАЛАРИ

Ўзбекистонда бегона ўтларнинг 72 та оиласга мансуб 841 тури учрайди. Шундан 519 тури бир йиллик, 322 тури кўп йиллик ўсимликлардир. Бегона ўтлар муҳим биологик хусусиятлари, яъни озиқланиши, яшаш даври ва қўпайиш усулларига кўра тоифаланади (3-жадвал). Бегона ўтлар бир ва икки паллали ўсимликлар ҳисобланади.

3-жадвал

Бегона ўтларнинг тоифалари

Автотроф (нопаразит) бегона ўтлар		Ҳакиқий паразит бегона ўтлар	Ярим паразит бегона ўтлар
Ўсиш даври қисқа	Кўп йиллик		
Эфемерлар Эрта баҳоргилар Кеч баҳоргилар Қишлоғилар Кузгилар Икки йилликлар	Вегетатив усулда кам кўпайдиган: — ўқилдизилилар — попукильдизилилар Вегетатив усулда кўпаючилилар: — пиёэлилар — тутанаклилар — илдизбачклилар — илдизпоялилар — судралиб ўсувлар	Поя паразитлари Илдиз паразитлари	Поя паразитлари Илдиз паразитлари

Нопаразит бегона ўтлар

Аксарият бегона ўтлар автотроф (нопаразит) бўлиб, улар илди орқали тупроқдан сув ва озиқ моддаларни ўзлаштириб, мустақил ҳаёт кечиради. Ўсиш даврининг қисқа ёки узунлигига қараб, бегона ўтлар кам йиллик ва кўп йилликларга бўлинади. Кам йиллик бегона ўтлар ўз ҳаёти давомида бир марта, кўп йилликлари эса ҳар йили бир неча марта уруғ беради.

Кам йиллик бегона ўтлар

Кам йиллик бегона ўтлар бир йиллик ва икки йиллик бўлади. Энг кўп ва кенг тарқалган биологик гурухга мансуб бир йиллик бегона ўтлар фақат уруғидан кўпайди. Уларнинг аксарияти (кўноқ, оқшўра, олабута ва бошқа) гетерокарпия, яъни ҳар хил катталикдаги уруғ ҳосил қилиш хусусиятига эга. Уруғларининг униб чиқиши муддатларига қараб, бир йиллик бегона ўтлар эфемерлар, эрта баҳорги, кеч баҳорги, қишлоғчи ва кузги бегона ўтлар биогурухларига бўлинади.

Эфемерларнинг ўсиш даври қисқа бўлиб, уларнинг ҳаёти униб чиқишидан уруғ етилгунча 1,5—2 ой давом этади. Бунга лолақизғал-

доқ, юлдузұт ва бошқалар мисол бұлади. Күзда униб чиққанлари қишлиайды. Улар күзги галла, биринчи йилги беда, күзги пиёс ва бошқа әкінлар орасида күп учрайди.

Әрта баҳорғи бегона үтлар уруғи илк күкламда, ҳали тупроқ яхши қизимасиданоқ, униб чиқади ва әкінлар ҳосилини йиғишитип-риб олгунча әки улар билан бир вақтда пишиб етилади. Баҳорғи әкінлар орасида күп учрайди. Ёввойи сули, олабуга, жағ-жағ, қизил тасма шулар жұмласига киради.

Кеч баҳорғи бегона үтлар уруғи баҳорда тупроқ яхши қизиганда униб чиқади, секин ривожланиб, уруғи әкінлар ҳосили йиғиб-териб олинғандан кейин етилади. Кечки әкінлар орасидағи үтлар уруғи бир вақтда етилади. Буларга гултохижүroz, семизүт, шамак, итқүноқ, бурған, түяқорин каби үтлар киради.

Қишлоғочи бегона үтларнинг майсалари баҳорғи ва күзги үт сиғатида үсиш ва ҳосил беріши қобилятиға зәғ. Уруғлари баҳор, ёз ва күзда униши мүмкін. Баҳорда унғандар түпбарғ чиқармайды, баҳорғи үтлар сингари үсіб, шу йили ҳосил беради. Күзде унғандар әса илдиз ёнида түпбарғ ҳосил қилиб, ривожланишининг ҳар қандай палласида қишлиапи мүмкін. Кейинги йили уруғ беради. Бунга жағ-жағ мисол бұла олади.

Күзги бегона үтлар уруғи күзда униб чиқиб, майсалары күзги ва қишки паст қароратда үсіб ривожланади. Қачон униб чиқишидан қаттың назар, келаси йили поя, түл, мева ва уруғ ҳосил қиласы, түпланиш фазасида қишлиайды. Буларга ялтирибош, қорамиқ, ёввойи сүннуги ва бошқалар киради.

Иккі йиллик бегона үтларнинг үсиши, ривожланиши ва ҳосил қишлиши учун иккі йил талаб этилади. Уруғи баҳор ва ёзда униб чиққан үт бир қиши ва күзда униб чиққан иккі қиши қишлиайды. Баҳорда поя чиқаради, гуллаб, уруғ ҳосил қиласы, сүнгра қуриб, нобуд бұлади. Уруғидан ва илдиз күртакларидан құнайиши мүмкін. Бұ гурухға қашқарбеда, сиғиркүйрүқ, сарық ёввойи беда, латтатиқан, оқкаррак, сутчұп, ёввойи сабзи ва бошқалар киради.

Күп йиллик бегона үтлар

Ушбу биологик гурухдаги бегона үтлар түрли хил оиласа мансуб бұлып, 3 турни ташкил этади. Улар генератив (урұғдош) ва вегетатив үсуалда (илдизпоя, илдиз күртакларидан) құпаяяды. Үсиш даври давомида бир неча марта уруғ беради. Ер ости органлари қишлиаб, баҳорда иллиз бүгзи ёки илдизпоясидан янгидан поя үсіб чиқади. Ер устки органларининг үсишига қараб, тик, ер бағырлаб, чирмашиб үсүвчилар-да, ер остики органларига күра, үқиодизлилар, илдизпоялилар, илдизбач-килилар, попукидизлилар, пиёзлилар, тұганаклиларга бұлинади.

Үқи́лди́зли́ларга асо́сий илди́злари жуда чу́курға — 2 дан 15 м. гача ети́б бора́диган ўси́мликлар киради. Асо́сий илди́здан күп ми́кдорда ён илди́злар чиқа́ради. Илди́зи бў́зидан қирқи́лса, янги ўси́мта чиқа́рмайди. Откуло́қ, са́чратқи, оқкурай, кампирчопон, қоқи́т, мо́моқаймоқ, эрман ва бошқалар ўқ илди́зли́ларга киради.

Попуки́лди́зли́ларни́нг асо́сий илди́зи қисқари́б, кўплаб ён илди́злар тутами — попуки́лди́злар ривожланган бўла́ди. Попуки́лди́з бў́зидан қирқи́лса, ундан янги ўси́мликлар ўси́б чиқа́рмайди. Зубтурум, барги́зуб фақат уруғи́дан кўпа́ядиган ўси́мликлар жумла́сига киради.

Пиё́зли́лар ҳар йили ўси́ш даврида ер остида шарсими́он-думалоқ пиё́з ҳосил қила́ди. Уру́ддан унган ўси́млик би́ринчи йили фақат барг чиқа́ради, 2—3-йиллари эса поя ҳосил қили́б, гуллайди ва уру́флайди. Асо́сан, вегетати́в ўйл билан кўпа́яди. Ёввойи́ пиё́з, гулпиё́з, кумпиё́з, чўчқапиё́з, оташак пиё́з, тоғ пиё́з, дашт пиё́з ва бои́қалар шу гуру́хга мансубди́р.

Илди́зпоя́лари кучли ривожланган илди́зпоя́ли бегона ўтларни́нг ер ости органлари — ўзгарган илди́злари ёрдамида кўпа́яди. Ҳар хил йўғонли́кдаги илди́зларни́нг ҳар бир бўғимида куртаклари бўли́б, улардан янги новдалар ўси́б чиқа́ли. Вегетати́в ўйл билан кўпаю́вчи бу гуру́хга гумай, ажриқ, қамиш, саломалай́кум, дала қирқбу́ғини, аччиқмия, оқмия каби ўси́мликлар мисол бўла́ди.

Илди́збаччи́ларга бегона ўтларни́нг 26 тури мансуб бўли́б, Ўзбекистонда уларни́нг 16 таси тарқа́лган. Уруги ва илди́зидан кўпа́ядиган, асо́сий, илди́зи кесилганда кўплаб янги бачкилар ҳосил қила́диган бундай ўтлар гуру́хига қўйпеча́к, янтоқ, какра, қизи́лмия, бўзти́кан каби ўси́мликлар киради.

Судрали́б ўсу́вчи́лар айи́қтовонгу́лдошлар оиласига мансуб бўли́б, палак оти́б ўсади. Сербў́им палагини́нг ҳар бир бўғими ерга теги́б, попуки́лди́з чиқа́ради. Бу гуру́хга айи́қтовон, тугмабош, қуёнут, олмосу́т ва бошқалар киради.

Паразит ва ярим паразит бегона ўтлар

Маданий ўси́мликлар ёки нопа́разит бегона ўтлар билан бирга яшаб, улар ҳисоби́га ози́қланадиган бу паразит ўтларни́нг яши́л барглари ҳам, илди́зи ҳам бўлмайди, улар бошқа ўси́мликларни́нг пояси ва илди́зига чирмаши́б, сўрғичлари билан ёпиши́б олиб яшайди.

Паразит бегона ўтлар ҳақи́кӣ ва ярим паразит бегона ўтларга бўли́нади. Бир йилли́к ўтлар ҳисобланувчи ҳақи́кӣ паразит ўтларни́нг барги ва илди́зи бўлмайди. Паразит бегона ўтлар поя ва илди́з паразитлари́га бўли́нади. Ўзбекистонда поя паразитлари́дан зарпеча́к,

девпечак, илдиз паразитларидан шумғия учрайди. Поя паразитлари ингичка ва йўғон пояли бўлади.

Зарпечак сабзи, ясмиқ, каноп, беда, йўнгичқа, эспарчет, вика, картошка ва бошқа экинларда, девпечак эса дараҳт ҳамда буталарда учрайди. Шумғия қовоқ, карам, сабзи, каноп, қовун, кунгабоқар ва бошқа экинларни зараплайди. Зарпечак ва шумғиянинг бир турида 100 мингтадан ортиқ уруг ҳосил бўлади. Уруғлари жуда майда: зарпечакнинг 1000 та уруги 1—1,25 г, шумғияники эса 0,008—0,01 г оғирликка эга.

Ярим паразит бегона ўтлар Ўзбекистонда жуда кам учрайди. Яшил баргли бу бир йиллик ўсимликлар бошқа ўсимликларнинг ер устки органлари ва илдизига ёпишиб олиб, сўргичлари билан озиқ моддалардан қисман фойдаланади. Уруғидан кўпаюччи мазкур гурухга оқ эмелла, очанка, зубзатка, мятник ва бошқалар киради.

БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИГЛАРИ

Бегона ўтларга қарши курашда улар униб чиқиши ва ривожланшининг олдини олиш, қириш ва бошқа маҳсус тадбирлар қўлланилади. Олдини олиш тадбирлари бегона ўт майсаларининг хусусиятларини ва уларнинг тарқалиш йўлларини ўрганиб, бунга йул қўймасликдан, қирувчи тадбирлар эса бегона ўтларни механик, физик, биологик усусларда йўқотишдан иборат.

Олдини олиш тадбирлари уруғларидан бегона ўт уруғларидан тўлиқ тозалаш, чириган гўнгдан фойдаланиш, йўл, сугориш ва коллектор-зовур тармоқлари бўйларидағи ўтларни уруғламасидан олдин ўриб ташлаш, далаларни йириклиаштириш, ҳосилни ўз вақтида йиғишишиб олиш, карантин тадбирларига риоя қилиш каби масалаларни қамрайди. Бегона ўтлар бошқа мамлакатлардан Ўзбекистонга кириб келишининг олдини олиш учун ташқи карантин қўлланилади. Ички карантин эса заарли бегона ўтлар мамлакатимиз ичida тарқалишига йўл қўймасликда ёрдам беради. Бунда карантин назоратчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан биргаликда ёввойи гултоҳижхуроз, левкурмак, говкурмак, какра, гумай, ажриқ, саломалайкум, оқмия, аччиқмия, зарпечак, чирмовиқ каби бегона ўтларнинг уруғлари кириб келишининг олдини олишга ҳаракат қиласидилар.

Қирувчи кураш чоралари

Бу тадбирда тупроққа механик ишлов бериш муҳим урин тутади. Мазкур усул дала экинлар билан банд бўлмаган вақтда (ҳосил йиғишишиб олингандан кейин ва экишгача) энг самарали ҳисобланади. Ернинг

кузда чимқирқар плугларда сифатли қилиб ҳайлалиши бегона ўтларнинг кескин камайишига олиб келади: ер юзасига чиқиб қолган илдизлар кишки совуқда нобуд бўлади, пастки қатламга тушиб кетган уруғлар эса униб чиқа олмайди. Чизеллаш ва бороналаш пайтида бегона ўтларнинг илдизпояларини тароқлааб олиб, дала четига чиқариб ташлаш лозим.

Гумай, ажриқ, қамиш каби илдизпояля кўп йиллик бегона ўтларни ўқотиш учун ер аввал ағдаргичи олиб кўйилган плуг ёрдамида юмшатилади. Сунгра бўйламасига ва кўнлалангига тароқлаш йўли билан илдизпоялар йигиб олинади. Экин экиш олдидан ерларни чизеллаш ва бороналаш ҳам бегона ўтларни кескин камайтиради. Галла экинлари ичидаги бегона ўтлар борона ёрдамида ўқотилади.

Экин қатор ораларини культивация қилиш бегона ўтларни ўқотишда самарали тадбирлардандир. Биринчи культивация чуқурлиги 6—8 см, иккинчи культивация 14—16 см. дан кам бўлмаслиги керак.

Лалмикор ерларда бегона ўтлар тоза шудгорга ишлов бериб туриш орқали ўқотилади. Бунда ағдаргичсиз плуг, чизел ва культиваторлардан фойдаланилади. Кўйпечак, янтоқ, какра каби ўтларни ўқотиш учун ерни чуқур ҳайдаш лозим.

Кимёвий кураш чоралари

Бу усулда бегона ўтларга қарши курашда кимёвий препаратлар *гербицидлардан* («герба» лотинча сўз бўлиб, ўт, «цидо»—ўлдираман маъносини билдиради) фойдаланилади.

Гербицидлар кимёвий таркибига кўра, *анорганик* ва *органик*, экинларга ва бегона ўтларга таъсир этишига қараб, *танлаб таъсир этувчи* ва *ёппасига таъсир этувчи гербицидларга* бўлинади.

Танлаб таъсир этувчи гербицидлар мўттадил меъёрда қўлланилганда машаний ўсимликка таъсир этмасдан, бегона ўтларни йўқ қилади. Барча ўсимликларга ёппасига таъсир этувчи гербицидлар экинлар йиғишириб олингандан кейин ёки ариқ ва ўйл ёқаларидаги бегона ўтларга барҳам беришда ишлатилади.

Ўсимликка таъсир этиш хусусиятига кўра, гербицидлар *контакт* таъсирли ва ичдан *таъсир этувчиларга* бўлинади. Контакт таъсирли гербицидлар ўсимликка теккан жойини қуригади. Ичдан таъсир этувчи гербицидлар ўсимлик танасига илдизи ёки барги орқали кириб, молдалар алмашинувини бузади.

Экинлар ва бегона ўтларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда гербицидлар экишдан олдин, экиш вақтида, ўсиш даврида ва ҳосил

йиғиштириб олингандан кейин құлланилади. Улар ёппасига ва тасма усулида сепилиши мүмкін. Экишдан олдин ёппасига сепиладиган гербицидлар бороналар ёрдамида тупроққа аралаштирилади. Экиш вақтида ва ўсиш даврида эса улар тасма усулида ёки ёппасига сепилади.

Гербицидларни сувда эритиб, ишчи эритма ҳолатида ёппасига сепиша гектарига 600—800 л, тасма усулида 150—200 л ишчи эритма сарфланади.

Экинлар ҳосили йиғиб олинган далаларда күп йиллик үтларга қарши фосулен (50 фоизли намиқұвчи күкун — н.күк.) 8—12 кг/га миқдорида құлланилади. Бунинг үчүн дала өктябрда суфорилиб, үтлар күкариб чиққанда 600—800 л/га ишчи аралашма сепилади.

Маккажүхорини экиш пайтида бир йиллик үтларга қарши симазин (50 фоизли оқ-кулранг н.күк.) 6 кг/га меъёрда (200—300 л/га ишчи эритма) құлланилади. Атразин гербицили (50 фоизли оқ ёки оқиши-кулранг күкун) эса 6 кг/га меъёрида экин экилгандан кейин тупроқ юзасига аралаштирилади (200—300 л/га ишчи эритма).

Беда ва себарга экилган далаларда ўсимлик ўрилгандан кейин заречакка қарши 48 кг/га меъёрида нитрофен (65 фоизли түқ жигарранг паста) ёки 36—60 кг/га магний хлорат (60 фоизли тангасимон кристалл) құлланилади. Ҳар икки шароитда ишчи эритма меъёри 600 л/га. га тенг.

Биологик кураш чоралары

Алмашлаб экишни түгри ташкил этиш, экинларнинг күчатлари мұльтаппил қалинликда бўлиши ва тез ривожланишига эришиш бегона үтларнинг камайишини таъминлайди. Бундай үтларга қарши ҳашаротлардан ҳам фойдаланиш мүмкін. Масалан, *фитомизза* пашаси шумғиянинг гуллига тухум қўйиб, унинг уруғарини 70 фоизга камайтиради.

Сугориши тармоқларининг ёқаларига үтлар (масалан, беда) экиш уерлаги бегона үтлар кўпайишининг олдини олади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бегона үтлар, уларнинг зарари, биологик хусусиятлари, кўпайиш ва тарқалиш йўллари ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Бегона үтлар таснифини баён этинг.
3. Кўп йиллик ва паразит бегона үтлар вакилларини таърифланг.
4. Бегона үтларга қарши механик ва биологик кураш чораларини кўрсатинг.
5. Бегона үтларга қарши кимёвий кураш йўлдарини баён этинг.

САМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ БЕГОНА ЎТЛАР ТАСНИФИ

Дарс режаси:

1. Гербарий ва ўсимлик намуналари асосида бегона ўтларни ўрганиш.
2. Коллекциялар ёрдамида бегона ўт урувлари билан танишиш.

Көрәкелі асбаб-анжомлар: бегона ўт гербариілари, ўсимлик намуналари, бегона ўтлар урувлари коллекцияси, заррабин, таҳтача, қысқыч—пинциет.

Кеңг тарқалған бегона ўтлар машгүлотда уларнинг гербариіларига, ўсимлик намуналарига қараб, урувлари эса коллекция намуналари асосида қуйида күрсатылған тартибда ўрганилади.

Автотроф (нопаразит) бегона ўтлар

Кам йилликлар

Кам йиллик бегона ўтлар эфемерлар, эрта баҳорги, кеч баҳорги, қишлоғочи ва икки йиллик бегона ўтларга булинади.

Эфемерлар

Юлдузұт чиннигулдошлар оиласига киради. Пояси түғри, кутарылған ёки ётиқ, сершох, 60 см. гача етади. Юлдузұт сұдралып ўсадыған поля бүгімларидан нам ерда илдиз чиқарыш хусусиятига эга. Баҳордан кузгача гуллайди ва ҳосиһ тугади. Үргидан күпаяди. Битта ўсимлигі 25 мингтагача уруғ тугади.



13-расм. Олабута.

Эрта баҳорги бегона ўтлар

Ёввойи сули — ғалладошларға мансуб бир йиллик бегона ўт. Айрим жойларда қоракүза деб юритилади. Таşқи күринниши жиҳатидан ёввойи ва маданий сули бир-бирига ўхшаш. Лекин ёввойи сулининг уруги етилиши билан сочилиб кетади. Бир тупла 600 тағача уруғ шакланади. Уруги 25—30 см чукурликдан ҳам күкариб чиқади.

Олабута шүрадошлар оиласига киради. Унинг оқ шұра, сассиқ шұра ва хұшбұй шұра каби турлари тарқалған. Оқ шүрәнинг барғи унсисмон фубор билан қолланған, суғориладын ерларда күп учрайди (13-расм).

Пояси түгри, сершох, барги тухумсиз мон булиб, четлари кунгурали. Бир тупда 1,5 млн. тагача уруғ ҳосил қиласи.

Кеч баҳорги бегона ўтлар

Ёввойи гултожихүрөз гултожихүрөзлар оиласига киради. Пояси түгри, күп қисми шохланган, буйи 100 см. гача етади (14-расм).

Яхи ривожланган битта ўсимлиги 500 мингтагача ва ундан ортиқ уруғ тугади. Ўсиш даври 50—60 кун, уруғи тупроқ ҳарорати 20°C дан ошганда униб чиқади.

Бошоқдошлар оиласига киравчы иткүноқ ғұза ва беда екинларини, шунингдек, бүгдей ва тарикни жуда ифлослантиради (15-расм).

Тик ўсади (50—70 см), бошогида сарық ёки бинафшаңған қылтиқчалари бор. Намлика талабчан. Күк иткүноқ ва оқ иткүноқ турлари мавжуд. Попукидизли, барглари энсиз, узун тасмасимон. Уруғи майда, бир тупда 5,5—7 мингтагача етади.

Итузумдошлар оиласига мансуб итузумнинг буйи 75—100 см, пояси тик, баъзан ётиб ўсади. Меваси майда, қора, сарғищ, қызил рангда. Уруғи сарық, буйраксимон. Июндан октябрғача гуллайди. Меваси июл—ноябрда етилади. Бир тупида 500—110 мингтагача уруғ ҳосил қиласи.

Кузги бегона ўтлар

Ялтирбоши бошоқдошлар оиласига киради. Битта ўсимлиги 800—1500 та уруғ тугади. Буйи 120 см атрофика. Уруғи 6—10 кунда униб чиқади. Жавдар далаларидан күп учрайди. Рұвак чиқарғунича уни жавдардан фарқлаш қийин.

Бошоқдошлар оиласига мансуб ёввойи супурғи пояси тик ўсиб, буйи 1 м. гача етади. Июл—августда гуллайди ва уруғ тугади. Уруғи намлик етарли бұлғанда тупроқ юзасидан униб чиқади. Тупроқда уруғининг унувшанлигы 7 йилгача сақланади.



14-расм. Ёввойи гултожихүрөз.



15-расм. Иткүноқ.

Икки йиллик бегона ўтлар

Қашқарбеда дүккәндошлар оиласига киради. Богларда, ариқтар бўйида ўсади. Пояси тўғри, шоҳданали, бўйи 30—100 см ва ундан ортиқ, илдизи бақувват. Йюндан кузгача гуллайди. Уруғидан кўпаяди. Битта ўсимлиги 17 мингтагача уруғ тугади, тупроқда унувчанилигини 20 йилдан ортиқ сақлади.

Кўп йиллик бегона ўтлар

Ўқилдизлилар

Сачратқининг илдизи 2—3 м. гача етиб боради. Пояси 1 м. гача ўсади, гули ҳаворанг, эрталаб очилади ва соат 11—12 ларда юмилади. Илдизи кесилганда янги ўсимта ҳосил қилиб кўкарали.

Қоқиёт мураккабгулдошлар оиласига киради. Боглар, полизларда, ташландиқ срлар атрофида кўп ўсади. Поясининг ичи бўш-найча, баргсиз, бўйи 15—30 см. Илдиз бўғизидан чиқсан барглари патсимон қирқилган шаклда. Тўпгули олтинранг-сариқ гулли саватчани эслатади.

Попукилдизлилар

Зубтурум зубтурумдошлар оиласига киради, поясининг бўйи 50 см. гача, барги тухумсимон, юмалоқ, текис қиррали. Уруғи баҳордан кузгача униб чиқанеради. Май—сентябрда гуллаб, уруғлайди. Уруғидан кўпаяди. Майсалаганда ўқилдизли бўлиб, кейинчалик кўплаб ён илдизлар чиқаради ва попукилдиз ҳосил қиласади. Ҳамма ерда учрайди.



16-расм. Фумай.

Пиёзли бегона ўтлар

Ёввойи пиёз пиёзгулдошлар оиласига киради. Бегона ўт сифатида алоҳида эътиборга молик эмас, осонликча йўқотилади. Пиёзбоши ва уруғидан кўпаяди. Пояси оддий, ярмигача барг билан қопланган, бўйи 30—60 см, май—июнда гуллайди.

Илдизпояли бегона ўтлар

Бошоқдошлар оиласига мансуб гумай барча экинлар орасида учрайди (16-расм). Майдан июнгача

гуллаб, июндан октябрегача урuf ҳосил қиласи. Тик үсади. Поясинаң бўйи 1,5 м. гача етади, паст томонидан шохлайди. Бир тупида 2—3 мингтагача урuf ҳосил қиласи. Уруғи ва илдизпоясидан кўпаяди.

Ажриқ бошоқдошлар оиласига киради. Барча экинлар, айниқса, пахтазорда кўп үсади. Илдизпояси сурдалиб ўсувлч, ингичка кўкиш чизиклй, тасмасимон баргли, панжасимон тўпгулли ўсимлик (17-расм). Пояси бўғимили, шохланган, бўйи 30—50 см. гача үсади. Асосан, илдизпоясидан кўпаяди.

Саломалайкум қиёқдошлар оиласига киради. Унинг 400 га яқин тури мавжуд. Пояси тўғри, уч қиррали, ингичка, силлиқ, бўйи 15—20 см (18-расм). Июн—августда



17-расм. Ажриқ.

гуллайди. Уруғидан тарқалганидек, поясидан ҳам кўпаяди.



18-расм. Саломалайкум.

Илдизбачкили бегона ўтлар

Кўйтепчак печакгулдошлар оиласига киради. Ҳамма ерда учрайди. Суфорила-диган ва баҳорикор ерларда үсади. Пояси ингичка, чирмашиб үсади, узунлиги 30—100 см (19-расм).

Гули йирик, оқ пушти рангда. Барги ёйсимон, наизасимон, ўтқир учли. Май—августда гуллайди. Июн—октябрда ҳосил тугади.

Қизилмия дуккакдошлар оиласига киради. Сизот сувлар юза жойлашган ерлар-



19-расм. Күйпекак.

ди. Барглари майда, юмалоқ ёки овалсимон, учили. Гули майда, пунти-бинафша рангда. Меваси түқ жигарранг. Күнгирранг уруғи ясси, бүйраксимон шаклда. Июн—августда гуллаб, уруглады.

Судралиб ўсувчи бегона ўтлар

Айиқтовондошлар оиласига мансуб *айиқтовон* нам ерларда яхши ўсади. Ўтлоклар, далалар, томорқалар, пастқам жойларда, ариклар бүйида, сув ҳавзалари қирғоқларида, шоли экилган жойларда учрайди. Уруғидан ва илдиз отадиган поясидан күпаяди. Ҳайвоңлар учун заҳарли.

Паразит бегона ўтлар

Поя паразитлари

Зарпекак — чирмөвиқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт. Уруғи 18—20°С да униб чиқади. У ҳар хил ўсимликларга чирмашиб, сүргичлари билан ёпишиб яшайды. Пояси ингичка, ипсимон, туксиз, сарғиш, қизил рангда. Тұпгули күп гулли шарсимон түтунчада. Июн—августда гуллайды ва мева тугади, меваси күсак шаклида. Бир

да яхши ривожланади. Пояси түгри, шохланган, бўйи 75 см. гача етади. Қисқа бандли кўлгина баргчалардан ташкил топган мураккаб барглар шодасининг орқа томони қаттиқ тукчалар билан қоғланган. Шохчалари учда бинафшиаранг гули шингилиларга тўпланган. Меваси эгилган, катта гуддали, қизил-кўнгир рангли дуккакча бўлади. Уруғи кулранг-яшил, деярли шарсимон. Илдизбачкиси ва уругидан кўпаяди. Ўқилдизи тупроққа 5 м. гача кириб боради.

Янтоқ дуккакдошлар оиласига киради. Ўзлаштирилмаган ерлар, уватларда, йўллар ёқасида, ариклар бўйида ўсади. Ўсимлиги тўпланади, тиканакли пояси шохланган, бўйи 80 см. гача етади. Барглари майда, юмалоқ ёки овалсимон, учили. Гули майда, пунти-бинафша рангда. Меваси түқ жигарранг. Кўнгирранг уруғи ясси, бўйраксимон шаклда. Июн—августда гуллаб, уруглады.

Судралиб ўсувчи бегона ўтлар

Айиқтовондошлар оиласига мансуб *айиқтовон* нам ерларда яхши ўсади. Ўтлоклар, далалар, томорқалар, пастқам жойларда, ариклар бўйида, сув ҳавзалари қирғоқларида, шоли экилган жойларда учрайди. Уруғидан ва илдиз отадиган поясидан күпаяди. Ҳайвоңлар учун заҳарли.

Паразит бегона ўтлар

Поя паразитлари

Зарпекак — чирмөвиқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт. Уруғи 18—20°С да униб чиқади. У ҳар хил ўсимликларга чирмашиб, сүргичлари билан ёпишиб яшайды. Пояси ингичка, ипсимон, туксиз, сарғиш, қизил рангда. Тұпгули күп гулли шарсимон түтунчада. Июн—августда гуллайды ва мева тугади, меваси күсак шаклида. Бир

тупида 15—40 мингтагача құнғир тусли, юмалоқ, майда уруғ шаклланади. Уругидан ва поясининг бұлакларидан күпаяди.

Девечак — чизимчасимон, йұғон пояли, қызғыш ёки сарғыш тусли, бута ва дараңғылар танасига, шох-шаббаларига ұралиб яшовчи үсімлик. Июл—сентябрда гуллаб, бир тупида 120 минггагача 3—4 мм катталикда юмалоқ уруғ тугади. Уругидан ва поясининг бұлакларидан күпаяди.

Илдиз паразитлари

Шумғиядошлар оиласига киравчы күнгабоқар *шумғияси*, асосан, күнгабоқар илдизида, камдан-кам ҳолларда помидор, тамаки, наша, махсар ва полиз экинларидан паразитлик қилади. Бегона үтлардан шувоқ ва құйтиканда күнроқ учрайди.

Миср шумғияси помидор, бақлажон, тамаки, картошка, қовун, тарвуз, бодринг, күнгабоқар, карам, хантал, ер ёнғоқ, кунжут ва дағалканопни заарлайди. Бегона үтлардан құйтикан, қора итузум, қүйпек абошқаларда учрайди.

5. АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Қишлоқ хұжалиги экинларини далалар ва йиллар бүйича илмий асосда навбатлаб экишга алмашлаб экиш дейилади. Ҳар бир алмашлаб экишда тупроқ унумдорлығы ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга имкон беруви тупроққа ишлов бериш ва үғитлашнинг үзиге хос гизимлари амалға оширилади. Қишлоқ хұжалиги экинларини илмий асосда навбатлаб экиш тупроқдаги органик модда миқдорини бошқаришга, бегона үтлар, үсімлик касалліктери ва зааркунандаларига қарши самарали курашга шароит яратади, тупроқнинг донадор структурасини таъминлаб, озиқ ва сув-ұаво режимини яхшилады, құлланылаёттан үғитлар самарасини ошириб, тупроқтар нурашининг одилини олади. Бир неча хил экиннинг алмашлаб экиб турилиши хұжаликда иш кучи, техника, сув ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан үнумли фойдаланишга олиб келади.

Түрли үсімліктар тупроқда ҳар хил миқдорларда органик қолдик түтілайды. Құп йишлилік үтлар ва күзги дон экинлары күп миқдорда, бақорғы дон экинлары камрок, қатор оралары чопиқ қылиналады экинлар жаға жуда кам органик қолдик ҳосил қилади. Масалан, 3 йиллик беда тектарига 10—11 т илдиз қолдиги ва 300—500 кг биологик азот түтілайды.

Қишлоқ хұжалиги экини бир далага 3 йилдан ортиқ экилмаса, у қайта экилаёттан экин, агар ротация даври давомида ёки ундан ортиқ

экилса, сурункасига экилаётган экин ва бир хил экиннинг узоқ муддат давомида бир далага сурункасига экилиши эса монокультура дейилади.

Экинларни сурункасига ва алмашлаб экиш шароитида ҳосилдорлик турлича бўлишини 4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Алмашлаб экиш далаларидаги кўп йиллик ем-хашак экинлари таъсирида сизот сувлар сатҳи пасайиб, тупроқда ботқоқланиш, шўрланиш жараёни сустлашади ва туз тўпланиши камаяди. Натижада, бундай ерларда асосий экинлар ҳосилдорлиги 10—35 фоизгача ошади.

4-жадвал

Сурункасига ва алмашлаб экинда экинлар ҳосилдорлиги (ц/га)

Етиштириш шароити	Кузги жавдар	Кузги бугдой
Сурункасига экиш (ўғитланмаган)	5,9	9,1
Алмашлаб экиш (ўғитланмаган)	16,2	18,5
Сурункасига экиш (ўғитланган)	15,4	14,6
Алмашлаб экиш (ўғитланган)	26,8	24,0

Хўжаликда экинларнинг мақбул даражада навбатлаб экилиши алмашлаб экиш тизимини ташкил қилиб, бунга экин майдонларининг ишлаб чиқилган структураси асос қилиб олинади. Ҳар қайси алмашлаб экиш хўжаликда маълум ҳудудга эга бўлиб, ҳудуд деярли тенг майдонли бир қанча далаларга бўлиб чиқилади. Экинларни навбатлаб экиш ана шу далалар бўйича амалга оширилади. Масалан, алмашлаб экинда маккажӯхори, кузги буғдой, лавлаги, арпа ва сули жойлаштирилиши лозим бўлса, белгиланган ҳудуд 5 та далага бўлиб чиққилиб, ҳар қайсисида шу экинлардан бири етиштирилади. Экинларнинг далалар бўйича навбатланишига 5 йил зарур, яъни ротация даври шунчак йил давом этади. *Ротация даври* — экинларни тартиби билан белгиланган схема асосида ҳар бир далага экиш учун кетган вақтдир. Юқоридаги мисолла муайян экин ҳар бир далага 5 йилдан кейин қайта экила бошлайди. Бунда ротация даври далалар сонига тенг бўлади. Бу даврда экинларни йиллар ва далалар бўйича жойлаштириши режаси ротация жадвали дейилади. 8 далали алмашлаб экиннинг ротация жадвали қўйидагича бўлиши мумкин (5-жадвал).

Алмашлаб экишнинг ротация жадвали

Ротация йиллари	Алмашлаб экиш даалалари							
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
2001	B ₁	B ₂	B ₃	F ₁	F ₂	F ₃	F ₄	F ₅
2002	B ₂	B ₃	F ₁	F ₂	F ₃	F ₄	F ₅	B ₁
2003	B ₃	F ₁	F ₂	F ₃	F ₄	F ₅	B ₁	B ₂
2004	F ₁	F ₂	F ₃	F ₄	F ₅	B ₁	B ₂	B ₁
2005	F ₂	F ₃	F ₄	F ₅	B ₁	B ₂	B ₃	F ₁
2006	F ₃	F ₄	F ₅	B ₁	B ₂	B ₃	F ₁	F ₂
2007	F ₄	F ₅	B ₁	B ₂	B ₃	F ₁	F ₂	F ₃
2008	F ₅	B ₁	B ₂	B ₃	F ₁	F ₂	F ₃	F ₄

Изоҳ: Б—беда, F—ғўза.

5-жадвалдан кўриниб турибдик, 2001 йил 1-далага беда экилган бўлса, 2002 ва 2003 йилларда ушбу дала 2 ва 3-йилги беда билан, 2004—2008 йилларда эса ғўза билан банд бўлади. Сунгра шу тартибда экинлар яна қайтадан экила бошлайди.

Алмашлаб экишга киритилган экин гурухларининг рўйхати, уларни навбатлаб экиш тартиби ёки алмашлаб экишдаги экинлар билан банд далаларнинг бир-бирига нисбати алмашлаб экиш схемаси леб аталади.

Жадвалдаги экинларнинг навбатланиш схемасини 3:5 кўринишида бериш мумкин. Бунда 1-рақам 3 далага беда ва 2-рақам 5 далага ғўза экилишини кўрсатади. Ушбу тартиб ҳар бир алоҳида далада йиллар давомида навбатланиб келади.

ЎТМИШДОШ ЭКИНЛАР

Алмашлаб экишда ҳар бир экиндан олдин етиштирилган экин ўтмишдош саналади. Масалан, маккажӯхоридан кейин кузги буғдой стигитирладиган бўлса, биринчиси иккинчисига ўтмишдош экин бўлади. Экинларни тўғри навбатлаштириш учун ўтмишдош экин ўзидан кейинги экинни етиштириш шароитига қандай таъсир кўрсатинини билини мухим аҳамиятга эга. Бир оиласга мансуб экин тури шу оиласга мансуб бошқа экин тури учун яхши ўтмишдош бўла олмайди.

Экинларни ўтмишдош сифатыда умумий баҳолапп ва алмашлаб экиш учун жойлаشتаришда улар қуидаги гурұхларға бириктирилади: күзги ғалла экинлари — бүгдой, жавдар, арпа; баҳорғи ғалла экинлари — бүгдой, арпа, сули, тарик; дуккакли-дон экинлари — нұхат, ловия, соя; күп йиіллик үтлар: дуккаклилар — беда, йүнғичқа, эспарец; бошоқдошлар — оқсұхта, бетага, ажриқбөш; бир йиіллик үтлар — вика, судан ўти; қатор оралари ишланадиган экинлар — гұза, каноп, маккажұхори, оқ жұхори, лавлаги, картошка, күнгабоқар, сабзавотлар.

Күзги ғалла экинлари күпчилик қышлоқ құжалиги экинлари учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Экин майдонида күп міндердә үсимлік қолдиқларини қолдирадиган бу экинлар ҳосили әртә йиғишириб олинғандан кейин тупроққа ўз вақтида сифатлы ишлов берилади. Баҳорғи ғалла экинлари күзги ғалла экинларига қараганда үнчалик яхши ўтмишдош бұлмаса-да, күп турдаги экинлар учун мақбул ҳисобланади. Улар бегона үтлардан катта зарап күради. Дуккаклилар тупроқні азот билан бойитиб, уннинг физик хусусиятларини яхшилайды. Қыйин ұлаشتыриладиган фосфор бирикмаларини осон ұлаشتыриладиган даражатында парчалаб бериси туфайли ғалла экинлари, картошка, лавлаги ва бошқа экинлар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Күп йиіллик үтлар (дуккакли ва бошоқли үтлар ара-лашмаси) аксарайт экинлар учун яхши ўтмишдош бұла слади. Улардан кейин каноп, тарик, баҳорғи ғалла экинлари, пахта экиш мақсадға мұвоғиқдир. Бир йиіллик үтлар күзги ҳамда баҳорғи ғалла ва бошқа экинлар учун яхши ўтмишдошдир. Лекин улардан кейин дуккакли дон экинларини экиш яхши натижә бермайди.

Республиканың субориладиган деңқончилик шароитида, асосан, ўзидан кейинги экинлар учун яхши ўтмишдош бұла оладиган гұза, маккажұхори, каноп, оқ жұхори, лавлаги, бүгдой ва бошқа экинлар стиширилади.

Тоза шудгор алоқида ўтмишдош сифатыда қаралади. Чунки дала экинлар билан банд бұлмай, мавсум давомида ишлов беріб турилалыған бундай ерларға күзги ғалла экинларини экиш яхши самара беради.

Баъзи экинлар учун заарарлы бұлған касаллук ёки заараркунанда бошқаларига хавф туғедірмаслиғи мүмкін. Масалан, зарпечак күнгабоқар, тамаки, беда ва канопга анча зарап етказса, маккажұхори ва оқ жұхорига салбий таъсир күрсата олмайди. Беда, маккажұхори, оқ жұхори ва бошоқли ғалла экинлари эса ғұза вилти билан заарарланмайды ва тупроқда вилт құзғатувчиларнинг камайишини таъминлады. Шу болылан, улар ғұза учун ўтмишдош экин сифатыда экилади. Маккажұхори беда билан араштыриб экилғанда, вилт касалининг камайиши беда соғ ҳолда экилғандагидан юқори бўлини исботланған.

Тарық, лавлаги (айниңса, қанд лавлаги), соя вегетация даври бөннелерде жуда секин ўсиши сабабли бегона ўтлардан кагта заар құради, уларни кейинги йили ушбу далаларга экиш самара бермайды. Лавлагини бир далада бир неча йил давомида қайта етиштириш нематодлар құпайишига олиб келади.

ОРАЛИҚ ВА СИДЕРАТ ЭКИНЛАР

Хайдаладиган ерлардан йил давомида фойдаланиш, ем-хашак базасын мустақкамлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, асосий экинларнинг касаллик ва зарарқунандаларини камайтириши мақсадида *оралиқ* ва *сидерат* экинлар етиштириледи. Асосий экинлардан ташқари етиштирилишигап экинлар *такрорий* ва *оралиқ* экинлар дейилади. Улар дала асосий экинлар билан банд бүлмаган вақтда экилади. Такрорий экинлар алмашылаб әкиншингемен-хашак даласыда асосий ўтмишдош әкин ўриб олинғандан кейин, ёзниң иккінчи ярмиде экилебі, кузда ҳосилемін үзгірді олинади. Оралиқ экинлар эса кузда асосий әкин ҳосилемін үзгірді олинғандан кейин ёки улар ўсағттан вақтда қатор ораларига экилади ва қишлоғынан әкин ҳосилемін баҳорда чорва учун ўриб олинади. Ҳосилемін үзгірді олинниши күзде тутилмаган ва тупроққа құшиб ҳайдаб юбориш макшылда экилған экинлар *сидерат* экинлар (күккөт ўғитлар) дейилади.

АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТУРЛАРИ

Алмашлаб әкиш даласыда экинларни навбатлаб әкиш хұжаликнинг штисослашғанлиғи, иқлим ва тупроқ шароитлари, чорвачилик құлағы, саноат марказларининг узоқ-яқынлиғи каби шароитларни ҳисобға шыған қолда амалға ошириледи. Шунингдек, экинлар биологиясы ва шротехникасыннан қар хил бұлыши, тупроқ унумдорлигининг тиклашынни таъминлайдынган ва экинларнинг навбатланиш тартибини белгілайдынган яхши ўтмишдош әкиннинг алмашлаб әкиш тизимінде боралып шығындығы қам мұхым омил ҳисобланади. Алмашлаб әкишнинг қуийненін уч тури ажратып құрсатылады: *дала алмашлаб әкиш, ем-хашак алмашлаб әкиш ва маҳсус алмашлаб әкиш*. Улар, ўз навбатида, алмашлаб әкиштің иуналиши, асосий тоғар маҳсулоти, далалар сони, ротация даври шағында құрсатқычларға қараб бир қанча хилларға бүлинади.

Дала алмашлаб әкиш техник (пахта, каноп, зигир) ва дон экинлары ҳамда ем-хашак етиштиришта, ем-хашак алмашлаб әкиш эса дағыл да ширили озуқа етиштиришта мүлжаллланади. Чорвачилик мажнүи әкин фермаси атрофика ташкил этиладынган ва ширили ҳамда

озуқа етиштиришга мұлжалланған алмашлаб әкинігә ферма олди алмашлаб әкиш дейилади. Пичан тайёрлаш ва мол бөкіш учун күп йиллик ва бир йиллик үтлар етиштириладиган алмашлаб әкиш пичан тайёланадиган-яйлов алмашлаб әкиш дейилади.

Махсус алмашлаб әкиш далаларида алоқида агротехника ва шароит талаб этувчи (полиз, сабзавот, тамаки ва бошқа) әкинлар парваришиланади. Нурашга мойыл тупроқда уны муҳофазаловчи алмашлаб әкишлар ташкил этилиб, далачилик, ем-хашакчilik үзілдіктерінде әкинлардың түрлерінде көрсетіледі. Шурланған ерларда эса махсус мелиоратив далали алмашлаб әкиш күлланилади.

Пахта-беда алмашлаб әкиш

Шурланмаган ерларда 9, 10 ва 12 далали (3:7; 3:6; 1:2:7; 1:4:1:4; 2:6:1:3 ва ұ.к.) алмашлаб әкиш йүсіні — схемалари күлланилади. Бунда алмашлаб әкишнінг 6, 7, 8, 9 даласига пахта, 2, 3 даласига ем-хашак әкинлари (беда, маккажұхори, беда-арпа ёки сули) әкилади. Пахтанинг салмоги 70—80 фоиз атрофика бўлади. 3:7 схемага биноан биринчи йили беда ва арпа ёки сули кўшиб әкилган дала 2, 3-йили беда билан банд бўлади, қолган 7 йил эса пахта әкилади.

Алмашлаб әкиш тартиби 3:7:1:3; 2:4:1:3 ва 2:4:1:2 тарздан ҳам бўлиши мумкин. Бунда битта дала мелиоратив тадбирларни амалга ошириш учун ажратилади. Шунингдек, ем-хашак ва дон етиштиришни кўпайтириш мақсадида кузги, қишки, оралиқ, ем-хашак ва сидерат (кузги жавдар, арпа, хашаки нұхат, вика ва бошқа) әкинлар әкилади. 2:4:1:3 ёки 1:4:1:4 йүсінда алмашлаб әкишда оралиқ әкинлар дон ёки силос учун етиштириладиган маккажұхорига мұлжалланған далаларга әкилади.

Ферма олди ем-хашак алмашлаб әкиш

Бундай алмашлаб әкишлар чорвачиликка ихтисослашған хұжаликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг муҳим соҳаси ҳисобланади. Чорвачиликнинг ем-хашакка бўлган талабини қондириш мақсадида озуқабоп әкинлар майдонининг аксарият қисми күп йиллик үтлар, силосбоп әкинлар ҳамда илдизмевалиларга ажратилади. Чорвачилик хұжалигига тўпланған органик ўғитдан әкинларни ўғитлашда кенг фойдаланилади.

Алмашлаб әкиш даласи ферма ёки чорвачилик корхонасига яқин жойда ташкил этилади. Бунда хұжаликнинг йұналиши (сут ёки гүшт етиштириш) ҳисобга олинади. Сутчиликка ихтисослаштирилган хұжаликларда тўққиз далали алмашлаб әкиш тарзини ўзлаштириш яхши самара беради. Бунда 1, 2-далага — беда судан ўти ва райграс билан кўшиб; 3-далага — кузги жавдар вика ёки силос учун оқ жұхори

билин күшиб; 4-далага — дон учун маккажұхори; 5-далага — дон учун соя, тақроран маккажұхори; оқ жұхори, вика-сули аралашмаси, күкат озиқ учун рапс; 6-далага — дон учун маккажұхори; 7-далага — дон учун арпа, тақрорий экин; маккажұхори, оқ жұхори, вика-сули аралашмаси, силос ва күкат озиқ учун рапс; 8-далага — хашаки ёки ним ширин лавлаги; 9-далага — силос учун маккажұхори, тақрорий экинлар: вика-сули аралашмаси, күкат озиқ учун рапс.

Гүшт етиштиришга ихтисослашында хұжаликларда түккіз далали алмашлаб экиш жорий қилинади. Бунда 1, 2-далага — беда судан үти, райграс билан күшиб; 3-далага — күкат озиқ учун күзги жавдар, вика-сули аралашмаси, силос учун тақрорий маккажұхори ва оқ жұхори; 4-далага — дон учун маккажұхори; 5-далага — дон учун рус нұхати, соя, тақрорий маккажұхори, оқ жұхори, вика-сули аралашмаси ва күкат озиқ учун рапс; 7-далага — дон учун арпа, тақрорий маккажұхори, оқ жұхори, вика-сули аралашмаси, силос ва күкат озиқ учун рапс; 8-далага — хашаки ёки ним ширин лавлаги; 9-далага — дон учун арпа, тақрорий маккажұхори, оқ жұхори экилади.

Ферма олди алмашлаб экишда бир йиллик үтлар ёки маккажұхори силосини эрта йиғишириб олиш мүмкінлігінде үларни күп йиллик үтлар билан күнип экишта имкон беради. Силос учун маккажұхори-күнгабоқар-соя, сенаж учун арпа-беда бирғаликда күшиб экилиши мүмкін. Маккажұхори билан хашаки лавлаги бирғаликда әкілтанды маккажұхори силос учун ўриб олинади, лавлагини эса парваришауда давом эттирилади.

. Пичан тайёрланадиган-яйлов алмашлаб экиш

Бундай алмашлаб экиши мұайян майдондан пичан, сенаж тайёрлашына яйлов сифатыда фойдаланишта имкон беради. Бунда, асосан, күп йиллик ва бир йиллик үтлар етиштирилади. Тупроқда үтлар туфайлы түгелланадиган озиқ моддалардан унумлы фойдаланиш мақсадыда үлардан кейин силос ва дөнли экинлар ҳамда хашаки иллизмевалилар экилади.

Енгил механик таркибли маданийлашган ва суфориладиган тупроқтарда күп йиллик үтлардан кейин күзги жавдар, хашаки иллизмевалилар, рапс экилади. Кам маданийлашган оғир тупроқтарда эса бир йиллик үтлар, сули каби экинлар етиштирилади. Күп йиллик үтлардан 1, 2-йиллари пичан тайёрлашда, кейинги йиллари эса мол бөкішда фойдаланилади.

Күп йиллик бошоқли үтлар (оқ сұхта, бетага, ажриқбош) ва бела аралаштирилиб экилиши мүмкін. Енгил механик таркибли тупроқтарда дүккакли үтлар яхши ўсіб ривожланмаслигін сабабли болшоқты үтлар аралаштириб экилади.

АЛМАШЛАБ ЭКИШГА ЎТИШ ВА УНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Алмашлаб экишга ўтиши деганда бунинг учун зарур лойиҳани тузиши, тасдиқлани ва хўжалик ҳудудида жорий этиш тушунилади. Алмашлаб экиш хўжаликни ривожлантириш режаси асосида ташкил этилади. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чорвачиликни озуқа билан таъминлаш масалалари ҳисобга олинади.

Ҳар бир хўжаликда бир ёки бир неча алмашлаб экиш ташкил этилиши мумкин. Ўлар сонини аниқлашда ҳар бири учун иложи борича бир хил унумдорликка эга ер майдони булишига эришини талаб этилади. Экинларни жойлаштиришда хўжаликнинг тупроқ ва агрокимё картограммасидан фойдаланилади. Энг унумдор тупроқлар пахта, буғдой, сабзавот ва ферма олди алмашлаб экишдаги экинларга ажратиласди. Алмашлаб экишни лойиҳалаштиришда мелиоратив тизимларни ҳам лойиҳалаштириш кўзда тутилади. Далаларнинг чегаралари очиқ суориш ва коллектор-зовур тармоқлари каби иншоотларга нисбатан аниқлашиб чиқилемоги лозим. Ўзлаштириладиган срлар ҳам алмашлаб экишга киритиласди. Алмашлаб экишга ўтиш бунга мўлжалланган далаларни ташкил этиши билан якунланади. Далалар деярли бир хил катталикда (25—35 га), тўғри тўртбурчак (алоҳида ҳолларда тўғри трапеция) шаклида, томонлашинг нисбати 1:2 булиши мақсадга мувофиқидир.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш деганда алмашлаб экиш йўсини асосида ўтмишдош экинларга мос экинларни жойлаштиришга ўтиш режасини амалга ошириш тушунилади. Бунда алмашлаб экиш далалярининг чегаралари ва экинларни далаларда ўтмишдош экинларга мувофиқ келадиган навбатлаб экиш тарзига асосан жойлаштириш талаб қилинади. Алмашлаб экишни ўзлаштириш режаси ҳар бир алмашлаб экиш учун алоҳида ишлаб чиқилади. Ҳар йили бўрча экинларни жойлаштириш кўзда тутиладиган алмашлаб экишни ўзлаштириш, одатда, 2—4 йилни, баъзан ундан кўпроқ вақтни талаб этади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Алмашлаб экишнинг илмий асослари, аҳамияти ва моҳиятини тушунтиринг.
2. Сурункасига экиш, монокультура, қайта экилаётган экин ва такрорий экинлар деганда нимани тушунасиз?
3. Алмашлаб экиш ротацияси, йўсини—схемаси, ротацион давр ва ротация жадвали нима?
4. Ўтмишдош экинлар ва уларни танлаш усулларини кўрсатинг.
5. Қайси экинлар оралиқ ва сидерат экинлар жумласига киради?
6. Ферма олди ем-хашак ҳамда пичан тайёрланадиган ялов алмашлаб экишларни таърифланг.
7. Алмашлаб экишга ўтиш ва уни ўзлаштириш ҳамда баҳолаш тартибини баён этинг.

6-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ЭКИН МАЙДОНЛАРИ СТРУКТУРАСИННИГ ТАҲЛИЛИ ВА ЕМ-ХАШАҚ АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Дарс режаси:

1. Мавжуд экин майдонлари структурасининг таҳлили.
2. Алмашлаб экишни ўзлаштириш режасини тузиш.
3. Алмашлаб экишнинг ротация жадвалини тузиш.

Алмашлаб экишга ўтиш лойиҳасини тузишдан аввал хўжаликдаги мавжуд экинлар структураси ҳар тарафлама ўрганилали. Экин майдонларининг структураси дейилганда ҳар хил экин майдонларининг нисбати тушунилади. Масалан, хўжалик худуди 419 га.ни ташкил қилиб, унда пахта, маккажӯхори, помидор, кузги буғдой, беда ва бошқа экинлар ётиштирилаётган бўлсин (6-жадвал). Улардан ҳар бирининг умумий майдонга нисбатан туттган ўрни аниқланади. Бизнинг мисолда пахта 113 га. ни ташкил этганлигидан, унинг улуши:

$$x = 113 \cdot 100 / 419 = 27,0 \text{ фоизга тенг.}$$

6-жадвал

Экинларнинг амалдаги жойлаштирилиш структураси

Экинлар	Майдони	
	га	фоиз
Пахта	113	27,0
Маккажӯхори	11	2,6
Помилор	15	3,6
Кузги буғдой	48	11,4
Беда	82	19,6
Полиз экинлари	33	7,9
Картошка	52	12,4
Кунгабоқар	35	8,3
Кузги жавдар	10	2,4
Каноп	10	2,4
Сабзавот	10	2,4
Жами:	419	100

Илмий ва амалий нүктаи назардан ҳар бир алмашлаб экиш дала-си (далалари)да алоҳида бир экин тури жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдик, битта далада 2—3 тадан экин жойлаштирилган ва уларнинг аксарияти алмашлаб экишда 2—8 фоизни ташкил қиласи. Экинларнинг амалда жойлаштирилганлигини акс эттирувчи ушбу структура жуда мураккаб бўлиб, уларни парвариш қилишда катта ноқулайликлар юзага келади. Шунингдек, бир далада бир неча экин жойлаштирилиши тупроқнинг ҳар хил унумдорлигига олиб келадики, бу кейинги экинларни ўғитлаш тизими турлича бўлишини тақозо этади. Алмашлаб экишга ўтишда бундай терма далалардан воз кечишнинг иложи бўлмаган тақдирда-гина бир далага имкон борича биологияси ва агротехникиаси жиҳатдан ўхшаш экинлар жойлаштирилади. Масалан, кузги экинлар — буғдой, арпа ва жавдар, баҳорги экинлар — буғдой, арпа ва сули, қатор оралари чопиқ қилинадиган экинлар — пахта, каноп ва ҳ.к.

Терма далага биологияси турлича, лекин эрта етиладиган экинларни экиш имконияти мавжуд. Алмашлаб экишда кўп йиллик ўтларнинг бўлиши ҳар йили экинларни уруғликка экиш, ер ҳайдаш каби тадбирларга кетадиган харажатларни камайтириш имконини беради. Ҳосилдорликнинг камайиши сезилганда кўп йиллик ўтлар билан банд далалар ҳайдалиб, алмашлаб экишга ўтказилади.

Алмашлаб экишдаги далалар сони мазкур иқлим-тупроқ шароити учун қабул қилинган алмашлаб экиш тарзи ва турига боғлиқ ҳолда 3—5 дан 8—10 гача бўлиши мумкин. Қисқа ротация, одатда, ферма олди алмашлаб экишларга хос бўлиб, 5—8 йилни ташкил этади.

Алмашлаб экишни қўллашда экинларни алмашлаб экиш схемасини тўғри белгилаш мухим босқич ҳисобланади. Бунинг учун дастлаб алмашлаб экиш даласининг майдони аниқланади. Бизнинг мисолда даланинг ўртача ҳажми алмашлаб экишнинг умумий майдонига нисбатан 14,3 фоизни ташкил этади, бу эса ҳар бир дала қўлами 55—65 га атрофифа бўлишини кўрсатади.

Сўнгра хўжаликнинг тараққиёт режасида белгиланган экин тури ва ялпи ҳосил етиширилиши таъминлаган ҳолда, 7 далали алмашлаб экишга ўтиш режаси ишлаб чиқилади. 7-жадвалда келтирилган режада алмашлаб экишни ўзлаштириш 2 йилга мўлжалланган бўлиб, хўжаликда мавжуд экинлар структурасига (асосан, терма далалар)га биноан, тупроқ унумдорлиги ва ялпи ҳосил етиширишга салбий таъсири этмайдиган ҳолда ем-ҳашак алмашлаб экишга ўтиш акс эттирилган. Алмашлаб экишга ўтишнинг 2-йили иккитадан дала беда ва маккажӯхори (сиюс ва дон учун) билан, биттадан дала кузги буғдой,

БІЛІМ 12-ДІНЕН СЫ-ХАПАК 2-ЧАСЫНДАБ ЭКІШІННИ ҮЗАШТЫРИШ РЕЖАСЫ

Дана №	Майдони, га	Алмашлаған экиштегінде екіншарнанғамалда жойдаштынлигі		Экиншарнинг күнде туылған жойдаштыриши			
		экин	майдони, га	бірнешінде экин	майдони, га		
I	56	Пахта Помидор Маккадумори	36 15 11	Пахта Лавлаги	30 26	1-йилті бела+сули	56
II	63	Пахта Кузи бұгадай	32 31	Бела+арпа	63	2-йилті бела	63
III	61	2-йилті бела Кузи бұгадай Полиз эк.	22 18 21	Пахта Кузи жавдар	40 21	Маккажуори (дон)	61
IV	65	2-йилті бела Полиз эк. Картошка	30 15 20	Картошка Маккажуори (дон)	30 35	Кузи бұлдай	65
V	55	Кунгабокар Кузи жавдар Каноп	35 10 10	Кузи бұлдай Картошка	35 20	Лавлаги	55
VI	60	Пахта Сабзавот Картошка	18 10 32	Кузи бұлдай Лавлаги	28 32	Арпа	60
VII	59	Пахта 1-йилті бела	29 30	Пахта 2-йилті бела	29 30	Маккажуори (силос)	59

лавлаги, арпа билан банд бўлади. Экин майдонлари структураси эса қуидагича: беда — 28,4 фоиз, маккажӯҳори — 28,6 фоиз, кузги бүғдой — 15,5 фоиз, лавлаги — 13,1 ва арпа — 14,4 фоизга тўғри келади.

Хўжаликда ўзлаштирилган алмашлаб экишни бузмаслик мақсадида ротацион жадвал ишлаб чиқилади. Унда экинларнинг далалар ва йиллар бўйича навбатланиш тартиби келтирилади. 8-жадвалда ем-хашак алмашлаб экишининг ротацион тартиби берилган. Бунда алмашлаб экиш тўлиқ ўзлаштирилган йил (жадвада иккинчи йил) ротацияянинг биринчى йили деб белгиланади. Кейинги йиллар бўйича далаларда экинларнинг навбатланиши қабул қилинган алмашлаб экиш йўсунинг мос ҳолла белгилаб чиқилади. Ротацияянинг сўнгти йили белгилаб булингандан кейин унинг қабул қилинган алмашлаб экишга мувофиқлиги текшириб чиқилади.

8-жадвал

7 далали ем-хашак алмашлаб экишининг ротацион жадвали

Ротация йиллари	Алмашлаб экиш далалари						
	I	II	III	IV	V	VI	VII
2002	Б ₁ +С	Б ₂	М _д	КБ	Л	А	Мс
2003	Б ₂	М _д	КБ	Л	А	Мс	Б ₁ +С
2004	М _д	КБ	Л	А	Мс	Б ₁ +С	Б ₂
2005	КБ	Л	А	Мс	Б ₁ +С	Б ₂	М _д
2006	Л	А	Мс	Б ₁ +С	Б ₂	М _д	КБ
2007	А	Мс	Б ₁ +С	Б ₂	М _д	КБ	Л
2008	Мс	Б ₁ +С	Б ₂	М _д	КБ	Л	А

Изоҳ: Б₁ — биринчى йилги беда; С — сули; Б₂ — иккинчى йилги беда; М_д — дон учун маккажӯҳори; Л — лавлаги; А — арпа; Мс — силос учун маккажӯҳори; КБ — кузги бүғдой.

Топшириқ. Қуидаги маълумотлар асосида алмашлаб экишни ўзлаштириш режаси ва ротация жадвалини тузинг:

1. Хўжалик майдони 610 га, шу жумладан, пахта — 360 га, беда — 180 га, маккажӯҳори — 70 га. Алмашлаб экиш схемаси: 3:3:1:2.

Ўзлаштириладиган 8 далали алмашлаб экиш йўсуни: 3 беда : 1 маккажӯҳори : 2 кузги бүғдой : 1 лавлаги : 1 маккажӯҳори.

2. Хўжалик майдони 430 га, шу жумладан, пахта — 300 га, беда — 95 га, маккажӯҳори — 35 га. Алмашлаб экиш схемаси: 1:2:3:1:2.

Үзлаштирилдиган 7 далали алмашлаб экиш йүснини: 1 беда+арпа: 2 беда : 3 маккажұхори : 2 күзги буғдой : 1 лавлаги.

6. ҮФИТЛАР ВА УЛАРНИ ҚҰЛЛАШ

Қишлоқ хұжалиғи әкінлары ҳосилдорлигининг деярли ярнігға (айрим холларда 60—70 фоизи) минерал үғитлар ҳисобига эришилмоқда. Бундай үғитларни құллаш әвазига дон ҳосилдорлиги гектарінде 10—130 ц, пахта — 6—8, картошка — 50—75, сабзевот ва полиз әкінлары — 100—170, хашаки илдізмелевалилар — 60—80 ц ортиши аниқланған. Минерал үғитлар билан биргаликта маҳаллий үғитлар (гүңг, парранда ахлати, шаҳар чиқынлайлари)дан көнг фойдаланилмоқда. Шунингдек, ғұзапоя ва қовочоқ, сапропель, күкат үғитлар, бактериал препаратлар қам үғитлашда құлланилади.

Үғитлар самараси муайян жойнинг табиий (иқлим, тупроқ ва бошқа) шароитлари, үсимлик тури, үғитлаш мөъёри ва үсимликтарга, қабул қилинган деңқончилик тизими кабиларға боғлиқ бўлиб, юқори агротехник тадбирлар құлланилганда бу кўрсаткич кескин ортади. Лалмикор деңқончиликдагига нисбатан сугорилдиган деңқончилик шароитида үғитлар самараси бир неча марта юқори бўлади. Үғитларни құллаш ҳосилдорликни ошириши билан бир қаторда маҳсулот сифатининг яхшиланишига, тупроқ унумдорлиги ортишига ҳамда атроф-муҳиттинг ифлосланмаслигига хизмат қилиши лозим.

6.1. ҮҒИТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Таркибида үсимликлар учун зарур озиқ үнсурлари бўлган ва қишлоқ хұжалигига фойдаланилдиган моддалар үғитлар дейилади. Үғитлар минерал ва маҳаллий үғитларга бўлинади. Минерал үғитлар саноат асоси-ла тайёрланади ва үсимлик учун зарур озиқ моддалар улар таркибида, яоссан, ноорганик (минерал тузлар) шаклида бўлади. Маҳаллий үғитлар (гүңг, парранда ахлати, шаҳар чиқынлайлари) маҳаллий шароитларда (томорқа, хұжалиқда) тайёрланиб, шу жойнинг үзиде ишлатилади.

МИНЕРАЛ ҮҒИТЛАР

Минерал үғитлар шартли равищда бевосита ва билвосита таъсир этувчи үғитларга бўлинади. Бевосита таъсир этувчи үғитлар таркибида, үсимлик учун керакли озиқ үнсурлари сақланади. Билвосита таъсир этувчи моддалар (оҳак, гипс) эса тупроқ хусусиятларини яхшилдин әвазига үсимликларнинг озиқланишини рағбатлантиради. Тар-

кибидаги озиқ миқдорига күра, минерал үгітлар *оддий* ва *мажсую* — комплекс үгітларга бўлинади. Оддий үгітлар таркибида битта озиқ унсури бўлса, комплекс үгітлар таркибида икки ёки ундан кўп озиқ моддаси бўлади. Агрегат ҳолатига кўра, үгітлар суюқ ёки қаттиқ (кристалл, кукун, гранула) кўринишда бўлиши мумкин.

Азотли үгітлар

Азот бирикмалари шаклига кўра, ҳозирги кунда қуйидаги азотли үгітлар ишлаб чиқарилмоқда:

- 1) аммиакли-нитратли үгітлар;
- 2) аммиакли үгітлар;
- 3) нитратли үгітлар;
- 4) амидли үгітлар.

Аммиакли-нитратли азотли үгіт

Аммиакли селитра (NH_4NO_3) оқ рангли (айрим ҳолларда сарғиш) гранула шаклида ишлаб чиқарилади, таркибида 34,6 фоиз соф азот (нитрат ва аммиак ҳолида) мавжуд. Тупроққа кўшилганда намлик таъсирила тўла эрийди ва ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилади.

Аммиакли азотли үгіт

Аммоний сульфат $[(NH_4)_2SO_4]$ оқ ёки кулранг майдада кристалл ҳолатдаги туз, физиологик норлон үгіт, таркибида 20,5—21,0 фоиз азот бўлади, тупроқда осон эриб, ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади.

Аммоний-натрий сульфат $[(NH_4)_2SO_4 \cdot Na_2SO_4]$ таркибида 16 фоиз азот ва 25 фоиз атрофида органик кўшилмалар мавжуд сариқ тусли кристалл модда.

Нитратли азотли үгіт

Натрийли селитра ($NaNO_3$) оқ ёки оқиши рангли майдада кристалл туз. Таркибида 15—16 фоиз азот бор, сувда яхши эрийди. Физиологик ишқорий үгіт, осон ўзлаштирилади.

Амидли азотли үгіт

Мочевина карбомид $[CO(NH_2)_2]$ оқ рангли, майдада кристалл модда, гранула шаклида ишлаб чиқарилади. Таркибида 46 фоиз азот бор, сувда яхши эрувчан ва ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилади.

Фосфорли үгітлар

Фосфорли үгітлар сувда эрувчанилиги ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишига кўра учта гурӯхга бўлинади: 1) сувда яхши эрийдиган; 2) сувда камроқ, лекин кучсиз кислоталарда яхши эрийдиган ва 3) сувда умуман эримайдиган, кучсиз кислоталарда кам эрийдиган үгітлар.

Суперфосфат [$\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$] сувда қиийин эрийди, оддий ёки қүш суперфосфат тарзида гранула шаклида ишлаб чиқарилади. Оддий суперфосфат таркибида 19,5—22 фоиз (P_2O_5) булады. Қүш суперфосфат таркибида 42—49 фоизгача ўзлаштириладиган фосфор (P_2O_5) мавжуд.

Калийли ўғитлар

Калий хлорид (KCl) — концентрантланган асосий калийли ўғит, таркибида 53,7—60 фоиз K_2O бор. Пушти ёки оқ рангли майды кристалл ҳолида ишлаб чиқарилади.

40 фоизли калийли туз ($\text{KCl} + m\text{KCl} \cdot n\text{NaCl}$) — кулранг ва пушки кристалл, калий хлорид ва сильвийнит аралашмасидан иборат ўғит. Таркибида K_2O 40 фоиздан кам эмас.

Комплекс ўғитлар

Таркибига кўра, икки компонентли (фосфорли-калийли, азотли-фосфорли, азотли-калийли) ва уч компонентли (азотли-фосфорли-калийли), олиниш усули жиҳатидан *мураккаб-аралаш ва аралаштирилган*, агрегат ҳолатига қараб, *суюқ ва қаттиқ комплекс ўғитлар* фарқланади.

Мураккаб ўғитлар

Аммофос ($\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$) — таркибида 11—12 фоиз азот ва 46—60 фоиз P_2O_5 бўлган мураккаб ўғит, ўсимлик томонидан осон ўзлаштирилади.

Диаммофос [$(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$] таркибида 18—20 фоиз азот ва 50 фоиз P_2O_5 мавжуд.

Калийли селитра (KNO_3) таркибида 13 фоиз азот ва 45 фоизгача K_2O бор.

Мураккаб-аралаш ўғитлар

Сульфатли нитрофоска — таркибида 12 фоиздан азот, P_2O_5 ва K_2O бўлган, гранула шаклида ишлаб чиқариладиган ўғитdir.

Нитрофос — таркибида 20 фоиздан азот ва фосфор бўлган гранула шаклидаги ўғит.

Аралаштирилган ўғитлар

Улар аралаштириладиган ўғитларнинг компонентлари кимёвий узгаринига учратилмасдан олинади. Кукусимон ёки донадор ҳолатда бўлади. Масалан, аммиакли селитра суперфосфат билан аралаштирилади. Ўнида экинларнинг озиқ моддаларни ўзлаштиришлаги ўзаро қулай нисбати (N:P:K)ни ҳисобга олган ҳолда аралаштирилган ўғит тайёрланади.

МАҲАЛЛИЙ ҮҒИТЛАР

Гүнгі, гүнгі шалтоғи, парранда ахлати, сапропель (күл ва ҳовузлар лойқаси), майшій-хұжалик чиқитлари, күкатель үғитлар, үсімлик қолдиқлари (майдаланған ғұзапоя, қовоchoқ, похол) шундай үғитлардан ҳисобланади. Улар таркибіде үсімліктар учун зарур барча үнсүрлар мавжуд. Шу сабабдан, уларни «тұлиқ үғит» деб ҳам аташ мүмкін. Қорамол гүнгіда N , P_2O_5 , K_2O ва бошқа күплаб макро- ва микроүнсүрлар мавжуд (9-жадвал).

9-жадвал

Чорва моллары гүнгінинг таркиби (фоиз ҳисобида)

Моллар түри	Күрүқ модда	N	P_2O_5	K_2O	CaO	MgO	SO_4
Қорамол	16	0,29	0,17	0,10	0,35	0,13	0,04
От	24	0,44	0,35	0,35	0,15	0,12	0,06
Күн	35	0,55	0,31	0,15	0,46	0,15	0,14
Чүңқа	18	0,60	0,41	0,26	0,09	0,10	0,04

Маҳаллий үғитлар таркибіде озиқ моддалар миқдори минерал үғитлардагидаң бир неча маротаба кам бұлади. Бундай үғитлар құлланылғанда карбонат ангидрид күп ажralади, тупроқдаги микробиологияк жараёнлар фаоллашади, гумус миқдори сезиларлы даражада күпайиб, тупроқнинг сингдириш сиғими ва буферлиги ортади, сүвнінің физик ва кимёвий хоссалари яхшиланади.

Чорва молларини бокиши шароитига күра, тұшамали ва тұшамасиз гүнгі шактланади. Тұшамали гүнгі молларни молхонада бокища құлланыладын тұшама (сомон, қипик, қиринди) билан гүнгі аралашмасыдир. Бундай усул құлланылмаган шароитда тұшамасиз гүнгі ҳосил бұлади. Гүнгінинг таркиби молларнинг түри, ёши, бокиши шароити, озуқа түри, гүнгі сақлаш усули ва бошқа омилларга боғлиқ бұлади.

Чириганлик даражасыға күра, янғы, қала чириган ва чириган гүнгі ажратиб күрсатылади. Гүнгі таркиби уни сақлаш усулларига ҳам бевосита боғлиқ. Гүнгі тұғридан-тұғри чорва моллари оғеи остида түпланиши мүмкін. Буннінг учун дастралб 30–50 см қалинликда похол тұшалади. Қаттық ва суюқ ажратмалар ҳамда тұшама аралашыб, зичлашади.

Тұшамали гүнгі захирасини аниқлашда бир бош чорва молидан олинадын гүнгі миқдори ҳисобға олинади (10-жадвал).

10-жадвал

Бир кунда түлләнәдиган гүнг миқдори

Түшама миқдори, кг	Бир бөш чорва молидан олинадиган гүнг, кг			
	Қорамол	отлар	күй ва эчкилар	чүчкәлар
0	25	17	1,7	2
1	28	21	4,7	4
2	32	24	8,0	5
3	37	25	9,0	—
4	39	26	—	—
5	42	27	—	—
6	44	28	—	—

Бир тонна гүнг таркибидә 5 кг азот, 2,5 кг фосфор ва 6 кг калий майжудлигини ҳисобга олсак, 30 т гүнг құлланилғанда гектарига 150 кг азот, 75 кг P_2O_5 ва 180 кг K_2O тушади. Бириңчи йили әкиншіләр ундан 30—40 кг азот, 22,5 кг P_2O_5 ва 100 кг K_2O ўзлаشتыради.

Қишлоқ хұжалигига құлланиластған гүнгнинг 60 фоизи тұшамасыз гүнг булиб, таркибидеги сув миқдорига күра, ярим суюқ (сув миқдори 90 фоизгача), суюқ (90—93 фоизи) ва оқма, яғни шалтоқ (93 фоиздан күп) гүнгларға булинади.

Чорва молларидан ҳосил бўладиган гүнг миқдори 11-жадвалда берилған.

11-жадвал

Бир бөш молдан бир кунда олинадиган тұшамасыз гүнг миқдори

Қорамол	Сув миқдори, фоиз	Гүнг миқдори, кг	Чүчқа	Сув миқдори, фоиз	Гүнг миқдори, кг
Бұқа	90	40	Эркак чүчқа	89	11
Сигир	90	55	Она чүчқа	91	9
Бұрлеки	90	35	Чүчқачалар	86	2,4

Тұшамасыз гүнг мұайян шароитлардан келиб чиқсан ҳолда 100—5000 м³ ҳажмдаги ферма олди ёки дала гүнг сақлагычларыда 6-айдан 6 ойгача сақланиши мүмкін. Бир бөш молни 6 ой боғлаб берилеш учун 12 м³ ҳажмли гүнг сақлагыч талаб этилади. Бу сигим-

лар туби ва деворлари бетонлашырылади. Тұшамасиз гүнг ёмғирлатиб сугориш машинасы ёки маҳсус гүнг сочиш машинасы (цистернасы) ёрдамида бевосита далага чиқарылади. Айрим ҳолларда у қаттық ва суюқ фракцияларға ажратылып, алохұза-алохұза құшынанылади. Гүнг солиши мөйөрі ҳар гектар ҳисобига 50—60 т. дан 100—150 т. гача.

Гүнг шалтоги чорва молларининг ачиган суюқ ажратмаси булып, унинг таркибида 0,250 фоиз азот, 0,03—0,06 фоиз P_2O_5 ва 0,4—0,5 фоиз K_2O бўлуди. Гүнг шалтоги маҳсус ҳовузларда сақланади ва экинларни озиқдантиришда тўғридан-тўғри асосий ўғит сифатида гектарига 20 т. дан 50 т. гача мөйөрда ишлатылади.

Парранда ахлати қимматли маҳаллий ўғит ҳисобланади. Буни, масалан, товук ахлатида 2,2 фоиз азот, 1,8 фоиз P_2O_5 ва 1,1 фоиз K_2O бўлишидан ҳам билиш мумкин. Йил давомида битта товукдан 6—8 кг, ўрдакдан 8—10 ва гоздан 12 кг ахлат ҳосил бўлуди. Бу ўғит экишгача ва экинларни қўшимча озиқдантиришда қўлланилади. Ўғитлаш мөъери — гектарига 1 т. дан 5 т. гача, нам ахлат ишлатилганда эса 4—10 т/га.

Сапропель ҳовуз, кўл ва дарё сувларининг органик моддага бой чўкиндиси булып, 100 г лойка таркибида 19—31 мг азот, 10—39 мг P_2O_5 ва 4—15 мг калий мавжуд. У гектарига 30—40 т. дан 50—100 т. гача мөйөрда ишлатылади.

Рўзапоя ва қовоқ таркибида N , P_2O_5 , K_2O ҳамда микроунсурулар миқдори гўнгдагидан 2 марта кўп. Майдаланган поя ва қовоқни ўғит сифатида ишлатиш пахта ҳосилдорлигини 2—3 ц/га. га оширади.

Компостлар маҳаллий ўғитлар таркибидаги озиқ моддалар исероф бўлишининг олдини олиш ва фосфорли ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни ўсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклга ўтказиш мақсадида тайёрланади. Ҳозирги кунда гўнг-фосфорли, нажас-тупроқли, гўнг-сапропелли ва аралаш компостлар тайёрланмоқда.

Гўнг-фосфорли компост тайёрлаш учун 50—60 см чуқурликда хандақ қазилиб, унга 30—40 см қалинликда гўнг солинади ва устига 200—300 кг суперфосфат сочилади ҳамда 15—20 см қалинликла тупроқ билан кўмилади. Тепасидан бир қатлам гўнг шалтоги қуйилади ҳамда шу ахлат усем 2,0—2,5 м. га етказилиб, 10—15 см сомон ва 10 см тупроқ билан кўмилади. 100—120 кун ўтгач, аралашма қориширилиб сочилади.

Тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида тупроққа қўшиб ҳандаб юбориладиган кўкат ўғит (сицерат экин)лар сифатида мош, кузги нўхат, ёввойи ловия, бурчок, шабдар, кузги нўхат, қашқарбела, кузги жавдар, сули, райграс, берсим каби ўсимликлардан фойдаланылади. Уларнинг 350—400 ц кўк массаси таркибида 150—200 кг азот булып, бу 35—40 т гўнгтта баравардир. Кўкат ўғит учун экилган экинлар жойида ҳайдалиши, пояси олиниши ва ангиз ҳайдалиши ёки пояси ўриб олиниб, бошқа пайкалга сочиб юборилиши мумкин.

Бактериал препаратлар сифатида нитрагин, азотобактерин, фосфобактерин, АМБ препарати ва силикобактеринлар құлланилады, улар тупроқдаги захира озиқ моддаларини тезроқ минерал қолатта үткашылашы да атмосфера азотини ұзлаштиришда мұхим ақамият касб этади.

6.2. ҮГИТЛАШ ТИЗИМИ

Алмашлаб әкиш шароитида үгитлардан оқилона фойдаланишга нұнайтирилған ташкилий, хұжалик, агрокимё ва агротехника тадбирлерини құллаган қолда қышлоқ хұжалиги әкінларидан мұл ҳосил олиш учун әнд мақбул үгит тури, мөщери, құллаш мұддатларини белгилаш мақсадыда үгитлаш тизими ишга солинади. Бундай тизимни ишлаб чи-күнде әкінларнинг биологик хусусиятлари, рәжалаشتырилған ҳосил миқдори, тупроқ-икәлим шароити, озиқ моддалар балансы, үгитларнинң кейинги таъсири ва бошқа бир қатор омыллар ҳисобға олинади.

Хұжалик шароитларига күра: 1) *маҳаллий-минерал үгитли тизим*; 2) *фақат минерал үгитлар құллашга асосланған тизим* ва 3) *фақат маҳаллий үгитларни құллашга асосланған тизим* ишга солиниши мүмкін. Биринчى қолатта маҳаллий ва минерал үгитлар үзаро мувофиқ-дастырылған қолда ишлатилади.

Үгитлашда үгитларнинг йиллик мөщери алоқида әкінлар учун асosий үгитлаш (әкишгача ва әкиш олдидан), қаторлаб үгитлаш (өсиш билан бирга) ва құшимча озиқлантиришларда (өсиш даврида) үр хил мұддат ва усулларда құлланилади. Мұддатларига қараб кузла, бақорда, ёзда ва белгиланған мағлұм ойларда үгитлашлар фарқланади. Үгитлаш ёппасига (сочма), локал (уялаб, үчогига, қаторлаб), локал-тасмасимон, захиравий, механизмлар ёрдамида, ҳаводан ва бошқа усуулларда амалға оширилади. Үгитлар культиватор-озиқлантиригич ва үгит сочгичлар билан ёки авиация воситасыда сочилиб, погут, культиватор ёрдамида тупроққа араластырилади.

Бир гектар әкінга мавсумда бериладиган үгит миқдори (соғ мөддә бүйіча, кг) үгитлаш мөщери ва ҳар бир үгитлашда құлланилады миқдор эса үгитлаш дозасы дейилади.

Асosий үгитлашда маҳаллий үгитнинг жами мөщери ва минерал үгитларнинг катта қисми ишлатилади. Фосфорли-калийли үгитларнинң аксарияти, одатда, кузги шудгорлашгача құлланилади. Азотли үгитлар эса әкишдан олдин, әкиш вақтида ва озиқлантиришларда ишлатилади. Әкиш пайтида үгитлаш комбинацияланған сеялкалар әртимидә амалға оширилади. Асosий ва әкиш вақтида үгитлашларға құшимча озиқлантиришлар бажарылади.

АЙРИМ ЭКИНЛАРНИ ҮФИТЛАШ

Маҳаллий үфитларга ғоят талабчан бўлган маккажӯҳори ферма олди алмашлаб экишда асосий экин ҳисобланади. 60—70 ц/га дон ҳосили билан бирга гектаридан 130—180 кг азот, 50—60 кг фосфор ва 150 кг калий захираси олиб чиқиб кетилади. Дон ва силосдан юқори ҳосил олиш учун 200—250 кг/га миқдорида азот, 100—120 кг/га фосфор ва 75—100 кг/га калий қўлланилади. Шудгордан елдин ерга 80—100 кг/га фосфор, 60—80 кг/га калий, экишгача 30 кг/га азот ва 20 кг/га фосфор ва калий сепилади.

Ўсиш даврида 100—125 кг/га. дан азот икки марта озиқлантиришда берилади. Биринчи озиқлантириш яганалашдан кейин — ўсимликнинг 3—4 чинбарги чиққан пайтда ва иккинчиси ўсимлик бўйи 60—80 см бўлганда амалга оширилади.

Озиқлантиришда 3—5 т/га меърида гўнг шалтоги ёки 3—5 ц/га меърида парранда ахлати ишлатиш ҳосилдорликка яхши таъсир кўрсатади. Маккажӯҳори сulton чиқариши арафасида фосфорли-калийли үфитлар билан озиқлантирилади.

Дуккакли дон экинлари (нўхат, нут, вика, соя, мosh, ловия, люпин)ни үфитлашда кузги шудгор олдидан гектарига 45—60 кг. дан фосфор ва калий қўлланилади. Экиш арафасида 20—30 кг/га меърида азот бериш, экиш билан бирга эса 10 кг/га P_2O_5 , қўллаш яхши самара келтиради.

Бедани үфитлаш. Фосфорли ва кальцийли үфитларга талабчан экин бўлган беладан юқори ҳосил олиш учун ҳаракатчан фосфор билан кам таъминланган тупроқларда 1-йили 250—300 кг/га ва уртacha таъминланган тупроқларда 120—150 кг/га миқдорида фосфорли ва 60—75 кг/га калийли үфит ишлатилади. Шудгор олдидан 50—60 кг калий, ниҳоллар униб чиқиши билан 30—40 кг аммиакли селитра қўлланилади.

Экиш олдидан үфитланмаган майдонларда 2 ва 3-йилги бедапоя эрта баҳор ёки кузда 50—60 кг/га меърида фосфорли ва 25—30 кг/га миқдорида калийли үфитлар билан үфитланади ва дискли борона билан бороналанади. Шўрланган ерларда калийли үфит ишлатилмайди.

Баҳорги буғдой, арпа ва сулидан гектаридан 3,5—4,0 т ҳосил олиш учун бўз тупроқлар 100—120 кг азот, 80—90 кг фосфор ва 50—60 кг калий билан үфитланади. Бунда экиш билан бирга 10 кг/га фосфор қўллаш яхши натижага беради. Фосфорли ва калийли үфитлар кўпинча кузда — шудгор олдидан сениб чиқилади.

Яйловларни ўғитлаш. Суфориладиган маданий яйловларда азотли ўғитлардан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд: катта меъёрда ўғит қўллаш ўт аралашмасидаги бошоқли ўтларни сиқиб қўяди ва уларнинг кўчат қалинлиги камайиб кетади. Шу сабабдан беда ва бошоқли ўтлар нисбати 1:1 бўлган шароитда уларни ўғитлаш тизимига жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Дуккакли-дон ўт аралашмали яйловлар учун фосфор ва азотнинг ўзаро нисбати 1:1,3—1,5 бўлиши мақсадга мувофиқидир.

Барпо этилаётган яйлов тупроқларига 40 т/га миқдорида органик ўғит, 90 кг/га фосфор ва 40 кг/га калий кузги шудгор олдидан берилади.

I-йил экилган яйловда минерал ўғитлар қуйилдаги тартибда қўлланилади:

— экишдан олдин 28 кг/га меъёрида фосфор, 35 кг/га азот ва 60 кг/га калий;

— озиқлантириша (суфориш арафасида ёки пичан ўриб олингандан сўнг суфориш билан бир вақтда): биринчи ўримдан кейин фосфор 28 кг/га, тўртинчи ўримдан сўнг 42 кг/га меъёрида, азот эса биринчи, иккинчи ва учинчи ўримдан сўнг 70 кг/га миқдорида қўлланилади. Кейинги йилларда минерал ўғитлардан озиқлантиришларда фойдаланилади. Бунда баҳорда ўтлар жадал ўса бошлиши олдини 40 кг/га меъёрида фосфор, 70 кг/га азот ва 20 кг/га калий қўлланилади. Кейинги озиқлантиришлар 12-жадвалда келтирилган тартибда амалга оширилади.

12-жадвал

**Яйловларни озиқлантиришининг муддати ва меъёрлари
(соф модда кг/га ҳисобида)**

Ўғитлаши муддати (ўримдан сўнг)	Ўғитлаш		
	N	P_2O_5	K ₂ O
Биринчи	70	—	—
Иккинчи	—	40	—
Учинчи	70	—	—
Тўртинчи	—	40	—
Бешинчи	70	—	—
Олтинчи	—	30	—
Еттинчи	—	30	20

Сүгөриладиган маданий яйловларни йиллик ўғитлаш мөъёри 13-жадвалда келтирилган.

13-жадвал

Йиллик ўғитлаш мөъёри (*NPK* учун соф модда ҳисобида), ц/га

Ўғит турни	1- йили	2- ва кейинги йиллар
Гүнг (физик вазнда)	400,0	—
Азот	2,5	2,8
Фосфор	1,9	1,8
Калий	1,0	0,4

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Агрокимё фанининг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
2. Ўсимликларнинг озиқланиш жараёнини тушунтиринг.
3. Қишлоқ хўжалигига қандай минерал ўғитлар қўлланилади?
4. Комплекс ўғитларни таърифланг.
5. Маҳаллий ўғитларнинг турлари, аҳамияти ва уларни тайёрлаш шароитлари ҳақида сўзлаб беринг.
6. Кўкат ўғитлар ва бактериал препаратларни қўлланиш хусусиятлари қандай?
7. Ўғитлаш тизимининг моҳияти нимадан иборат?
8. Айрим экинларни ўғитлаш тартибини кўрсатинг.
9. Яйловларни ўғитлаш тизимини баён этинг.

7-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИ ТАШҚИ КЎРИНИШГА ҚАРАБ ВА СИФАТ РЕАКЦИЯЛАРИ ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ

Дарс режаси:

1. Минерал ўғит намуналарининг ташқи белгилари билан танишиш.
2. Сифат реакциялари ёрдамида минерал ўғитларни аниқлаш.

Керакли реактив ва асбоб-аниқомлар: турли ўғит намуналари, дистилланган сув, пробирка ёки шиша идишчалар, пипеткалар, штативлар, 2–5 фоизли барий хлорид ($BaCl_2$) эритмаси, 8–10 фоизли ишқор ($NaOH$) эритмаси, 1–2 фоизли кумуш нитрат ($AgNO_3$) эритмаси, хлорид кислота (HCl)нинг 1 фоизли эритмаси ёки 1:10 нисбатдаги сирка эссенцияси, кўмир чўғи.

Минерал ўғитларни аниқлашда дастлаб уларнинг ташқи кўриниши ўрганилади (14-жадвал). Бу ўғитлар қаттиқ ва суюқ агрегат

Минерал үйнілар тасиғи на сифат реақцияларыннан көрсеткічләри

Ташни құрнинши, хили	Судың эртуннитиги	$NaOH$ билан	$BaCl_2$ да кислота билин реакциясын	$AgNO_3$ билан реакциясы	Тошқымир чүтігә муносабаты	Үйнің формуласы
Сарғыш па ок рантты кристалл молда, әпшішкөк	Яхши	Аммиак а жралады	Үзгариш юз бистимай ёки чукма хосил бұлдаш Кислота таъсиріда иігүлдәди	Үзгариш юз бистимай чукма хосил бұлдаш Кислота таъсиріда иігүлдәди	Ранттоз аланга чикарыб ёнады ёки аммиак хиды оқ туған хосил кипади	Аммиакты септерта NH_4NO_3
Оқ ёки охыш кристалл молда	Яхши	Аммиак а жралады	Үзгариш булмайды	Үзгариш юз бермайды, басын оқ тусын чўкма коюн бұлдаш	Тұқ сарық, рантулған аланга чикарыб ёнады	Натрийни септерте $NaNO_3$
Оқ ёки кулраны модда кристалл молда	Яхши	Аммиак а жралады	Оқ рангли чукма хосил бұлдаш Сирка ва хорид кислотада	Үзгариш майды эримайды	Оқ рангли аланга чикарыб ёнады	Аммоний сульфат $(NH_4)_2SO_4$
Оқ, майда кристалл молда	Яхши	Аммиак а жралады	Үзгариш булмайды	Үзгариш булмайды	Эриб, йүк бұлғын кетеди	Моневиния $CO(NH_2)_2$

14-жадвалнин өдөрсөн


Окёки пушти ранг майды кристалл молда	Яхиши Аммиак ажралтайши	Бироз чүкма хосил бүлэли	Ок чүкма хосил бүлэли	Парчаланб, саираади	Калий хлорид KCl
Ок кристаллсмон молда, бавзан сильвийит аралалгаша кулранг ва пушти рангда бүлэли	Яхиши Аммиак ажралтайши	Бироз чүкма хосил бүлэли	Ок чүкма хосил бүлэли	Тезэд кристалга ажралдади	40% ли камий түзи ва силавийит $KCl NaCl$
Окиш ёки кул ранг-оч сарикаморф молда	Эринаяди Аммиак ажралтайши	Ок лойка хосил бүлэли	Сарик чүкма хосил бүлэли	Үзгэрмийд, бальзан куйган резина хиди келдли	Суперфос- фат $Ca(H_2PO_4)_2$, $2CuSO_4 \cdot 2H_2O$
Окёки түү кул ранг кристалл кукуй	Эрудчан Аммиак ажралдади	Үзгэрмийд ёки бироз ок чүкма хосил бүлэли	Сарик чүкма хосил бүлэли	Аммиак хиди ажралдади куйган резина хиди келдли	Аммофос $NH_4H_2PO_4$

қолатлариди ишилаб чиқарилади. Қаттиқ ўғитлар асосан, кристалл ёки аморф шаклида бўлали. Азотли (кальций цианамиддан бошқалари) ва калийли ўғитлар (тошкўмир кули ва калимагдан бошқалари), шунингдек, аммофос кристалл ҳолатида, фосфорли ва оҳакли ўғитлар ҳамда кальций цианамид ва калимаг аморф ҳолатида бўлади. Уларнинг рангига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда аниқланган ўғит хусусиятлари маҳсус жадвалга ёзиб борилади. Сўнгра минерал ўғитларнинг сувда эрувчанлиги аниқланиши лозим. Бу хусусиятга кўра, улар уч гурухга: сувда яхши эрийдиган, кам эрийдиган ва эримайдиган ўғитларга бўлинали. Кристалл ҳолатидаги ўғитлар яхши эрувчан, аморф ҳолатидагилари esa кам эрувчан ёки эримайдиган хоссаларга эга бўлади. Сувда эрувчанлиги жиҳатидан фосфорли ўғитлар азотли ва калийли ўғитлардан кескин фарқ қиласди.


Сувда эрувчанликни аниқлаш учун тоза пробиркага 0,5—1 г ўғит намунаси солиниб, унга 6—8 мл дистилланган сув қўйилади ва бармоқ билан беркитилиб, яхшилаб чайқатилади. Ўғитлар яхши эриб кетса, ёритма учта пробиркага бўлинади ва уларнинг ҳар қайсисига алоҳида-лоҳида 2—3 томчидан $NaOH$, $BaCl_2$ ва $AgNO_3$ томизилали ҳамда пробирка бармоқ билан беркитилиб, яхшилаб чайқатилади. Пробиркадан ўзгариш чиқаётган ҳид ёки унинг ранги ўзгариши ёхуд чўкма тушишинга қараб, ўғитларни фарқлаш мумкин бўлади.

Айрим ўғитларнинг пробиркадаги эритмаларига $NaOH$, $BaCl_2$ ва $AgNO_3$ таъсир эттириб, фарқлаш имконияти бўлмаган шароитда кўмири ўғитдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун электр ёки газ плитаси ўстига идишчада тошкўмир қўйилиб, чўғ ҳолатигача қиздирилади. Сўнгра унга озроқ миқдорда ўғит ташланади. Ўғитнинг тез ёниш хусусияти, портлашлар ҳосил бўлиши, аланганинг ранги ва ҳиди (аммиак, куйған сукъ ҳиди), ёниб бўлгандан кейин қолган қолдиқдан кўмири ўстида оқ доғлар пайдо бўлиши каби белгилар ёрдамида ўғит турни аниқланади. Масалан, аммиакли ўғитлар (аммиакли селитра, мөчевина) портлаганига ўхшаб, аммиак ҳидини чиқариб, алана таъсири ёнади. Натрийли селитра сарик, калийли селитра бинафша тинги чиқаради. Аммоний сульфат чўғда суюқланиб, оқ тутун ҳосил қилили ва аммиакка ҳос ҳид чиқаради. Калийли ўғитларнинг барчани кўмири чўғида парчаланиб саҷрайди. Бунда тутун ҳосил бўлмаслиги таъланаларни азотли ўғитлардан фарқлаш мумкин.

Масалан, аммиакли селитра эритмасига $NaOH$ томизилганда, унни аммиак ҳиди чиқа бошлайди. Бунда қўйидаги реакция юз беради:



Аммоний сульфат эритмасидан ҳам $NaOH$ таъсирида аммиак ҳиди чиқади. Шу сабабдан фарқлаш учун унга $BaCl_2$ таъсир эттирилади. Бунда оқ чўкма — $BaSO_4$ ҳосил бўлади:




Бу чўкма сирка ёки хлорид кислота таъсирида эримаса, текширилаётган ўғит аммоний сульфат ҳисобланади.

Мочевина эритмаларига $NaOH$, $BaCl_2$ ва $AgNO_3$ таъсир эттирилганда ўзгариш намоён қилмайди. Лекин кўмир чўғида аммиак ҳидини ажратади.

Таркибида хлор бўлган калий хлорид ва 40 фоизли калийли туз эритмаларида $AgNO_3$ таъсирида оқ чўкма вужудга келади:



Калий сульфат эса $BaCl_2$ қўшилганда сутга ўхшаш оқ чўкма ҳосил қиласди:



$BaSO_4$ сирка ва кучсиз кислоталарда эримайди. Калий сульфат ва аммоний сульфатлар $BaCl_2$ таъсирида бир хил чўкма ҳосил қилиши боис уларни фарқлаш учун эритмаларга $NaOH$ қўшилади. Бунда аммоний сульфат эритмасидан аммиак ҳиди чиқа бошлайди.

Кайнит, калимаг ва калимагнезия ўғитлари ҳам $BaCl_2$ таъсирида оқ чўкма ҳосил қиласди. Лекин $AgNO_3$ таъсирида ўзгариш бермайди.

Аморф (фосфорли ва азотли) ўғитларни аниқлашда дастлаб уларнинг кислоталар билан реакцияси текширилади. Таҳлил учун 3—4 г қуруқ ўғит пробиркага солиниб, устига кучсиз хлорид кислота ёки сирка эссенцияси томизилади. Кислота қўшилиши билан ўғит қайнаса, бу ўғит оҳакли ўғит ёки таркибида томасшлак бўлган фосфорли ўғит эканлиги аёналашади. Бунда қўйидаги реакция содир бўлади:



Кислота таъсирида томасшлакдан водород сульфид (H_2S) ажралиб чиқади. Булардан бошқа фосфорли ўғитларнинг барчаси кислота таъсирида қайнамайди, лекин $AgNO_3$ таъсирида сариқ рангга киради.

Аммофос ва диаммофос ўғитларининг эритмаларига $AgNO_3$ таъсир эттирилганда сариқ ранг, $BaCl_2$ таъсирида эса оқ чўкма ҳосил қиласди.

Суперфосфат эритмасига $AgNO_3$ томизилса, тезда сариқ рангли чўкма ҳосил бўлади:



П्रесципитат ва фосфорит талқонида ҳам шу ҳол кузатилади.

Топшириқ. Берилган намуналарнинг ташқи күриниши, сувда эрувчанлиги ва сифат реакциялари асосида ўғит турини аниқланг. (Натижалар 15-жадвалга ёзил борилали).

15-жадвал

Үйнитларни аниқлашга доир маълумотларни қайд этиш жадвали

№	Ташқи күриниши, хили	Сувда эрувчанлиги	Реактивлар таъсирида узгариши			Тошкўмир чўғида узгариши	Ўғит	
			NaOH	BaCl ₂	AgNO ₃		номи	формуласи

7. ЕРГА ИШЛОВ БЕРИШ

Парвариш қилинаётган экинлар учун қулай шароит яратиш мақсадида машина ва қуролларнинг иш органлари билан тупроққа механик таъсир кўрсатиш *ерга ишлов бериш* дейилади. Тупроққа ишлов бериш орқали унинг сув-физик хоссалари, ҳаво, иссиқлик ва озиқ режими яхшиланади, ўсимликлар ўсишига шароит пайдо бўлади. Тупроқдаги йирик ва майда капилляр ғовакликлар нисбати керакли меъёрга солиб турилади: ишлов берилганда тупроқнинг ғоваклиги ортиб, намликнинг буғланиши камаяди. Мола босилганда тупроқ зичлашиб, намнинг пастки қатламлардан юқорига кўтарилиши тезлашади. Ғовак тупроқ яхши қизийди ва иссиқликни яхши сақлайди. Тупроққа ишлов берилиши туфайли микроорганизмлар фаолияти учун қулай шароит яратилади, органик қодикларнинг чириши тезлашади. Бегона ўтларнинг илдизлари борона, чизеллар ёрдамида тароқланаб, олиб чиқуб кетилиши натижасида уларнинг камайишига эршилади; ишлов бериш орқали заараркунанда ва касалликлар ҳам маълум даражада йўқотилади.

Тупроққа ишлов бериш вазифалари қўйидагилардан иборат: 1) чуқур ҳайдалма қатлам ва тупроқнинг қулай донадор структурасини таъминлаш; 2) бегона ўт, заараркунанда ва касалликларни

бартараф этиш; 3) күп йиллик бегона ўтларни нобуд қилиш; 4) органик қолдик ва ўғитларни керакли чуқурликларга күмиш; 5) тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш ва уларнинг оқибатини йўқотиш; 6) тупроқни экишга сифатли тайёрлаш ва ургунинг униб чиқиши учун қулай шароит яратиш ва бошқалар. Ерга ўғит солиш, уни тупроққа аралаштириш, ерни текислаш, эгат олиш каби ишларни амалга оширишида ҳам тупроқ ишланади. Ушбу вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши дехқончиликни жадаллаштиришга — сугориладиган ва лалми ер ҳар бир гектарининг маҳсулот берса олиш имкониятини оширишга ёрдам беради.

ЕРГА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ер ҳайдаш

Ер ҳайдаш деганда ишлов бериладиган қатламни 135⁰ дан ортиқ ағдариш, юмшатиш ва майдалаш тушунилади. Бунда ҳайдалма қатлам тузилиши кескин ўзгарили, ўғит ва ўсимлик қолдиқлари маълум чуқурликларга күмилиб, озиқ унсурлари ҳайдалма қатламда бир текис тақсимланади, бегона ўтлар йўқотилади.

Ер қатлами плуглар ёрдамида ҳайдалади. Лемехли плугларнинг ағдаргичи (отвали) цилиндрик, винтсимон, ярим винтсимон, эллиптик (маданий) ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Ағдаргичнинг шакли тупроққа ишлов бериш сифатини белгилайди.

1797 йилда Англияда винтсимон ағдаргичли Бейлей плуги кашф этилди. Бу дастлабки плуг қатламни шунчаки 135⁰ га ағдариб қўйиб, тупроқнинг майдаланишига хизмат қиласди. Кейинчалик Чехияда (1827 й.) яратилган цилиндриксимон ағдаргичли плуг эса, аксинча, қатламни яхши майдалаб уни мөъёргагидек ағдармасди. 1870 йили немис темирчиси Рудольф Сак ярим винтсимон ва цилиндриксимон плуглар ағдаргичларининг маълум қисмларини олган ҳолда эллиптик ағдаргичли плуг ихтиро қилди. Бундай ағдаргич маданий ағдаргич деб юритилди.

Тупроқларни ҳайдашда маданий плуг кенг ишлатилади. Плугнинг асосий корпусидан юқорироқда, шаклан у билан бир хил, қамраш кенглиги эса унинг 2/3 қисмига тенг келадиган чимқирқар корпусча — мослама ўрнатилган. Чимқирқар юқориги чимли қатламни эгат тубига ташлайди, асосий корпус эса пастки қатламни юқорига чиқариб ағдариади. Чимқирқарли плугда ерни сифатли қилиб ҳайдаш маданий ҳайдаш деб аталади.


Ҳайдаш сифатига агрегатнинг ҳаракатланиш тезлиги ҳам кучли таъсир этади. Мұтадил намлиқтаги тупроқнің 7 км/соатгача, куруқ тупроқні эса 5 км/соатгача тезликда ҳайлаш яхши натижә беради. Энг мақбул самарата агрегатнің 5,4—5,8 км/соат тезликда ҳаракатланиши срқалы әршилади.

Ерниң ҳайдаш мүддаты қар бир жойнанға иккілім-тупроқ шарсити ва етиштирилдігін әкін агротехникасыдан кесілбі чиққан қолда таңланади. Ер, асан, кузда, тупроқда мұтадил намлиқ бұлғанда шудгор қылғанади. Лекин Хоразм вилюяты, Қарақалпогистон Ресpublikаси за Құқон атрофидаги тұманларда ер баҳорда ҳайдалади.


Ҳайдаш сифати уни үтказышнинг агротехник мүддатига риоя қилингандылығы, агрегатнинг тұғри чизик бүйілаб ҳаракат қылышы ва белгіланған чуқурлықнан таъминлаши, дала-нинг барча қысмларыда тупроқнанға түрлі чуқурлықда ҳайдалғанлығы, үсімлік қолдикларының тұлық күмілгандылығы, ҳайдалмай қолған парчалар ва палахсаларнанға түрлі қаралғандағы үйректердің үзілігі, бурилиш жойларының ҳайдалының сипати, дала текислігі каби күрсаткичлар билан бағаланади. Агар ушбу агротехник тарабалар тұлық бажарылса, ер жуда яхши (9 балл), атиги учтаси таъминланмаган бўлса, қониқарли (6 балл) ва аксарияти таъминланмаган бўлса, қониқарсиз (3 балл) ҳайдалған ҳисобланади.

Ҳайдаш чуқурлығынанға фарқ $\pm 2-3$ см. дан ошмаслиги лозим. Бу чуқурлық далағаннанға бир неча жойда махсус әгат үлчагич ёрдамида текширилді (20-расм). Ҳайдалмай қолған, яғни чала ҳайдалған жойлар 0,2 фоиздан ошмаслиги лозим. Диаметри 5 см. дан катта палахсалар 1 m^2 . да 5 тадан ортиқ бўлса ва үсімліклар қолдиганнанға 10 фоизи күмілмай қолса, ер сифатсиз ҳайдалған ҳисобланади. Иложи борича, шудгор юзаси текислігига эришилған, әгат ва марзалар сони кам бўлган срлар сифатли ҳайдалған саналади.

Хозирги вақтда ПЛ-3-35 ва ПД-3-35 құш яруслы, ПОН-3-45 айланма плуг, умумий мақсадларда ишлатылдігін ПЛН-3-35, тошлоқ туп-



20-расм. Ернанға ҳайдаш чуқурлығынанға үлчагич.



21-расм. ПД-3-35 құш ярусли үрнагма плуг:
1—юқориги чимқирқар корпусча; 2—пастки корпус; 3—рамаси;
4—таяңч гиддіраги; 5—үрнаташ мосламаси; 6—қулф.

роқларда ишлатылады ПКУ-4-35, корпусы алмаштирилады ПЛН-6-35, ПЛН-5-35 каби плуглар құлланилмокда (21-расм). ПНД-4-30 дискли плуг шолипоялар чекларининг тупротини ҳайдаша құлланилады.

Ҳайдаш усуллари ва техникаси

Ер, асосан, иккى усулда — *аіланма* ва *тахта* (загон)ларга булыб ҳайдалады. Айланма ҳайдаш мұайян ер майдонининг ўртаси ёки чеккасидан бошланиб, яна унинг ўртаси ёки чеккасида тұгалланады. Бурилиш жойларыда плуг иш қолатыдан чиқарылмайды. Бұнда ер сифатли ҳайдалмайды, яғни ҳайдаш чуқурлиги даланинг барча қысмларыда бир хил бұлмайды. Даға бұлактарға булыб ҳайдалғанда ҳайдаш сифаты ошады. Шу сабабли даға бир неча тахталарға булыб чиқылады. Агар плуг тахтанинг ўртасыдан үтиб, охирига келганды иккінчи үтишни үңг томондан бошласа, ағдарилаётган қатлам устма-уст тушиб, марза ҳосил қиласы. Бу ҳайдаш марзасы деб юритилады. Агар плуг тахтанинг үңг чеккасыдан үтиб, охирида чапға бурилиб ҳайдаста, тахтанинг ўртасыда әгат ҳосил бұлады — у ҳайдаш әгаті деб юритилады.

Ҳайдаш чуқурлиги ва тезлиги

Тракторларнинг яратилиши ва улар қувватининг тобора ошириб борилғанлиги тупроқны ластлаб 20—22 см, кейинчалик 28—30 см

чуқурлиқда ҳайдашга имкон түғдиради. Ҳозирги даврда ундан ҳам чуқур ҳайлаша іш берадиган тракторлар мавжуд.

Бу эса тупроқнинг сув ўтказувчанлигини оширали, бегона ўтлар, зааркунаңда ва касалликларни камайтиради. Чуқур ҳайдалган ерларда шұр ювишнинг самарадорлиги ҳам яхши бұлади, үсимликнинг илдиз тизими ривожланишига қулай шароит яратилади.

Хайдаш чуқурлиғи тупроқ унумдорлиги, профилининг тузилиши, механик ва кимёвий таркибига боғлиқ бұлади. Унумдорлиғи паст ва янги ерлар үзлаشتаришнинг дастлабки йилларда 20—22 см чуқурлиқда ҳайдалади. Кейинчалик 2—3 см. дан чуқурлатып, чириндиси кам бұлтан пастки қатламға аста-секін құшиб борилади. Шағал, құм қатлами яқын жойлашған ерларда құм ва шагал юзага чиқиб қолмаслиғи учун саёзроқ ҳайдаш амалға оширилади.


КУЗГИ ШУДГОР

Ерни күзда шудгорлаш үсимликларнинг яхши үсиши, ривожланиши ва мұл ҳосил тұплаши учун зарур асосий агротехник тадбирлерден қосыбланади.

Бунда тупроқдаги сув союқ ва илиқ күнларда гоҳо музлаб, гоҳо зеріб, кесакларнинг майдаланациини таъминлайди. Күзда ҳайдалаб қүйилған ерда тупроқнинг сув ўтказувчанлиғи яхшиланиб, намлық күп тұпланаади, микробиологик жаражалар учун қулай шароит юзага келади, бегона ўтлар нобуд бұлади, касал түғдирувчишар ва зааркунандалар йүқотилади, әкишни үз муддатларыда ўтказиш учун имкон яратилади. Ерни баҳорла әкиштә тайёрлаш ҳам анча осон кечади. Сифатли ўтказилған күзги шудгор баҳорға ҳайдашта нисбатан әкіншілік 10—20 фоиз оширади, ҳосил ерта ва сифатли етилади. Пахта ҳосилининг 80—90 фоизини бириңчи ва юқори навлар ташкил этади.

Хайдаладиган ерларни қолатига күра, уч турға ажратыш мүмкін: қатор оралари ишланадиган әкінлардан бұшаган ерлар, ғалла әкінларидан бұшаган ерлар ва чимзорлар. Қатор оралари ишланадиган әкінлардан бұшаган ерларни ҳайдаш осон — доимий ишлов бериб түрілгендегидан үсимлик қолдиклари кам, тупроғи юмшоқ бұлади. Пахта териб олинганидан кейин дала агрегатлар ёрдамида ғұзапоядан тозаланса, ерга сифатли ҳайдов берилади. Ғалла әкінлардан бұшаган ерларда нисбатан анча зичлашған чимзорлар бўлиши сабабли уларни ҳайдаш бироз қийинчилік түғдиради.

Тупроқ намлығы максимал даражада бўлған дала нам сифимига нисбатан 40—60 фоиз сифатли ҳайдалади. Қуруқ ёки сернам тупроқ ҳай-



22-расм. ПЯ-3-35 құш ярусли плуг:

А—әннидан күрениши; *Б*—юқоридан күрениши.

далғанда палахса кесақлар ҳосил бўлади. Кузги шудгор учун Ўзбекистоннинг шимолий минтақасида ноябр ойи, марказий қисмида — 15 ноябрдан 15 декабргача, жанубий минтақасида 20 ноябрдан 15 декабргача бўлган вақт кузги шудгор учун энг қулай давр ҳисобланади.

Тупроқ шароитига кўра, ер 30—35 см. гача чуқурликда ҳайдалиши мумкин.

Ерни икки қатлам—ярусли ҳайдашда ПЯ-3-35 русумли плуглардан фойдаланилади. Бунда устки қатлам (0—15 см) пастга, остки қатлам эса (15—30 см) юқорига чиқарилади (22-расм).

Шудгорниң турлари

Ўзбекистондаги тоғли ва тоғолди ҳудудларининг кўп қисмида лалмикор деҳқончилик қилинади. Бу ерларда, асосан, фалла ва ем-хашак экинлари етиштирилади. Ҳосилдорлик ёғин-сочин сувларининг тўплашиши, сақланиши ва тақсимланишига боғлиқ. Шунинг учун ерларда асосий эътибор ёғин-сочин сувларини тупроқда тўплаш ва сақлашга қаратилади. Фалла экинларидан бўшаган, ҳайдалган ва йил давомида

Экин экилмай, махсус ажратилган дала тоза шудгор дейилали. Шудгорда йил давомида ёки ёзининг ўрталаригача экин экилмай, фақат берона үтларни йўқотиш мақсадида куруқ ишлов бериб турилади.

Тоза шудгор эртаги, ўртаги, кечки ва банд шудгорларга бўлинади. Ёғингарчилик кам буладиган минтақаларда эртаги шудгор мақсадга мувофиқдир. Бундай худудларда ерни март ойининг охири ва апрелнинг бошларида ҳайдаш лозим. Шудгорни май—июн ойларида ўтказиш самарасиздир, чунки бунда куриб қолган ерга сифатли ишлов бериб бўлмай қолади. Фаллачилик илмий текшириш институтининг маълумотларига кўра, ламикор дәхқончиликда тоза шудгорга экилган буғдой ҳосили 14—22 ц. ни, ангизда эса 4—8 ц. ни ташкил этган.

Лалми ерларни шудгорлашнинг энг кулаги муддати текислик ерларда март ойининг иккичи ярми, текислик-адир ерларда мартнинг охири ва апрелнинг биринчи ярми, тоғодди ерларида апрел ҳамда тоғли ерларда апрелнинг охири ва майнинг бошлари ҳисобланади. Тоза шудгор ёз давомида 2—3 марта 10—12 см чуқурликда культивация қилинади. Бу иш КРН-3,5, КПНА-3, КП-4А, ПЛ-5-25, ППЛ-10-25 русумли культиваторлар ва КПЛ-2-150 русумли юмшатгич — плоскорезлар билан амалга оширилади.

Тоза шудгорни ёзининг биринчи ярмигача экинлар билан банд қилиниш кўшимча маҳсулот олишга ва йилнинг иккичи ярмида яна тоза шудгор сифатида ишлов бериб туришга имконият яратади. Бундай шудгорга банд шудгор дейилали. Экин мудлатларига кўра эрта, ўрта ва кеч баҳорги турларга бўлинадиган банд шудгорда қатор оралари ишланадиган экинлар экилганда шу ишлов гуфайли берона үтлар ҳам йўқотиб турилади. Эрта баҳорги банд шудгорга нўхат, хашаки нўхат, кунгабоқар; ўрта баҳорги шудгорга оқ жўхори, судан ути, кунгабоқар, намлик етарли буладиган ерларда маккажўхори; кечки баҳорги шудгорга эса маккажўхори, оқ жўхори, кунгабоқар, кунжут ва полиз экинлари экилади.

Эрта ва ўрта баҳорги банд шудгор учун мулжалланган ерлар кузда ҳайдалиб, баҳорла бороналанади. Кечки баҳорги банд шудгор апрелнинг биринчи 10 кунилигига ҳайдаб қўйилади. Эртаги ва ўртаги банд шудгор экиш олдидан культиваторлар ёрдамида 10 см. гача чуқурликда юмшатилади. Кечки баҳорги банд шудгор экиш олдидан ясси культиваторлар ёки ағдаргичи олиб қўйилган плугда 16—18 см чуқурликда ҳайдалади. Банд шудгорнинг яна бир тури шотали шудгор бўлиб, кучли шамол буладиган минтақаларда тупроқни эрозиядан сақлашга хизмат қиласади.

Экин ҳосилини йигиншириб олиш билан бир пайтда ҳайдалган ср қора шудгор дейилади. Бундай шудгорлашда ер аввалига лушчильник билан 10—12 см юмшатилиб, кейин 20—22 см чуқурликда ҳайлалади. Яхши самара бермаганлиги учун қора шудгор Узбекистон шароитида қўйланилмайди.

Баҳорги ҳайдов

Республикамизнинг айрим ҳудудлари (Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Қўқон атрофи)да тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолла ер баҳорда ҳайдалади. Ушбу ерлардаги тупроқ шўри 3—4, айрим майдонларда эса 5 марта гача ювилади. Ер етилиши билан марзалар текисланиб, маҳаллий ва минерал ўғитлар солинади ҳамда ПН-4-35, ПЯ-3-35 плуглари ёрдамида ҳайдалади. Агар кўкламда тез-тез шамол бўлиб турса, ернинг юза қисми тез қуришидан ҳайдов пайтида кесаклар кўп ҳосил бўлади. Шунинг учун баҳорги ҳайдовдан кейин ер бир неча марта чизелланиб ва бороналаниб, мола бостирилгач, зудлик билан экин экилади. Қўқон атрофи ҳудудларида кучли шамол бўлиб туриши тупроқ нурашини келтириб чиқаради. Шу сабабдан бундай ерларда тупроқ баҳорда ҳайдалиб, оғир мола бостирилгандан кейин экин экишга киришилади.

Бедапоя ва анғизни ҳайдаш

Бедапояларни ҳайдаш масъулиятли тадбирдир. Айрим ҳолларда П-5-35М, ПН-4-35 плугларининг чимқирқари бедани тұла кесиб, әтат тубига ташламасдан, аввал ағдарилган қатламнинг ёнига ташлайди. Бунда илдиз икки қатlam орасидаги 10—12 см чуқурликка тушади ва баҳорда қайта кўкариб чиқади. Шу сабабли баъзан кузда шудгор қилинган бедапояни баҳорда юмшатишга ёки культиватор билан ёппасига ишлашга, кўп ҳолларда эса эрта баҳорда культивация қилинган ёки чизелланган бедапоядаги илдизларни йигиб олишга тұғри келади.

Бедапояни ҳайдашдан 5—7 кун олдин ернинг қисми 5—6 см чуқурликда ағдаргичи олинган плуг билан ҳайдалади. Шунда илдизи 5—6 см чуқурликда кесилган беданинг унувчанлиги йүқолади.

20—25 октябрдан 10—15 ноябргача бўлган давр бедапояни ҳайдашнинг энг мақбул пайти ҳисобланади. Сизот сувлари чуқур жойлашган, тупроғи қуруқ ва қаттиқ бедапояни сифатли ҳайдаш учун уни 7—10 кун аввал суфориш керак бўлади. Шундан кейин икки ярусли плугда чуқур ҳайдаш яхши натижা беради.

Ёппасига экилган фалла экинлари ёки бир йиллик экинларнинг ҳосилий йигишириб олингандан кейинги дала *анғиз* дейилади. Чимзорларга қараганда анғизда органик моддалар кам, тупроқ қуруқ, унинг тузилиши ёмон, зич, бегона ўтлар илдизи, уруғи, зарарку-

иңда ва касаллар күп бўлади. Анғизни ишлаш тизими уни лушчилик билан юмшатиш ва кузги шудгорлашдан иборатdir.

Кўп йиллик бегона ўтлар босган далалар икки марта — биринчи ҳолда дискли лушчилик билан 4—5 см чуқурликда, кейин ағдаргичли лушчилик билан 10—12 см чуқурликда юмшатилиди. Бир йиллик бегона ўтлар кўп тарқалган далалар 4—5 см чуқурликда 1 марта юмшатилиди. Бундай ерлар октябр бошларида шудгорланади. Кузги ер ҳайдашни шимолий миңтақаларда 15 ноябрдан, жанубда эса 30 ноябрдан кескитирмаслик керак. Кучли шамол кузатиладиган ҳудудларда кўп йиллик бегона ўтлар кам ўсган майдонларни ағдаргичсиз плуг билан ҳайдаш яхши самара беради. Олимлардан Э.И. Зауров ва У.Хўжабеков бу усулда ҳайдалганда буфдои ҳосили 20—23 фоиз, лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти эса 8—12 фоиз ортиши ҳақида маълумот беришган.

Кузги экинлар анғизи экишдан 15—20 кун олдин ҳайдалиши керак. Бундай далалар аввалига лушчилик билан юмшатилиди. Курук ерни ёзда ҳайдаш натижасида ҳосил бўладиган палахсаларни майдалаш учун сихли борона тиркалган плуг, оғир волокушалар, кесик дискли лушчиликлардан фойдаланилади.


Анғиз ҳосил йигиштириб олиниши билан бир йўла ҳайдалса, тупроқ сифатли ишланади ва кўп йиллик ўтлар кескин камаяди. Бунинг имкони бўлмаса, дарҳол уни лемехли ПЛ-5-25 плуги ёки ХП-2-250, АП-7,5 юза юмшатгич-плоскорезлари ва бошқа воситалар билан 10—12 см чуқурликда юмшатиш зарур. Шундан кейин ер плугда ҳайдалади.

Шамол эрозияси (дефляцияси) кучли кузатиладиган ерларда анғиз ағдаргичсиз плугда ҳайдалиб, маҳсус сеялкаларда дон экинлари экиласди. Анғиз қишида қорни тутиб қолишини ва баҳорда эса майсаларни шамол таъсиридан сақлашини ҳисобга олиб, бундай ҳудудларда ерни ишлашини кескин камайтириш талаб этилади.

ЕРГА ЮЗА ИШЛОВ БЕРИШ

Деҳқончилика бороналаш, культивациялаш, мола босиш, эгат олиш, текислаш каби агротехник тадбирлар қўлланилиб, ерни асосан, 3—15 см чуқурликда ағдариб ёки ағдармай юмшатиш амалга оширилади.

Бороналаш. Тупроқни юмшатиш, майн қилиш, ҳайдалма қатлам ҳавоси алмашинишини яхшилаш, тупроқ юзасини текислаш учун утказиладиган бу тадбир натижасида бегона ўтлар қисман йўқотила-



23-расм. Сихли борона:

1—борона; 2—пиншанг; 3—занжир.

ди. Буни алоҳида ёки ерга ишлов беришнинг бошқа усуллари билан биргаликда ўтказиш мумкин.

Бороналар сихли ва дискли бўлади. Ўзбекистонда, асосан, сихли бороналардан (23-расм) фойдаланилади. Оғирлигига қараб, сихли бороналар учга бўлинади: енгил бороналарнинг (ЗБП-0,6) ҳар бир сихига 0,6—1,0 кг. гача, ўртacha оғир бороналарда (БЗСС-1,0) 1,0—2,0 кг. гача, оғир бороналарда (БЗТС-1,0) 5 кг. гача юк тушади.


Кузги шудгор қилинган ерлар баҳорда енгил ёки ўртacha оғирлиқдаги, қатқалоқ ва йирик кесаклар эса ўртacha оғир бороналарда майдаланади, қалин қатқалоқ босган ва кўп йиллик ўтлар экилган ерларга оғир борона босилади.

Дискли боронанинг иш органи сферик дисклардан иборат булиб, чим босган тупроқчilar шундай бороналарда юмшатилади.

Бороналаш ундан олдинги ишлов йўналишига кўндаланг ёки қиялаб ўтказилиши керак.

Фалтаклаш. Тупроқ юзасининг текис булиши, кесакларни майдалаш ва зичлаш учун далага фалтак босилади. Фалтакларнинг иш юзаси текис, кертикли, сихли бўлади. ЗККШ-6, ККН-2,8, КБН-3, ЗКВГ-1,4 каби фалтаклардан фойдаланилади. Фалтаклаш экин экилгунга қадар, экишдан кейин ёки алоҳида ҳолда ўтказилади.

Лушчильник босиш. Бу мослама дискли ёки лемехли булиб, тупроқни юмшатиш, кесакларни майдалаш ва юқори қатламни аралаштириш ҳамда бегона ўтларни йўқотиш учун экин экишдан олдин кўлланилади. ЛДГ-5, ЛДГ-10, ЛДГ-15 русумли дискли лушчильник ва ППЛ-10-25 плуг-лушчильник ҳамда БДТ-2,5, БДТ-3,



24-расм. БДТ-2,2 диски оғир борона:

1—диск; 2—гидравлик пиллицир; 3—рама; 4—рамани түргиловчи ме-
ханизм; 5—орқа ўні батарея; 6—орқа чап батарея; 7—ишцирак; 8—
олдинги чап батарея; 9—тиркап мосламаси; 10—кергич.

БДТ-2,24 оғир диски бороналардан фойдаланилади (24-расм). ПЛ-
5-25 лемехли лушчильник илдизпояли бегона үт босган далаларда
ихши самара беради.

Культивациялаш. Тупроқнинг устки қисмини қисман текислаш,
арқаштириши, кесакларни майдалаш, говак қатлам ҳосил қилиш, бе-
гона үтларни йўқотиш мақсадида үтказилади. Ишлов бериш чуқурли-
ги 6 см. дан 14 см. гача етади. Культивациялаш экишдан олдин ёппаси-
га ва экишдан кейин қатор ораларини юмшатишда қўлланилади. У
тупроқнинг сув-физик хусусиятлари ва микробиологик жараёнлари-
ни яхшилайди, бир текис қўчатлар стиштиришга имкон беради. Ёп-
пасига культивациялашда КПС-4, тошлоқ тупроқларда ККН-2,5Б,
шуда оғир тупроқларда КФГ-3,6 культиваторларидан фойдаланилади.
Қатор ораларини ишлаш учун КРН-4,2, КРН-5,6, КХУ-4 культиви-
тор-озиклантиргичлар қўлланилади. Ёппасига культивациялашда би-
ринчи үтиш олдинги тадбир йўналишига кўндаланг ёки қия, иккин-
чиси эса биринчисига кўндаланг амалга оширилади. Қатор ораларига
ишлов беришда культиватор қатор йўналиши бўйлаб үтади.

Ерни мотигалаш. Экин экилгандан кейин ҳосил буладиган қатқ-
лоқни бузиш ва тупроқ юзасини юмшатишда ротацион мотига қўлла-
нилади.

Мола бостириш. Ерни экишга тайёрлаш, тупроқ юзасини текис-
лаш, кесакларни майдалаш ва устки қатламни бир оз зичлаш учун

далалар молаланади. Тупроқ зичланса, пастки қатламдан намнинг кутарилиши яхшиланади, уруғнинг униб чиқиши тезлашади.

Ерга экиндан олдин ишлов бериш

Экин экиш олдидан срга ишлов бериш уруғларнинг тўлиқ униб чиқиши учун ва кейинги парвариш ишларини ўтказишга қулай шароит яратиш мақсадида ўтказилади. Бу ишлар қўйилагилардан иборат: 1) ерни жорий текислаш; 2) уруғни бир хил чуқурликка экиш, унинг қийғос униб чиқишини таъминлайдиган юмшқ қатлам ҳосил қилиш; 3) бегона ўтларни йўқотиш.

Вегетация даврида ўтказиладиган барча парвариш ишларининг сифати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан далалар текислигига боғлиқ. Шунинг учун шудгорлаш пайтида ҳосил бўлган марза ва эгатлар, тракторларнинг бурилиш жойларидағи дўнглик ва чуқурликлар ҳар йили текисланали. Бу ишда узун асосли текислагич, грэйдер, кенг қамровли мола, темир-бетон бруслар ёки оддий ёғоч молалардан фойдаланилади. Агрегатлар ёрдамида текисланмай қолган дўнглик ва пастқам жойлар қўлда текисланади. Ерни экин экишга тайёрлаш шудгорни бороналашдан бошланади. Ушбу тадбир айни ер етилган пайтда амалга оширилса, кесаклар яхши майдаланади, тупроқ донадор ҳолга келади. Бороналаш кўп ҳолларда молалаш билан биргаликда ўтказилади. Бунда икки қатор қилиб уланган сихли бороналардан фойдаланилади. Иложи борича занжирли тракторлар ёрдамида ва албатта, дастлаб ер ҳайдалиш йўналишига кўндаланг, иккинчи марга эса узунасига бороналаниши лозим. Ерни экишга тайёрлаш, бороналаш ишларини экишдан бир неча кун илгари режалаштирган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу ишлар учун Сурхондарё ва Қашқаларё вилоятларида феврал ойининг иккинчи ўн кунлиги, Бухоро вилоятида февралнинг иккинчи ярми ва март ойининг биринчи ярми, Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятларида март ойининг иккинчи ярми, Фарғона воидийсида март ойининг биринчи ярми, Хоразм ва Қорақалпогистонда март ойининг учинчи ўн кунлиги қулай муддат ҳисобланади.

Яхоб суви берилган ва шўри юзилган ерларни экишга тайёрлаш учун улар аввал яхшилаб текисланади, чизель-культиватор ёки культиваторлар ёрдамида юмшатилади. Сўнгра икки қатор қилиб тиржалган бороналар ёрдамида бороналанади. Шўрланмаган ва яхоб суви берилмаган ерлар икки марга бороналанаб, сўнгра молаланади. Тошкент вилоятининг бўз ва ўглоқи бўз тупроқли ерларига мола ҳамда унга икки қатор уланган борона ёрдамида ишлов берилади..

Баҳорла ерларни қайта ҳайдамаслик лозим. Агар ер зичлашиб қолған бұлса, чизель-культиваторлар ёрдамида юмшатиши мақсадда мүнәсабаттың мүнәсабатынан шынайы жағдайларда қаралады. Куда ҳайдалған ерларга нисбатан баҳорда ҳайдалады. Шу сабабдан ишлов берішни ер етилиши билан бошлаб, қисқа муддатда тугатиш лозим.

НАЗОРАТ ҮЧУН САВОЛЛАР

1. Ерга ишлов берішнинг аҳамияти ва вазифаларини күрсатынг.
2. Ерга ишлов берішнинг қандай турлари мавжуд?
3. Ерни ҳайдаша фойдаланыладын техник мосламаларни тәзрифланг.
4. Ҳайдаш сифати ва уни белгиловчи омиллар қандай бўлиши лозим?
5. Ҳайдаш усуслари, техникаси, чуқурлиги ва тезлиги ҳақида сўзлаб беринг.
6. Шудгор турлари ва уни ўтказиш муддатлари ҳақида нималарни билиб олдингиз?

8-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ҲАЙДОВ ҚАТЛАМИНИНГ ТУЗИЛИШИНИ АНИҚЛАШ

Дарс режаси:

1. Лаборатория шароитида тупроқнинг капилляр, нокапилляр ва умумий ғовакликларини аниқлаш.
2. Тупроқнинг аэрация ва сув билан түйиниш даражасини аниқлаш.

Керакли асбоб-анжомлар: шиша найчалар, дока, фильтр қофози, ойна, панича, чизғич.

Тупроқ қаттиқ қисми ҳажмининг капилляр ва нокапилляр ғоваклиги бузилмаган ҳолатда олинган тупроқ намунасининг ҳажмига нисбати ҳайдов қатламишининг тузилиши дейилади.

Тупроқ уч қысмдан — қаттиқ, суюқ ва газсимон таркиибий қысмлардан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро нисбати доим ўзгариб туради. Бу нисбат кесакларнинг йирик-майдалигига, шакли ва ўзаро жойлашувига, тупроқдаги чангнинг миқдори ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Тупроқ заррачаларининг бир-бирига зич тақалиб турмаслиги нағижасида турли катталиқдаги оралиқлар ҳосил бўлади. Улар ғоваклар деб юритилади. Кесакчалар ораси ва ичидаги барча майда (қылсими) оралиқлар капилляр ғоваклик, кесакчалар орасидаги барча йирик оралиқлар эса нокапилляр ғоваклик дейилади. Капилляр ва нокапилляр ғовакликларнинг жами ҳажми умумий ғоваклик деб аталади.

**ТАБИЙ ХОЛАТИ БУЗИЛГАН ХАЙДОВ ҚАТЛАМИНИНГ
ТУЗИЛИШИНИ АНИҚЛАШ**

Капилляр ғовакликни аниқлаш

Капилляр ғоваклик қүйидаги тартибда аниқланади:

- 1) ұл дока фильтр қоғозли доирача билан биргаликда найчанинг тағига боғланади;
- 2) тайёрланған идиш оғирлиги (a , г) аниқланади;
- 3) найчанинг 9/10 ҳажміга қадар тупроқ ёки қум солиб, астасекин зичланади;
- 4) қуруқ тупроқ ёки қум селинган найчанинг оғирлиги (b , г) аниқланади;
- 5) қуруқ тупроқ ёки қумнинг соғ оғирлиги (C , г) топилади:

$$C = b - a;$$

- 6) мутлақ қуруқ тупроқ ёки қумнинг оғирлиги (C_1 , г) қүйидегіча ҳисобланади:

$$C_1 = C - B.$$

Бунинг учун дастралаб қүйидаги тенгглаштириш орқали тупроқдан гигроскопик сув мөндөри (B) аниқланади:

$$C - 100\%$$

$$B - K\%$$

$$B = C \cdot K / 100,$$

бу ерда, K — қуруқ тупроқнинг гигроскопик намлігі, %; C — қуруқ тупроқнинг оғирлиги, г; B — гигроскопик сувнинг оғирлиги, г.

Қуруқ тупроқнинг гигроскопик намлігі (K , физ.)ни ҳар хил тупроқ, ва фракциялар оғирлигига нисбатан қүйидегіча олиш мүмкін:

Тупроқтар	1—0,75 мм	5—3 мм	0,5—0,25 мм
Бұз		0,98	1,05
Үлтөңі-ботқоқ		0,65	0,97
Қум	0,16	—	—

7) тупроқ устунчасининг баландлигі (h , см) ва найнинг ички диаметри (d , см) үлчанади;

8) қүйидеги ифода ёрдамида тупроқ ёки қумнинг умумий ҳажмі (V , см³) ҳисобланади:

$$V = (\pi d^2 / 4) h,$$

бу ерда, π — доимий сон (3,14);

9) қуйидаги ифода ёрдамида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги (V_p , g/cm^3) ҳисобланади:

$$V_r = C_r / V;$$

10) тупроқли най учлари сувли ваннага туширилган фильтр қоғозли ойнага қуйилади;

11) тупроқнинг барча капиллярлари түйиниб бўлгандан кейин най тортилади (W , g);

12) қуйидаги ифода ёрдамида капилляр сувнинг оғирлиги (e , g) ҳисобланади:

$$e = W - a;$$

13) оғирликка нисбатан капилляр ғоваклик миқдори (P_r , фоиз) чиқарилади:

$$P_r = e \cdot 100/C_r$$

Унинг тупроқ ҳажмига нисбатан миқдори (P_r , фоиз) эса қуйидагича ҳисобланади:

$$P_r = e \cdot 100/V.$$

Умумий ғовакликни аниқлаш

Умумий ғоваклик қуйидаги изчилликда аниқланади:

1) капилляр ғовакликни аниқлашдаги тажриба найи сувли ваннага туширилади, бунда ваннадаги сувнинг сатҳи найдаги тупроқ сатҳи билан бир хил бўлиши керак;

2) сув капилляр бўлмаган барча оралиқларни тўлдирганидан кейин (бунда тупроқ юзаси ялтирайди) най сувдан чиқариб олинади;

3) капилляр бўлмаган сув тарози палласидан оқиб кетмасиданоқ тупроқли най оғирлиги (f , g) аниқланади;

4) қуйидаги ифода ёрдамида сувнинг умумий оғирлиги (q , g) ҳисобланади:

$$q = f - b;$$

5) оғирликка нисбатан умумий ғоваклик (P_2 , фоиз) қуйидаги ифода ёрдамида топилади:

$$P_2 = q \cdot 100/C.$$

Унинг тупроқ ҳажмига нисбатан миқдори (P_2 , фоиз) эса қуийдагича ҳисобланади:

$$P_2 = q \cdot 100/V.$$

Нокапилляр ғоваклик (P_3 , фоиз) умумий ғоваклик (P_2 , фоиз) билан капилляр ғоваклик (P_1 , фоиз) орасидаги фарққа кўра, оғирликка ёки ҳажмга нисбатан аниқланади:

$$P_3 = P_2 - P_r$$

Аэрация даражаси ва тупроқнинг сув билан тўйиннишини аниқлаш

1. Қуийдаги тенглаштириш орқали дастлаб тупроқдан намуна олиётган вақтдаги сувнинг оғирлиги (B , г) ҳисобланади:

$$\frac{C_1 - 100\%}{B - K\%} = B = C_1 \cdot K/100.$$

2. Сув бўшлиқларни қисман эгалаганлиги сабабли қолган ғоваклик ҳаво билан тўлади. Ҳавонинг умумий миқдори (A , см³) тупроқнинг тўла тўйинган намлиги (q , г)дан намуна олинган вақтдаги сув миқдори (B , г)ни айириб ташлагандаги сув ҳажмига тенг бўлади, яъни:

$$A = q - B.$$

3. Тупроқнинг умумий ҳажми (V , см³)ни 100 га тенг деб олсак, унинг умумий ҳажмига нисбатан сув ва ҳаво миқдори (x , фоиз) намуна олинган вақтдаги сув билан тўйиниш ва аэрация даражасига мос келади.

а) қуийдаги тенглаштириш ёрдамида сув билан тўйиниш орқали сув билан тўйиниш даражаси (x , фоиз) аниқланади:

$$\frac{V - 100\%}{B - x\%} = x = B \cdot 100/V.$$

б) қуийдаги тенглаштириш орқали эса аэрация даражаси (x , фоиз) аниқланади:

$$\frac{V - 100\%}{A - x\%} = x = A \cdot 100/V.$$

4. Тупроқ қаттиқ фазасининг ҳажми ($V_{\text{кф}}$, см³) тупроқнинг умумий ҳажми (V , см³) билан умумий ғоваклик (q , г) орасыдаги фарқдан топилади:

$$V_{\text{кф}} = V - q.$$

5. Тупроқ қаттиқ фазасининг ҳажми (x , фоиз) қуидаги тенглаштириш орқали тупроқнинг умумий ҳажмига нисбатан ҳисобланади:

$$V - 100\%$$

$$V_{\text{кф}} - x\%$$

$$x = V_{\text{кф}} : 100/V.$$

Тўйиниш ва аэрация даражаларининг тупроқнинг умумий ҳажмига нисбатан миқдорлари йиғиндиси 100 фоизни ташкил этади.

6. Олинган маълумотларни таққослаш учун қуидаги йиғма 16-жадвал тузилади.

16-жадвал

Йиғма жадвал

Тупроқнинг номи	Фракциялар ўлчами, мм	Ҳажмий оғирлиги (V_1), г/см ³	Ғоваклик, %						Даражаси		
			Капилляр (P_1)		Нокапилляр (P_3)		Умумий (P_2)		Тўйинтаник (%)	Аэрация (%)	Қаттиқ қисми (%)
			Ҳажми	Оғирлиги	Ҳажми	Оғирлиги	Ҳажми	Оғирлиги			

7. Аниқланган маълумотлар таҳлил этилади ва ўзаро таққосланади.

Эслатма: 1. Оғирликлар 0,01 г. гача аниқликда олинади; 2. 1 г сув 1 см³ га тенг.

9-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Дарс режаси:

Сугориладиган ва лалмикор срларда бошоқли дон экинларини ҳамда лавлаги етиширишда ерга ишлов бериш тизимларини ишлаб чиқиши.

Қишлоқ хужалиги экинлари етиширилладиган далаларга ишлов бериш ерга асосий ишлов бериш (кузги шудгор), экишдан олдин ва кейин ишлов беришдан иборат.

Сугориладиган ерга ишлов бериш тизими лалмикор ерлардаги-дан кескин фарқ қиласи. Бунда ер текислаш, муваққат ва доимий

сугориш тармоқларини қуриш, шұр ювииш тармоқларини жойлаштириш, сугоришидан кейин қатор ораларига ишлов бериш каби талбирлар үтказилади. Ерга асосий ишлов бериш тупроқ намлығы құлай бўлғанда, ёки 10–12 кун олдин амалга оширилади.

Бундай шароитда ҳайдов қатлами чуқурлигини ошириб бориш мұхимдир. Нам тұплаш мақсалида феврал—март ойларыда әгатлаб ёки ёнпасига сугоришилар үтказилади (биринчи шароитда сугориш әгатлари олиш талағ этилади). Тупроқ етилиши билан далага борона босилади, айрим ҳолларда чизелланади.

Шўрланган ерларда тупроққа ишлов бериш тизими кузги ҳайдов, далаларни чекларга бўлиб чиқиш, сугориши тармоғини қуриш, шұр юғандан кейин далаларни текислаш, бороналаш каби тадбирларни, баҳорда эса борона ёки чизель-культиваторлар билан юмшатишини ва экиш олдидан молалапни уз ичига олади.

Қатор оралари ишланадиган экинлар учун мавсумий сугоришилардан олдин әгатлар олинади. Сугоришилардан кейин эса қатор оралари юмшатиб турилади. Кузги дон экинлари учун ерга ишлов бериш тизими ўзига хос хусусиятларга эга, яъни асосан, ўтмишдош экингта боғлиқ бўлади.

Кузги дон экинлари тоза шудгорга экиладиган бўлса, баҳор ва ёз ойларыда шудгорга ағдаргичсиз қуроллар ёрдамида бир-икки йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши қатламлаб юза ишлов бериб турилади. Баҳорда тупроққа чукур ишлов берилади. Кейинчалик бу чукурлик аста-секин уруғ экиладиган даражагача камайтириб борилади. Қатламлаб ишлов бериш лушчильник, юза ишлов бериш эса культиватор ёрдамида амалга оширилади. Экиш олдидан тупроқ молаланади.

Ўтмишдош экин учун ерни экишга тайёрлаш даврида ва унинг ҳосилини йиғишириб олгандан кейин ишлов берилади. Ҳосил йиғишириб олингач, тупроқ чимқирқар плуг ёрдамида ҳайдалади. Айрим ҳолларда ўтмишдош экин анғизига ҳайдашгача 10–12 см чуқурликда лушчильник билан ишлов берилади. Ер ҳайдаландан ёки унга лушчильник билан чукур ишлов берилгандан кейин бегона ўтлар культиватор ва борона ёрдамида ўға қуриб кетганилигидан пайдо бўладиган палаҳса кесаклар дисклаш ёрдамида ёки оғир ғалтаклар билан майдаланади ва бороналанади.

17-жадвалда айрим экинлар учун тупроққа ишлов бериш тизимлари келтирилган.

Айрим экинлар учун ерга ишлов бериш тизимлари

Т.р.	Иш тури	Трактор	Иш куроли
Суғориладиган срларда бошоқлы дон экинлари			
1.	Ер ҳайдаш	T-4A	ПЛ-3-35
2.	Бороналаш	T-4A	БЗТС-1
3.	Ер текислаш	T-4A	ППА-3,1
4.	Чизеллаш	T-4A	ЧКУ-4
5.	Мола босиш	T-28x4	ВП-8
6.	Экиш	МТЗ-80	С3-3,6
7.	Ёнгинга қарши дала атрофии ҳайдаш	T-4A	ПЛ-5-35
Лалми срларда бошоқлы дон экинлари			
1.	Ҳайдаш	T-4A	ПЯ-3-35
2.	Дисклаш	T-4A	БДТ-3
3.	Бороналаш	T-4A	БЗТС-1,0
4.	Экиш	T-4A	СП-11
5.	Экинларни бороналаш	T-4A	СП-11
6.	Ёнгинга қарши дала атрофии ҳайдаты	T-4A	ПЯ-3,35
7.	Тоза шудгор	T-4A	ПЯ-3,35
8.	Тоза шудгорга мола босиш	T-4A	МВ-6
9.	Тоза шудгорга ишлов бериш	T-4A	БДТ-3
Лавлати			
1.	Ер ҳайдаш	T-4A	ПЯ-3-35
2.	Ер текислаш	T-4A	ПА-3
3.	Чизеллаш	T-4A	ЧКУ-4
4.	Мола босиш	МТЗ-80	М-3
5.	Экиш	T-28x4	СТХ-4
6.	Қатқалоққа қарши кураш	T-28x3	М ВХ-5,4

7.	Культивациялар	T-28x4	KРХ-4
8.	Үқари қолиши	T-28x4	KРХ-4
9.	Суғориш эгатлари олиши	МТЗ-80	KРХ-4
10.	1—2 чопик	күлдә	күлдә
11.	Үқаарықтарни текислаш	T-4A	Бұлъозсер

8. УРУЕЛИК ВА УНИ ЭКИШ

Кишлоқ хұжалиги экинларидан мұл ҳосил олиш учун уларнинг агротехник табиғатында режалаштирилген экин тури ва нағарларини тұғри танлаш, юқори сифатлы уруғлардан фойдаланып ұсымларнинг құлай озиқларни майдонларини таъминлайдын экиш мөйөрларини тұғри белгиләш мүхим ахамияттаға әгадір.

УРУЕЛИК СИФАТИ

Уруғнинг унувчанлығы сифати, тозалигига күра белгиланиб, навва синфларға ажратылады. Уруғлик юқори навли, бегона уруғлар билан ифлюстанмаган, унувчан, касаллукка чалинмаган бүлиши лозим. Агар уруғлардаги навнинг улуши 99,5 фоиздан юқори бұлса, бундай уруғлик I тоифага, 98 фоиздан кам бұлмаса II ва 95 фоиздан кам бұлса III тоифага киритилади.

Уруғларнинг унувчанлығы асосий агротехник күрсаткоч бўлиб, униб чиққан уруғлар сонининг текширишга олинган уруғлар умумий сонига нисбатан фоизда ифодаланишидир. Масалан, 100 та уруғдан 97 таси униб чиққан бўлса, унувчанлик 97 фоизга тенг деб олинади. Уруғнинг тозалиги деганда асосий экин уруғи сонининг намунадаги уруғлар умумий сонига нисбатининг фоиз мөкдори тушунилади. Масалан, намунада 200 та уруғ бўлиб, шундан бошқа экин уруғи 5 тани ташкил этса, уруғнинг тозалиги 97,5 фоизга тенг бўлади.

Шунингдек, уруғлик сифатини аниқлашда унинг намлиги ҳам ҳисобга олинади. Донли экинлар уруғларнинг мұлтадил намлиги 19—15 фоиз атрофида бўлади. Уруғларнинг касаллуги ва заараркунандалар билан заараланғанлығы маҳсус текширишлар орқали аниқланади.

Уруғларнинг тозалиги ва унувчанлығига кўра, унинг экиш учун яроқлилиги қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}Я = Y \cdot T/100,$$

бу ерда, ЭЯ — уруғнинг экишга яроқлилиги, фоиз; У — унувчанлиги, фоиз; Т — тозалиги, фоиз.

Масалан, уруғнинг тозалиги 97 фоиз ва унувчанлиги 96 фоиз бўлса, унинг экишга яроқлилиги қўйидагига тенг: $\text{ЭЯ} = 96 \cdot 97/100 = 93,12$ фоиз.

Экиш меъёрига уруғнинг катта-кичиликлиги ҳам таъсир этади ва у 1000 та уруғ массасига кўра баҳоланади.

ЭКИШ МУДДАТЛАРИ

Барча баҳорги экинлар экиш муддатларига кўра, эрта муддатларда экиладиган, яъни тупроқ ҳарорати $+5^{\circ}\text{C}$ дан паст бўлганда ҳам униб чиқа бошлайдиган (баҳори буғдой, арпа, сули, нўхат, дуккаклилар, ясмиқ кунгабоқар, лавлаги ва бошқа) ҳамда кечки муддатларда экиладиган, яъни тупроқ ҳарорати $+8—12^{\circ}\text{C}$ бўлганда уна бошлайдиган (маккажӯхори, тариқ, оқ жӯхори, шоли, картошка, соя, ловия, ер ёнғоқ, ғуза, полиз экинлари ва бошқа) экинларга бўлиниади. 18-жадвалда экинларнинг униб чиқиши учун зарур бўлган энг пастки ҳароратлар келтирилган.

18-жадвал

Айрим ўсимллик уруғларининг униб чиқиши ва ниҳоллар пайдо бўлиши учун тупроқнинг энг паст ҳарорати

Ўсимлликлар	Энг паст ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$
Буғдой, арпа, кўк нўхат	1—2
Нўхат, лавлаги, маҳсар	3—4
Кунгабоқар, картошка,	5—6
Маккажӯхори, соя, тариқ	8—10
Ловия, оқ жӯхори	10—12
Ғуза, шоли, ер ёнғоқ, кунжут	12—14

Кузги экинлар — буғдой, арпа, жавдар совуқ кунлар бошланишидан 45—50 кун олдин экилади. Ўзбекистонда улар сентябр, октябр ойларида ва айрим ҳолларда ноябрда ҳам экилиши мумкин. Экинлар эрта ва кеч баҳорда, ёзда ҳамда кузда экилади. Эрта баҳорда (15 феврал—15 март) лалмикор ерларда баҳорги фалла экинлари, суфориладиган ерларда эса беда, баҳорги картошка, кўк нўхат, кеч баҳорда (1—20 апрел) ғуза, маккажӯхори, 15 апрелдан май ойининг ўрталаригача шоли, ер ёнғоқ, полиз маҳсулотлари, куз ойлари (сентябр, октябр)да эса бошоқли фалла экинлари ва беда экилади.

ЭКИШ УСУЛЛАРИ

Ҳозирги кунда сочма ва қаторлаб экиш усуллари құлланилмоқда. Сочма усул құлда, сеялка ва самолёттар ёрдамида, қаторлаб экиш эса сеялкаларда бажарилади.


Қаторлаб экишнің ётпасига қаторлаб, көнг қаторлаб, тор қаторлаб, тасмасимон, уялаб, квадрат уялаб, әгатларга, марзаларга, пунктір, шахтай усулида ва аниқ миқдорда экиш турлари мавжуд.

Тор қаторлаб экишда қатор ораси 7,5—9 см. дан 15—18 см. гача, көнг қаторлаб экишда эса 45 см. дан 90 см. гача бұлади.

Арпа, бүғдой, жавлар, сули ва бошқа үтлар СД-24, СЭН-24, комбинациялаشتырылған СҮК-24 ва бошқа сеялкаларда ётпасига қаторлаб әкілади. Қатор оралари 13—15 см, үсимликлар ораси 1,2—1,5 см қилиб олинади. Зигир, бүғдой, рапс, жавдар СУБ-48, СУБ-48Б ва СА-48 ру-сумли дискилі ёки сошникли сеялкаларда тор қаторлаб әкілади. Қаторлар ораси 6—8 см, үсимликлар ораси 3—4 см бўлиши лозим.

СУ-24, СЗД-24, СҮК-24 сеялкалари уруф экиш меъерининг ярми (50 фоизи)ни сепадиган қилиб созланади. Бунда далага шахмат усулида уруф сепиб чиқылади.

Бир-бирига яқын әкілган қаторлар тасма дейилади. Бу усулда сабзи, пиёз, каноп, тарик, беда каби әкінлар әкілади. Ҳозирги кунда ғұза чигити ҳам плёнка остига тасма усулида әкілмоқда. Тасмалар орасидаги оралиқ 30—60 см, тасмадаги қаторлар ораси эса 10—15 см



25-расм. СЧХ-4А-III русумли сеялка:

1—аниқ миқдорда экиш аппарати; 2—сошник секцияси; 3—чигит-ни күмалиган ии органдар секцияси; 4—рама; 5—чигит сақланади-ган идиш; 6—харакатлантирувчи чапи вал; 7—маркер.

қилиб олиниши мумкин. Тасма усулида экиш сошниклари маълум масофада ўрнатилган сеялкаларда бажарилади.

Ғұза, маккажұхори, ер әнғоқ, күнгабоқар, оқ жұхори каби экинлар көнгө қаторлаб СЧХ-4А-III русумли сеялкаларда экиб келинмоқда (25-расм).

Кейинги йилларда ғұза, маккажұхори, лавлаги ва бошқа экинлар белгиланған тартибда экилмоқда. Масалан, чигит 90x10—1 тартибда экилганда, қатор оралари 90 см, қатордаги үсімлік ораси 10 см, үзілдік уруғ сони 1 дона бұлады. Бундай экишшің көнгө қаторлы серуялаб экиш дейилади. Экишшің бу усулида қатор оралари 60—90 см, қатордаги үсімлік ораси 10—30 см қилиб олиниши мумкин.

Пуштага экиш қаторлаб экиш усулининг бир күрниши бўлиб, уруғ олдиндан олиб қойилған пуштага қадалади. Пуштада тупроқ тез қизийди, ортиқча сувнинг оқиб кетиши учун шароит яратилған бўлади. Намлиқ етишмаган ҳолда зуллук билан сугориш хам мумкин. Пушталар кузда ёки эрга баҳорда олинали.

Тупроқ юзаси қуриб қолалыған, қурғоқчил ва тоғли туманларда әзат тубига экиш қўлланилади. Бунда әзат очадиган маҳсус панжалар сеялканинг сошниклари олдига ўрнатилади.

ЭКИШ МЕЪЕРИ

Кўчат қалинлиги ҳар бир алоҳида олинган шароит учун тажриба йўли билан аниқланади. Бунда тупроқ унумдорлиги, нам билан таъмишланганлиги, экиш муддати каби омиллар ҳисобга олинади. Масалан, қурғоқчил минтақаларда кузги буғдой гектарига 4 млн дона экилса, ортиқча намиққан жойларда 7 млн. тага стказилади. Қурғоқчил минтақаларда кузги буғдойнинг мўъгадил кўчат қалинлиги гектарига 3,5—4,5 млн дона, кузги жавалар — 3,5—5,0, баҳори буғдой — 3,5—5,0, арпа — 3,5—4,5, сули — 3,5—4,0, нұхат — 1,3—1,5 млн дона, картопшка — 40—55 минт дона туганак, дон учун маккажұхори — 55—60 ва сиљос учун 90—110 минг дона уруғ экилганида таъминланади. Поя учун канон уруғи гектарига 1,6 млн дона ва уруғлик учун 200 минг дона экилади.

Уруғликни экиш меъери қўйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}M = UC \cdot M \cdot 100/\mathcal{E}Я,$$

Бу ерда, $\mathcal{E}M$ — экиш меъери, кг/га; UC — 1 га учун уннувчан уруғ сони, млн. дона; M — 1000 дона уруғнинг массаси, г; $\mathcal{E}Я$ — урутнинг экишшің яроқрилигиги, фоиз.

Яроқлилиги паст уруғликни экиш мөъёри назарий жиҳаддан белгиланганидан юқорироқ бўлади. Бунинг учун экиш мөъёрига яроқлилиги 100 фоиздан кам бўлган миқдор кўшилади. Уни қуйилагича ҳисоблаш мумкин:

$$100 \cdot 100 / 93,5 = 106,9 \text{ кг/га.}$$

Демак, уруғликни экишнинг амалдаги мөъёри 106,9 кг/га қилиб олинади.

ЭКИШ ЧУҚУРЛИГИ

Экиш чуқурлиги уруғларга ҳаво, нам, иссиқлик етарли бўлишини ва уларнинг қыйғос униб чиқишини таъминлаши лозим. Экиш чуқурлиги уруғларнинг йирик-майдалигига, тупроқнинг механик таркиби ва намлигига, шунингдек, экиш муддатларига боғлиқ бўлади (19-жадвал).

19-жадвал

Айрим экинларнинг уруғларини экиш чуқурликлари, см

Экин тури	Енгил тупроқли ерларда	Ўртacha оғир тупроқли ерларда		Оғир тупроқли ерларда
		нам тупроқ	қуриган тупроқ	
Буғдој, жавдар, сули	5,0	3,0	5,0—6,0	4,0
Арпа	5,0—5,5	2,5—3,5	4,0—5,0	2,0
Кўк нўхат, дуккаклилар	7,0	4,0	6,0	3,0
Картошка	13,0	7,0	9,0	5,0
Беда	3,0	0,5	0,5—1,0	0,5—1,0
Маккажӯхори	7,0	4,0	5,0	3,0
Рұза	4—5	3—4	5—7	3,0—4,0

Йирик уруғлар (маккажӯхори, кўк нўхат ва дуккаклилар) анча чуқур — 7 см, картошка 13 см, беда ва шу каби майда уруғлар эса 1 см чуқурликка экиласди.

Оғир тупроқли ерларга уруғ юза, механик таркиби енгил тупроқларга эса чуқур экиласди. Яхши намланган тупроқларда уруғ юзароқ, қуриб қолган тупроқларда намланган қатламга етиши учун чуқурроқ экиласди.

ЕРНИ ЭКИШДАН КЕЙИН ИШЛАШ

Ерга экишдан кейин ишлов бериш, одатда, қатқалоқни юмшатылышдан ва бегона үтларга қарши курашишдан бошланади. Бундай ишлов қатер оралари ишланадиган экинларда бутун үсіш даври да-вомида олиб борилади. Ғұза, маккажұхори каби экинларнинг майсалары униб чиқмасидан қатқалоқ ҳосил бұлғанда эса, у сихли боро-налар ёрдамида йүқотилади. Майсаларнинг ярми ва құпроғи униб чиққан бұлса, қатқалоқ, культиваторларға үрнатылған ротацион мотогалар ёрдамида бартараф қилинади. Бажарыш вазифасига қараб, культиваторлар юмшатадиган, кесадиган, әтат очадиган, үғит соладиган иш органлары билан жиҳозланади.

Биринчи культивация 5—6 см, кейингилари 12—14 см чуқурлик да үтказилади. Бунда культиваторларнинг четки ишчи органлари үртадагиларига қараганда саёзрок ишлайдиган қилиб үрнатылади. Культиваторлар билан ишлов бериш вақтида үсимликнинг илдизларига шикаст етказмаслиқка дикқатни қаратиш лозим. Бунинг учун қаторнинг ҳар иккى томонидан 10—12 см ұмоя зонаси қолдирилади. Қатор ораларига ишлов берини усулы тупроқнинг қолатига қараб белгиланади. Зич ва бегона үтлар күп бұлған тупроқни юмшатиш ҳамда бегона үтларни йүқотиши мақсады культивация үтказилади. Сугориладиган ерларда үғит солиши ва әтат олиш ишлари ҳам юқоридаги тадбирлер билан бирга амалға оширилади. Ҳар сугорышдан кейин ер етилиши билан намликтен сақтап қолиш, тупроқни юмшатиш ва бегона үтларни йүқотиши мақсадыда культивация қилиниши лозим.

Иккинчи ва учинчى йилги бедапояларга эрта баҳорда фосфорлы үғитлар сочилади, сұнгра дисклі бороналар билан құмилади. Дисклаш күнгөтінлигі сийраклашиб қолған бедапояларда ҳам үтказилиши мумкин. Беданинг илдиз бүгизи кесилиши туфайли күчатлар сони күпаяди. Агарда бедапояла чимли қатлам вужудға келған бұлса, эрта баҳорда сихли бороналар инициалиби, ҳаво алмашинуви яхшилантырилади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Үрге сифатини белгиловчы күрсаткычларни таърифланғ.
2. Экиш қандай мұддатларда үтказилиши мақсадда мувофиқ?
3. Экиш усуллари ва уларнинг мөжияти нимада?
4. Экиш мебәрінде уни ҳисоблаш услубини түшүнтириб беринг.
5. Экиш чуқурлуги ва унинг агротехник аҳамиятини бағын этиңг.
6. Ерни экишдан кейин ишлаш технологиясы ҳақида нималарни биласиз?

10-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ УРУГЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ ВА УРУФ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ

Дарс режаси:

1. Ўсимликларнинг морфологик белгиларини ўрганиш.
2. Уругларнинг тозалиги ва унувчанлигини аниқлаш.
3. Уругларнинг экишга яроқлилигини баҳолаш.

Керакли асбоб-анжомлар: ҳар хил экин уруғлари, техник тош-тарози, маҳсус ажратич таҳтача, турил ўлчамдаги элакчалар, пинсет, ланцет, металл курекча, чўткача, патинисчалар, фильтр қозоzi, кум.

Уругларнинг морфологиясини ўрганиш

Ғалла экинлари морфологик, биологик ва хўжалик белгиларига қўра икки гурухга ажратилади: 1) ҳақиқий *ғаллалар* (буғдой, арпа, жавлар сули); 2) *тариқсизмонлар* (маккажўхори, оқ жўхори, шоли, тариқ).

Ғалла экинларининг дони бир уруғели, юпқа пўстли бўлади. Бундай мева дон деб юритилади. Кўпгина ғалла экинлари (арпа, шоли, тариқ, сули) дони қобиқ (пўст) билан уралган булгани учун қобиқ (*пўст*)ли дон дейилади. Буғдой, жавдар, маккажўхори донлари очиқ дон деб аталади. Очиқ дон асосида қиясига муртак жойлашган. Буғдой ва жавдар донининг асосида қарши томони учидаги тукчалардан иборат попук бўлади.

Доннинг йирик-майдалиги унинг бўйи, эни ва ўйғонлиги билан фарқланади. Унинг асосидан учигача бўлган масофа узунлигини, қорин томони пастта қаратилган ҳолдаги горизонтал диаметри энини, вертикаль диаметри эса ўйғонлигини билдиради.

Ғалла экинлари донининг ўзига хос белгилари 20 ва 21-жадвалларда келтирилган уруглар бир-биридан шу белгиларига қўра фарқланади.

Уругларнинг тозалигини аниқлаш

Уругларнинг тозалигини аниқлаш учун намуна стол устига текис ёйиб қўйилади. Ундаги йирик аралашмалар ажратилади ва оғирлиги аниқланади. Масалан, 1000 г уруф намунасида (*a*) 2,45 г аралашма (*a*) бўлса, уруғдаги йирик аралашма миқдори (*x*, *фоиз*) қўйидагига тенг:

$$x = \frac{a \cdot 100}{s} = \frac{2,45 \cdot 100}{1000} = 0,24 \text{ фоиз.}$$

Биринчи түрүх талла экинларының дони

Донининг бэлгиси	Бүгдой	Жавдар	Арпа	Сули
Пүстлилиги	Одатда, очик, тоҳо пүстли, қилиғига ёпишмаган	Очиқ	Пүстли, қилиғига ёпишган, тоҳо очик	Пүстли, қилиғига ёпишмаган, тоҳо очик
Шакли	Чүзиқ, овалсимон, пүстли, донлари одатда; яхлит бошоқда жойлашган	Чүзиқ, асоси ўткирлашган	Эллипссимон чүзиқ, ҳар икки учун ўткирлашган	Чүзиқ, жуда торайган, пүстли, донининг учун ўткир
Пустининг юзаси	Қирралти	Қирралти	Узунасига кеттан чизиқлари аниқ куриниб туради	Силлиқ
Попуги	Бор, баязан жуда кам	Бор	Йүқ	Бор
Эгатиаси	Кенг	Чукур	Кенг	Кенг
Донининг юзаси	Силлиқ	Майда бурмали	Силлиқ ёки бир оз бурмали	Тук билан қолланган
Рангиги	Оқ қаҳрабо, сарик, қизил ранг	Яшил, күлранг, тоҳо сарик ёки жигарранг	Пустли дони сарик ёки қора, пүстсизлари сарик	Пустли, дони оқ, сарик, жигарранг, пүстсизлари оч сарик

Сүнгра намуна — навеска (маккажүхори ва дуккакли экинлар уруғидан 200 г. дан, бүгдой, арпа ва лавлаги — 50 г ва беда — 5 г) олиш учун йирик аралашмалардан тозаланган уруғ стол устига 1 см қалинликда квадрат шаклида текис ёйлади, уруғ хоч шаклида бўлиниб, ўзаро қарама-қарши бўлаклари аралаштирилади ва иш ўртача намунага тўғри келгунча давом эттирилади. Олинган намуналарнинг бир-биридан фарқи 0,8 фоиз атрофида бўлса, учинчи навеска олиш талаб этилмайди.

Сүнгра бүгдой, арпа, жавдар ва сули уруғлари 2x20 мм, маккажүхори, кунгабоқар ва лавлаги уруғлари 2,5x20 мм кўзли элакларда эланади.

Элакдан ўтказилган намуналар орасидан меъсирида ривожланган уруғлар асосий уруғ сифатида ҳисобга олинади. Элакдан ўтиб кетган

майда ва пуч, униб қолган, ярми ва күпроқ қисми шикастланган уруғлар, бегона ўт ва бошқа экинларнинг уруғлари, касалликка чалинган уруғлар, заараркунандалар, уруғнинг бўлақлари, тош, кесак, поя, гул ва тўпгул парчалари аралашмалар ҳисобланиб, уларнинг оғирлиги алоҳида-алоҳида аниқланади.

21-жадвал

Иккинчи гурӯҳ экинларнинг дони

Доннинг белгиси	Маккажӯхори	Оқ жухори	Тарик	Шоли
Пўстлилиги	Очиқ	Очиқ ва пўстли	Пўстли	Пўстли
Шакли	Юмалоқ ёки қиррали, гоҳо учи ўткирлаништан	Юмалоқ	Юмалоқ	Чўзиқ овалсимон
Пўстининг юзаси	—	Силлиқ, ялтироқ	Силлиқ, ялтироқ ёки хира ялтироқ	Узунасига кетсан қовурғали, хира
Катталиги (мм ҳисобида)	6–20	4–6	2–3	6–10
Пўстининг ранги	—	Оқ, сарик, зарғандоқ, жигарранг, қора	Малларанг, сарик, қизил, яшил, жигарранг	Сомон ранг, сарик, жигарранг
Доннинг ранги	Оқ сарик, қизил, гоҳо кўк	Оқ, мalla ранг, зарғандоқ, жигарранг	Сарик	Оқ, қизил

Масалан, 200 г навеска (*b*) таркибida бегона ўт уруғлари 2,1 г (*a*) бўлса, унинг миқдори (*x*, фоиз) қўйидагига тенг бўлади:

$$x = \frac{a \cdot 100}{b} = \frac{2,1 \cdot 100}{200} = 1,05\% .$$

Дастлабки таҳлил вақтида йирик аралашмалар миқдори 0,24 фоизга тенг бўлганлигини ҳисобга олсак, умумий аралашмалар миқдори $0,24 + 1,05 = 1,29$ фоизга тенг бўлади. Демак, уруғнинг тозалиги $УТ=100 - 1,29 = 98,71$ фоизни ташкил этади.

Уруғ тозалигини аниқлашда қўйидаги усулдан ҳам фойдаланиш мумкин: таҳлил учун олингган намуна оғирлиги (*b*) 1000 г. ни, уму-

мий аралашмалар (а) эса 12,9 г. ни ташкил этса, тоза уруғ оғирлиги
(б) $1000 - 12,9 = 987,1$ г. га тенг. Бундан:

$$UT = \frac{6 \cdot 100}{8} = \frac{987,1 \cdot 100}{1000} \equiv 98,7\%.$$

Топшириқ. Берилган уруғ намуналаринің тозалигини аниқланғ.
(Натижалар 22-жадвалга ёзіб борилади).

Уругларнинг унувчанлигини аниқлаш

Уруғнинг униб чиқиши деб, унинг мұтадил шароитда энг қулай мұддатларда майса беришига айтилади.

Уруғнинг унувчанлигини лаборатория шароитида аниқлаш учун ҳар бири 100 тадан түртта түплам намуна олиниб, улар тубига күм ёки 5—6 қават фильтр қофози түшалған патнисчаларда үндриледи.

Патнисчадаги күм текисләніб, намланади ва унга уруғлар бир текис териб чиқылғач, ясси предмет билан устидан босиб, қумга бир оз ботириб қойилади. Ёки уруғлар фильтр қофоз устига териб чиқылади ва бунда улар қофознинг ванначадаги сувга тегиб турған қисми орқали намықали. Ванначанинг усти ойна билан ёпиб қойилади.

Уругларнинг униш вақтида күм намлиги унинг нам сиғимига нисбатан 60 фоиз, дуккақлы экин уруғлари учун 80 фоиз атрофика бўлиши таъминланади. Фильтр қофоз қуриб қолмаслиги учун доим намлаб турилади.

Буғдой, жавдар, арпа ба сули 20°C , маккажұхори, оқ жұхори, тарик, шоли $20-30^{\circ}\text{C}$ иссиқ ҳароратда үндриледи.

Уругларнинг униб чиқиши қобилияты ва унувчанлиги (униб чиқиши энергияси) унган уругларни кунора санаш ва маҳсус журналга қайд этиш йўли билан аниқланади.

Униб чиқиши қобилияты — уругларнинг қисқа мұддатда қийғос унишилдири. Унувчанлик белгиланған күнлар ичіда униб чиқкан уругларнинг фоизда ифодаланишини англатади. Униб чиқиши қобилияты дастлабки 3—5 кунда, унувчанлик эса 7—10 күндан кейин аниқланади.

Шу күрсаткычларга кўра, уруғлар алоҳида синфларга булинади: синф уругининг униб чиқиши қобилияты 88 ва униб чиқиши энергияси 95 фоизни; II синф — тегишли равишда 85 ва 90 фоизни; III синф — 80 ва 85 фоизни ташкил қилади.

Илдизи нормал ривожланаётган ва асосий илдизининг узунлиғи уруғ бўйича тенг бўлиб қолган уруғлар ҳисоблаб чиқилади. Жавдар,

ҮРҮГИНГ ТОЗАЛЫГИННИ АНИКЛАШ

Гүрүх номы	1-намына		2-намына		Үрткыча, %		3-намына		Үртката, %		Аралашма номлары		Соңғы 1-намына 2-намына 3-намына	Колдик	1 кг ургуда	
	2	%	2	%	2	%	2	%	2	%	2	%				
Гозаурула А. Ургуда шүү жүйелден: а) ...													А. Маданий Үсүмүнкүрүү			
Үсүүник қылурч түрүүх б) Мурдаксиз урт г) башка хил чикинилар Б. Бегона уг ургуди шүү жүйелден: В. Паразит бөгөн уг шүү жүйелден:													Б. Бегона углар ургуди, шүү жүйелден: а) үстүнлик қылурчын бөгөн үлгар в) башка хил бөгөн углар ургуди г) затаркунчылдар ургуди			
Үүмүмий мактордун																

аккажүхори, бүгдой ўсимлигининг бўйи уруғ бўйининг ярмига генг бўлиши уруғнинг унганиларни кўрсатади. Дуккакли (беда, сепарга ва бошқа) экинларнинг айрим уруғлари қаттиқ қобиқقا ўралган ҳолда униб чиқади. Улар ҳам унгандан уруғлар жумласига киради. Унмайдиган уруғлар илдиз чиқармайди, фақат ўсимта бўлиб шакланади. Нимжон ривожланган, қингир-қийшиқ, чириган илдизли уруғлар ҳам унмайдиган уруғлар сирасига киради.

Ҳисоблаш қўйидаги тартибда бажарилади: тўртта тўплам намунада униб чиқсан уруғлар сони 96, 98, 97 ва 95 та бўлса, уларнинг унувчантаги ҳам тегишли равишда шунча фоизга баравар ҳисобланади:

$$\frac{96 + 98 + 97 + 95}{4} = 96,5 \% \text{ га тент.}$$

Топшириқ. Берилган намуналар бўйича уруғлар унувчанлигини иниқланг. (Натижалар 23-жадвалга ёзил борилади).

23-жадвал

**Уруғнинг униб чиқиши қобилияти ва унувчанлигини
қайд этиши жадвали**

Ҳисобга олиш санаси	Тажриба бошидан ҳисобланишгача бўлган муддат, кун	Униб чиқсан уруғ миқдори, %			
		намуна			
		I	II	III	IV
Жами: униб чиқиши қобилияти, унувчанлиги					

1000 дона уруғ вазнини аниқлаш

Уруғни экиш мөъёрини аниқлашда 1000 та уруғнинг вазни ҳисобга олинади. Уни аниқлаш учун ҳар бирида 100 тадан уруғ бўлган тўртта намуна олинади. Намуналар алоҳида-алоҳида тортилиб, уларнинг ўртаси вазни аниқланади ва 10 га кўпайтирилади. Шундан 1000 та уруғ вазни келиб чиқади.

Топшириқ. Берилган намуналар бўйича 1000 дона уруғ вазнини аниқланг. (Натижалар 24-жадвалга ёзил борилади).

1000 дона урганинг вазни

Намунанинг тартиб сони	Намунадаги ургу сони	Намуна оғирлиги, г	Үртача намуна оғирлиги, г	1000 та урганинг вазни, г
1				
2				
3				
4				

Ургуларнинг экишга яроқлилигини аниқлаш

Экишга яроқлилик деганда намунадаги тоза ва унувчан уруғлар микдори тушунилади ва шунга кўра экиш меъёри ҳисоблаб чиқилали.

Мисол учун, урганинг тозалиги (T) 97,5, унувчанлиги (U) 97 фоиз бўлса, урганинг экишга яроқлилиги ($\mathcal{E}Y$) қўйидагича бўлади:

$$\mathcal{E}Y = U \cdot T / 100 = 97 \cdot 97,5 / 100 = 94,6 \%$$

Ургни ҳисобдагича экиш меъёри ($\mathcal{E}M_1$) 1 га учун 80 кг. га тенг бўлса, у ҳолда экишга яроқлиликнинг юқоридаги кўрсаткичига кўра, амалдаги экиш меъёри ($\mathcal{E}M_2$) қўйидагича бўлиши лозим:

$$\mathcal{E}M_2 = \mathcal{E}M_1 \cdot 100 / \mathcal{E}Y = 80 \cdot 100 / 94,6 = 84,56 \approx 85 \text{ кг.}$$

Топшириқ. Ургуларнинг тозалиги ва унувчанлиги асосида уларнинг экишга яроқлилигини ҳамда ҳисобий экиш меъёри буйича амалдаги экиш меъёрини аниқланг.

9. ТУПРОҚ МЕЛИОРАЦИЯСИ

Мелиорация лотинча *melioratio* сўзидан олинган бўлиб, яхшилаш маъносини билдиради.

Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси деганда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш, кўриқ ерларни ўзлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириб бориш мақсадида қишлоқ хўжалиги учун нокулай бўлган табиий (иклим, тупроқ, гидрологик ва гидрогеологик) шароитларни яхшилашга қаратилган мелиоратив тадбирлар тизими тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги мелиорациясининг асосий вазифалари тупроқнинг сув режимини бошқариш ва суфоришни ривожлантириш, қўшимча сув манбаларини излаш, ер сатҳи сувлари оқимини ростлаш, тупроқ

шүрланиши ва ботқоқланишининг олдини олиш, тупроқнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш ҳамда унинг эрозиясига қарши курашиш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, кум кўчиши, сел оқими хавфини бартарап этиш каби чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Суғориш (суғориш ва яйловларга сув чиқариш) ва зах қочириш мелиорациялари бир-биридан фарқ қилади. Ўрганиш (яхшилаш) объектига кўра, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси қўйидаги турларга бўлинади: *иқлум мелиорацияси, тупроқ мелиорацияси, ер сатҳи сувла-ри режими мелиорацияси ва сизот сувлар режими мелиорацияси*.

Тупроқ мелиорацияси, ўз навбатида, тупроқнинг сув режими (суғориш ва зах қочириш) мелиорацияси, шўрҳок ва шўрҳокли тупроқлар мелиорацияси, шўртоб ва шўртобли тупроқлар мелиорацияси, эрозияга учраган тупроқлар мелиорацияси, қумликлар мелиорацияси каби турларга бўлинади.

9.1. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУҒОРИШ


Суғориш — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштирувчи ва экинлар учун табиий шароитни тубдан ўзгартиравчи воситадир. Бир гектар суғориладиган яйлов дашт ерлардагидан 100 баробар кўп, тоғли яйловларга қараганда 50 баравар ва лалмикор деҳқончиликка қараганда 7,5 баравар ортиқ маҳсулот беради.

Суғориш ўсимликларнинг сувга бўлган талабини қондириш мақсадида сувнинг оқим шаклини тупроқ намлигига ўтказишдан иборат технологик жараёндир.

Суғориш турлари. Қўйидаги суғориш турлари кўлланилади: *мунтазам, номунтазам, бир вақтли ёки лиман суғориш*. Мунтазам суғориш тупроқда доимий равишда мўътадил намликни таъминлаш мақсадида амалга оширилали. Номунтазам суғориш сув захиралари билан белгиланиб, 1 ёки 2 марта ўтказилади. Куроқчил минтақаларда сув етишмаслигидан экинлар 1 маротаба суғорилади ва бу бир вақтли суғориш дейилади. Лиман суғоришлар, асосан, МДҲнинг шимоли-ғарбий минтақаларида, шунингдек, Қозоғистонда қорларнинг эриши ҳисобига ҳосил бўлган сувни далада тутиб қолиш йўли билан ёки дарёларда сув кўпайганда тошқин ҳисобига амалга оширилади.

Суғориш тизимлари мураккаб сув-хўжалик мажмуи бўлиб, у икки таркибий қисмдан иборат: *а) суғориш тармоқлари ва б) коллекторнинг зовур тармоқлари* (26-расм).


Суғориш тармоқлари сувни сув манбаидан суғориладиган пай-калларгача оқизиб келтириш ва тенг тақсимлашга, коллектор-зовур тармоқлари эса ортиқча сизот сувларни чиқариб ташлашга хизмат қиласи.



26-расм. Хұжалик сүгориш гизимининг түзилиши:

1—хұжаликларо сув тақсимлагың; 2—сув тақсимлаш инішоти; 3—хұжалик тақсимлагачи; 4—сув ўлчаш-сув тақсимлаш; 5—сув чиқарғич; 6—окава сувларни чиқарғич; 7—20—40 гектарлы пайкаллар; 8— участка каналлари; 9—йүллар; 10—коллектор; 11—муваққат сүгориш тармоқлары; I, II, III —сүвдан фойдаланиш массивлари.

Сүгориш тармоқларыда сув истрофарчилыги жуда катта булиб, уни камайтириш учун үзәнга асфальт, битум, бетон, темир-бетон плиталар полимер плёнкалар түшшалади (27-расм). Бунда бетон новли сүгориш тармоқларидан фойдаланиш мүхим ажамият касб этали (28-расм).



27-расм. Темир-бетон түшшамали канал.



28-расм. Бетон новли сүгориш тармоғи.

Суфориш режими

Қишлоқ хұжалиғи экинларини *суфориш режими* деганда үсімликтернің ривожланиш фазаларига күра, суфориш сонини аниқлаш, суфориш ва мавсумий суфориш меъёrlари ва мұтадил суфориш муддатларини белгилаш тушенилади.

Қишлоқ хұжалиғи экинларининг сувга бұлған талаби иқдім мінтақалари, турлоқ шароитлари, сизот сувлар чукурлігі ва уларнің минераллашынлыш даражасы, парвариш қилинаёттган экин түри ёки навининг биологик хусусиятлари билан белгиланади.

Суфориш муддатларини аниқлашнің бир неча усуулари мавжуд: үсімликтернің физиологик хусусиятлари (баргларнің сүриш күчи, хужайра ширасининг концентрациясы)ға күра; үсімликтернің ташқы белгиләри (барг пластинкасинин ранги, баргларнің сұлиши, ғұза гулларнің узун ёки қисқа муддат очишлиши, асосий пояннің үсиш жадаллігі)ға қараң белгилаш; тупроқ намлығы, каби хусусиятларни ҳисобра олиб белгиләш.

Қишлоқ хұжалигидеги үсімликтернің ташқы белгиларыға күра, суфориш муддатларини аниқлаш көнг құлланылади. Тупроқда нам кам бұлса, үсімлик барглар түқ яшил, агар күп бұлса, оч-яшил рангда бұлади. Баргининг түқ яшил рангга үтиши суфориш муддаты етилгандыдан дарап беради.

Экінлар гуллагунға қадар нағыбатлагы суфориш муддатини баргларнің сұлий бошлаганлығыға қараң ҳам аниқлаш мүмкін. Бунинг учун әртапа (соат 7—8 ларда) ва күн исиган пайтада (соат 14—15 ларда) күзатыш үтказылады: 8—10 га. ли экинзорнинг 8—10 жойидан үрта буили туплардаги юқори 3—4 барглар олинінб, букиб күршілгандан қысирлаб синмаса, үсімлик сұлий бошлаганлығини билдірай. Агар баргларнің 20 фоизи сұлий бошлаган бұлса, суфориш муддаты стилған ҳисобланади.

Суфориш муддатларини тупроқ намлығига қараң аниқлаш ҳам энг түғри усулдир. Енгіл тупроқтар 10—12 фоиз, үртата механик таркиби тупроқтар 18—20 фоиз ва оғири тупроқтар 25—27 фоиз нам сиғимига эта. Тупроқнің нам сиғимига нисбатан 60—80 фоиздан паст бұлмаган міңдер экинлар үчүн мұғадил намлықдир. Намлықні аниқлаш үчүн тупроқ намуналари маккаждархори ривожланишинин: 1-даврида уннің 50 см, 2-даврида 70—100 см ва 3-даврида 100 см қатламларидан олинади.

Тупроқ намунаси термостат шкафда 6 соат давомида 105°C да күритеңділеді ва уннің намлығы қуйдаги аниқланади:

$$W = (a - b) \cdot 100 / (a - \theta), \%$$

бу ерда, a — нам тупроқлы стакан оғирлигі, г; b — қуруқ тупроқлы стакан оғирлигі, г; θ — бүш стакан оғирлигі, г.

Бедани сугориш

Шимолий иқлим минтақасида арпа-беда аралаштириб экилган дала биринчи йили 5—7 марта 5—7 минг м³/га умумий меъёрила сугорилади. Бу тупроқдаги намлигини нам сифимиға нисбатан 80 фоиз миқдорда тутиб туришга имкон беради.

Иккинчи йилги беда Тошкент вилоятида 1-2-2-2 тартибда 7,5—8 минг м³/га умумий меъёрида сугорилади, бу тупроқ намлигини нам сифимиға нисбатан 70—75 фоиздан паст бўлмаган ҳолатда тутиб турди. Учинчи йилги беда 1-3-3-3 тартибда сугорилганда ундаң энг ююри ҳосил олинган. Ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда 1-2-2-2 тартибда 1000—1200 м³/га меъёрида сугоришни етарлидир.

Марказий иқлим минтақасида пичан учун экилган бедани 4—9 марта 4—9 минг м³/га умумий меъёрида сугориш тупроқ намлигини унинг нам сифимиға нисбатан 70—80 фоиздан паст бўлмаган ҳолатда таъминлашга имкон беради (25-жадвал).

Жанубий иқлим минтақасида беда жами 8—10 марта, яъни ҳар ўрим орасида 2—3 мартадан сугорилади. Сизот сувлари 10 м. гача чуқурликда ётган ерларда бедани 1-2-2-2-2-1 йўсунда 12 минг м³/га меъёрида сугориш керак, бу эса тупроқ намлигини 75—85 фоизга таъминлайди. Ушбу минтақада биринчи ўримдаёқ уруғ олинади.

25-жадвал

**Бўз тупроқларда пичан учун стиштириллаётган
бедани сугориш режими**

Гидромодуль худудлар	Сугориш сони	Сугориш муддатлари		Мавсумий сугориш меъёри, м ³ /га
		-дан	-тacha	
I	9	6/IV	25/IX	9500
II	8	11/IV	25/IX	8900
III	6	16/IV	20/IX	8300
IV	5—6	21/IV	15/IX	7000
V	5	26/IV	10/IX	6700
VI	4—5	1/V	5/IX	5500
VII	4	6/V	5/IX	5200
VIII	3	11/V	31/VIII	3300

Маккажұхорини сүгориш

Маккажұхори үсімлігінің сувга талаби султон чиқаришдан бир оз (10—12 кун) олдин бошланиб, доннинг сут-мұм пишиш давригача (30—37 кун) давом этади.

Тупроқ турига кұра дон учун әкилган маккажұхори 3—5 дан 6—7 мартағача сүгорилади. Сүгориш мөшері енгіл тупроқтарда 700—800 м³/га, оғир тупроқтарда 1000—1200 м³/га бўлади.

Тошкент вилоятининг ўтлоқи тупроқларидан дон учун әкилган маккажұхорини 2-2-1 тартибида сүгориш мақсадга мунофиқдир. Си-лос учун әкилган маккажұхори 2—5 тартибида сүгорилади. Мавсумий сүгориш месъёрлари 5—6 минг м³/га. Тупроқнинг намлиги биринчи шароитда дала нам сифимига нисбатан 70—75—65 фоиз, иккінчи шароитда эса 75—80 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Марказий иқлим миңтақасыда дон учун әкилган маккажұхори даласида тупроқ намлиги 70—75—70 фоиздан, силос учун әкилганда 75—80 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Ўтлоқи тупроқларда сүгориш сони 2—3 (мавсумий сүгориш мөшері 2,3—3,4 минг м³/га) ва сизот сувлари чуқур ерларда 7 марта (6,8—7,0 минг м³/га) бўлади.

Жанубий иқлим миңтақасынинг сизот сувлари 1,5—2 м чуқурликда жойлашган ерларидан дон учун әкилган маккажұхорини 2—3 (4)—1 тартибида 6—7 марта 7—8 минг м³/га мөшерда сүгориш лозим. Бунда тупроқ намлиги 75—75—60 фоиздан юқори миқдорда ушлаб турилади. Сизот сувлари 3—4 м чуқурликда жойлашган ерларда эса 2—5—1 тартибида 8 марта 8—9 минг м³/га умумий мөшерда сүгориш керак бўлади. Сүгоришнинг шу режимига амал қилинса, тупроқ намлиги 75—75—60 фоиздан кам бўлмайди.

Яйловларни сүгориш

Сунъий барпо этилган яйловлар дастлабки йилларда қишки-баҳорғи ёғин-сочин ҳисобига биринчи ўримгача сүгорилмайды. Лекин баҳорнинг куруқ ва иссиқ келиши бу дәврда бир марта сүгоришни тақозо этади.

Яйлон ўтлари биринчи ўримдан сұнғ тупроқ намлигини 65—75 фоиздан юқорида таъминлаш учун сүгориб турилади. Сүгориш режимини белгилашда яйлов ўтларининг илдиз тизими тупроқнинг устки қатламида жойлашиши назарда тутилади. Сүгоришдан олдинги тупроқ намлигини аниқлашда устки 0—30 см қатlam ҳисобға олина-ди. Шўрланган ёки шўрланишга мойил ерларда ҳисобий қатлам 0—80 см қилиб белгиланади.

Етти ўрим циклли яйловда сүгориш 0-1-1-2-2-1 тартибида ўтка-зилади. Бу рақамлар ўримлар орасынаги сүгориш сонларини билдиради.

0—30 см. ли ҳисобий қатламни намиқтириш учун сугориш мөндири 350—400 м³/га, 0—80 см. ли қатлам учун эса 850—1000 м³/га. ни ташкил этади.


Катта нишобли (0,02—0,05) ерларда тупроқ нурашининг оддини олиш мақсадида сугориш мөндири бир неча сугоришилар орқали бўлиб бўлиб берилади.

Сугориш усуллари ва техникаси

Қишлоқ хўжалиги экинлари қўйидаги усулларда сугорилади: 1) тупроқ сатҳидан сугориш; 2) ёмғирлатиб сугориш; 3) тупроқ орасидан сугориш; 4) томчилатиб сугориш.

Қатор оралари ишланадиган экинлар (ғўза, каноп, лавлаги, маккажӯхори, оқ жӯхори, сабзавот, полиз экинлари ва бошқалар) эгат олиб сугорилади. Бошоқли дон экинлари, бир йиллик ҳамда кўп йиллик ўтлар йўлаклаб, шоли эса чек олиб, бостириб сугорилади.


Эгатларга сувни чим, қофоз билан тақсимлашда ҳар бир эгатга сувни бир хилда тақсимлаш имконияти бўлмайди. Сувни механизациялаштирилган усулда тақсимлашда ҳар хил сугориш машиналари ва агрегатларидан фойдаланилади. Шунингдек, тўсиқ-тақсимлагичлар, сифон-найлар, қувурлар, эгилиувчан шланг (29-расм) ва қаттиқ қувурлар,




29-расм. Сув сарфи роствлаб туриладиган эгилиувчан шланглар билан гузани сугориш.

тупроқ ости қувурлари ҳам құлланилади. Сифон-найлар 1,2—1,3 м узунликта тайёрләніб, үқариқдан сувни әгатта ёки полта үзатиш үчүн хизмат қиласы.

Йүлаклаб бостириб сугориша поллар көнглиги 25—30 м, узунлиги эса 150—200 м булады. Ёмғирлатиб сугориши машина ва агрегатлары (30 ва 31-расмлар) ёрдамида сугоришиңи механизациялаштириш имконияти күпроқ. Бунинг учун сувни узоққа ва яқынга отувчи



30-расм. Бедапояның синхрон-импульсli сугориши машинасы (КСИД-10) биләп сугориши.



31-расм. ДКШ-64 русумли «Волжанка» ёмғирлатиб сугориши машинасы.

ёмғирлатиб сугориш машина ҳамда агрегатларидан (КДУ-55, ДДН-70, ДДА-100МА, «Волжанка», «Фрегат», «Коломно», «Кубань» ва бошқа русумдаги) фойдаланиш мүмкін.

Ёмғирлатиб сугориш енгил құмлоқ, мураккаб рельефли, катта нишобли, сув ресурслари танқис өрларда яхши самара беради. Этат-лаб сугориш эса тупроғи шүр ва оғир механик таркибли, сизот сувлар саёс жойлашган ва сугориш сувлари минераллашган ҳамда кучли шамоллар бұлып туралған ҳудудларда яхши самара беради.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Қишлоқ ұжалиги мелиорацияси түшунчаси, унинг турлари ҳамда вазифаларини сүзлаб беринг.
2. Экінларни сугориш режими деганда нимани түшунасиз?
3. Сугориш муллатларини белгиловчи усуулларни баён этинг.
4. Беда ва маккажұхорининг сугориш режими ҳақида нималарни билиб олдингиз?
5. Яйловлар қандай тартибда сугорилади?

II-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ ҚИШЛОҚ ҰЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУГОРИШ РЕЖИМИНИ АНИҚЛАШ

Дарс режаси:

Экінларнинг сувга бұлған умумий әхтиёжи, мавсумий ва бир мартали сугориш мө耶әллари, сугориш муддаты ва сонини аниқлаш.

Экінларнинг сугориш режимини тұғри белгилаш учун уларнинг сувга бұлған әхтиёжи (транспирация ва тупроқ сатқидан буғланиш сарфлари)ни билиш лозим. Сувга бұлған умумий әхтиёжні экінларнинг сувга әхтиёж коэффициенти ва режалаштирилған ҳосилга нисбатан ҳисоблаш мүмкін. Сувга бұлған әхтиёж коэффициенти буғланиш жадалліги, ҳавонинг нам танқислигі ҳамда мавсумнинг ҳарорат шароитларига боғлиқ ва у 1 ц ҳосилни етиштириш учун сарфланадиган сув миқдорини белгилайди ($m^3/ц$).

Экінларнинг сувга бұлған умумий әхтиёжи ($E, m^3/га$)ни қўйи-даги ифода билан аниқлаш мүмкін:

$$E = Y \cdot K_y$$

бу ерда, Y — режалаштирилған ҳосилдорлик, ц/га; K_y — сувга бұлған әхтиёж коэффициенти, $m^3/ц$.

1-масала. Режалаштирилған маккажұхори дон ҳосилдорлиги (Y)

60 ц/га, сувга бўлган эҳтиёж коэффициенти (K) 120 м³/ц бўлса, сувга бўлган умумий эҳтиёжни ҳисобланг.

Ечиш:

$$E = Y \cdot K = 60 \cdot 120 = 7200 \text{ м}^3/\text{га}.$$

Экинларнинг мавсумий суғориш меъёри деганда, 1 га майдонга мавсум давомида бериладиган сув миқдори тушунилади ва у қўйидаги ифода ёрдамида аниқланали:

$$M_{\text{нетто}} = E - 10 \cdot a \cdot P (W_{\text{о}} - W_{\text{н}}) - W_{\text{т}}$$

бу ерда, $M_{\text{нетто}}$ — мавсумий суғорини месъёри, м³/га; E — сувга бўлган умумий эҳтиёж, м³/га; P — мавсум давомидаги ёғин миқдори, мм; 10 — миллиметр ҳисобидаги ёғинни гектарига кубометрга ўтказиши учун қўпайтиччи; a — ёғин сувларидан фойдаланиш коэффициенти (шимолий ва марказий иқлим минтақаларида 0,85 га, жанубий минтақада 0,4—0,6 га тенг); $W_{\text{о}}$ — мавсум бошида ҳисобий қатламдаги табиий нам миқдори, м³/га; $W_{\text{н}}$ — мавсум охирида ҳисобий қатламдаги нам миқдори, м³/га; $W_{\text{т}}$ — мавсум давомида сизот сувлардан фойдаланиладиган миқдор (гидрогеологик ҳудудларга кўра, сувга бўлган умумий эҳтиёжнинг 60 фоизигача), м³/га.

2-масала. Агар сувга бўлган умумий эҳтиёж (E) 7200 м³/га, ёғин миқдори (P) 100 мм, улардан фойдаланиш коэффициенти (a) 0,5, мавсум бошидаги тупроқнинг намлик захираси ($W_{\text{о}}$) 3140 м³/га, мавсум охирида ($W_{\text{н}}$) 2200 м³/га ва сизот сувлардан фойдаланиладиган миқдори ($W_{\text{т}}$) 1060 м³/га бўлса, мавсумий суғориш меъёрини ҳисобланг.

Ечиш:

$$M_{\text{нетто}} = E - 10 \cdot a \cdot P (W_{\text{о}} - W_{\text{н}}) - W_{\text{т}} = 7200 - 10 \cdot 0,5 \cdot 100 - 3140 - 2200 - 1060 = 4700 \text{ м}^3/\text{га}.$$

Демак, соғ ҳолатдаги мавсумий суғориш меъёри 4700 м³/га экан. Мавсумий суғориш меъёрини каналлардаги сув исрофгарчилигини ҳисобга олган ҳолда ($M_{\text{брутто}}$) аниқлаш учун $M_{\text{нетто}}$ ни каналнинг фойдали иш коэффициенти (масалан, $\eta=0,70$)га бўлиш керак:

$$M_{\text{брутто}} = M_{\text{нетто}} / \eta = 4700 / 0,70 = 6714 \text{ м}^3/\text{га}.$$

1-топшириқ. Қўйидаги маълумотлар бўйича дон учун экилган маккажӯхорининг мавсумий суғориш меъёрини ҳисобланг: сувга бўлган

умумий эҳтиёж — 6500 м³/га, мавсумдаги ёғин миқдори — 86 мм, ёғин сувларидан фойдаланиш коэффициенти — 0,80, тупроқдаги табиий нам захираси мавсум бошида — 2680 ва мавсум охирида — 1960 м³/га. Сизот сувларининг чўқурлиги 1 м (демак, сизот сувларининг ўсимлик илдизи тарқалган қатламга кўтарилиб келадиган миқдори E нинг 60 фоизини ташкил этади).

Суғорилгандан кейин тупроқ деярли дала нам сифимигача ($V_n, \%$) намланади, шу сабабдан унинг дала нам сифими (W_d , м³/га) ҳисобида қўйилаги ифода бўйича аниқланади:

$$W_d = 100 \cdot h \cdot d \cdot V_n.$$

Суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги V_d (%) бўлса, у ҳолда нам миқдори (W_d , м³/га) қўйидагига teng:

$$W_d = 100 \cdot h \cdot d \cdot V_d.$$

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёри — бу 1 га майдонга 1 марта суғорилганда бериладиган сув миқдоридир. Агар тупроқдаги сув миқдори суғоришдан олдин W_d ва суғоришдан кейин W_n бўлса, бу вақтда далага берилган сув миқдори (нетто ҳисобидаги суғориш меъёри) уларнинг фарқига тенгdir:

$$m = W - W_d = 100hdV - 100hdV_d = 100hd(V - V_d).$$

Суғориш давомида бериладиган сувнинг деярли 5—10 фоизи буғланишга сарфланиб кетишини ҳисобга олсак, унда

$$m = 100hd(V - V_d) + K бўлади,$$

бу ерда, K — суғориш давомида сувнинг буғланишга исроф бўлиши ($100hd(V - V_d)$ нинг 5—10 фоизи).

З-масала. Ҳисобий қатлам қалинлиги 1 м, тупроқнинг ҳажмий массаси 1,42 т/м³, дала нам сифими 22 фоиз, суғоришлардан олдинги намлиги 16 фоиз ва суғориш вақтида бўладиган буғланиш миқдори 10 фоизни ташкил қиласа, суғориш меъёрини ҳисобланг.

Ечиш:

$$\begin{aligned} m &= 100hd(V - V_d) + K = 100 \cdot 1,0 \cdot 1,42 \cdot (22 - 16) + K = \\ &= 852 + 85,2 = 937,2 = 950 \text{ м}^3/\text{га}. \end{aligned}$$

2-топширик. Қўйилаги маълумотлар бўйича маккажўхорини бир

марта сугориш мөшерини ҳисобланг: ҳисобий қатлам қалинлиги 0,7 м, тупроқнинг ҳажмий массаси 1,24 т/м³, дала нам сиғими оғирликка нисбатан 14,9 фоиз. Сугориша бўладиган сув исрофгарчилиги 10 фоиз.

Далага берилган сув неча кунга етиши мумкинлиги қўйидагича аниқланади:

$$T = m_{\text{непт}} / V,$$

бу срда, $m_{\text{непт}}$ — сугориш мөшери, м³/га; V — гектаридан суткалик ўртacha сув сарфи, м³/сут. га.

4-масалা. 1 июлда ўтказилган сугориш натижасида далага 1000 м³/га сув берилган ва кунлик ўртacha сув сарфи (V) 70,4 м³/га бўлса, берилган сув неча кунга етиши мумкинлиги (T)ни аниқланг.

Ечиш:

$$T = 1000 / 70,4 = 14 \text{ кун.}$$

Бундан, 1 июлда берилган сув 14 кунга етишини ҳисобга олсак, кейинги сув 15 июлда берилиши лозимлигини кўрамиз. Юқоридаги ифодадан сизот сувлар 3—3,5 метрдан чуқур жойлашган ерларда фойдаланишимиз мумкин. Сизот сувлар ер юзига яқин жойлашган шароитларда гидрогеологик коэффициент (K)ни ҳам ҳисобга олишимиз керак бўлади. Масалан, сизот сувлар 150 см чуқурликда жойлашган бўлсин. Сизот сувлар 1—2 метр чуқурликда жойлашган тупроқларда гидрогеологик коэффициент 0,6 га тенг, бунда сугоришлар орасидаги давр $T = m_{\text{непт}} / (V \cdot K) = 1000 / (70,4 \cdot 0,6) = 23$ кунга тенг бўлади. Демак, бу шароитда навбатдаги сугориш 24 июлда ўтказилиши керак.

3-топширик. Сизот сувлар чуқурда (3,5 м) жойлашган ерларда маккажӯхорининг кунлик ўртacha сув сарфи (V) 36—46 м³/га, сугориш мөшери 900 м³/га бўлса, сугоришлар орасидаги даврни ҳисобланг.

Кишлоқ хўжалиги экинларининг сугориш сонини (N) аниқлаш учун мавсумий сугориш мөшери ($M_{\text{непт}}$) ни сугоришларнинг ўртacha мөшери ($m_{\text{срт}}$)га бўлиш керак:

$$N = M_{\text{непт}} / m_{\text{срт}}.$$

Агар мавсумий сугориш мөшери 4700 м³/га, сугоришларнинг ўртacha мөшери 950 м³/га бўлса, сугориш сони:

$$N = 4700 / 950 = 5 \text{ марта га тенг бўлади.}$$

12-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ СУФОРИШГА БЕРИЛАЁТГАН СУВ МИҚДОРНИНІ АНИҚЛАШ

Дарс режаси:


1. Сув ўлчагич билан танишиш.
2. Сув ўлчаш услубиятини үзлаштириш.

Керакли асбоб-анжомлар: Чиполетти сув ўлчагичи, сув ўлчагичларга оид жадваллар.

Мұвақұт суфориш гармоқлари — ўқариқлар, әгатлар ва алмашлаб әкиш далаларига бериләтгандык сув миқдорлары Чиполетти конструкцияси асосида ишлаб чықылған трапеция шаклидагы сув ўлчаш асбоби ёрдамида аниқланады (32-расм).

Сув ўлчаш асбоби ўқариққа уннинг ёңлари ва остидан сув сизиб ўтмайдыган қылиб тупроқ билан яхшилаб шиббаланыб үрнатылады. Үндән сувнинг әркін оқиб утишини тәзмінлаш керак. Буннинг учун қуидагыларға зәтибор берилади:

- сув ўлчаш асбобининг осткі қисми лойқа билан күмилиб кетмаслиги учун үндән ўтаётгандык сувнинг миқдори, сув ўлчагич ва суфориш тармогининг нишеблигига бөглиқ ҳолда танланады: суфориш тармогининг нишеблиги қанча катта булса, сувнинг тезлигі шаңнуга мұвоғиқ сокынлатычнаның узунлығы ҳам катта бўлади;
- ўлчаш асбоби сув юзасынан тик ўринатилиши лозим;
- ўлчаш асбобининг останасы горизонтал булиши керак;



32-расм. Чиполетти сув ўлчагичи:

1—остона; 2—сув ўлчагич рейка; 3—ён қия девори; с.с.—сув сатқы.

— рейкалар сув ўлчаш асбобининг олдига ўрнатилади. Рейкалаги ноль сони ўлчаш асбобининг остонаси билан бэрбар турishi лозим.

Асбодан ўтаётган сувнинг миқдорини ҳисоблашда доимий равиша кузатиш ишлари олиб борилади ва маҳсус журналга қайд этилади.

Асбода 2 та сув ўлчагич рейкаси бўлган ҳолларда уларнинг ўртасида кўрсаткичи олинади. Рейка бўйича маълумотларни олиш тақрирлиги ариқ орқали ўтаётган сувнинг ўзгариш хусусиятига боғлик бўлалди. Агар ариқдаги сув сарфи тоз-тез ўзгариб турса, унда ҳар соатда ўлчов ўтказиш, сув миқдори ўзгармас бўлганда ўлчашни кунинга 3—4 марта амалга ошириш керак.

Кузатиш ишлари тутатилгач, қуйидаги ифода ёрдамида сувнинг миқдори аниқланали:

$$Q = 1,86 \cdot \beta \cdot h \cdot \sqrt{h},$$

бу с尔да, Q — ўлчаш асбобидан ўтаётган сув миқдори, $\text{м}^3/\text{сек}$; β — сув ўлчаш асбоби остонасининг кенглиги, м ; h — асбоб орқали ўтаётган сувнинг қалинлиги, м .

1-масала. Агар сув ўлчаш асбоби остонасининг кенглиги 0,50 м бўлиб, ундан ўтаётган сув қалинлиги 90 мм бўлса, ҳар секундда асбоб орқали ўтаётган сувнинг миқдорини ҳисобланг.

Ечиш:

$$Q = 1,86 \cdot b \cdot h \cdot \sqrt{h} = 1,86 \cdot 0,5 \cdot 0,09 \cdot \sqrt{0,09} = 0,025 \text{ м}^3/\text{сек} = 25 \text{ л/сек.}$$

Демак, сув ўлчаш асбобидан секундига 25 л сув оқиб ўтаётган экан.

2-масала. Асбодан 25 л. сек сув ўтаётган бўлиб, суфориш меъёри 800 $\text{м}^3/\text{га}$ бўлса, бир суткада неча гектар экан майдонини суфориш мумкин?

Ечиш: даставвал ҳар минут (60 сек)даги сув сарфи ҳисоблаб чиқилади:

1 сек — 25 л

60 сек — x

$$x = 60 \cdot 25 = 1500 \text{ л/мин} = 1,50 \text{ м}^3/\text{мин.}$$

1 минутда 1500 л сув ўтаётган бўлса, 1 соат 60 минутда:

1 мин — 1500 л

60 мин — x

$$x = 60 \cdot 1500 = 90000 \text{ л/с} = 90 \text{ м}^3/\text{с.}$$

1 соатда 90 м³ булса, 1 сутка (24 соат)да:

1 соат — 90 м³

24 соат — x

$$x = 24 \cdot 90 = 2160 \text{ м}^3/\text{сутка}.$$

Демак, $F = Q_{\text{сум}} / m = 2160 : 800 = 2,7$ га ерни суғориш мүмкін.

Топшириқ. Құйидаги 26-жадвал маңлымотларидан фойдаланыб, сув үлчаш асбобидан ұтәётгап сув миқдорини (Q) ва шу сув билан неча гектар өкін майдонини суғориш мүмкінligини анықлатын.

26-жадвал

Сув сарфини ҳисоблашыга донир маңлымотлар

№	Күрсаткичлар	Топшириқлар				
		1	2	3	4	5
1.	Сув үлчаш асбоби останасининг кенглиги (β), м	0,25	0,50	0,75	1,00	1,25
2.	Асбоб орқали ұтәётгап сув оқимининг қалынлiği (h), мм	80	90	100	110	125
3.	Суғориш месъёри (m), м ³ /га	800	700	900	1000	1100
4.	Суғориш давомийлігі (t), соат	24	36	43	60	72
5.	Сув сарфи (Q), л/с					
6.	Суғорилиши мүмкін бүлгап өкін майдони (F), га					

9.2 ЧОРВАЧИЛИК ЧИҚИНДИ СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МАХСУС СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИ

Чиқинди сувлари, уларнинг турлари ва таркиби

Қишлоқ ҳұжалиғи, шу жумладан, чорвачиликни ривожлантириш уларда ҳосил бўлаётгап чиқинди сувлар миқдорининг қўпайишига олиб келмоқда. Чиқинди сувлар — бу ишлаб чиқариш жараённан фойдаланилган ва унинг чиқитлари билан ифлосланган сувлардир. Улар ҳұжалик-майший, саноат ва чорвачилик чиқинди сувларига бўлинади.

Чорвачилик чиқинди сувлари чорванинг қаттиқ ва суюқ физиологик ажратмалари, технологик жараёнларда ва ювишда ишлатилган сув ҳамда ем-хашак чиқитлари ва газ ҳолатидаги моддалар аралашмасидан иборат бўлади. Паррандачилик чиқинди сувлари бино деворлари ва полларини, илиш ва анжомларни ювиш, инкубатория, тухум омборхоналана-

ри, ем-хашак цехлари, ветеринария пункти, гүшт тайёрлашы ва уларга ишлов бериш цехлари ҳамда санитария-гигиена пунктларида тұтыланади.

Чиқинди сувлар қажми ва сифати чорванинг тури ва ёши, чорвани боқиши ҳамда сугориши, чиқитлардан тозалаш услуги, ишлаб чиқариш йұналиши каби омылларга боелиқ бұлади. Таркибида үсімліклар учун күп миқдорда озиқ үнсурлари булиши билан бошқа чиқинди сувлардан фарқланади. 108 минг баштағы әга үчүнчәчилик корхонасида бир йилда 1 млн. м³ чиқинди сув вұжудға келиб, унинг таркибида 1,5 млн. т азот, 800 т фосфор ва 1,3 минг т калий булади. 15 минг баштағы қорамол жойлашған бұрдочичилик корхонасида қаралғанда 700—800 м³ чиқинди сув шаклланади. Лекин бизнинг шароитда сув сарғының күплигидан 5000 м³/сут. гача миқдорда чиқинди сув ҳосил бўлмоқда. Унинг 1 литрида 487—695 мг азот, 247—278 мг фосфор ва 285—314 мг калий мавжудлиги эниғланған (27-жадвал).

27-жадвал

Чиқинди сувлар таркиби (мг/л)

Чиқинди сувлар	pH	Құруқ қолдик	Умумий азот	Фосфор (P ₂ O ₅)	Калий (K ₂ O)
Хұжалик-маший	7,4	875	13,4	6,3	13,7
Қорамолчилік	6,2	4164	805	380	870
Паррандачилік	7,2	1760	64	0,4	16
Гүшт корхонаси	7,0	3600	1288	13	99

Улар таркибида жуда күп миқдорда микроорганизмлар, шу жумладан, касаллик түедириувчи гельминтлар, ошқозон-ичак таёқчалари ҳам учрайди.

Чиқинди сувларнинг тупроқ ва үсімліктарға таъсирі

Экиншіларни чиқинди сувлар билан сугоришида тупроққа катта миқдорда түрли микроорганизмлар тушиб, уни ифлослантиради. Лекин тупроқда кесалған үз-үзидан тозаланиш жараёниша сугорищдан 15—20 күн кейин улар шартли-тоза ҳолаттаға үтади. Тозаланиш жараёнига сугоришилаври күчли таъсир этади: ёзниң иссиқ күнларыда тупроқдагы микробиологик жараёnlар құчаяды. Күп йиллик үтларнинг илдиз тизими заражылы микроорганизмларға антагонистик таъсир күрсатады, бундай ерларда тоза шудгордагига қараганда тозаланиш жараёни фаоллашади.

Паррандачилик корхоналари чиқинли сувлари билан сугорилган маккажүхори даласи тупроғида микробиологик жарағылар 7 фойзга ортган.

Чиқинди сувлар билан далага күп миқдорда озиқ үнсурлари, органик моддалар тушади. Улар тупроқнинг озиқ режимини яхшилайди. Бундай ерларда чиқинди сувлардан узоқ муддат фойдаланиш тупроқнинг сув-физик ҳусусиятлари яхшиланишига ва оз бўлса-да, гумуснинг ортишига олиб келади.

Тажрибада чорвачилик корхоналарининг чиқинди сувлари билан тупроққа тушадиган күп миқдордаги озиқ моддалар (1:10 нисбатда дарё суви билан аралаштирилган чиқинди сувнинг ҳар 1000 м³ билан 49—70 кг азот, 25—28 кг фосфор ва 28—31 кг калий) ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир этиши аниқланган. Масалан, маккажүхори силоси 62 ц/га ва дон ҳосили 6,9 ц/га га ортган. Паррандачилик корхонаси чиқинди сув билан дарё сувини 1:1 нисбатда аралаштириб сугориш беданинг пичан ҳосили 18,1 ц/га, маккажүхори силоси — 70 ц/га ва дон ҳосили 10,5 ц/га ортишига олиб келган (28-жадвал).

28-жадвал


Паррандачилик корхонаси чиқинди сувидан фойдаланилганда ўсимлик бўйи ва ҳосилдорлиги

Вариантлар	Силос учун маккажүхори		Дон учун маккажүхори	
	ўсимлик бўйи, см	ҳосил, ц/га	ўсимлик бўйи, см	ҳосил, ц/га
Дарё суви + NPK	244	533	252	71,6
Чиқинли сув + NPK	267	603	277	82,7
Чиқинди сувини дарё суви билан 1:1 нисбатда аралаштириб сугориш + NPK	254	564	265	79,4

Махсус сугориш тизимлари ва уларга қўйилган талаблар

Чиқинди сувлардан экинларни сугоришда фойдаланиш учун *махсус сугориш тизимлари* ташкил қилинади.

Чиқинди сувлардан фойдаланиладиган сугориш тизимлари:
 1) сувларни йил давомида қабул қиласидиган ва сугоришда фойдаланадиган; 2) йил давомида сақлаш ҳовузларига қабул қиласидиган ва вегетация даврида сугоришда ишлатадиган ва 3) фақат вегетация даврида қабул қиласидиган ва сугоришда фойдаланадиган турларга



33-расм. Чиқинли сувларидан фойдаланиладиган суориш тизимининг умумий технологик тузилиши:

1—корхона; 2—чиқинли сувларни тозалаш иншоотлари; 3—чиқинли сувларни узатиш насос станициси; 4—магистрал құвур; 5—чиқинли сувларни сақлаш қовузлары ёки БОКС-қовузлар; 6—дарә суинини узатыш құвурі; 7—насос станцияси; 8—сув манбасы; 9—захира майдон; 10—буфер майдон; 11—алмашлаб екиш далалари; 12—суориш тармоғи.

бүлинади. Улар қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бұлады: а) суориш далалари; б) суориш далаларига сув узатыш тармоқлари; в) хұжалик суориш тармоқлари ва иншоотлари; г) суориш техникаси; д) коллектор-зовур тармоғи; е) гидрорежим құдуқлари; ж) иқота дараҳтлари; з) алоқа ва электр линиялари; и) дала йүллари; к) сув мұхофазаси иншоотлари; л) ташама тармоқтар; м) ишлаб чиқариш, гигиена бинолари ва бошқалар (33-расм).

Максус суориш тизимларда техник экинлар, дон ва үт уни, пичан, гранула, силос, сенаж тайёрлаш мақсадларыда ем-хашак экинлари етиширишга рухсат этилади. Алмашлаб екишда күп йиллик үтларнинг бұлиши чиқинли сувларни йил давомида қабул қилиш имконини беради.

Бундай тизимлар нишоблиги ўртача (0,005—0,007), сув үтказувчанлиғи яхши бўлган ва сизот сувлар чукурда жойлашган ерларда ташкил этилиши мақсадларга мувофиқдир. Улар аҳоли истиқомат қила-

диган жойлардан камила 60 – 100 м узокликла ташкил этилади. Суфориладиган далалар корхоналарда ҳосил бўлаётган чиқинди сувларнинг тўлиқ ҳажмини қабул қиласидиган кўламда, тупроқ ва иқдим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Суфориш тизимида шароитга қараб, чиқинди сувини тўйлаш ва ларё суви билан аралаштириш учун маҳсус ҳовузлар қурилади. Тупроқнинг мелиоратив, санитария-гигiena ахволи, сизот сувлар режими доимий кузатиб борилади. Суфориш тизимларидан сқава ташлашга йўл қўйилмаслиги керак. Оргикча чиқинди сувларни қабул қилиши учун захира майдончалари ҳам барги этилиб, уларга кўн йишилик ўтлар экиласиди. Суфориш тизимидан фойдаланиш хизмати ташкил қилиниб, барча тадбирлар унинг зиммасига юклатилади.

Маҳсус суфориш тизимларида экинларни эгатлаб, йулаклаб ва чек олиб бостириб, ёмғирлатиб ва тупроқ орасидан суфориш усусплатири қўлланилади. Экинларни суфориш режими дарё суви билан суфорилгандагидек танлаб олинади. Чиқинди сувлардан фойдаланишда жуда эҳтиёткорлик талаб этилади. Суфоришлар орасидаги давр 15 – 20 кундан кам бўлмаслиги, охириги суфории ҳосилни йиғиштиришдан 20 кун олдин тугалланиши лозим.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Чиқинди сувлар ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Чиқинди сувларнинг турлари ва таркибини кўрсатинг.
3. Чиқинди сувларни қишлоқ ҳўжалиги экинларини суфоришда фойдаланиш орқали «йўқотиш»нинг аҳамиятини баён этинг.
4. Чиқинди сувлар билан суфоришнинг ўсимлик ва тупроққа таъсирини таърифланг.
5. Маҳсус суфориш тизимлари ва улардан фойдаланиш тартиби ҳақида нималарни билиб олдингиз?

13-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ЧИҚИНДИ СУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН СУФОРИШ ТИЗИМЛАРИ МАЙДОНИНИ ҲИСОБЛАШ

Дарс режаси:

Чиқинди сувларни тўлиқ қабул қила оладиган тизим майдонини ҳисоблани услубияти билан танишиш.

Чиқинди сувлардан суфоришда фойдаланиладиган далалар кўлами кўйилдаги усусларда аникланиши мумкин: а) чиқинди сувлар билан

ҳар гектар ерга тушадиган биоген моддалар миқдори ва б) ўсимликтарнинг сувгө бўлган эҳтиёжига кўра.

Чорвачилик корхоналари чиқинди сувлардан фойдаланадиган шароитда сув таркибидаги азот миқдори асосий омил бўлиб, сув билан далага 300 кг/га (шу жумладан, 200 кг/га нитратли азот)дан ортиқ тушмаслиги инобатга олинниши керак. Шу сабабли 1 га майдонга берилиши лозим бўлган чиқинди сув меъёри аниқланмоғи лозим:

$$M_c = B \cdot \beta / 10 \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot C,$$

бу сурла, M_c — далага берилиши мумкин бўлган чиқинди сув миқдори, $\text{m}^3/\text{га}$; B — режалаги ҳосил билан ўзлаштириладиган озиқ мадда миқдори, $\text{кг}/\text{га}$; K_1 — озиқ маддадан фойдаланиш коэффициенти (азот — 0,7; фосфор ва калий — 0,6); K_2 — сугориш жараёнида йўқоладиган азот миқдори (NH_3 — 0,85); C — чиқинди сув таркибидаги озиқ мадда миқдори, фоиз; β — тупроқнинг озиқ мадда билан таъминланганлик даражаси (кам таъминланган — 1,2; ўртacha — 1,0 ва кам — 0,8).

1-масала. Чорвачилик корхонасининг чиқинди суви таркибида азот миқдори 350 мг/л бўлиб, ўртacha таъминланган тупроқлардан ҳосил билан 150 кг азот ўзлаштириладиган бўлса, 1 га майдонга қанча чиқинди сув берилиши мумкин?

Ечиш:

1 л сув таркибидаги 350 мг, яъни 0,35 г азот миқдорини фоиз ҳисобида аниқлаймиз:

$$1000 \text{ г} — 0,35 \text{ г}$$

$$100 \text{ г} — x,$$

$$\text{бундан } x = 100 \cdot 0,35 / 1000 = 0,035\%.$$

Демак, чиқинди сув таркибида 0,035 фоиз азот (C) бор. Ўртacha таъминланган тупроқлар учун $\beta = 1,0$, сугориш жараёнида йўқоладиган азот миқдори (K_1) 0,35, сувдаги озиқ маддадардан фойдаланиш коэффициенти (K_2) 0,7 эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда

$$M_c = B \cdot \beta / 10 \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot C = 160 \cdot 1,0 / 10 \cdot 0,7 \cdot 0,85 \cdot 0,035 = 798 \approx 800 \text{ m}^3/\text{га}.$$

Шундай қилиб, 1 га майдонга 800 m^3 чиқинди суви берилиши мумкин.

Суюқ гўнг таркибида сув нисбатан кам ва озиқ мадда миқдори кўп бўлганда улар дарё суви билан аралаштирилиб, суюлтирилмоғи лозим. Бунда суюлтириши даражаси (n) қўйилаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$n = (W_m - W_d) / (100 - W_m),$$

бу ерда, W — чиқинди сувларнинг талаб этилаётган намлиги, фоиз; W_6 — унинг амалдаги намлиги, фоиз.

Чиқинди сув таркибидаги озиқ модда миқдори кўп бўлса, у ҳолда чиқинди сув билан тушалиган озиқ модда миқдори инобатга олинниб, тизимнинг ҳисобий майдони аниқланади:

$$P = W \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 / B \beta,$$

бу ерда, W — чиқинди сув таркибидаги озиқ модда миқдори, кг/йил; K_1 — чиқинди сувларни маҳсус ҳовузларда сақлаш жараёнида озиқ моддаларнинг йўқотилиш коэффициенти (олти ойда $N = 0,85 - 0,70$; $P_2O_5 = 0,95 - 0,85$; $K_2O = 0,95 - 0,90$).

2-масала. Чорвачилик корхонасида йил давомида 365000 m^3 чиқинди сув тўпланади ва унинг таркибида 350 mg/l азот мавжуд. Чиқинди сув номавсумий даврда маҳсус ҳовузларда 6 ой сақланади. Тупроқнинг азот билан таъминланганлик даражаси ўртacha. Режадаги ҳосил билан ўзлаштириладиган озиқ моддалар 160 kg/га . Чиқинди сувни тўла қабул қила оладиган тизим майдонини ҳисоблант.

Ечиш:

Чорвачилик корхонасида бир йил давомида тўпланадиган чиқинди сув таркибидаги озиқ моддалар миқдори кг. да аниқланади: 1 л сув таркибида 350 mg ёки $0,35 \text{ g}$ азот бор, яъни 1 m^3 сувда $0,35 \text{ kg}$ азот мавжуд.

Демак,

$$W = 365000 \cdot 0,35 = 127750 \text{ kg/йил}.$$

Чиқинди сувларни маҳсус ҳовузларда 6 ой сақлаш натижасида азотнинг йўқолиш коэффициенти (K_1) $0,85$, тупроқнинг азот билан таъминланганлик даражаси ўртacha бўлганилигидан β ни $1,0$, суғориш жараёнида азотнинг йўқолиши коэффициенти (K_2) ни $0,85$, азотдан фойдаланиш коэффициенти (K_3) ни $0,7$ деб олсак, у ҳолда:

$$P = W \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 / B \cdot \beta = 127750 \cdot 0,7 \cdot 0,85 \cdot 0,85 / 160 \cdot 1,0 = 403,8 = 404 \text{ га}.$$

Демак, суғориш тизимининг майдони 404 га бўлиши лозим. Суғориладиган далалар этагида оқава сувлар учун умумий майдоннинг $3-5$ фоиз ҳажмида буфер зона қолдирилиши шарт: 404 га . нинг 4 фоизи тахминан 18 га бўлади. Шундай қилиб, умумий майдон $404 + 18 = 422 \text{ га}$ қилиб олинади.

Юқоришаги услубга асоссан, чиқинди сувлар таркибидаги барча озиқ моддалар (N , P_2O_5 ва K_2O) га доир суғориш тизиминиң ҳажми аниқланади. Бунда қайси бир биоген моддага тааллуқли энг кашта кўрсаткич олинса, суғориш тизими шу майдон ҳажмида ташкил этилади.

Агар чиқинди сув таркибидаги умумий азот миқдори 80—120 мг/л.дан кам бўлса, у ҳолла экинларни сугориш режими уларнинг сувга бўлган умумий эҳтиёжига кўра аниқланади. Бунда сугориш тизимининг ҳажми йиллик сув миқдори ($W_{\text{ши}}$)ни экинларнинг ўртагача мавсумий сугориш мөъёри ($M_{\text{шпн}}$) га бўлиш йўли билан ҳисобланади, яъни $P = W_{\text{ши}} / M_{\text{шпн}}$.

4-масала. Чиқинди сувларнинг йиллик миқдори 365000 м³, экинларни ўртача сугориш мөъёри 4000 м³/га бўлса, сугориш тизимининг умумий майдонини ҳисобланг.

Ечиш:

$$P = W_{\text{ши}} / M_{\text{шпн}} = 365000 / 4000 = 91 \text{ га.}$$

Буфер зонаси майдони унинг 4 фоизини ташкил этади деб олинса, тизимнинг умумий майдони $91 + 4 = 95$ га бўлиши керак.

Топшириклар:

1. Корхона чиқинди суви таркибидаги азот миқдори 420 мг/л, озиқ моддалар билан юқори даражада таъминланган тупроқларда реjalаштирилган ҳосил билан 180 кг азот олиб чиқиб кетиладиган бўлса, 1 га майдонга берилиши мумкин бўлган чиқинди сувининг миқдорини ҳисобланг.

2. Корхонада йил давомида 1200000 м³ чиқинди суви тўпланади. 1 л сувда азот миқдори 420 мг. га тенг. Азот таъминоти кам ерларда ҳосил билан 180 кг./га азот олиб чиқиб кетилади. Сақлаш жараёнида 20 фоиз ва сугориш вақтида 15 фоиз азот йўқолади. Сув таркибидаги озиқнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиш коэффициенти 0,7 га тенг бўлса, сугориш тизимининг майдонини ҳисобланг.

9.3. ТУПРОҚЛАР ШЎРЛANIШI, БОТҚOҚLANIШI VA ЭРОЗИЯСИННИНГ ОЛДНИН ОЛИШ ҲАМДА УЛАРГА ҚАРИШI КУРАШI

Ўзбекистондаги сугориладиган 4,3 млн. га ернинг 55—60 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, мелиоратив жиҳатдан нокулай тупроқлар ҳисобланади. Шўрланиш, ботқоқланиш, эрозия, гармсел ва сув таъминотининг пастлиги, қумликларнинг кўчиши оқибатида сугориладиган ерлардаги қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги тахминан 50—60 фоизгача камайиб, маҳсулот сифати паст бўлмоқда. Масалан, шўрланмаган ерларда буғдој ҳосилдорлиги 40—50 ц/га. қалар бўлса, шўрланган ерларда 15—20 ц/га дан ошмайди.

Тупроқлар шўрланишини келтириб чиқарувчи тузлар тоф жинслари ва минералларининг смирилиши оқибатида юзага келади. Қалимги ден-

гиз туз ётқизиқлари ҳам туз манбалари ҳисобланади. Тупроқлар шўрланнишининг асосий сабаби ер юзасига яқин жойлашган минералларнинг сизот сувлардир. Тузлар сизот сувлар билан тупроқнинг ўсимлик ишизи тарқалган қатламига тупроқ капиллярлари орқали кўтарилиб келиб, уни шўрлата бошлади. Ер юзасига яқин жойлашган чучук сизот сувлар эса тупроқнинг ботқоқланишига олиб келади.

Тузлар сугориладиган далаларга ер сатҳи ва сизот сувлар билан, шунингдек, атмосфера ҳаракати (шамоллар) ёрдамида тарқалади. Тупроқнинг мелиоратив аҳволига ирригацион-хўжалик шароитларининг ҳам таъсири катта. Янги ерларни ўзлаштириш, экинларни меъёридан ортиқча сугориш, коллектор-зовуру сувларидан тўғри фойдаланмаслик кабилар шундай шароитлар жумласига киради.

Шўрланган тупроқлар ва уларнинг турлари

Шўрланган ерларда, асосан, қуйидаги 12 хил туз учрайди (29-жадвал).

29-жадвал

Шўрланган тупроқларда учрайдиган тузлар

NaCl Ош тузи	Na_2SO_4 Натрий сульфат	Na_2CO_3 Кир сода	NaHCO_3 Натрий бикарбонат
MgCl_2 Магний хлорид	MgSO_4 Магний сульфат	MgCO_3 Магний карбонат	$\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$ Магний бикарбонат
CaCl_2 Кальций хлорид	CaSO_4 Кальций сульфат (гипс)	CaCO_3 Кальций карбонат (оҳак)	$\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ Кальций бикарбонат

Тупроқ таркибидаги тузларнинг умумий миқдори тупроқнинг қуруқ оғирлигига нисбатан 0,3 фоиздан кўп бўлса, шўрланган тупроқлар ва аксинча, 0,3 фоиздан кам бўлса, шўрланмаган тупроқлар дейилади (30-жадвал).

Шўрланган тупроқлар икки катта гуруҳга бўлиниди: 1) шўрхок ва шўрхокли тупроқлар; 2) шўртоб ва шўртобли тупроқлар.

Шўрхок тупроқлар таркибида 1–2 фоиз ва ҳатто 10–20 фоизга-ча туз бўлади. Агар юқориги 0–30 см қатламда 0,8–1 фоиз туз бўлса, шўрхокли, 30–100 см қатламида 0,3–0,8 фоиз туз бўлса, шўрхоксимон тупроқлар дейилади.

Шўртобли тупроқ таркибида кўп миқдорда натрий иони бўлади. Тупроқнинг жами катион миқдорига нисбатан (м-экв ҳисобида)

**Шурланғанлық даражасыга күра тупроқ турлари
(С.В.Астапов маълумотлари)**

Шурланиш балли	Тупроқтинг шурланиш даражаси	I м.ли қатламда хлор иони, оғирликка нисбатан %
I	Жуда күчсиз	0,01—0,04
II	Күчсиз	0,04—0,10
III	Үртача	0,10—0,20
IV	Күчли	0,20—0,30
V	Шурхок	0,30—0,40

натрий 5 фоизгача бўлса, шуртобмас, 5—10 фоиз бўлса шуртобсимон, 10—20 фоиз — шуртобли ва 20 фоиздан кўн бўлса, шуртоб тупроқлар дейилади.


Мелиоратив тадбирлар

Ер юзасига яқин жойлашган сизот сувлар сатҳини пасайтириш ва тупроқдаги заарарли тузларни камайтириш шурланған ҳамда ботқоқлашган ерларни тубдан яхшилаш тадбирларидан ҳисобланали. Шурланиш ва ботқоқлашишининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашда мелиоратив тадбирлар тизими қўлланиладики, у қўйидагиларни ўз ичига олади: 1) сув-хўжалиги тадбирлари; 2) агромелиоратив тадбирлар; 3) гидротехник тадбирлар.

Сув-хўжалиги тадбирлари сувлан самарали фойдаланиш, тежамили сугориш усуслари ва технологияларини жорий қилиш, сув исрофгарчилигига қарши кураш ва ундан навбатма-навбат фойдаланиш, сизот ва срости сувларидан экинларни сугоришда фойдаланиш кабилардан иборат.

Агромелиоратив тадбирлар ер текислаш, ихота дарахглари ўтқазиш, алмашлааб экишни жорий қилиш, сифатли шудгорлаш, юшатиш, қатор ораларига ишлов бериш, минерал ва органик ўғитларни қўллаш, шурювиш ишларини ўз ичига олади. Гидротехник тадбирларга эса коллектор-зовур тармоқларини лойиҳалаштириш ва уларни куриш киради.

Ер текислашнинг агротехник ва мелиоратив аҳамияти каттадир. Текисланмаган ерларда сув бир хилда тақсимланмайди, натижада, сугориш ва шурювиш сифати насанади. Текислаш ўтказилган майдонларда сув тежалиши билан бирга тупроқ бир хилда шўрсизланади ва намиқали, агротехник тадбирларнинг самараси ошали.



34-расм. Ер текислаш машина ва қуроллари.

Текислашда бульдозер, скрепер, грейдер, волокуша ва узун асосли текислагич ҳамда бошқа қуроллар ишлатилади (34-расм).

Ер текислаш ишлари капитал ва жорий текислашларга бўлинади. Жорий текислаш ҳар йили шудгордан кейин ёки экишдан олдин ўтказилади. Капитал текислашлар янги ерлар ўзлаштирилаётганда ёки фойдалакиб келинаётган ерларда ҳар 10—15 йилда бир маротаба ўтказилади.

Иҳота дарахтлари ўтқазишдан мақсад тупроқни шамол эрозиясидан муҳофаза қилишилар. Иҳота дарахтзорлари, асосан, қуйидаги вазифаларни бажаради: сугориши тармоқларидан сувнинг сизилиш сарфини камайтириш, канал ва шоҳ ариқларнинг қирғоқларини мустаҳкам сақлаб туриш, сугориладиган далаларда микроклиматни вужудга келтириш, тупроқни шамол эрозиясидан сақлаш, экинларни гармсиллардан ҳимоя қилиш, сизот сув сатҳини пасайтириш ва ҳ. к.

Бедали алмашлаб экиш шўрланадиган ва ботқоқланадиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда жуда катта аҳамиятга эга. Алмашлаб экишнинг мелиоратив таъсири шундаки, тупроқда жуда кўп микдорда органик ва озиқ моддалар тўпланади, унинг сув-физик хоссалари яхшиланади, микроорганизмлар фаолияти учун қулай шароит яратилади, тупроқ унумдорлиги ошиб боради ва унинг сатҳи ўсимлик билан тўлиқ қопланганлигидан кам қизийди, шамол таъсири сусайиб, намлик озрок буғланади. Бу эса туз тўпланишини камайтиради. Шунингдек, ҳосил билан ҳар гектар майдондан 5 т. гача туз олиб чиқиб кетилади. Беданинг илдизи кучли ривожланганидан сизот сувларга етиб бориб, уларни кўп микдорда (10 минг м³/га)


буғлантириб юборади. Натижада, сизот сув сатқы пасайиб, тупроқнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Шўр ювиш

Шўрланган ерларда ҳар йили шўр ювишни ўтказиш зарурий агромелиоратив тадбир бўлиб, бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши, ривожланиши, юқори сифатли ҳосил бериши учун зарарли бўлган тузларни тупроқдан йўқотиш ҳамда сизот сувларнинг минераллашганлик даражасини камайтиришга эришилади. Шўр ювишда далага тупроқнинг нам сифимидан бир неча марта кўп миқдорда сув бериладики, улар тупроқдан сизиб ўтиши жараёнида ундаги тузларни эритиб, чуқур қатламларга тушириб юборади.

Зовурлаштирилмаган шароитда кучсиз шўрланган тупроқлар $1800-2500\text{ м}^3/\text{га}$, ўртача шўрланган тупроқлар — $2500-3500$ ва кучли шўрланган тупроқлар эса $2500-5000\text{ м}^3/\text{га}$ умумий меъёрда ювилади. Зовурлаштирилган шароитда эса шўр ювишнинг умумий меъёри те гишили равишида $3000-5000$, $4000-6500$ ва $5000-8000\text{ м}^3/\text{га}$. ни ташкил этади. Бундай ерларда 1—2 дан 3—4 мартағача шўр ювилади.

Куз ва эрта қиш ойлари шўр ювишнинг энг қулай муддати ҳисобланади. Бу иш қишида тупроқ музламаган шароитда ўтказилади. Кам шўрланган ерлар эгатлаб ва ўртача ҳамда кучли шўрланган ерлар чек олиб, бостириб ювилади (35-расм). Чеклар катталиги сув ўтказувчанлиги ёмон ерларда $0,05-0,06\text{ га}$, ўртача сув ўтказувчан ерларда — $0,10-0,12\text{ ва}$ кучли сув ўтказувчан ерларда $0,15-0,20\text{ га}$. ни ташкил этади.



35-расм. Чекларга бўлиб бостириб шўр ювиш.


Зовурлар

Зовурлаштириши деганда сизот сувларни сунъий йўл билан чиқариб ташлани тушунилади.

Зовурларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат: 1) сизот сувлар сатҳини мақбул чукурликка пасайтириш; 2) меъёридан ортиқ заарли тузларни тупроқдан чиқариб ташлани; 3) сув сатҳини тупроқнинг қайта шўрланишини ҳамда ботқоқланишига имкон бермайдиган чукурликда тутиб туриш.


Зовурлардан фойдаланиш ернинг шўрланиши ва ботқоқланишига қарши курашда асосий гидротехник тадбир бўлиб, улар сув-хужалик ва агромелиоратив тадбирлар билан бирга қўлланилали. Суғерилалитан ерларда зовурларнинг очик, ёпиқ ва вертикал турларидан фойдаланилади (36 ва 37-расмлар).

Очиқ зовурлар маълум чукурлик ва масофада қазилиб, бир-бири билан туташтирилган мелиоратив чуқур каналлардир. Уларнинг чукурлиги 1—1,5 м. дан 2,5—3 м. гача ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.



36-расм. Очик горизонтал зовурнинг тузилиши:

1—зовур куришдан олдинги сув сатҳи; 2—зорур курганидан кейинги сизот сув сатҳи (лестрессия эрги чизиги); 3—зовурлар; 4—зовурдаги сув сатҳи; 5—сув тусар қатлам; 6—сув тусар қатламнинг чукурлиги; 7—зовурлар оралиги.



37-расм. Ёпиқ зовурнинг бўйлама қирқими:

1—очик коллектор; 2—зовурдан оқиб келадиган сувни коллекторга оқизиш қунури; 3—зовур қувурлари; 4—қувурларнинг кум-шагал тушмаси; 5—назэррат қудуғи.

- Очиқ зовур ва коллекторларнинг эсосий камчиликлари: а) төз күмилиб қолади ва ұзанни үт босади, деворлари үпирелиб, ювиліб кетади. Шунинг учун уларни тез-тез тозалаб туриш, тұлиб қолған жойларини қайта қазиши талаб қилинади; б) зовур ва коллекторларни вактида тозалаб туришга доим ҳам имкон йүқтегін сабабли унинг чуқурлігі старлы бұлмай, шұр ювиш самараси ҳам пасайыб кетади; в) очиқ зовур ва коллекторлар ердан фойдаланиш коэффициентини камайтиради, яғни әкін майдонининг маълум қисмини банд қилиб туради. Бұндан ташқары, қишлоқ ҳұжалиғи ишларини механизациялашыра, транспорт қаралатын қалақыт беради. Лекин уларни қуришта капитал қаржатлар кам талаб этилади.

Әпиқ горизонтал құвурлар маълум чуқурлікка жойлаштырылған зовур құвурларидан иборат бұлғын, сизот сувлар шу құвурларға тушиб, оқиб чиқып кетади. Асбоцемент, шлакобетон, сопол ва полимер материалдардан тайёрланған құвурлар зовур құвурлары сифатыда фойдаланылади.

Әпиқ зовурларнинг ахамияти шундаки, улар сизот сувларға бутун дала бүйлаб бир хил таъсир күрсатади, сугорищдан ёки шұр ювишдан кейин сизот сувлар сатқын тезда пасайтиради ва уни мақбул чуқурлікда сақланы имкониятитиң беради. Зовур тупроқ ичіда ёпиқ қолда бұлғанлігі учун ер майдонини кам әгаллайды ва ундан фойдаланиш коэффициенти очиқ зовурлардагы нисбатан юқори бұлади. Уни қуришта кеталиған ахамият қаржатлар катта, лекин жорий чиқымлар кам бұлади.

Вертикал зовурлар 20—30 м. дан 100—150 м. гача чуқурліккаги қудуклардир. Уларни қуриш учун дастлаб 40—90 см диаметрдаги бурғу қудуклари кавланади. Бу қудукларға 30—50 см диаметрли металл құвурлар жойлаштириліб, деворлари билан металл құвур оралығынан бүшлиқ (5—15 см) шағал фильтрлар билан тұлдырылади. Құвурларнинг ер юзасидан 10—15 м. дан пастки қисмінде тешікілар қилинади. Улардан сизот сувлар оқиб киради. Құвурларда тұпланған сув махсус электр насослари ёрдамида тортиб олиніб, муайян ер майдонидан ташқарига чиқарып ташланади.

Вертикал зовурларни қуришта ви маусумда улардан фойдаланишта кам қаржат кетади.

Тупроқ әрозиясы ва унга қарши кураш

Сув ёки шамол таъсирида тупроқ унумдор қатламининг емирилиши *тупроқ әрозиясы* дейилади. Сув, шамол ва ирригация әрозиясынан каби турларға бұлғынади.

Сув эрозияси тоғ ва тоғолди ҳамда адир миңтақаларида кенг тарқалған бұлиб, у бағор ойларыда бұладиган қаттық жала ёки қор ва музиликларнинг тез әриши натижасыда юзага келади. Шамол эрозияси, асосан, текислик миңтақасыда тарқалған бұлиб, күчли шамол таъсирида юз беради. Суғориладиган ерларда учрайдиган ирригация эрозияси қишлоқ хұжалиги әкінларини нотұғри суғориш (яғни суғориш мөшерини ошириш, суғориш техникасы ва технологиясыға риоқтық күлмаслик) оқибатида юзага келади.

Эрозия натижасыда 20—50 см. ли тупроқ, шу билан бирга, уннинг таркибидаги чиринди, азот, фосфор, калий ва бошқа озиқ моддалары ҳам ювилиб, тупроқнинг сув-физик хоссалари бузилади ва унумсиз қолатта тушади. Натижада, қишлоқ хұжалиги әкінлары ва яйловларнинг ҳосилдорлығы камайиб кетади. Шунингдек, оқиизиб кетилған тупроқ дарё, сув омборлары ва каналларни күмиб құяды.

Сув эрозиясининг олдини олиш ва унга қарши курашда қуйидеги тадбирлар құлланилади: 1) агро-ұрман мелиорация тадбирлари; 2) агромелиорация тадбирлари; 3) гидротехник тадбирлар.

Агро-ұрман мелиоратив тадбирлари иқшота ұрмонзорлари барпо этишин күзда тутади. Иқшота даражатлары шамол күчини пасайтиради, намнинг буғланишини, сув оқимини камайтиради, тупроқнинг сув үтказувчанлыгини оширади, ер устидаги даражат қоллиқлари 12—20 мм атмосфера ёғындарини, илдизлари эса уларнинг 15—20 фоизини тутиб қолади.

Агромелиоратив тадбирлар тупроқнинг сув-физик, кимёвий хоссаларини яхшилаш орқали тупроқ, эрозиясининг олдини олишдір. Бундай тадбирларга тупроқны чуқур шудгорлаш, юмшатиши, ерни қияликка нисбатан күндаланғ шудгорлаш ва әкиси, ағдармасдан шудгор қилиш, қорни тутиш түсікіларини барпо этиши, күп йиллик үтлар иштирокида алмашылаб әкишни жорий қилиш, күкат үйтлары әкиш, минерал ва органик үйтлар солиши ва бошқалар киради.

*Гидротехник тадбирлар*га тоғ қияларини поғоналаш, лой ва тош түсар иншооттар ҳамда сув оқимини бартараф қилиш тармоқларини қуриш кабилар киради. Қия ерлардаги поғоналарда қор яхши сақланади, әриши секінлашади, жала сувлары қиялик бүйіча тұпланиб оқмасдан, поғоналарда ушланиб қолади. Шу поғоналарда иқшота ұрмонзорлари барпо қилиналади.

Күпроқ енгіл таркибли тупроқтарда күзатыладиган шамол эрозияси шамолнинг күчи ва тезлігінде боғлиқ бұлади. Уннинг тезлігі 4—5

м/сек бўлганда — кучсиз, 5—15 м/сек бўлганда — ўртача, 15 м/сек дан юқори бўлганда — кучли эрозия юз беради.

Шамол эрозиясининг олдини олиш ва унга қарши кураш учун қуйидаги тадбирлар мажмуси қўлланилади: 1) *агро-ўрмон мелиоратив тадбирлари* (ихота дараҳтзорлари барпо қилиш); 2) *агромелиоратив тадбирлар* (тупроқни шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш учун маҳсус алмашлаб экиш тизимларини жорий қилиш, турли экинлар иштирокида ҳимоя тўсиқларини барпо этиш, тупроқнинг унумдор қатлами учирилиб кетган ерларни чукур шудгорлаш, ерни ағдармасдан юмшатиш, лойқа чўқтириш (кольматаж ва ~~х~~ к.); 3) *кимёвий тадбирлар* (ССБ, К-4А, ЕКС-6,5 ГПК моддаларидан фойдаланиши).

Нотўғри сугориш эқибатида тупроқ устки қатламишининг емирилиши *ирригация эрозияси* дейилади. Эрозиянинг бу тури баланд-паст рельефли ерларда экинларни эгатлаб сугориш техникаси (эгат узунлиги, чукурлиги, қатор оралигидаги масофа, эгатларга бериладиган сув миқдори)нинг нотўғри танланиши оқибатида юз беради. Ирригация эрозиясининг олдини олиш учун шудгор қиялика нисбатан кўндаланг ўтказилиши, экиш ва эгатлар умумий нишобликка нисбатан қиялатиб олиниши керак.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тупроқнинг шўрланиш ва ботқоқланиш сабабларини кўрсатинг.
2. Шўрланган тупроқларнинг турларини баён этинг.
3. Шўрланиш даражаларини ва бунда учрайдиган тузларни таърифланг.
4. Мелиоратив тадбирлар тизими нималардан иборат?
5. Шўр ювиш ва зовурлар ҳақида нималарни билиб олдингиз?
6. Тупроқ эрозияси ва унга қарши кураш чораларини баён этинг.

10. ДЕҲҚОНЧИЛИК ТИЗИМИ

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга қаратилган ўзаро узвий боғлик агротехник, мелиоратив, ташкилий тадбирлар мажмуси *дехқончилик тизими* дейилади. Бу тадбирлар дехқончиликни янада такомиллаштириш ва уни бошқариш тузилмаси, алмашлаб экишини жорий этиш, бегона ўтлар, касаллик ва зарапкунандаларга қарши самарали кураш, серҳосил ва сифатли маҳсулот берадиган навларни минтақалар бўйича оқилона жойлаштириш, тежамли сугориш усувларини қўллаш, шўрланиш ва ботқоқланишнинг

олдини олиш ва унга қарши кураш каби мелиоратив тадбирлар, ерга ошлов берип ҳамла ўғитлаш тизими ва бошқаларни ўз ичига олади

ДЕҲҚОНЧИЛИК ТИЗИМЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Жамият тараққиётининг ҳар қайси босқичида мавжуд бўлган деҳқончилик маданиятига мос алмашлаб экиш тизими шаклланган. Ҳар бир тизимла ҳайдаладиган ерлардан фойдаланишга деҳқончиликнинг алоҳида шакли сифатида қаралади.

Деҳқончилик тизимларини инсоният тараққиётига нисбатан шартли равишда қўйидаги уч туругҳа ажратиш мумкин: *ибтидоий* (қуриқ-партов, ўрмонларни кесиши ва қўйдириш), *экстенсив* (шудгор, донгут, ўт-далали), *интенсив* (дон-қатор оралари ишланадиган, қатор оралари ишланадиган, ўт-далали алмашлаб экиш ва ҳ. к.).

Деҳқончиликнинг қуриқ ер тизими. Ибтидоий жамоа тузуми даврида одамлар тупроқнинг табиий унумдорлигидан фойдаланиб, деҳқончилик юритишган. Бунинг учун деҳқон қуриқ ер очиб, ерга оддий куроллар ёрдамида ишлов берган ва 3—4 йил давомида донли экинлар етиширган. Тупроқ унумдорлиги пасайиб, касаллик ва зараркунанда ҳамда бегона ўтлар кўпайиб кетганида ҳосилдорлик кескин камайган. Шунда одамлар бу ерни ташлаб, янги ер очишга мажбур бўлишган. Узоқ вақт ташлаб қўйилган ер қуриқ ер ҳисобланиб, унинг унумдорлиги табиий ўсимликлар ҳисобига тиклангандан кейин шу жойда қайтадан деҳқончилик қилинган. Тупроқнинг унумдорлигини ва табиий хоссаларини бундай усуlda тиклаш деҳқончиликнинг қуриқ ер тизими деб юритилади.

Деҳқончиликинг партов ер тизими. Қуриқ деҳқончилик тизими ни юритиш янги ерларни ўзластиришин талаб қилган, бу эса кўп меҳнат сарфлашни тақозо этган. Шу сабабдан одамлар тупроқ унумдорлиги камайиб кетган фойдаланишдаги ерларни 15—20 йилгача ташлаб қўйиб, қуриқ ерда деҳқончилик қилишган. Сунгра яна аввалги лалага қайтиб, деҳқончилик билан шугулланганлар. Зироатчиликнинг ушбу тизими *партов ер тизими* деб юритилади. Лекин қуриқ ва партов ер деҳқончилик тизимлари орасида кескин тарихий чегара йўқ. Шунинг учун ҳам унга айрим адабиётларда қуриқ-партов ер тизими деб ҳам қаралади.

Деҳқончиликнинг партов ер тизими анча ривожланган тизим ҳисобланиб, бунда экин етиширилаётган майдонлар қисқа муддат

Фойдаланилмаётган ер партов билан алмашлаб турилган. Ерга ишлов бериш күрөллери ҳам тарақкый этган: такомиллашын мотига ва бел-күраклардан фойдаланилган. Ёғоч сүқа темир сүқа билан алмашти-шилган. Ерлар нисбатан чукурроқ юмшатыла бошланган.

Деҳқончиликнинг ушбу тизимлари Европа ва Осиё, шунингдек, Марказий Осиё ҳудудларida узоқ вақт қўлланиб келинди.

Ўрмонларни кесиши ва кўйдириши деҳқончилик тизими. Қўриқ ва партов ер тизимлари билан бирга одамлар чакалакзор ва ўрмонларни кесиб ёки ёки юбориб, уларни тозалаган ҳолда янги ер ўзлаштирганлар. Уларга ишлов бериб, ҳар хил экинлар экишган, деҳқончилик қилишган. Шу сабабли бундай деҳқончилик тизими ўрмонларни кесиши ва кўйдириши тизими деб юригилади.

Ўрмон ва чакалакзорлар кўйдирилганда кўп микдорда кул ҳосил бўлиб, тупроқни озиқ моддалар билан бойитган. Бундай ерларда ўрмон қолдиқлари ва ўтларнинг чириши оқибатида гумус кўпайган, бу эса маданий ўсимликларнинг ўсиб-ривожланишини яхшилаб, ҳосилдорликни оширган. Кейинчалик ўша ерларда унумдорлик камайиб, бегона ўт, касаллик ва ҳашаротларнинг кўпайиб кетиши уларни партов сифатида ташлаб қўйиш ва яна янги ерлар ўзлаширишга мажбур қилган. 25–30 йилда унумдорлигини қайта тиклаган бу ерларда яна деҳқончилик қилинган ёки табиий равиша янгитдан дарахт ва буталар ўса бошлаган.

Жамият тараққиёти негизида ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ўзгариши, озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ортиши деҳқончиликнинг янги тизимларини қўллашни тақозо этди.

Деҳқончиликнинг шудгор тизими. Феодализм даврида деҳқончиликка яроқли ерларнинг чекланганлиги юқорида қайд этилган тизимлардан воз кечинига олиб келди. Партов сифатида ерларни ташлаб қўйиш давомийлиги қисқарди: ер бу ҳолатда бир йилдан ортиқ ташлаб қўйилмаган. Тупроқ унумдорлигини тиклаш учун ўғитлар солинган ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида унга ишлов бериб турилган. Бундай деҳқончиликка *шудгор тизими* дейилади.

Дастлаб бу тизимлар икки далали бўлиб, бир далага биринчи йили дон экинлари (арпа, сули ва бошка) экилган бўлса, иккинчи дала тоза шудгордан иборат бўлган. Кейинги йили эса улар алмаштирилган. Кейинчалик уч далали тизим қўлланила бошланган. Бунда ҳар бир дала қўйидагича банд бўлган: икки йил ғалла (биринчи йили кузги, иккинчи йили баҳорги) экинлари экилса, учинчи йили

шудгор қылғынған. Ушбу деҳқончилик тизими нисбатан самаралы бўлди. Тупроққа ишлов бериш сифати ортди, ўғитлар кенг кўламда кўлланиладиган бўлди. Ем-хашак экинлари улушининг камлиги ва буннинг оқибатида чорвачиликнинг ривожланмаганлиги тизимнинг асосий камчилиги ҳисобланади. Бу ҳол, ўз навбатида, тизимни янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди.

Деҳқончиликнинг кўп далали-ўт алмашлаб экиш тизими. Болтиқ-бўйи давлатлари, Украина нинг гарбий қисми ва Белорусла шаклланган бу тизимда ерларнинг ярми ёки ундан кўпроғи аввал табиий ўтлоқлар, кейинчалик кўп йиллик ўтлар билан банд бўлиб, уларга қўшимча равишда яна ўт экилган. Ерлар пичанзор ёки ялов сифатида фойдаланилган. Қолған ерларда дон, ем-хашак экинлари етиширилган. Алмашлаб экиш тизимининг таркиби қўйидагича бўлган: 1—6-дала кўп йиллик ўтлар, 7-дала — зигир, 8-дала — тоза шудгор, 9-дала — жавдар, 10-дала — баҳорги экинлар, 11-дала — тоза шудгор, 12-дала — жавдар, 13-дала — баҳорги экинлар, 14-дала — тоза шудгор ва 15-дала — жавдар.

Деҳқончиликнинг бу тизими анча такомиллашган бўлиб, тупрок унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ем-хашак етиширишни кўпайтириш, тупроқни муҳофазалаш каби масалаларни ўзида мужассам этганилиги билан ибтидоий тизимлардан анча афзалликка эга. Ундан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилмоқда.

Деҳқончиликнинг яхшиланган ғаллачилик тизими. Бу тизим Россияда XVIII асрнинг иккинчи ярмида сутчиликка ихтисослашган чорвачилик ривожланган ва техник экинлар майдони кенгайтирилаётган хўжаликларда шудгор тизими ўрнида шакллана бошлиган. Дон-шудгор алмашлаб экишга кўп йиллик ўтлар кириб келди ва бунда экинларни қўйидаги тартибда навбатлаб экиш қўлланилди: 1-дала — шудгор, 2-дала — кузги ғалла экинлари билан бедани қўшиб экиш, 3-дала — беда, 4-дала — баҳорги дон экинлари. Деҳқончиликнинг кўп далали-ўт алмашлаб экиш тизими ҳам такомиллашган ғаллачилик тизимига ўтказила бошланди. Кўп йиллик ўтларни картошка ва илдизмевалилар билан навбатлаш миқёси кенгайди.

Кейинчалик ушбу тизим тараққий эта бориб, унга қатор оралари ишланадиган экинлар ҳам киритиладиган бўлди. 4 далали алмашлаб экиш даласида 1-дала — тоза шудгор билан, 2-дала — кузги буғдой, 3-дала — қанд лавлаги ва 4-дала — баҳорги буғдой ёки арипа

банд бўлган қатор оралари ишланадиган экинларни алмашлаб экишга киритиш тупроқни маданийлаштиришга олиб келди. Бу нисбатан жадаллаштирилган деҳқончилик тизими бўлиб, шудгор-қатор оралари ишланадиган алмашлаб экиш тизими деб номланди. У Россиянинг жануби-шарқида, Сибир ва Қозогистонда кўлланила бошлади.

Деҳқончиликнинг плодосмен тизими. Фарбий Европа давлатларида XVIII асрнинг иккинчи ярмида шаклланниб, деҳқончиликнинг партов ва шудгор тизимларини янада жадаллаштиришга олиб келди. Тизимнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бунда табиий ем-хашак далалари ҳайдалиб, унга дала экинлари экилди, ем-хашак экинлари стиштирила бошланди, тоза шудгор кўп йиллик ўтлар билан банд қилинди. Шунингдек, дон экинлари қатор оралари ишланадиган экинлар билан алмашина бошлади. Масалан, 4 далали Норфолк усулида алмашлаб экинда 4 даланинг бири қатор оралари ишланадиган экинлар билан, иккинчиси — қўшиб экилган баҳорги ғайла ва беда, учинчиси — беда, туртинчиси кузги ғалла экинлари билан банд бўлган. Бундай гизимда тупроқ унумдорлиги гўнг солиш, дуккакли экинлар экиш, тупроққа чуқур ишлов бериш каби тадбирлар эвазига оширилди.

Деҳқончиликнинг ўт-далали алмашлаб экиш тизими. XX асрнинг биринчи ярми ўрталида собик иттифоқда шаклланган бу тизим деҳқончиликнинг кўп далали ўт алмашлаб экиш ва яхшиланган ғаллачилик тизимларини умумлаштириб, икки — дала ва ўт алмашлаб экишдан иборат бўлган. Бу тизим донадор ва мустаҳкам тузилишга эга тупроқ ҳосил қилинга йўналтирилган эди. Алмашлаб экишга кўтг йиллик ўтлар киритила бошланди. Экин майдонлари тузилишига қўра, бу тизим ҳам экстенсив (утувчи) тизим бўлди.

СУФОРИЛАДИГАН МИНТАҚАЛАРДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ТИЗИМЛАРИ

Деҳқончиликнинг қатор оралари ишланадиган саноат-завод тизими интенсив (жадал) тизим ҳисобланиб, бунда барча ҳайдаладиган срлар экинлар билан банд бўлган. Унинг ярмидан кўпини қатор оралари ишланадиган экинлар ташкил этади. Уларни стиштириш бир қатор ямонавий тадбирларни амалга оширишни талаб этади, чунки бу тизим ем-хашак экинлари, ғуза, каноп, қанд лавлаги, кунгабоқар, мак-кажӯхори, оқ жӯхори, хашаки лавлаги, буғдой ва бошқа экинлар стиштиришга ихтисослашган, шунингдек, сабзвотчилик, шолничи-

лик хўжаликларида кенг қўлланилмоқда. Бундай деҳқончилик тизимида такрорий, оралиқ ва сидерат экинлар ҳам етиширилмоқда.

Деҳқончиликнинг ўт—қатор оралари ишланадиган экинлар тизими Марказий Осиёning ғўза—бела алмашлаб экиш жараёнига кенг татбиқ қилина бошлади. Арпа, сули, маккажӯхори бедага қўшиб экилиб, сўнгра 6—7 йилгача пахта етиширилмоқда. Ерга жадал ишлов берилиб, органик ва минерал ўғитлар қўлланилади, тупроқнинг сув режими сунъий суфориш эвазига бошқарилади, бегона ўтлар, касаллик ва заараркунандаларга қарши муқобил кураш чоралари, нокулай шароитларни яхшилаш тадбирлари қўлланиладиган бу тизим ҳам деҳқончиликнинг интенсив тизими ҳисобланади.

ҲОЗИРГИ ДАВР ДЕҲҚОНЧИЛИК ТИЗИМЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги деҳқончилик тизимлари юқори самарали техникалардан кенг қўламда фойдаланиш, тупроққа ишлов бериш услублари, кўп миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш каби тадбирлар билан ўзидан аввалги тизимлардан фарқ қиласди.

Марказий Осиё республикалари қургоқчил минтақада жойлашган бўлиб, юқори унумдорликка эга ерлар катта майдонни ташкил этади. Сув ресурсларининг тақчиллиги суфориладиган деҳқончиликни кенгайтиришига тусқинлик қиласди. Суфориладиган ерларнинг аксаияти буз, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар бўлиб, уларнинг унумдорлиги ҳар хил. Сунъий суфориш самарадорлиги, асосан, тупроқ шароитларига боғлиқ.

Минтақада сув ресурсларининг чекланганлиги суфориш сувларидан тежамли фойдаланган ҳолда тупроқ унумдорлигини доимий ошириб бориш ва юқори ҳосил етиширишга қаратилади. Бундай ерлардаги деҳқончилик тизими замонавий суфориш тизимларини, шунингдек, суфориш технологиясига тўғри риоя қилиш ҳамда уни такомиллаштириш тадбирларини ўз ичига олади.

Суфориладиган деҳқончилик шароитида ғўза, шоли, сабзавот ва полиз экинлари, буғдой, маккажӯхори, кўп ва бир йиллик ўтлар асосий экинлар ҳисобланади. Тупроқдан самарали фойдаланиш ва унинг унумдорлигини оширишда такрорий ҳамла оралиқ экинлар муҳим аҳамият касб этади. Шўрланган ерларда бундай экинлар тупроқ шўрланишини камайтиради. Кўп йиллик ўтлар (беда) ғўза ва

шолига, ер ёнғоқ, мөш, нұхат, соя, ловия ва бошқа құпгина әкинлар үшін үтмишдош бұла олади.

Сугориладиган деңқончилик шароитида ерга тұғри ишлов берішнінг ақамияти катта. У тупроқда әкінлар учун қулай ҳайдов қатлами тузилишини ҳосил қилиши, бегона үтларни тұлық йүқотишига имкон бериши, тупроқнинг ұаво алмашинуvinи яхшилаши ва бошқа қатор талабларға жавоб бериши лозим. Бундай ерларда барча агротехник тадбирларни ұз қақында сифатли үтказиш учун маҳсус қурол ва машиналардан фойдаланиш талаб этилади. Масалан, бағорда тупроқни чуқур юмшатиш учун чизель-культиваторлар, әгат олгич билан таъминланған культиватор ва сеялкалар, уруғни намлық етарлы бұлған тупроқ чуқурлігін ташловчы сеялкалар ва бошқа агрегатлар зарурдир. Сугоришидан олдин сугориши әгатлари, муваққат ариқлар олиш ва үндан кейин қатор ораларини юмшатиш ҳам сугориладиган деңқончиликнинг үзігі хос хусусиятларидан биридір.

Ұғитлардан, айниқса, минерал үғитлардан, фойдаланиш самаралорлығи сугоришининг тұғри үтказилишига бевосита боғлиқ. Минерал үғитлар құллашни суғориши ишлари билан үзаро мувофиқлаштирилген қолда амалға ошириш ер маҳсулдорлығини янада оширишта олиб келади.

Үтмишдош әкинларни таңлаш, асосий әкинларни нағыздағынан таңлаш, адашмаслик ва касаллик ҳамда зааркунандаларға қарши кураш чораларини (биологик, агротехникавий, кимёвий) құллаш туфайли ҳосилдорлықні ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мүмкін.

Ўзбекистонда сугориладиган ерларнинг ярмидан күпроги мелиоратив жиҳатдан ноқурай — ҳар хил даражала шүрланған бұлған, бундай ерлар мелиоратив тадбирлар тизимини құллашни тақозо этади.

Сугориладиган ерларда тупроқни сув ва шамол эрозиясыдан ҳимоя қилиш тадбирларини құллаш лозим бұлғады, улар айрим элементлары билан лалмикор деңқончилик тизимларидагидан фарқланади.

Күрсатиб үтилген талбирларнинг барчаси ҳозирғи замон деңқончиликнін интенсив ривожлантириш асосларидан бұлған, уларнинг самаралорлығи ташкилий-хұжалик тадбирларига ҳам бевосита боғлиқ.

Хулоса қилиб айтиш мүмкінкі, юқорида келтирілген деңқончилик тизимлары мағлұм бир андаза бұлмай, балки деңқончилик юритишнінг илмий асосларигина холоста үлар ҳар бир хұжалик шароитига күра үзгариши мүмкін.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Дәхқончилик тизими деганда нимани тушунасиз ва уларнинг турларини күрсатинг.
2. Ибтидоий дәхқончилик тизимлари ҳақида нималарни билиб олдингиз?
3. Экстенсив дәхқончилик тизимларини таърифланг.
4. Интенсив дәхқончилик тизимларини баён этинг.
5. Суғориладиган ерләрда дәхқончиликнинг ўзига хос қандай хусусиятлари мавжуд?
6. Дәхқончилик тизимларининг ўзаро фарқданувчи белгиларини күрсатинг.

II. ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШ

1. ОЗУҚА ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИФАТ КҮРСАТКИЧЛАРИ

Чорвачиликда құлланиладиган озуқалар сифати, түйимлилігі, ҳазм бүлиш хусусиятларига құра З гурұхга бўлинади: ұсимликдан тайёрланган озуқалар, чорва маҳсулотларидан тайёрланган озуқалар ва минерал мoddалар.

Ұсимликлардан тайёрланадиган озуқалар. Энг кўп ишлатиладиган бу озуқа турига кўкат, пичан, сенаж, силос, дағал, ширали концентрат озуқа ва бошқалар киради. Энг арzon, түйимли, осон ҳазм бўладиган кўкат серсув, витаминли, хушбўй, муҳим органик ва минерал мoddаларга бой бўлиб, табиий ўтзорлардан, маҳсус экилган ем-харакат экинларидан олинади. Кўкат витаминларга, каротин, оқсил ва минерал мoddаларга бой бўлади. Дағал озуқалар гурӯхига пичан, сомон, бута ва дараҳт новдалари киради. Қийин ҳазм бўладиган бу озуқалар таркиби биринчи түқималар—клечаткаларга бойдир. Пичан қоритилган ұсимликдан, яъни ҳар хил табиий ўтзорларда экилган бир ва кўп йиллик ўтлардан ва бошқа ем-харакат экинларидан тайёрланади. Түйимлилги жиҳатидан у кўкатдан устун туради (1-жадвал).

I-жадвал

Кўкат ва пичаннинг түйимлилiği (1 кг озуқа таркибida, г)
(В.Далакъян ва бошқаларнинг маълумотлари)

Экин турлари	Озуқа бирлигиги	Протеин	Кальций	Фосфор	Каротин
<i>Кўкат:</i>					
бела	0,21	29	3,8	0,8	50
қизил себарга	0,21	27	3,8	0,7	40
баргак	0,18	28	2,4	0,6	65
оқсұхта	0,23	15	1,2	0,8	40

құнғирбош	0,23	24	2,9	1,7	35
<i>Пичан.</i>					
бела	0,68	127	21,3	1,9	40
қызыл себарга	0,52	79	9,3	2,2	25
баргак	0,54	108	11,0	2,5	25
оксүхта	0,41	39	4,7	2,2	15
құнғирбош	0,52	48	2,9	2,0	20

Концентрат озуқа (ем)— юқори түйимли озуқа сифатида донли ва дүккақли дон экинларининг дони (уруги) ишлатилади. Түйимлилiği жиҳатидан дон юқори күрсаткичларга эга. У оқсил моддасига, карбон сувлари, витаминларга бой бўлади. Сули, арпа, хашаки буғдой, жавдар, тритикале, жӯхори, маккажӯхори, нұхат, соя, бурчоқ катта куламда етишириладиган хашаки дон экинлари ҳисобланади. *Ширили озуқалар* гурӯхига кирадиган илдизмевалар, туганакмевалар, хашаки полиз экинларининг меваси серсув, карбон сувларига тўйинган, осон ҳазм бўлувчи, сут чиқишини кўпайтирувчи озуқалардир.

Консервалашибирилган озуқалар — силос, сенаж герметик усулда тайёрланади. Сенаж ем-хашак ўтлардан, силос эса силосланадиган экинлардан тайёрланади. Ҳайвонларни кўкат билан таъминлаш қийин бўлган қиши даврида кўпроқ қўлланиладиган бу озуқа тўйимлилиги жиҳатидан табиий ўтларга яқин туради. Бундан ташқари, бута ва дараҳтларнинг бир йиллик новдалари, тўкилган, шунингдек, асосий ҳосил йигилгандан кейин қолган барг ва поялар ҳам дағал озуқа сифатида ишлатилади.

Чорва маҳсулотидан тайёрланадиган озуқалар

Сут ва сут саноати чиқиндилиари. Улар чорвачиликда кенг қўлланилади. Қаймоғи олинмаган сут таркибида барча озиқ моддалар ва витаминлар мавжудлигидан у ёш молларни боқиша энг тўйимли озуқа ҳисобланади. Қаймоғи олинган сут эса оқсилга бой, аммо ёғи кам бўлади. Сузма ва пишлоқ ишлаб чиқарилгандан кейин қоладиган зардоб донли озуқаларга қўшиб, молларга берилади.

Гўшт ва балиқ саноати чиқиндилиари. Қон уни таркибида оқсил 80—90 фоизни ташкил қиласиди. Талабга қараб, ўсимликдан тайёр-

ланган озуқаларға құшиб ишлатилади. Гүшт-сүяқ таркибіда 50 фоиз оқсил ва тахминан 20—23 фоиз күл үнсурлари бұлади. Балиқчилик корхоналарыда асосий маңсулот чиқиндиларидан тайёрланадиган ба-лиқ уни фосфорға ҳам бойдир. Таркибіда 55 фоиз оқсил ва 22—32 фоиз күл, фосфор, кальций бұлған мазкур озуқа құшилмаси барча ҳайвонларға берилади.

Омихта ем. Бу ҳар хил озуқа аралашмаси бұлиб, унинг таркибіга кируди оқсил, минерал модда, витаминлар, тұқима, күл ва бөшқа ҳар құшилмалар миқдори бокишига мүлжалланған чорва турига, ёшига қараб, унинг биологик ва физиологик талабини қондидиган дәражалары нисбатта белгиланади. Омихта ем саноат корхоналарыда тайёрланади.

Озиқ-овқат чиқиндилари

Үн торғыш саноати чиқиндилари кимёвий таркиби ва түйимлилігига күра, түрлича бұлади. Дон (күпинча бұгдой ва жавдар) кепағи қишлоқ ұжалиғи ҳайвонлари учун ғоят түйимли озуқа бұлиб хизмат қилади. Бу жиҳатдан дондан паст тұрса-да, омихта ем ва озиқ ачитқиси тайёрлашда кенг құлланилади ва сомон, илдизмева ҳамда бөніқа озуқаларға араланытириб молларға берилади. Оқшоқ паррандаларни бокишида фойдаланилади, шунингдек, димланған ҳолда чүчқа ҳамда қорамоллар учун ҳам яхши озуқадыр.

Е-мой ишлаб чиқариш корхоналарыннан асосий чиқиндилари— кунжара ва кунжара толқони оқсил, карбон сувлари ва фосфорға бой озуқа ҳисобланади. Молларға кунгабоқар, зигир, кунжут, чигит кунжараси күп берилади. Чигит қаттық қобиқ билан үралғанлиғи сабабли кунжарасиннан түйимлилігі нисбатан пастроқ ва толқони таркибіда оқсил күп (43—45 фоиз) бұлиб, ҳазм бұлиши осон кечади, шунинг учун барча турлары молларға берилади. Умуман, кунжараның түйимлилігі ғоят юқори: зигир кунжарасиннан 0,7 кг, кунгабоқар кунжарасиннан 0,9 кг, соя кунжарасиннан 0,8 кг ва чигит кунжарасиннан 0,8 кг бир озуқа бирлигига тенг.

Қанд лавлагиниң қайта ишлаш чиқиндилари — турпи ва қиёми яхши озуқа хусусияттарынан зерттелуде. Заводларда лавлагининг шираси сиқиб олинғандан кейин қолған турпи таркибіда 93 фоиз сув, кам миқдорда оқсил ва минерал моддалар бұлиб, у асосан, соғин сигирларға ва бұрдоқыға бокилаёттеган қорамолларға берилади. Яңғы лавлаги турпининг 12 кг, құритилған мевасининг 1,2 кг бир озуқа бирлигига тенг. Лавлаги қиёми билан, асосан, чүчқалар ва қорамоллар

боқилади. 1 кг қиём таркибиде 0,8—1,0 озуқа бирлиги ва 41 г ҳазм бўладиган оқсил мавжуд. Олатда, қиём молларга сув ва дағал озуқага аралаштириб берилади.

Вино ва пиво ишлаб чиқариш корхоналарида барда, ундириб янчилган арпа қолдиқлари, арпа майсалари ва пиво ачитқиси сингари озуқабоп чиқиндилар ҳосил бўлади. Суюқ озуқа ҳисобланган барда молларга фақат янгилигина берилади, чунки у тез бузилади. Соғин сигирлар ва бўрдоқига боқилаётган қорамолларга суткасига дағал озуқа билан 3—5 кг қўшиб берилади. 1 т картошка, 1,5 т донни қайта ишлашда 3,6 т барда вужудга келади. 23 кг картошка, 11 кг маккажӯхори ва 10 кг буғдой бардаси бир озуқа бирлигига тенг келади. Ундириб янчилган арпа бўрдоқига боқилаётган молларга, қуритилган арпа майсалари соғин сигирларга омиҳта емга қўшиб берилади. Пиво ачитқиси янги ва қуритилган ҳолда ишлаб чиқарилади. Унинг таркибida 30—53 фоиз оқсил ва витаминалар, фосфор тузлари мавжуд.

Крахмал қиёми ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндиларига картошка, маккажӯхори, шоли турпи (мезга) киради. Янги турп таркибida сув кўп, унинг тўйимлилик даражаси эса паст бўлади. У ҳўл, қуритилган ва силосланган ҳолатда қўлланилади. Қуритилгани барча молларга берилади.

Озиқ-овқат чиқиндилари (умумий овқатланиш ошхоналари, ресторонлар, нон заводлари чиқиндилари) шаҳар атрофидаги чўчқачиликлда кенг ишлатилади. Ўрта ҳисобда 4—5 кг озиқ-овқат чиқиндиси-нинг тўйимлилиги бир озуқа бирлигига тенгdir.

Витаминалар озиқ-овқат саноати чорвачилик учун А, В₁, С, В₂, Д, Е ва бошқа витаминаларни ишлаб чиқармоқда.

Ҳайвонларнинг озиқланишинида асосий озиқ унсурлари билан бир қаторда минерал тузлар ҳам муҳим рол үйнайди. Минерал озиқлардан ош тузи, бўр, суюқ уни ва бир қатор микроунсурлар асосий озуқаларга қўшилади.

Озуқалар сифатига қўйиладиган талаблар. Барча турдаги озуқалар таркибida озуқа моддалари миқдори юқори булиши; заҳарли ва зарарли моддалар меъёридан ошмаслиги; озуқанинг ранги, ҳиди ҳар бир озуқа турига мос булиши; озуқа сифатли ва яхши ҳазм булиши; узоқ муддат сақланиш хусусиятига эгалиги каби умумий талабларга жавоб бериши лозим.

Озуқанинг сифати, тўйимлилиги кимёвий таркибига боғлиқ,

унинг таркиби эса сув ва қуруқ моддаладан иборат. Қуруқ модда органик ва минерал моддалардан ташкил топган. Органик моддалардан азотли моддалар (оқсил, амидлар), азотсиз моддалар (карбон сувлар, ёғ), витаминалар (А, В, С, Д, Е), минерал моддалар—макроунсурлар (Ca, Mg, Na, S, P, Fe) ва микроунсурлар (B, Mn, Co, Cu, Zn) ни ўз ичига олади. Ҳайвонлар учун кальций, фосфор, магний, натрий, тэмир жуда зарурдир. Озуқалар таркибida бу унсурлар етишмаса, улар қўшимча равишда берилади. Илдизмева ва туганак мевалар таркибida кальций ва фосфор кам, калий кўпроқ бўлади. Азотли моддалар ёки хом протеин оқсил ва оқсилеиз амидлардан ташкил топган. Озиқ турларига қараб, оқсил миқдори ҳар хил бўлади. Дуккакли экинлардан тайёрланган озуқаларда кўп миқдорда, дон таркибida 25—30 фоиз, гўшт, қон ва балиқ унида 50—80 фоиз оқсил мавжуд.

Ем-хашак экинларининг кимёвий таркиби ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш даврига, уларга бериладиган органик ва минерал ўғитларга, экин нави ҳамда экиш муддати, сақлаш шароити каби кўплаб омилларга боғлиқ. Шунинг учун илмий асосланган замонавий технологияда етиширилиб, вактида йигиб олинган, тўғри сақланган ем-хашак экинларининг тўйимлилиги юқори бўлади.

Озуқалар сифати озуқа бирлиги билан баҳоланади. Озуқа бирлиги МДҲ миқёсида 1922 йили қабул қилиниб, ҳозирги давргача ишлаб чиқаришда ва илмий ишларда қўлланиб келинмоқда: бир озуқа бирлиги 1 кг қуруқ сули донининг тўйимлилигига tenglashтирилган. Бу кўрсаткич билан ҳар хил экинлардан олинган ҳосилнинг озуқа бирлигини ҳисоблаш мумкин, ундан рационни (маълум муддатда бериладиган ем-хашак миқдорини) белгилашда, ем-хашак тайёрлаш режаларини тузишда ҳам фойдаланилали. Аммо айрим озуқалар тўйимлилигини сулига нисбатан аниқлашнинг иложи бўлмаганлигидан, уларни фақат кимёвий таҳлил қилиб, оқсил, ёғ, карбон сувлари миқдорини аниқлаш йўли билан озуқа қувватини билиб олса бўлади. Озуқаларнинг кимёвий таркиби ва ҳазм бўлиш даражаси ҳар хил. Уларнинг ҳазм бўлиш ва тўйимлилик хусусиятларини ошириш учун қўйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим:

- ем-хашак экинларининг юқори тўйимли навларини яратиш;
- озуқалар тўйимлилигини технологик тадбирлар орқали ошириш;
- селекция ишларини олиб бориб, юқори ва сифатли маҳсулот берувчи зотларни танлаш;
- биологик моддалардан фойдаланиш ва бошқалар.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

- 1 Барча озуқа турлари ўрнита ягона озуқа ишлаб чиқиш имконияти мавжудми?
- 2 Озуқа сифатини аниқлашда қандай усуздан фойдалантган мәъқул, деб ҳисеблайсиз?
- 3.Озуқа бирліги қандай мақсадларда ишилатылады?

2. ХАШАКИ ДОНЛИ ВА ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ

2.1. ДОНЛИ ЭКИНЛАР

Қишлоқ хұжалиғи экинлардың орасыда донли экинлар етакчи ўринни әгаллады. Бу гурухға киругчи бүддой, арпа, жавдар, тритикале, сули, тариқ, маккаждүхори, жұхори, шоли, маржумак асосан, озиқовқат да ем-хашак, техник мақсадларда етиштириледі. Экин майдони жиҳатидан ҳам ер юзида етакчи ўринде турувчы мазкур экинлар бутун деңгөнчилик майдонининг 70 фоизини ташкил қылады.

2000 йилда Ўзбекистонда донли экинлар сугориладиган ерларда 1022 минг гектарга, баҳорикор лалми срларда 200 минг гектарга экилған.

Донли үсимликларнинг барчаси құнғирбошлар оиласынан мансуб булып, унға сакқизта донли экинлар авлоди, тур, кенжә тур, тур хиллари киради.

Донли үсимликлар гурухлари

Донли үсимликлар морфологик белгилари ва биологик хусусиятларында күра иккі гурухға бүлинади.

1. Ҳақиқий доіши үсимликлар. Бу гурухға күзғи ва баҳорғи навларға эга бүддой, арпа, жавдар да сули үсимликлари киради. Уларнинг донида узунасынан кетген әтатча—чуқурча мавжуд. Экилгач, майса униб чиқишида бир неча бошланғич әки муртак илдизчалар ҳосил бұлади. Тұпгули — бошқоқ әки рұвак. Ушбу ёруғесвар экинлар иссиқликка құп муҳтож әмас, лекин тупроқ намига талабчан бұлади. Донли экинларнинг барчаси ем-хашак экипилари сифатида ҳам етиштириледі.

2. Тариқсімден донли үсимликлар. Бу гурухға маккаждүхори, жұхори, шоли, тариқ да маржумак киради. Ҳақиқий донли экинлардан фарқында равишида мазкур экинлар донида узунасынан кетген әтатча йўқ. Униб чиқиши даврида фақат биттә бошланғич муртак

илдизаси пайдо бўлади. Гултуплами — рўвак ёки сутали. Уларнинг ҳаммаси иссиқликка талабчан, совуқقا чидамсиз, қургоқчиликка (шолидан ташқари) чидамли, қисқа кунли баҳорги экинлар ҳисобланали.

Юқоридаги саналганилардан асосан, арпа, сули, тритикале, жавлар, жўхори, маккажӯхори см-хашак экини сифатида экилади.

I-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ДОНЛИ ЭКИНЛАРНИНГ УМУМИЙ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ

Дарс режаси: Донли экинларнинг тузилишини ўрганиш, морфологик белгиларини аниқлаши.


Керакли воситалар, асобб-аҷжомлар: муртак илдизчалари, консерва қилинган поя ва барг қисмлари, гултупламлар, урӯвлар, расмлар, уқув қўлланмалар.

Морфологияси. Донли ўсимликлар бир йиллик ўтсимон ўсимлик булиб, умумий морфологик белгиларга эга.

Илдизи. Яхши ривожланган попуксимон илдизи ерга 100—120 см ва ундан ҳам чуқур кириб борали, унинг асосий қисми ернинг ҳайдалма қатламида жойлашган бўлали. Икки хил: муртак ёки бирламчи ва асосий ёхуд иккиласмачи илдизлардан иборат. Муртак илдизи ургунинг униб чиқиши даврида ҳосил бўлади (I-расм). Асосий илдизлар кейинроқ, поянинг ер остики бўғимларида вужудга келади. Бундан ташқари, баланд пояли донли ўсимликларда (маккажӯхори, жўхорида) поянинг ер устки бўғимларида ҳам илдизлар пайдо бўлади. Булар таянч ёки ҳаво ишилизлар деб аталади.

Пояси. Сомон поя булиб ичи буш, бўйи 0,5—7 м.гача. Пояда 5—25 та бўғим мавжуд. Поянинг баландлиги ўсимлик тури ва навига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Барги. Оддий, тасмасимон шаклда, барг шапалоги ва барг қинидан иборат. Барг қини-



I-расм. Муртак илдизлари:

1—жандар; 2—сули; 3—маккажӯхори.


нинг барг шапалогига утар ерида иккита барг қулоқчаси ва ичкарисида тиличаси жойлашган (2-расм). Тилича сувнинг поя билан барг қини орасига тушишига түсқинлик қилади. Барг қинининг икки томонида ҳосил бўлган барг қулоқчалари барг қинини поядга ушилаб туришга ёрдам беради.

Гултұлами. Буғдой, арпа, жавдарда бошоқсимон; сули, жұхори, тарик, шолида супургисимон; маккажұхорида эса супургисимон ва сұтасимон бўлади (3, 4 ва 5-расмлар).

Меваси. Доның үч қисмдан: икки қазат қобиқ, эндосперм ва муртакдан иборат (6-расм). Уруғ қобигининг икки қатламли ташқи қисми *мева қобини* деб аталади. У тутунча деворларидан ҳосил бўлади. Қобиқнинг ички қисмida икки қатламли *уруг қобиги* бўлиб, у уруғ куртагининг иккита қобигидан ривожланади. Пустли донда, бундан ташқари, гул қобигидан ташкил топган донни үраб турувчи қобиқ бор.

Донли үсімліктарнинг ривожланиш даврлари

Донли үсімліктар уруғи экилгандан сұнғ янги уруғ ҳосил қил-



2-расм. Барг-нинг тузилиши:

- а—барг қини;
- б—қулоқчалари;
- в—тиличаси;
- г—барг шапалоги.


3-расм. Бошоқ.



4-расм. Рұзак.



5-расм. Маккажухори сутаси.



6-расм. Бүгдой донининг узунасига кесилгани:

ж—муртаги; *и*—муртак илдизчалари; *к*—куртакчиаси; *к*—қалқончаси; *а* ва *б*—мева пусты; *в* ва *г*—уруг пусты; *д*—эндосперминг алейрон қанаты; *э*—эндосперм; *н*—попуги.

гунча, маълум ривожланиш даврларини ўтайди. Бу даврлар мобайнида ўсимликтинг ўзида морфологик ўзгариш, янги органларнинг пайдо булиш ва шаклланиш жараёни кечади. Донли экинлар майса ҳосил қилиш, тупланиш, най ўраш, бошқолланиш ёки рўвакланиш, гуллаш ва пишиш каби ривожланиш даврларини ўтади. Ўсимликларнинг 10 фоизи маълум бир ривожланиш босқичига ўтганда, шундай давр бошланган, 75 фоизга етганда эса, унга тўлиқ кирган ҳисобланади. Ўсимликлар етила боришидаги бу даврлар табиий равишда, яъни дала шароитида кузатув остида давом этади.


Майсаланиши. Сув, иссиқлик ва ҳаво уруғнинг униб чиқиши учун керакли омиллардир. Сув уруғнинг бўртишига, эндоспермдаги захира моддаларининг эришига олиб келади.

Донли экинлар уруғининг бўртиши ва униб чиқиши бошқа тур экинларга қараганда камроқ сув, яъни қуруқ дон вазнига нисбатан

буғдой, жавдар дони 50 фоиз, маккажұхори 44 фоиз, сули 65 фоиз, арпа 50 фоиз, тариқ ва жұхори 25 фоиз сув талаб қылади.

Донли үсімліктарнинг иссиқликка әңгіе жи ҳам турлича. Буғдой, арпа ва жавдар донининг униб чиқиши учун әнді паст ҳарорат 1—3°C ұсқобланса, майсалар тұла пайдо булиши учун эса 5—6°C иссиқлик зарур. Маккажұхори ва тариқ әкинләри донининг униб чиқиши учун 8—10°C, жұхори учун 10—12°C иссиқлик керак.

Тұпланиши. Пояча үсіб, 3—4 барг қосыл қылганда бир оз ривожланишдан тұттайди. Шу даврда поячанинг ер остық бүгимларидан құшимча илдизлар ва поялар пайдо булади. Тұпланишнинг шохланышдан фарқи шундаки, құшимча илдизлар ва шохлар поячанинг ер остық бүгимидан үсіб чиқади (7-расм). Одатда, құшимча поялар ва илдизлар поячанинг ер бетига яқын жойлашған ер остық бүгимиде пайдо булади. Шу болыс ушбу бүгимге *тұпланиш бүгими* дейилади. Үсімлік ривожланиши учун мұхым бұлған бу бүгимден поялар ва иккіламчы асосий илдизлар пайдо булади.



7-расм. Буғдойнинг тұпланиши:
а—уруг; б—мұртак илдизшалар; в—поя; г—мұртак тұгунидан чиққан ён нөншалар; д—тұпланинг бүгими; е—бүгим илдизлари; ё—тұпроқнинг бети; ж—ён илдизлари; з—асосий пояси.

Най үраши (пояннинг үсиши). Тұпланиш пайтида дон әкинларининг пояси, бүгим оралиқлари ва гултұплами бошланғич қолатда булиб, барг поя ичида жойлашғанлығы учун күзға күрінмайды. Үсімлік узунасига кесилиб, заррабин орқали қаралғанда пояча ва унинг уннага бошланғич гултұпламни күриш мүмкін. Сұнgra пояча үса бошлайды, бу бүгим оралиқлари узайиши ұсқобига булади. Натижада тупроқ бетида поячанинг биринчи бүгими күзға ташланади. Үсімліктарнинг шу пайтдан зәтиборан бошланған най үраш даври гултұплам қосыл қилишигача давом этади. Бу босқычда үсімлік тез үсіб, вазни жадал ошиб боради. Табиий равиціда, сөзик моддаларга ва намға талабчанлығы ҳам кучаяди.

Бошоқланниши (рұвакланиши). Үсімлік поясининг үсиши, бұғим оралиқтарининг үзайиши натижасыда құзға күрінмаган гултұпlam ҳам үз қисмларини шакллантириб, поя бүйіча юқорига күтарилиб боради ва охирғи барғ қинидан ташқарға чиқады. Бу давр бошоқтың донли үсімлікларда бошоқланниши, рұвакли донли үсімлікларда рұвакланиши даври дейилады.

Гуллаши. Донли үсімлікларда бошоқ әки рұвак пайдо бұлғандан кейин тез орала, 2—3 кун үтгач, гуллаш бошланады. Жавдар эса бошоқланғандан 10—12 кун үтиб гуллайды. Арпа бошоқ барғ қини ичіда турған вактда гуллайды. Гуллаши жиҳатидан донли үсімліклар үз-үзидан chanгlanuvchi va четдан chanгlanuvchi үсімлікларға булинады. Үз-үзидан chanгlanuvchi үсімлікларға бұғдой, арпа, сули, тарық, шоли ва четдан chanгlanuvchilarға жавлар, маккажұхори, жұхори кирады.

Пишиши. Доннинг пишиш муддати уч даврга бұлинади:

1. *Сут пишиши* даври бошоқтар гуллагандан 8—10 кун кейин бошланади. Бу даврда үсімлік барғлари яшил бўлиб, фақат остиқи қисмилаги баргларгина сарғайды. Шаклланған яшил рангдаги дон эзилгандан сутсимон суюқлик ажралып чиқады. Доннинг намлиги 50—51 фоизни ташкил қиласы да унда органик моддалар тұпланиши давом этади.

2. *Мум пишиши* даврида донли әкинларининг поялари бутунлай сарнайды. Доннинг намлиги 25 фоизга тушиб, унда озиқ моддалар тұлық тұплланған бўлади. Мум пишиш даври 10—12 кунга тұғри келади.

3. *Тұла пишиши* даврида үсімлік түпнининг ҳамма қисмлари сарғайыб, дони қотады, җажми бир оз кичиклашады, намлиги 14—18 фоиз (лалми ерларда 8—10 фоиз) гача камаяды. 8—10 кун шивом этадиган бу даврда бошоқтың дон үсімлікларининг дони қуриб, тұқила бошлайды. Шунинг учун бу давр бошларыда ҳосил йигиб олинади.

БУҒДОЙ

Аҳамияти. Буғдой асосий донли үсімлік ҳисобланади. Доннинг таркибида оқсил ва крахмал күп бўлади. Айниқса, оқсилли моддалар- (асосан, клейковина) га бойлиги боис унидан сифатли нон тайёрланады.

Навига, әкиш шароитига қараб, буғдой дони таркибида 11,0 фоиздан 18—19 фоизгача оқсил моддасы бўлади. Буғдой нони таъми,

тўйимлилиги ва ҳазм бўлиши билан юқори баҳоланади. Нонидаги оқсилининг ҳазм бўлиши 95 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, буғдой донидан ёрма тайёрланади, уни макарон ва қандолатчилик саноатида ишлатилиди.

Дони, сомони ва похоли ем-хашиб сифатида чорва молларига берилади. Айниқса, янчиш пайтида чиққан чиқиндишлар чорва учун юқори сифатли озуқа ҳисобланади. Буғдой донининг тўйимлилиги 1,16 озуқа бирлигига teng.

Буғдой, шунингдек, техник аҳамиятга эга экин ҳисобланиб, унинг донидан спирт, крахмал, клейковина, декстрин, слим ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Тарихи. Энг қадимги маданий ўсимликлардан бўлган буғдой дехқончилик ривожланган Мисрда милоддан 6000 йил аввал экилган. Кавказорти, Украина, Европа ва Осиёда милоддан 4000 йил илгари экилганлиги маълум.

Ҳозирги вақтда буғдой бутун дунёда экин майдони жиҳатидан биринчи ўринда туради ва ер юзининг барча қисмларида экилади, майдони 215,5 млн. гектарни ташкил қилади. Ўзбекистонда ҳам асосий экинлардан ҳисобланиб, унинг майдони ҳозирги кунда 1,2 млн. гектарда етиштирилади.

Ҳосилдорлиги. Ўзбекистонда буғдой юқори ҳосил беради. Лалмиерларда ҳосилдорлиги ёғингарчилик миқдорига боғлиқ. Бундай ерларда буғдойдан ўртача 8—10 ц/га, сугориладиган ерлардаги илғор дехқон, фермер ҳўжаликларида эса кузги буғдойдан 65—70 ц/га дон олинади.

Биологияси. Кузги ва баҳори буғдой навлари мавжуд. Кузги буғдой куз пайтида экилиб, қишлиб чиққандан сўнг келаси йили ҳосил беради. Баҳори буғдой эса эрта баҳорда экилиб, ўша йили ҳосил беради.

Кузда экишда, албатта, буғдойнинг кузги навлари ишлатилиши керак. Баҳори навлар Ўзбекистонда экилади, шунингдек, ярим кузги навлар мавжуд бўлиб, уларни кузда ҳам, баҳорда ҳам экиш мумкин, ҳар икки ҳолда ҳам ўртача дон ҳосили олинади. Ярим кузги навларнинг қишига чидамлилиги баҳори навларга нисбатан юқори бўлади. Шунинг учун буғдойни куз пайтида экишда ярим кузги навлардан фойдаланиш керак.

Ўзбекистонда буғдой, асосан, кузда экилади. Чунки бу муддатда экилган буғдой кузги, қишки, баҳорги ёғингарчиликлардан яхши фойдаланади. Баҳорда эрта ўса бошлайди, яхши тупланади, баҳори

буудойга нисбатан 10—12 кун эрта пишади ва юқори (25—30 фоиз) ҳосил беради.

Тупрққа талабчан экин ҳисобланған бүгдой унумдор, бегона үтлардан тоза бүз ва үтілеки тупрқларда баравж ривожланади. Шұрланған тупрқларда яхши үсмайди, агар шундай ерларга экилациган бұлса, албатта шұри ювилиши керак. Күзги бүгдой озиқ үнсурларига, айниқса, азотта талабчан. Най үраш ва бошоқланиш даврларыда унинг азетта бұлған әхтиёжи кескин органилыгидан айни шу паллаларда озиқлантирилиши лозим. Лекин ортиқта озиқлантирилса, айниқса, азот үғити кузда құп берилса, үсимликларнинг қишиңе чидамлигиги насаяди, үсіші даврида ётиб қолиш ҳолати учрайди.

· Кузги буёдой намга талабчан. Най ўраш ва бошокланиш даврла-рида унинг сувга эҳтиёжи янада кучаяди.

Күзгі бұғдайни етиштириш технологиясы

Күзги буёдой унумдор тупроқли, бегона ўглардан тоза ва нам билан яхши таъминланган ерларни ёқтиради.

Үтмишдеши. Эртаги экинлардан бүшаб, келаси йилги тақрорий экинга мүлжалланган майдонларга экилади.

Лалмі ерларнің текислик ва пасттексілік ҳудудларыда күзгі бүғдойни тоза шудгорға, ундан юқориго мінтақаларда эса, банд шудғорға хам әкіш самаралидір.

Ерни ишлаш. Кузги бүгдий экиладиган ерларни ишлаш ундан олдин шу майдонда нима экилганлигига ва даланинг бегона ўтлардан қай даражада тозаланганингига қараб амалга оширилади. Бүгдой экишгэ мүлжалланган майдонлар сугорилади. Тупроқ етилгач, агадarma плут-лар ёрдамида 25–30 см чукурликда ҳайдалади, сүнгра борона ва мола босилади. Нотекис ерлар текисланали ва оғир бороналар билан зичланади, акс ҳолда кузги-қишки шароитларда бүгдой майсалари сий-раклашиб, нобуд булиши мумкин. Шүрлантанган ерларга кузги бүгдой экишдан олдин тупроқ ювилиши лозим.

Үйтлаш. Кузги бүгдий унумдор ерларда яхши ўсади. Режалаштирилгэн хосилни олиш учун ерга солинадиган ўйтлар мөчёри агрокимёвий картограмма маълумотларига асосан белгиланади. Кузги бүгдий минерал ўйтларга жуда талабчан бўлади. Ўсишининг дастлабки 4—5 ҳафтасида фосфорга, ўшиш даврининг бошидан гуллагунига қадар калийга, най ўраш ва бошоқланиш даврида азотга муҳтожлик сезади. Фосфорли ва калийли ўйтлар кузги бүгдойнинг қишига чидамлилигини оширади, доннинг етилишини тезлаштиради, поянинг ётиб колишидан ва турли замбуруғ касаллукларидан саклайди. Бироқ кўп

миқдорда азотли үғитлар солинганда тупланиш мұддати چүзиліб, поялдардаги бошоқтар бир вақтда етилмайды.

Буғдойзорнинг бир гектарига 180 кг азот, 90 кг фосфор, 60 кг калий солинади. Лекин унумдорлиги паст тупроқтарда бу миқдор 10—15 foизга құпайтирилалы. Күрсатылған йиллик миқдор ва муддатларда — экишдан олдин ҳамда үсімліктарнинг үсиш даврида озиқлантириш амалға оширилади.

Экиш муддаты. Күзги буғдойни мақбул муддатларда экиш катта ахамиятта эга. Унинг навлари лалми ерларга нисбатан сугориладиган ерларда әртароқ әкілади. Чунки бундай ерлар сув билан таъминланғанлығы боис уруғ әкілғандан кейин сугориш натижасыда майсаларни үндериб олиш мүмкін бўлади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, республикамизнинг шимолий ҳудудлари (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти) учун сентябр ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлиги, марказий вилоятларда сентябр ойининг сүнгіти ўн кунлиги, октябр ойининг бошлари ва жанубда октябрнинг иккинчи ўн кунлиги күзги буғдойни экишнинг агротехник қулай муддатлари ҳисобланади.

Лалмикор ерларда күзги дон әқинлари октябр ойининг иккинчи ярмида әкілади.

Урганин тайёрлаш. Сифатли уруғлик юқори ҳосил етиштиришда энг муҳим омиллардан бўлиб, асосан, йириқ, текис, қобиги шикастланмаган ва униб чиқиш даражаси юқори бўлган уруғлар әкілади.

Экиш. Күзги буғдой тор қаторлаб, даланинг бир томонига, яъни нишоблик йўналишига қараб әкілганлиги туфайли ёруғлик, сув ва озиқ моддалардан тенг фойдаланади. Бу ишни бажариш учун трактор ғилдиракларининг жойланиш масофасыда сеялканинг 1—2 та сошниклари беркитилиб, улардан уруғ әкілмайды. Кейинчалик ушбу қолдирилган қаторлар орқали буғдой сугорилади. Трактор ёрдамида қаторларга үғит ва гербицид берилади.

Уруғни экиш меъёри лалми ер ҳудудларига қараб ҳар хил булади. Тоғолди ва тоғлик жойларда, текислик ва пасттекислик ҳудудларда гектарига 2,0—2,5 млн. дона, яъни 60—70 кг. дан 120—125 кг. гача уруғ ишлатилади.

Сугориладиган ерларда уруғни экиш меъёри лалми ерларга нисбатан икки баробар қўп, яъни гектарига 4—5 млн дона уруғ сепилиши керак. Бу 180—220 кг уруғни ташкил қиласи.

Күзги буғдой уруғи 5—7 см, лалми ерларда эса 6—8 см чуқурликка әкілади.

Парваришиш. Кузги бүгдой парварини бороналаан, озиқлантириш ва суюришдан иборат. Эрта баҳорда, экиннинг тупланиши даврила қаторлар күндалангига қараб бороналанали. Бунинг натижасида тупроқ сатҳи юмшатилиб, берилган ўрит кўмилади ва ўсимликларнинг иллиз бўғизи очилади, натижала уларнинг яхши тупланишига имкон яратилади.

Озиқлантириш икки муддатда — бороналашдан олдин ва найўраш даври бошланганда ўтказилади.

Кузги бүгдой тупроқ-икълим шароитига қараб, 2—3 марта гача суюрилади.

Ҳосилини йигиш. Кузги бүгдой ҳосилини йигиш энг масъулиятли давр ҳисобланади. Ҳосил бүгдой пишганда бир йўла комбайнларда йигиб олинади. Олдин ўриб, кейин комбайнларда йигиб олиш ҳам мумкин. Бу усулда экинлар дони мум пишиқлик даврида маҳсус ўриши машиналарила ўрилиб, ерга ётқизиб кетилади. Бир неча кун ўтгач, доннинг куришига қараб, подборщик ӯрнатилган комбайнларда йигиб олинниб, янчилади. Ўримни 5—6 кун эрта бошлашга имкон берадиган бу йўсин туфайли нобудгарчилик кескин камаяди.

Баҳори буғдойни стишириш технологияси

Баҳори бүгдой кучли совуқ бўладиган минтақаларда экилиши керак. Бундай шароитда кузда экилган бүгдой қаттиқ совуқдан но- буд бўлади. Баҳори бүгдой эса қишки совуқлар ўтгандан кейин экилади. Шунинг учун Ҳамдўстлик мамлакатларида баҳори бүгдой кўп экилади. Унинг асосий майдонлари Сибир, Урал, Волгабўйи ва Қозогистонда жойлашган бўлиб, бу минтақаларда кузги бүгдойга нисбатан баҳори навлар кўп ҳосил беради.

Бундан ташқари, куз нокулай келган йиллари бүгдой баҳорда экилади. Натижада баҳори бүгдой майдони анча кенгаяди. Шунингдек, қишида совуқ қаттиқ, айниқса, қуруқ совуқ бўладиган шимолий минтақаларда, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, лалмикор ерларнинг тогодли ва тоғли ҳудудларида ҳам буғдойни баҳорда экиш тавсия қилинади.

Ўтмишдоши. Баҳори буғдойнинг иллиз тизими қучсизроқ ривожлангани учун озиқ моддаларни ва намни сингдириш қобилияти нисбатан паст бўлади. Тупроқда нам кам бўлса, унинг ўсиши ва ривожланиши секинлашади, қучсиз тўпланади, ер бетини тўла қопламайди ва шу сабабли баҳори бүгдой экилган майдонда бегона ўтлар кўп учрайди.

Ушбу хусусиятларига қўра, алмашлаб экишда баҳори буғдойни

кузги буғдойдан кейин жойлаштириш керак. Бундан ташқари, баҳори буғдойни чопиқталаб экинлардан кейин экиш мумкин. Бунда баҳори буғдойни бегона ўтлар кам босади. Ўзбекистон шароитида баҳори буғдойни кўпчилик экинлар — гўза, маккажӯхори ва бошқа экинлардан кейин экса ҳам бўлади.

Ерни ишлаш. Баҳори буғдойни экиш учун сифатли ишланган тупроқлар қулайдир. Уни кузда шудгор қилинган срларда мақбул муддатларда экиб олиш имконияти туғилади. Бунинг учун сугориладиган ер кузда 30—32 см чуқурликда шудгор қилинади, эрта баҳорда етилган ернинг намлигини сақлаш мақсадида шудгор бороналанади, экишдан олдин мола босилади. Лалми ерлар нисбатан саёз ҳайдалиб, экиш арафасида борона ва мола ўтказилади.

Ўғитлаш. Баҳори буғдойнинг ўсиш муддати нисбатан қисқалиги сабабли унга бериладиган ўғит меъёри кузги буғдойга нисбатан камроқ бўлади: сугориладиган ерларда 1 гектарга 10 т.гача гўнг, 120 кг азот, 70 кг фосфор ва 40 кг калий берилади. Лалми ерларда меъёрни 20—31 фоизга камайтириш мумкин, чунки бу жойларда нам камлиги сабабли ўғитнинг самараси ҳам паст бўлади.

Ўғитларнинг асосий миқдори экишдан олдин ёки экиш билан бир вақтда ҳамда ўсимликларнинг ўсиш даврида берилади. Кузги шудгорга зарур миқдорда гўнг, гектарига 40 кг фосфор ва 20 кг калий сочилади, белгиланган меъёрдаги азот, фосфор ҳамда калийнинг қолган миқдори экиш билан бир вақтда ва озиқлантириш даврида ишлатилади.

Экиш. Экиш учун юқори сифатли, йирик, оғир ва бир хил каталикда бўлган, униб чиқиш даражаси юқори, бегона ўт уруғларидан тозаланган уруғлар танланади.

Лалми ерларда баҳори буғдойни экиш муддати ҳудудларга қараб турлича бўлади. Уни текислик жойларда 20 февралда, пасттекисликларда 10 марта, тоғолди ҳудудларда 15 марта ва тоғли жойларда 1 апрелда экиб тамомлаш зарур. Баҳори буғдой сугориладиган ерларда феврал ойининг охири — март ойининг бошларида экилиши керак. Баҳори буғдой кузги буғдойга үхшаш усулда экилади, фақат экиш меъёри камроқ олинади. Сугориладиган ерларга гектарига 3,5—4,0 млн дона уруғ (120—150 кг) экилади.

Лалми ерларда экиш меъёри ҳар хил бўлади. Текислик жойларда бир гектар ерга 1,7—2,0 млн дона уруғ (70—80 кг), пасттекислик минтақада 2,0—2,2 млн дона (80—90 кг), тоғолди минтақаларда

2,2—2,7 млн дона (90—100 кг) ва тоғли жойларда 2,7—3,0 млн дона (110—120 кг) әкилиши қерак. Экишда уруғлар 5—6 см чүкүрликка күмилади.

• **Парваришлиш.** Баҳори буғдойни парвариш қилиш бороналаш, озиқлантириш, бегона ўтларга қарши қураш ва сугориши каби тадбирларни ўз ичига олади.

Буғдой майса ҳосил қылгандан кейин ёки ўсимликларнинг тупланишидан олдин борона қилинади. Лекин шунгача озиқлантириш амалга оширилади, сўнгра енгил эгри бороналар экин қаторларининг кўндалангига ўтказилади. Бегона ўтлар пайдо бўлиши билан ўтоқ қилинади ва уларга қарши гербицидлар ёрдамида куранн олиб борилади.

Сугориладиган ерларда экинларни сугориши асосий тадбирлардан ҳисобланади. Баҳори буғдой тупроқ шароитига қараб 2—3 марта сугорилади. Биринчи сугориш ўсимликларнинг тупланиш даврида, наъбатдаги сугоришлар бошоқланиш ва доннинг сут пишиш давларила ўтказилиши қерак.

Ҳосилини йигиши. Ҳосил кечиктирилмай, қисқа муддатларда йигиб олиниши қерак, акс ҳолда буғдой уруғлари тўкилиб кетиши мумкин. Бунда кузги буғдойни ўришда қўлланилайдиган машиналардан фойдаланилади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Буғдойнинг аҳамияти ва стиштирилиш тарихини баён этинг.
2. Буғдой биологияси ҳақида нималарни биласиз?
3. Кузги буғдойни стиштириш технологияси ҳақида сўзлаб беринг.
4. Баҳори буғдой стиштириш технологиясининг фарқли жиҳатлари нимада?

АРПА

Аҳамияти. Арпадан, асосан, чорва моллари учун озуқа сифатида, шунингдек, донидан пиво ишлаб чиқаришда ҳамда йирик донли навларидан озиқ-овқат саноатида (ёрма тайёрлашда) фойдаланилади. Арпа асосий ем экинларидан бўлиб, 1 кг доннининг тўйимлилиги 1,23 озуқа бирлигига, 1 кг сомонининг тўйимлилиги эса 0,49 озуқа бирлигига teng.

Тарихи. Марказий Осиёда қадимдан экиб келинган. 1954 йилги археологик текшириш натижаларига кўра, Жанубий Туркманистонда топилган арпа доннининг милоддан 5000 йил аввал экилганлиги аниқланди.

Хозирги вақтда арпа дунёнинг кўплаб давлатларида: Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка, Австралия ҳудудларида етиширилади. Экин майдони жаҳон бўйича 80 млн. га атрофида бўлиб, буғдой, шоли, маккажўхоридан сўнг тўртинчى ўринда туради. Республикамизнинг сувли ва лалмикор ерларида етиширилади.

Ҳосилдорлиги. Ўзбекистонда экилиб келинаётган арпа навлари биологик имкониятлари жиҳатидан ҳосилдорлиги юқори навлар жумласига киради. Суфориладиган ерлар гектаридан 40—50 центнер ва ундан ҳам юқори, лалмикор ерлар эса 10—15 центнергча ҳосил беради. Кузда экилган арпадан баҳорда экиладиганига нисбатан гектарига ўртача 6,3 центнер кўп ҳосил олинади.

Ўзбекистон ҳудудида арпанинг кўп қаторли ва икки қаторли турларига мансуб навлари етиширилади.

Биологияси. Арпанинг кузги, ярим кузги ва баҳори навлари мавжуд. Кузги навларни фақат кузда экиш мумкин бўлиб, у баҳорда экилса ҳам кўкариб чиқади, лекин ҳосил бермайди, чунки паст ёки совуқ ҳароратда бошлангич ривожланиш даврини ўтамайди. Бошқа навларни кузда ва баҳорда экиб, маълум даражада ҳосил олса бўлади, аммо кузда экилганда, мўл ҳосил беради.

Ўзбекистонда экиладиган арпа навларининг аксарияти ярим кузги бўлиб, улар яхши қишилайди. Арпанинг ташки омилларга: ёруғлик, иссиқлик, озиқ, тупроқ, намга бўлган талаби буғдойникига ўхшаш.

Арпа буғдойга қараганда эртапишар бўлиб, қургоқчиликка чидамлидир, лекин эрта ва кеч кузда экилганда совуққа чидамсизлиги яққол сезилади.

Етишириш технологияси

Ўтмишдоши. Суфориладиган ерларда қатор ораси ишланадиган экинлар ва дуккакли ўт экинлари арпа учун яхши ўтмишдошdir. Лалмикор деҳқончилик шароитида тоза шудгор ва дуккакли дон, ўт экинларидан бўшаган ерлар арпа учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Ўғитлаш. Арпа экини ўғитга талабчан. Тоғли, тоғолди, пасттекислик, лалмикор минтақаларда, айниқса, суфориладиган ерларда ўғитларнинг самараదорлиги юқори. Арпага месъёрдаги органик ва минерал ўғитларнинг асосий қисми кузда ва озиқлантиришда берилади. Кузда экишдан олдин лалмикор ерларга гектарига 8—10 тонна гўнг, 40 кг фосфор ва 60 кг калий (соғ модда ҳисобида) солинади, баҳорда эса тоғолди ҳудудларида 60 кг, пасттекислик ҳудудлар-

да 40 кг ҳисобида азот билан озиқлантирилади. Суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектарига 20 тонна гүнг, соф модда ҳисобида 180—200 кг азот ва фосфор ҳамда 80—100 кг калий ўғитлари берилиши лозим. Органик ўғит, 35—45 кг фосфор ва калий ҳамда азот биргаликда кузда ерни ҳайдаш олдидан далага сочилади. Юқоридаги месъёрда органик ўғитни ерга бериш имконияти бўлмаса, камида 5 тонна гүнг қўлланилиши керак. Суғориладиган ерларда арпанинг ўсиш даврида айниқса, ўсимликнинг тупланиши ва най ураш даврида камида икки маротаба азотли ўғит билан озиқлантирилиши ҳосилдорликни оширишга ижобий таъсир қўрсатади.

Ерни тайёрлаш. Лалмикор деҳқончилик шароитида ер 22—25 см чуқурликлида ҳайлалиб, экиш олдидан борона ва мола босилади. Суғориладиган ерлар ҳайдашдан олдин ғек гарига 700—800 м³ миқдорида суғорилиб, этилиши билан 25—35 см чуқурликлида ҳайдалади.

Экиш. Йирик, тоза, бир текис уруғ танланиб, экишдан олдин касалликлар ва ҳашаротларга қарши деразол, раксил, тузил, девидент ва бошқа препаратлар билан дориланади. Бунда маҳсус қўлланма ва қўрсатмаларга риоя қилиш лозим.

Арпани экиш муддати ҳар қайси минтақанинг табиий иқлими шароитига мос бўлиши керак. Лалмикор деҳқончиликда уни экиш муддати: тоғли, тоғолди худудларда сентябр ойининг охири ва октябр бошига, адир ёки пасттекислик жойларда октябр ойининг ўтасига, текислик минтақада октябр ойининг охири ва ноябрнинг бошига тўғри келади. Суғориладиган ерларда кузги арпани сентябр ойининг охири-октябрнинг бошида эккан маъқул.

Арпани экиш меъёри минтақа шароити, павнинг биологик ҳусусиятлари, уругнинг йириклиги (1000 донасининг вазни) ва уруғликнинг экишга яроқлилик дараҷаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Арпа ва буғдой бир хил усулда экилади. Экиш меъёри тоғли ва тоғолди лалмикор деҳқончилик худудларида гектарига 4 млн дона, пасттекислик лалмикор зонала эса 3,5 млн уруғ ҳисобида бўлиши тансия этилади. Суғориладиган ерларда экиш меъёри гектарига 4,5 млн дона бўлиши яхши натижা беради. Агар баҳорда экиладиган бўлса, экиш меъёри 15—20 фоизга камайтирилиши лозим.

Арпанинг экиш чуқурлиги лалмикор ерларда 5—6 см, суғориладиган ерларда тупроқ шароитига қараб 4—6 см бўлиши керак.

Парваришлаш. Суғориладиган ерларда арпа экилиши билан эгатлар орқали сув берилади.

Арпанинг тупланиш даври бошларида далани кўндалангига бо-

роналаш фойдалилди. Агар экинзорни кўп миқдорда бегона ўтлар қоплаган бўлса, маҳсус гербицидларни қўллаш зарур бўлади.

Ҳосилини йигиши. Бу иш комбайнлар ёрдамида амалга оширилали. Ҳосилни ўришни мум пишиш охири ва тўла пишиш даврининг бошланиши биланоқ, қисқа муддатда ўтказиш лозим. Акс ҳолда ҳосилнинг бир қисми тўкилиб, тез нобуд бўлади. Сенаж тайёрлаш учун арпа бошоқланиш даврида ўрилади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Арпанинг бошқа бошоқли экинлардан фарқи нимада?
2. Арпа экинининг морфологиясини баён этинг.
3. Арпанинг турларини таърифланг.
4. Арпани етиштириш агротехникасини баён этинг.

ЖАВДАР ВА ТРИТИКАЛЕ

Аҳамияти. Жавдар унидан тайёрланган нон ўзининг тўйимлилиги ва яхши таъми билан алоҳида ажralиб туради. Жавдар ва тритикале дони чорва моллари учун тўйимли озуқа бўлса, кўк массаси сенаж тайёрлаша кенг қўлланилади. Дон учун экилган ўсимлик сомони чорва моллари учун дағал озуқа бўлиб хизмат қиласи. 1 кг жавдар кўкатининг тўйимлилиги 0,74, 1 кг сенаж тўйимлилиги 0,24 озуқа бирлигига тенг. Шунингдек, жавдар сомонидан турли хил маҳсулот (қоғоз, целлюлоза, фурфурол, сирка, лигнин ва бошқа) лар тайёрланади.

Тарихи. Жавдар милоддан аввалги I асрда Италияда, милодий XIII асрда эса Сибирда экила бошланган. Тритикале XX асрнинг янги дон ўсимлиги бўлиб, буғдой билан жавдарни чатиширишдан ҳосил бўлган дурагай сифатида бу икки ўсимликнинг белги ва хусусиятларини сақлаб қолган. Бошогининг кўриниши, тузилиши, донининг шакли буғдой ва жавдарни эслатади. Аммо қуйидаги кўришилари билан улардан ажralиб туради: жавдарнинг пояси йўғон, пишиқ, ётиб қолишга чидамли, барги ва бошоги катта, дони йирик ва ингичкароқ, тритикаленики эса тўлароқ бўлади.

Жавдар экиладиган майдон жаҳон бўйича 17 млн гектарни ташкил қиласи. Ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 18 центнер атрофида бўлиб, кузги буғдойдан кейинги ўринда туради. Узбекистонда жавдар асосан, оралиқ экин сифатида кузда экилиб, кўк пой олинади.

Тритикале суфорилалигига ёрларда оралиқ экин сифатида кузда ва ёзинг охири—кузда (август) экилса, мўл кўк масса ва дон беради.

ди. Ўзбекистон шароитида тритикале жавдарга нисбатан юқори ҳосиллиги, тўйимли концентрат озуқа ва сифатли кўк поя бериши билан ажралиб туради.

Жавдар бир гектар ердан 40—50 ц дон ва 400—450 ц.гача кўк поя беради.

Тритикале ҳосилдорлиги давлат нав синаш майдонларида 80—81,8 ц/га донга, 500 ц/га кўк пояга тўғри келган.

Биологияси. Жавдар — бир йиллик, асосан, кузги ўсимлик, бироқ унинг баҳори навлари ҳам учрайди.

Жавдар ва тритикале 6—12°C ҳароратда кўкаради. Совуқка чидамли бу экиннинг илдиз тизими яхши ривожланади. Сувга энг талабчан лаври — най ўрашдан бошоқланишгacha давом этади. Шу даврда нам етарли бўлмаса, бошоги кичик ва камҳосил булади. Жавдар четдан чантланувчи, тритикале ўз-ўзидан чантланувчи экиндири.

Кузги жавдар буғдойга қараганда эрта пишади. Ўзбекистонда тритикале буғдойга нисбатан бир оз кеч ёки кечпишар буғдой навлари билан бир вақтда етилади.

Етиштириш технологияси

Ўтмишдоши. Жавдар ва тритикалега чопиқ талаб ва ўт экинлари яхши ўтмишдошидир, Ўзбекистоннинг лалмикор ерларида экилмайди.

Ўйтлаш. Кузда ерни ҳайдашдан олдин органик ва минерал ўғитлар сочилади. Шароитга қараб, ер 25—30 см чуқурликда ҳайдалиши лозим. Гектарига 20—30 тонна гүнг, 120 кг азот, 90 кг аммофос ва 60—70 кг калий солинади. Кучли шўрланган ерларга экиш тавсия этилмайди. Фосфорли ва калийли ўғитлар кузда, экишдан олдин ёки экиш билан бир вақтда, азотли ўғит эса экиш вақтида, экилгандан кейин ва эрта баҳорда озиқлантиришларда берилади.

Экиш. Бу экинларнинг экиш меъёри буғдойга қараганда 10—12 фоиз кўпроқ бўлади. Экиш чуқурлиги 5—6 см.

Парваришлаш. Кузда экилгач, тезда сугориш лозим. Ўсиш даврида 2—3 марта сугорилади.

Кўк поя учун экилган жавдар ва тритикале дони тўла етилганда комбайнларда йиғиб олинади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Жавдарнинг аҳамияти ва биологиясини баён этинг.
2. Тритикаленинг эътиборга молик ҳусусияти нимадан иборат?
3. Тритикаленинг бүгдойдан фарқи нималарда куринади?
4. Жавдар ва тритикални етиштириш технологиясини сұзлаб беринг.

СУЛИ

Аҳамияти. Сулининг дони, сомони ёки кўк пояси чорва учун тўйимли озуқа сифатида ишлатилади. Шунингдек, донидан ёрма тайёрланади, у яхши ҳазм бўладиган оқсил, мой, крахмал ва витаминларга бой. Сулининг сомони бошқа донли экинларнига қараганда тўйимлилиги билан чорвачиликда қимматлидир. 1 килограмм сули донининг тўйимлилиги 1 озуқа бирлигига teng.

Тарихи. Сули қадими экинлардан бўлиб, ўз вақтида буғдой ва арпа билан аралаш ҳолда ўсган. Та什қи шароитта чидамлилиги боис кейинчалик алоҳида экила бошлаган. Европада сули экини милоддан 1500—1700 йиллар илгари маълум бўлган. Ҳамлўстлик дашлатлари худудларида эса XI асрдан экиб келинади.

Дунёда сулини экиш майдони 26 млн га.ни ташкил этади ва Фарбий Европа, АҚШ ҳамда Канадада кўп миқдорла экилали. Ўртacha 19 ц/га дон ҳосили беради.

Ўзбекистонда сули дони ва кўк пояси учун экилиб, майдони жиҳатидан ариадан кейинги ўринда туради. Республикализнинг сугориладиган ерларида сулидан 20—35 ц/га дон ҳосили ва 150—400 ц/га кўккат етиштирилади.

Биологияси. Уруғи 2—3°C да уна бошлайди, ўсиб чиқиш ва туплаш даврлари учун 15—18°C энг қулай ҳарорат ҳисобланади. Ёш ниҳоли 8—9°C совуққа чидаши мумкин.

Илдизи тез ривожланиши сабабли қурғоқчиликтан баҳори буғдой ва арпага қараганда кам зарар кўради.

Қобиқли навлари қобиқсиз донилларига нисбатан намга талабчанроқ. Униши учун дони оғирлигининг 60 фоиз миқдорида нам шимади. Транспирация коэффициенти 474 га тенг. Сулининг тупроқ шароитларига талабчанлиги бошқа ғалла экинларига қараганда пастроқ, нам илдизи 120 см чуқурликка ва ёнига 80 см. гача ўсиб боради. Ўсимлиги тупроқдаги қийин эрувчи озиқаларни яхши ўзлаштира олади. Кучли шўрланган тупроқларда эса юқори ҳосил бермайди (8-расм).

Етиштириш технологияси

Ўтмишдоши. Сули учун энг яхши ўтмишдош бўлиб чопик талаб экинлар, айниқса, дуккакли дон экинларидан бўшаган ёрлар ҳисобланади. Сулини лавлагидан кейин экиш тавсия этилмайди, чунки нематод зарапкунандаси унга зиён келтириши мумкин.

Сулини бир майдонда икки йил муттасил экиш ҳосилдорликнинг кескин камайиб кетишига олиб келади.

Ерни ишлаш тартиби бошоқли дон экинлари билан бир хил.

Ўғитлаш. Сули экини органик ва минерал ўғитларга, айниқса, азотга талабчан. Илгарилан ҳайдалиб келинадиган ер шароитида азот, фосфор, калий ўғитларини қўллаш туфайли ҳосилдорлиги ошади.

Экиш. Экиш муддати, меъёри, усули ҳамда экиш чуқурлиги арпаникига ўхашаш. Баҳорда экишни Эрта ўтказиш (феврал ойининг охири — мартнинг бошларида) яхши самара беради. Такрорий экинларни кеч экиш улардан кам ҳосил олишга сабаб бўлади.



8-расм. Сули рўваги.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сулининг аҳамияти ва биологиясини баён этинг.
2. Сули стиштириш технологиясининг хусусиятлари нималардан иборат?
3. Сули учун ер ва ўтмишдош танлаш тартибини сузлаб беринг.

2-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШФУЛОТИ

БИРИНЧИ ГУРУҲ ДОНЛИ ЭКИНЛАРНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ


БУГДОЙНИНГ ТУРЛАРИ

Дарс режаси: Бугдойнинг тур ва навлари билан танишиш.

Керакли воситалар: юмшоқ ва қаттиқ бугдой тур ва навларининг на-
муналари.

Буғдойнинг 22 та маданий ва ёввойи турлари мавжуд. Улар морфологик, биологик хусусиятларига қараб бир-биридан фарқ қиласиди. Ишлаб чиқаришда буғдойнинг икки туридангина фойдаланилади.

Юмшоқ буғдой — бу экиннинг энг кўп тарқалган тури бўлиб, кузги, ярим кузги ва баҳорги навларга эга. Суғорилалиган ерларда бўйи 100—120 см, лалми срларда 80—90 смга етади. Бошоқдаги бошоқчалари сийрак жойлашган, қилтиқди ва қилтиқсиз шаклларга эга. Қилтиғи бошогига нисбатан калта ва тарқоқ. Экин майдони жиҳатидан қаттиқ буғдой юмшоқ буғдойдан кейин иккинчи ўринда туради. Бу турдаги буғдой бошоги узун, бошоқчалари зич, деярли ҳамма навлари қилтиқли, бошоги ясси шаклда. Қилтиқлари бошоққа нисбатан узун ва ёнма-ён жойлашган (9-расм).



9-расм. Буғдойнинг турлари:
1 — қаттиқ буғдой; 2, 3 — юмшоқ буғдой.

Ўзбекистонда «Сангзор—4», «Сангзор—6», «Деметра», «Княжна», «Крошка», «Хосилдор» каби юмшоқ, «Карлик—85», «Марварид» қаттиқ бүгдой ва бошқа навлари экилади.

АРПАНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ ВА ТУРЛАРИ


Дарс режаси. Арпанинг тузилишини, фарқли морфологик белгиларини турлар бўйича аниқлаш.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: арпа турлари бўйича ўсимлик намуналари, гербарий, бошоқлар, уруғлар, расмлар, ўкув қўлланмалар.

Морфологияси. Маданий арпа бир йиллик ўсимлик бўлиб, кузги ва баҳори турлари мавжуд. Майсаси тўқ яшил, тури тик турувчи. Пояси говак-найсимон, баланллиги 70 см.дан 90 см.гача. Баргининг узунлиги ва эни ҳар хил, тўқ яшил рангда. Барг қини ва шапалоги туксиз. Барг тилчаси, калта қулоқчалари яхши ривожланган, энли ва узун, охири бир-бирига кириб туради.

Гул тўплами — бошоқ. Бошоқ ўқининг ҳар бир устунчасида биттадан гулга эга бўлган учта бошоқча жойлашади. Бу бошоқчалар бошоқ ўқининг атрофида вертикал тартибда ўрнашган ва бошоқ ўқининг охиригача давом этади. Ҳар қайси бошоқчанинг икки томонида қобиқлари жойлашади. Улар бошика донли ўсимликларга нисбатан арпада жуда майда чизгичсизмон ёки чизғич-ланцетсизмон шаклда бўлади. Гул қобиқларидаги ташқи гул қобиқ гунчасимон, кенг, бешта томирга эга бўлиб, қилтиқ билан туттальланади (10-расм).

Арпа қилтиқлари ва тишларининг мавжудлиги билан фарқ қиласди. Қилтиқлар ғадир-будир, текис ёки ярим текис бўлиши мумкин. Текис қилтиқлар охирда бир неча тишларга эга. Ярим текис қилтиқларининг иккidan бир қисмини тишчалар эгаллаган, ғадир-будир қилтиқларда бошдан-оёқ



10-расм. Арпа бошоқчасининг тузилиши:

- I — пўстли дони; 2 — етилмаган пўстли дони;
- 3 — бошоқча қипиқлари; I — пўстли дон ва иккита бошоқча қипиғидан изборат арпа бошоқчаси;
- II — икки қаторли арпанинг унта бошоқчаси (икки четлагиси етилмаган) билан бошоқ ўзагининг бўгими.

тишчалар мавжуд. Арпанинг қилтиқсиз навлари ҳам бор. Қобиқли арпанинг дони йирик, узун ёки эллипссимон шаклда, қобиқсиз арпанинг дони кең ва тұлишган шаклда бўлиб, охири ингичкалаши.


Бошоқчаларниң бошоқ ўқида жойлашуига қараб, арпа уч маданий турға бўлинади: а) кўп қаторли арпа; б) икки қаторли арпа; в) оралиқ арпа.

Кўп қаторли арпа бошоқ ўқининг ҳар бир устунчасида учта ривожланган бошоқчага эга. Улар биттадан учта дон ҳосил қиласи. Кўп қаторли арпа *тўғри олти қаторли ва нотўғри олти қаторли* бўлади.

Икки қаторли арпада ҳам бошоқ ўқининг ҳар бир устунчасида учтадан бошоқ ривожланиб, фақат ўртадаги си дон ҳосил қиласи. Ён томондаги бошоқчалар мева-сиз бўлиб, бошоқ ўқига ёпишган ҳолда туради. Шу сабабли икки қаторли арпаларда бошоқнинг юза томони энсиз, ён томони эса кең бўлади. Бошоқда икки қатор бошоқчалар дон ҳосил қилгани учун *икки қаторли арпа* дейилади.

Оралиқ арпанинг бошоқлар устунидаги бошоқчалар ҳар хил миқдорда (1, 2, 3 та) дон ҳосил қиласи (11-расм).

Арпа навлари. Ўзбекистонда арпанинг «Ойқор», «Болғали», «Мавлоно», «Афросиёб», «Гулноз», «Темур», «Зафар», лалмикор ерларда «Байшешек», «Нутанс—799», «Қарши» каби навлари етиштирилади.



11-расм. Арпанинг турлари:

а—тўғри олти қаторли арпа бошоги; б—нотўғри олти қаторли арпа бошоги; в—икки қаторли арпа бошоги.

ЖАВДАРНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Дарс режаси: Жавдарнинг тузилишини ўрганиш, морфологик белгиларини аниқлаш.

Керакли восигалар, асбоб-анжомлар: усимлик намуналари, гербарий, бошоқлар ва уруғлар, кургазмали расмлар, ўкув қўлланмалар.

Маданий жавдар бир йиллик усимлик ўлиб, асосан, кузги экин ҳисобланади, унинг баҳори турлари (баҳори жавдар) ҳам учрайди.

Жавдарнинг пояси ғонак-найсимон, бўйи 10—200 см ва ундан ҳам баланд бўлиши мумкин. Поя 4—7 бўғим оралиқларига эга ва яланточ ёки тукли кўринишда, яхши тупланади. Пояси баланд бўлганлиги учун ётиб қолишига мойил.

Барги буғдойникига нисбатан энли, барг тилчаси калта, қулоқчалари ҳар хил шакл ва узунликда, кўпинча жуда қисқа бўлади. Ён томонлари сиқик, бошоги икки томонга йўналган калта қилтиқларга эга (12-расм).

Жавдар дони думалоқ, чўзинчоқ ёки понасимон шаклда ҳам бўлиши мумкин. Узунасига кетган эгатчаси учida попуги бор, яшилдан жигарранггача ўзгариб туради. 1000 та донининг вазни 18—35 г келади.

Ўзбекистонда жавдарнинг «Қирғиз—1», «Вахшская—116» навлари, тритикаленинг «Многозерний—2», «Праг Серебристий» ва «Узор» навлари экилади.



12-расм. Жавдар:
1—бошоги; 2—бошоқчаси.

МАККАЖУХОРИ

Аҳамияти. Маккажўхори юқори ҳосил берувчи донли усимликлардан ҳисобланиб, озиқ-овқат, ем-хашак, техник ва агротехник аҳамиятта эга.

Маккажўхори дони жуда тўйимли, озиқ-овқат вазифасини бажаради. Таркибида ўрта ҳисобда 10,6 фоиз оқсил, 68—69 фоиз

азотсиз экстрактив моддалар, 4,3 фоиз мой, 2,0 фоиз түқима, 1,4 фоиз кул моддалари мавжуд.

Дони ва пояси ем-хашак сифатица ишлатилади. 1 кі маккажұхори дони 1,34 озуқа бирлигига эга бўлиб, уй паррандаларига ва молларга бутунлігича ёки ёрма ҳолида берилади. Кўк поясидан чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланилади, ундан хашак тайёрланниши мумкин, дони сут-мум пишиш даврида ўрилганда поясидан юқори сифатли силос тайёрланади. Сутаси билан тайёрланган силоснинг 1 кг да 0,22 озуқа бирлиги бор.

Агротехник аҳамияти — қурғоқчиликка чидамли ва чопик талаб ўсимлик бўлгани учун бегона ўтларнинг камайишига олиб келлади.

Етиштириш технологияси

Рұза, донли ва айниқса, дуккакли дон ўсимлеклари маккажұхори учун яхши ўтмишдош экинлар ҳисобланади.

Ўғитлаш. Маккажұхори ўғитга талабчан ўсимлик. Кузда ҳар гектар ерга 10—20 тонна гүнг, 90—100 кг фосфор ва 60—70 кг калий ўғитлари қўлланилади. Талаб этиладиган азотли ўғит миқдорининг ҳаммаси 120—150 кг/га, фосфорли ва калийли ўғитларнинг қолган қисми маккажұхорини экиш билан биргаликда ва озиқлантириш пайтида берилади. Ўсиш даврида иккى марта — ўсимликда 3—4 та барг ҳосил бўлгандага ва оталик тўпгули вужудга келишига 8—10 кун қолганда озиқлантирилади. Ўғит маҳсус ўғитлагич машиналарида берилади.

Ерни тайёрлаш. Маккажұхори экиладиган ер кузда шудгорланади. Тупроқнинг хусусиятига қараб, шудгорлаш 28—30 см ва ундан ҳам чуқурроқ бўлиши мумкин. Чимқирқарли ёки иккى ярусли плуг ёрдамида шудгор қилинади. Эрта баҳорда тупроқ бороналанади. Шудгорда экишгача бегона ўтлар пайдо бўлса, 8—10 см чуқурликда культивация қилинади, кейин бороналаниб, кетидан мола босилади.

Уруғини тайёрлаш. Ҳозирги вақтда уруғлик маҳсус заводларда тайёрланади. Лекин уни ҳар бир ҳўжаликда ҳам тайёрлаш мумкин. Янчилган дон тозаланиб, маҳсус машиналарда йириклиги бўйича сараланади. Экиладиган уругнинг тозалиги 99—99,8 фоиз, униб чиқиши даражаси 85—95 фоиз бўлиши керак.

Экиш. Маккажұхори бақорда тупроқнінніссиқлик ҳарорати 10°C га етганды әкілади. Үзбекистоннинг жанубий вилоятларида 15—20 мартта, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ҳамда Фарғона водийсінде 20—25 мартта, Хоразм вилояты ва Қорақалпогистонда 10 апрелгача әкілади. Умуман, ҳар бир вилоят шароитида чигит әкиш бошланғунга қадар маккажұхори әкишни тамомлаш керак. Бундан ташқари, уни ёзда ҳам әкиш мүмкін. Кеч әкілганды ҳосили нисбатан кам бұлади.

Маккажұхори көнг қаторлаб, қатор ораси 60, 70, 90 см қилиб әкілади. Навига қараб, ҳар 15—20 см оралықда битта үсимлик қолдирилади. Эртапишар нав ва дурагайларда бир гектар ерда 70—80 минг үсимлик, уртапишар нав ва дурагайлар әкілганды гектариде 50—55 минг үсимлик қолдирилиши керак. Кечипишар навлар ва дурагайлар әкілганды эса бир гектар ерда 40 минг үсимлик қолдирилади.

Ҳар гектар ерга сарф бұладиган уруғ миқдори унинг йириклигига ва униб чиқиши даражасига бояғын. Шу хусусиятларыңа қараб, уругни әкиш мөндері гектарига 15—20 кг.дан 25—70 кг.гача бұлади. Уруғ 7—10 см чуқурлукка күмілади.

Парваришилаш. Маккажұхорини парваришилаш тупроқ қатқалоғына қарши кураш, қатор ораларини ишлаш, яғаналаш, озиқлантириш, сугориши каби тадбирлардан иборат.

Ұсиш даврида уч марта культивация қилинади. Үсимликда 3—4 та барғ ҳосил бұлғанды бириңчи культивация үтказилади. Атрофидаги бегона үтлар чопиқ қилиниб, йүқотилади. Бириңчи культивациядан сүнг 10—15 кун үтгач, иккінчи культивация, ундан 10—15 кундан кейин учинчи культивация үтказилади.

Кейинги йилларда бегона үтларға қарши курашда гербициллардан кенг фойдаланылмоқда. Ҳозирги вақтда бегона үтларни йүқөтишда әкишдан олдин агелон (4—6 кг/га), атразин (3—8 кг/га) тресфлан (1—2 кг/га) ишлатилади. Майсаланиш даврида 2,4-Д-амин тузи (2 кг/га), 2,4-Д-бутил эфири (0,4—1,2 л/га) құлланилади.

Навига, тупроқ шароитига қараб 3—6 марта сугорилади: үсимлик түпгүл чиқармасдан олдин 1—2 сугориши үтказилади. Түпгүл чиқарыши ва доннинг етилиш даврларыда маккажұхорининг сувга талабчанлығы яна ҳам ортади: Бу даврда тез-тез, яъни ҳар 12—15 кунда 800—900 м³ миқдорида сув беріб туриш керак. Ҳар сугоришидан кейин қатор оралары культивация қилинади.

Маккажұхорини беда, дуккақли дон үсімліктер билан берілген күштіб әкиш ҳам мүмкін. Такрорий әкін сифатыда күзгі әкінлардан бүшаган срларға әкиш алоқыда үрин тутади. Күзгі әкінлар йиғиб олинғач, ер әкишга тайёрланади ва уруғ әкілгандан сұнғ суғорилади. Такрорий әкін сифатыда әкілганды маккажұхорининг агротехникасы баһорда әкілганды маккажұхори агротехникасыдан кам фарқ қыладади. Қағат бунда әртапишар нав ва лурагайлар әкилиши керак. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда «Перекоп ТВ» ва «Ўзбекистон—306 МВ» әртапишар дурагайлари әкілмөкда. Улар такрорий әкін сифатыда әкілгандада гектаридан 35—50 ц дон беради.

Ҳосилини йиғиши. Сирос учун әкілганды маккажұхори донининг сут-мум пишиш даврида КСК—100, «Вихрь», КС—1,8 комбайнлари ёрдамида үрілади.

Дон учун әкілганды маккажұхори дони тұла пишганда йиғиши тириб олинади. Бунда «Херсонец—200», «Херсонец—7» комбайнлари маҳсус ишлатилади. Бу комбайнлар маккажұхорини үріш, уннинг поясини майдалаш, сұталарини поядан ажратып олиб, қобигини арчиш каби ишларни бир йұла бажаради. Сұталар оддий дон яңчиш машиналарда ёки комбайнда яңчилиши мүмкін.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Маккажұхорининг ақамияти ва биологиясини баён этинг.
2. Маккажұхори қандай үйітларға талабчан?
3. Маккажұхорини сирос ва дон учун етиштириш технологияларини қиёсланг.
4. Маккажұхорининг етиштирилаёттан қандай навларини биласиз?

ЖҰХОРИ

Ақамияти. Энг муҳим донли үсімлік бұлған жұхори озиқ-овқат, ем-хашак, техник ва агротехник ақамиятта эга.

Ем-хашак сифатыда жұхорининг дони ва пояси ишлатилади. Уннинг дони үй паррандалари ва ҳайвонлар учун түйимли озуқа бұлиб, уни бутунлигінде ёки ёрма қолида бериш мүмкін. Донининг таркибида 70 фоиз крахмал, 12 фоиз оқсил, 3,5 фоиз мой мавжуд, 1 кг донининг түйимлилігі 1,22 озуқа бирлигінде эга.

Жұхори пояси молларға күк қолища берилади, донининг сут-мум пишиш даврида ундан хашак, сифатлы сирос тайёрланади.

Жұхори үрілганидан кейин тубидан янги бачки (күшімча) поялар ҳосил қиласы, шу сабабли уни бир йилда иккі, баъзан уч мартагача үриб олиш мүмкін.

Жұхорининг агротехник аҳамияти шундаки, у қурғоқчиликка, тупроқ шүрірга чидамли үсимлик. Уни бошқа әкинлар билан навбат-лаб әкиш мүмкін.

Тарихи. Жұхори—жуда қадимги үсимлик, унинг ватаны Африка ҳисобланади. Дунё бүйіча жұхори 60 млн. га ерга әкілади.

Ўзбекистонда жұхори Қарақалпогистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Фарғона вилоятларыда күп әкілади.

Хосилдорлиги. Жұхори юқори ҳосил беради. Суфориладиган ерларда гектаридан 30—40 ц, яхши парваришиң қилинганда 60 ц. гача дон ва 600—700 ц күк поя олиш мүмкін.

Биологиясы. Жұхори — иссиққа талабчан үсимлик, унинг уруғла-ри тупроқ ҳарорати 10—12°C га еттеге үніб чиқади. Қулай шароитта 6—7 кунда майса беради, соғуққа чидамсиз, жұхори майсаларига 1°C соғуқ ҳам күчли таъсир қиласы. Жұхори жанубий үсимлик бўлгани-лиги учун қисқа кунда тез ривожланади, қурғоқчиликка, тупроқ шүрірга чидамли. Транспирация коэффициенти 200 атрофида, суғо-риш натижасыда унинг ҳосили кескин ортади.

Уніб чиққан майсалар дастлабки даврда жуда секін үсади. Шу сабабли жұхори бегона ўтлардан тоза ерларга экилиши лозим. Майса пайдо бўлганидан 20—30 кун ўтгач туплайди ва 40—50 кундан кейин найча ҳосил қилиш даври бошланади. Сўнгра үсимликнинг үсиши тезлашиб, 20—30 кун ичидә тўпгул пайдо қиласы. 6—10 кун ўтгач, гуллаш даври бошланади, яна 6—10 кундан кейин эса дони этилиб пишади.

Гурӯҳлари ва навлари. Жұхори қўнғирбошлар оиласига мансуб. Бу авлод 30 дан ортиқ турға эга. Ўзбекистонда донли жұхори әкілади. Навлари ишлатилиши ва асосий маҳсулотларига кўра донли, қанд-ли, (ширин) ва супургибоп жұхориларга бўлинади.

Донли жұхори нафақат дон, балки кўк поя учун ҳам әкілади. Қандли жұхори поясининг таркибида 12—14 фоиз шакар бўлгани учун ундан юқори сифатли силос тайёрлаш мүмкін. Супургибоп жұхоридан хўжалик супургиси ва ҳар хил чўткалар тайёрлашда фойдаланилади. Ўзбекистонда жұхорининг маҳаллий «Матхаир», «Катта

бош», «Хұраки», «Гүрт ойлик», «Олти ойлик», «Чиллаки» навлари әнг күп тарқалған. Донли жұхори гурухыга мансуб бу маҳаллий навлардан қозирда селекция навлари ҳам олинмоқда.

Етиштириш технологияси

Үтмишдоши. Жұхорини донли ва дуккакли дон үсімліктаридан, картошка, илдизмевали әқинлар ва ғұзадан бұшаган ерларға әкиш мүмкін. Такрорий әқин сифатыда күзги дон әқинларидан кейин ҳам экса бұлади.

Үғитлаш. Күзги шудгорлаш олдидан ерга гектар ҳисобига 15—20 тоннадан гүңг солинади. Тупроқ унумдорлигига қараб, жұхорининг ҳар гектарига йил давомида 120—150 кг азот, 100—120 кг фосфор ва 50—60 кг калий үғитлари берилади. Фосфор үғитининг бир қисми (50—60 кг) кузда, ерни шудгорлаш олдидан берилади. Бошқа минерал үғитлар, шу жумладан, фосфорлы үғитнинг қолган қисми ҳам әкиш вақтыда ва үсіш даврида солинади.

Ерни әкишга тайёрлаш. Жұхори майса ҳосил құлганидан кейин дастлабки даврда жуда секин үсишини ҳисобға олиб, уни бетона үтлардан тозаланған, яхши ишланған ерларға әкиш лозим. Ер кузда 27—30 см чуқурлиқда чимқірқарлы ёки иккя яруслы плут ёрдамида шудгор қилинали. Үтлоқ, ботқоқты тупроқларда қайдаш чуқурлиги сизот сувларининг жойланиш чуқурлигига боғлиқ. Шұрланған ерларда шудгорлашдан олдин тупроқ шүрі ювилади. Эрта баҳорда тупроқда нам сақлаш мақсадида шудгор борона қилинали.

Әкиш. Уруғлик жұхори қуритилиб, рұвагида (янчилмаган қолда) қуруқ, шамоллатиб туриладын хоналарда сақланади. Әкишга 7—10 кун қолғанда рұваклардаги дон янчилиб, тозаланади ҳамда әкиш учун бир хил йирикликтеги вазндор дон ажратыб олинади.

Давлат андозаси бүйіча уруғлик тозалығы 99—95 фоиздан ва униб чиқиши даражаси 80—90 фоиздан кам бұлмаслиги керак.

Жұхори уруги әкиш олдидан дориланади. Жұхори маккаждарында нисбатан кечірілген, яғни тупроқ қарорати 13—15°C-да қызиганида әкилади. Үзбекистоннинг жанубий вилоятларыда (Сурхондарё, Қашқадарё) жұхори март ойининг охиди—апрелнинг бошларыда әкилади. Қарақалпоғистонда май ойининг бошида, марказий ҳудудларда

апрел ойининг иккинчи ярмида экилади. Лекин жўхорининг қанли ва супургисимон навларини бирмунча эрта экиш мумкин. Жўхори қатор ораси 60, 70, 90 см қилиб экилади. Ўсимликнинг кўчат қалинлиги навига қараб ҳар хил бўлади. Баланд бўйли, кечпишар навлар сийракроқ, паст бўйли, тезпишар навлар эса қалинроқ экилади, яъни ҳар 15—20 см масофада биттадан ёки иккитадан ўсимлик қолдирилади.

Жўхори дон ёки силос учун стиштирилалиган бўлса, ҳар гектар ерга 8—12, кўк поя етиштиришда 15—20 кг уруф экилади. Экиш чукурлиги тупроқнинг механик таркибига ҳамда экиш муддатига қараб 3—5 см атрофида бўлади.

Экинни парвариш қилиш. Жўхорини парваришлаш ишлари тупроқ қатқалогига қарши кураш, қатор ораларини ишлаш, яганалаш, озиқлантириш ва сугоришдан иборат.

Уруф униб чиққунга қалар ва униб чиққан даврида тупроқ қатқалонини юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотишда енгил борона ёки ротацион мотига ишлатилади.

Жўхори майсалари дастлабки 30—35 кун ичидаги жуда секин ўсиш натижасида қатор ораларини ўт босиб кетади. Шунинг учун майсалар тўла пайдо бўлгандан кейин тезда қатор ораларини ишлап ва бегона ўтларни йўқотишга киришиш керак.

Ўсиш даврида 2—3 марта культивация қилинади. Ўсимликда ўргача 4—5 та барг ҳосил бўлганда биринчи культивация ўтказилади, сўнгра ягана қилинади, уялар атрофидаги бегона ўтлар юлиб ташланади ва бўш қолган жойларга қўшимча уруф экилади. Ўсимлик қатор ораларини ишлашда культиваторга ўрнатилган СУ-3 маркали ўғитлагич ёрдамида озиқлантирилади. Бегона ўтлар 2,4-Д гербиили ёрдамида йўқотилади.

Жўхорининг кечпишар навлари ўсиш даврида 5—6 марта, эрта ва ўртапишар навлари вегетация даврида 3—4 марта сугорилади. Сугориш меъёри рўвак чиқаргунгача бўлган даврларда 600—800 м³, кейинчалик эса 800—1000 м³ бўлиши керак.

Жўхори кўк поя ҳолида молга едириш мақсадида экилган бўлса, ўриб олингандан кейин гектарига 60—90 кг азот берилади ва сугорилади. Натижада унинг қайта ўсиши тезлашади.

Ҳосилини йигиши. Ем-хашак олиш мақсадида экилган жўхори

рӯвак чиқарган даврида, дон учун экилгани эса дони тӯла пишиб етилганда йигиб олинади.

Дон учун экилган жўхорининг паст бўйли навлари қайта ускуналанган дон комбайнларида ўриб йигилади. Баланд бўйли навларининг рӯваклари эса комбайнда қирқиб олинади ва қуритилиб, дон комбайнларида ёки оддий янчиш машиналарида янчилади.

Дони қуритилган (намлиги 12—14 фоиз бўлган) жўхори қопларда ёки полда 1,5 м қалинликда омборларда сақланади, уруғлик учун қолдирилалиган жўхори бино ичидаги асралади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Жўхори кўкат учун экилганда неча маротаба ўрилади?
2. Жўхорининг маккажўхоридан қандай афзалислари бор?
3. Ўзбекистонда жўхорининг қайси навлари экилади?
4. Жўхори етиштириш агротехникини ҳақида нималарни билиб олдингиз?

ТАРИҚ

Аҳамияти. Тариқ ёрмаси таркибида 12,0 фоиз оқсил, 5,5 фоиз мой, 81,0 фоиз крахмал мавжуд. Тариқ дони паррандаларга ем, сомони ва тўпони молларга озуқа бўлади. Тариқдан кўкат озуқа ҳам тайёрланади.

Тарихи. Тариқ Марказий Хитойдан келиб чиққан ва Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистонда лалмикорликда, сугорилалиган ерларда такрорий экин сифатида экилади.

Ҳосилдорлиги. Лалми ерларда 7—10 ц/га, сугорилалиган ерларда 50—70 ц/га дон олиниши мумкин.

Морфологияси. Тариқ—қўнғирбошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Унинг оддий ва бошоқсимон турлари мавжуд.

Илдизи. Попукилдизи 150 см чуқурликкача кириб боради. Поянинг пастки бўғинларидан ҳаво илдизлари ривожланади.

Пояси. Сомонпоя, бакувват, ғовак-найсимон, 4—10 бўғимга бўлинган, кам тупланади. Тупланиш бўғинидан ва поянинг ер устки бўғинларидан шохланади. Бир туп ўсимликда 15—20 та рӯвак бўлиши мумкин. Поянинг баландлиги 75—100 см, лалми ерларда 30—40 см. 1000 та донининг вазни 5—8 г келади.

Биологияси. Тариқ—иссиқсевар ўсимлик, уруғи 8—10°C да униб чиқади. 12—15°C ҳароратда майсалар 5—7 кунда кўкариб, муртак

илдизи ўсиб чиқади, биринчи барги күрингандан 15—25 кун ўтгач, тупланиш даври бошланади. Тупланиш бүғинидан иккиламчи илдизлар ва құшимча поялар ўсиб чиқади. Бу даврда ўсимликда 3—4 та барг ҳосил бўлиб, сўнгра у ўса бошлайди. Тупланишдан 10—12 кун ўтгач, най ўраш даврига киради. Ўсимлик тез ўсиб, барглар ҳам яхши ривожланади ва генератив органлар шаклланади.

Мақбул иссиқлик ҳарорати ўртача 20°C , рўвак чиқариш даврида 23°C . Ўсиш даври 65—115 кун давом этади. Такрорий экилган тариқнинг ўсиш даври 15—20 кунга қисқаради.

Тариқ — қурғоқчиликка чидамли ўсимлик. Уруг кўкариб чиқиши учун ўз вазнига нисбатан 25 фоиз кўп сув сарфлайди. Транспирация коэффициенти 200—250 га тенг. Энг кўп сув талаб қилиши най ўраги ва рўвакланиш даврига тўғри келади.

Тариқ — ёргувчар, қисқа кун ўсимлиги. Энг юқори фотосинтез маҳсулдорлиги донининг шаклланиш ва тўла етилиш даврларида кузатилади.

Уруғи унумдор, тоза тупроққа экилади. Тупроқ мухити (pH) 6,5—7,5 атрофида бўлгани маъқул.

Ўзбекистоннинг лалми ва суориладиган шароитида «Саратов — 853» нави экилмоқда. Бу тезпишар нав 63—68 кунда пишади, дони йирик, гул қобиқлари түқ қизил рангли, 1000 та донининг вазни 6—7,5 г, пояси ётиб қолмайди, дони кам тўкилади, дон чиқиши 72—81 фоиз, қобиқлилиги 17—19 фюз.

Етиштириш технологияси

Ўтмишдоши. Дуккакли дон ўсимликлари (бурчоқ, нұхат), дуккакли ўтлар (беда), полиз экинлари, жўхорилар тариқ учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Донли экинлар анғизи юмшатилиб, кейин ҳайдалади. Қиши кунлари тоголди ва тоғ этагидаги ерлар намни яхши тўплаши учун ёмғир ва қор сувларини тусиб қоладиган уватлар ясалади. Эрта кўкламда шудгор бороналанади ва ёрнинг қотиши, бегона ўтларнинг ўсишига қараб бир неча марта культивация қилинib, мола босилади.

Ўтиглаш. Ўртача 1 ц дон ва унга мос сомон ҳосилини стиштириш учун 3 кг азот, 1,4 кг фосфор, 3,4 кг калий сарфланади. Кузда ер ҳайдашдан олдин 10—12 т гўнг, 60 кг фосфор ва 30 кг калий соли-

нади. Экиш билан бирга 10—15 кг фосфорли ўғит берилади. Тупланиш ёки най ўраш давридаги құшимча озиклантиришларда 30—50 кг азот ва 20—30 кг фосфор ишлатиласи.

Экиш. Рұвакнинг энг юқори қисмидаги серҳосил уруғлар танланыб, тозаланади ва сараланади. Биринчи синф уругининг тозалиги 99 фоиз, унұвчанлиги 95 фоиз булиши керак. Уруғ күя касаллигига қарши дориланиши лозим.

Лалми ерларда апрел—май ойлари, сугориладиган ерларда апрел ойининг охири ёки июн ва июл ойларининг бошида экилади. Унумдор тупроқларда ёїпасига қаторлаб, унумдорлиги паст тупроқларда эса көнг қаторлаб экилади, қатор ораси 45—60 см. Экиш мөттәри—8 кг/га, шароитта қараб бу мөттәр үзгариши мүмкін. Экиш чукурлигі 3—5 см.

Парваришкаш. Қатқалоққа қарши борона қилинади, көнг қаторлаб экилганданда қатор орасига 1—2 марта ишлов берилади, тупланиш ва рұвак чиқариш даврларida сугорилади, бегона ўтларга қарши гербицидлар ишлатиласи (2,4-Д-1,5—2,0 кг/га).

Хосилини йиғиши. Дони етилганда тез түқилиб кетади, шунинг учун ҳосил қисқа муддатда комбайнлар ёрдамида йиғиб олинади.

НАЗОРАТ ҮЧУН САВОЛЛАР

1. Тарықнинг аҳамияти ва биологиясими таърифланғ.
2. Тарық етишириш агротехникасими бағыттың.

З-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШФУЛОТИ МАККАЖҮХОРИ ВА ЖҮХОРИ ЭКИНЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ МАККАЖҮХОРИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Дарс режаси: Ысимликнинг тузилишини үрганиш ва морфологиялық белгиларини анықлаш.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: ысимлик намунаси, уруғ, гербарий, күргазмалы расмлар, уқыв құлланмалар.


Илдизи. Попукилдизи яхши ривожланган, ернинг ҳайдов қатламда жойлашади. Құшимча таянч ҳаво илдизлари бұлалди.

Пояси. Сомон поя булиб, ичи юмшоқ үзак билан түлгап, тик үсади, 22—23 бұғымға әга, бүйи 1,0—1,5 м.дан 2—4 метрғача етади.

Барги. Ланцетсимон барглари пояда навбат билан жойлашади. Устки тарафи тук билан қопланган баргларнинг сони 9—11 тадан 20—24 тагача бўлади.

Гултўплами. Маккажўхори—бир уйли, икки жинсли ўсимлик. Шунинг учун икки хил—оталик ва оналик гултўпламларига эга. Оталик гултўплами супургисимон бўлиб, поянинг учида жойлашган, унда факат оталик гуллари бўлади. Сўтасимон оналик гултўплами барг қўлтиғида жойлашади. Сўта ўзакдан, оналик гуллари ва сўта қобиқлардан иборат. Оналик гуллари тутунча ва устунчадан (узун ипчадан) ташкил топган (13-расм).

Меваси. Дони йирик, ҳар хил: думалоқ, овалсимон, ясси шаклда. 1000 та донининг вазни навига қараб 200—350 г. Ўзбекистонда маккажўхорининг «Ватан», «Ўзбекистон—100», «Ўзбекистон—601», «Кремнистаи УзРОС», «Днепровская—70», «Ўзбекистон оқ тишлиси» каби навлари экиласди.



13-расм. Маккажўхори:
1—ўсимлиги; 2—сўтаси; 3—рӯваги.

ЖҮХОРИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Дарс режаси: Ўсимлик тузилишини ўрганиш ва морфологик белгиларини аниқлаш.

Керакли воситалар, абоб-анжомлар: ўсимлик намунаси, уруғ, гербариј, күргазмали расмлар, ўқув қўлланмалар.

Илдизи. Попукидизи тупроқда 200—300 см чуқурликкача етади, лекин асосий қисми ернинг ҳайдалма қатламида жойлашади. Кўшимча таянч ҳаво илдизлари ҳам бўлади.

Пояси. Тик ўсуви сомон поя, ичи юмшоқ ўзак билан тўлган, бўйи 1,0—1,5 ва 2, ҳатто 4—5 метрга етади.

Барги. Ланцстсимон баргларининг устки тарафи тукли, унсимон доғ билан қопланган, бир ўсимликдаги барглар сони 10 тадан 20—24 тагача бўлиши мумкин.

Гултўплами. Супургисимон гултўплами пояси ва ён шохларининг учida жойлашади. Асосий ўқи поянинг давоми бўлиб, ундан ён шохлар вужудга келади ҳамда учida бир гулли бошоқчалар жойлашади. Жўхорининг супургисимон турлари тарқоқ, донли навлари эгилган, зич, қандли навлари эса ярим тарқоқ шаклга эга (14-расм).


Меваси. Дони йирик, думалоқ, овалсимон, қобиқли ёки қобиқсиз, оқ ёки қизғиш рангда, 1000 та донининг вазни навига қараб, 20—30 г келади.

Ўзбекистонда жўхорининг «Ўзбекистон—306», «Ўзбекистон паканаси», «Қандли жўхори», «Ўзбекистон—5», «Ўзбекистон—18», «Ширин—91» навлари экилади.

2.2. ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ

Аҳамияти. Бу гуруҳ ловия, ясмиқ, бурчоқ, нўхат, кўкнўхат, соя ва бошқа экинларни ўз ичига олади. Уларнинг юқори сифатли дони, таркибида 21 фоиздан 50 фоизгача оқсил, 2—20 фоиз мой бўлади. Етиштирилган маҳсулот экологик жиҳатдан тоза бўлиб, азотни ўзлаштириш билан тупроқ унумдорлигини оширади: бир гектарда 50—150 кг азот тўплайди. Дуккакли дон экинлари оқсилининг сифати бўйича ҳам ажралиб туради.

Ер юзида 135 млн. га ерга дуккакли дон ўсимликлари экилади, улардан соя, ясмиқ, ловия ва кўкнўхат энг кўп тарқалган экинлардир.



14-расм. Жұхори рұваклари:

1—асосий үкі ривожланған ширин жұхорининг рұваги; 2—асосий үкі жалта, узун өн шохла чи-
қырган супурғи жұхорининг рұваги; 3—тик поғыл жұхорининг рұваги; 4—пояси буқилтан
жұхорининг рұваги.

Биологияси. Иссикликка бұлған талаби ҳар хил: күкнұхат, ясмиқ, бурчоқ уруғи 1—5°C иссиқ ҳароратда униб чиқады, майсаси 3—8°C соvuққа чидайды. Соя, ловия уруғи 10—12°C иссиқ ҳароратда униб чиқады, майсаси —1°C да нобуд бұлади.

Дуккакли дон экинлари намга талабчан, айниқса, шоналаш даврида күпроқ сүфоришига тұғри келади.

Бу ёргесвар экинлардан күкнұхат, ясмиқ, бурчоқ, хашаки дуккаклилар узун кунли, соя ва ловия эса қисқа кунли экинлар сира-сига киради. Уларнинг озиқ үнсүрларига талабчанлығы ҳосил етиширишига сарфланған озиқ моддаларининг миқдори билан бағолана-ди. Күкнұхат, нұхат ва ловия 1 ц дон етишириш учун 6,4—6,6 кг азот, 2,1—2,5 кг фосфор ва 2,9—6,0 кг калий сарфлайды. Соя, ясмиқ, бурчоқ эса 7,0—8,2 кг азот, 1,9—2,6 кг фосфор ва 3,9—4,7 кг калий сарфлайды. Дуккакли экинлар тоза, унумдор тупроқтарға экилади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Дуккакли экинлардан қандай экологик тоза маҳсулоттар олинади?
2. Дуккакли дон экинларининг ақамияти ва морфологиясини баён этинг.
3. Дуккакли дон экинларининг тупроқ унумдорларының оширишдаги роли.

4-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ УМУМИЙ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ

Дарс режаси: Дуккакли дон экинларининг тузилишини үрганиш.

Кераклы воситалар, асбоб-анжомлар: экинлар гербаријиси, уруғи, меваси, күргазмали расмлар, услубий күлланмалар.

Илдизи. Дуккакли дон экинларининг илдизи үқілдиз булиб, тупроққа 2 м чұқурылқыча кириб борали, асосий қисми тупроқнинг 30 см чұқурылғыда жойлашади. Илдизида *туганаклар* булиб, уларда ҳаводан азотни үзлаштирадын бактериялар яшайды. Экинларнинг турига қараб илдизда ҳар хил бактериялар булади. Илдизда туганаклар яхши ривожланиши учун экишдан олдин уруғларга маҳсус бактериялар юқтирилади. *Nitragin* бактерияли үғитларға миссолдир.

Пояси. Дуккакли дон экинлари пояси үтсімон ёки чирмашиб


ўсуви, тукли ва туксиз бўлади. Масалан, нўхат, хашаки дуккаклилар, соя экинларининг пояси тик, кўкнўхатнинг пояси эса чирмалиб ўсади, шохланади. Ён шохлар барг қўлтиқларидан ўсиб чиқувчи моноподиал ва симподиал турларга бўлинади. Моноподиал шохлар пояда пастдан юқорига қараб, симподиал шохлар эса юқоридан пастга қараб ривожланади, бу ҳолда асосий поянинг уч қисмида гултўплам ҳосил бўлади.

Барги. Барча дуккакли дон экинлари барг тузилиши жиҳатидан бир-биридан анча фарқ қилиб, *патсимон барглар*, *учтали барглар*, *панжасимон барглар* деб аталувчи 3 гурухга бўлинади.

Патсимон барглар жуфт ва тоқ патсимон бўлади (15-расм). Тоқ патсимон баргларнинг уни тоқ япроқчага эга. Жуфт патсимон барглар учидан ва ҳар хил даражада шохланган жингалаклар мавжуд. Улар ёрдамида таянч ўсимликка ўралиб ўсади.

Уумман, барглар майда-йирик, тукли-туксиз куринишга эга. Барг асосида ҳар хил шаклдаги ёнбаргчалар булиб, уларга қараб экин турларини аниқлаш мумкин.

Гули. Дуккакли дон экинларининг гуллари асосан, барг қўлтиқларида 1—2 тадан жойлашади, айрим турлари шингил шаклидаги гултўплам ҳосил қиласи. Гуллари икки жинсли, капалаксимон куринишли гултошибаргдан ташкил топади. Гултошибаргларнинг энг йириги *елкан*, ён томондаги иккита кичикроғи *канот* ва пастки чети



15-расм. Дуккакли дон экинларининг барглари:

1—тоқ патсимон, учқўшалок; 2—тоқ патсимон; 3—жуфт патсимон барглар.

билан бир-бирига туташиб ўсган иккита пасткиси қайиқча деб аталади. Чангчиси 10 та бўлиб, улардан тўққизтаси туташиб, ўнинчиси эса эркин ўсади.


Меваси. Гуллар чанглангандан кейин тугунчаси ўсиб, мевага айланади. Меваси дуккак дейилади. Мевада калта бандга жойлашган урувлар мавжуд. Кўпчилик дуккакли дон экинлари етилганда дуккаги узунасига чатнаб, уруғ сочилиб кетади. Айрим экинлар (маҳаллий нўхат, ясмиқ, оқ, люпин) да дуккаги чатнамайди.

Дуккаги чузинчоқ, ромб шаклида, цилиндрсимон, буйраксимон, юзаси силлиқ, бурушган, тукли ёки туксиз бўлади. Дуккакда биттадан ўнтағача уруғ жойлашади (16-расм).

Уруғи. Кўнғирбош дон экинларидан фарқли равишда дуккакли дон экинларининг уруги дуккагининг ичидаги жойлашади. Қалин пўст билан қопланган уруғ юзаси экин турига қараб силлиқ, ялтироқ, бурушган кўринишга эга бўлади. Уруғ устида турларни бир-биридан ажратишга ёрдам берадиган белгилар мавжуд. Шулардан бири уруғ кертигидир. Бу уруғ бандининг уруғ ривожланиб чиқадиган уруғкортакка бирикадиган жойи бўлиб, уруғ етилганда ана шу жойда дуккак палласидан ажралади. Дуккакли дон экинлари уруғ кертигининг катта-кичиликлиги, ранги, шакли ва ҳолати билан бирбиридан фарқ қиласи.


Уруғ қобигининг тагида муртак жойлашган. Дуккакли экинларда эндосперм бўлмайди. Муртак ривожланишининг дастлабки даврида зарур озиқ моддалар унинг ўзида, уруғпалла баргларида, захири ҳолда тўпланиб боради.

Дуккакли ўсимликлар уруғининг муртаги уруғнинг иккита ярми уруғпалласидан ташкил топиб, улар бир томонидан очилади, иккинчи томонидан эса уруғ кертиги ёнида туташади. Уруғпаллалар уруғ кертиги билан туташган



16-расм. Дуккаклар:

1—қўкнўкат; 2—ясмиқ; 3—нўхат; 4—бўрчок.



17-расм. Дуккакли ўсимликлар ургининг тузилиши:

1—пўстли дон; 2—пўтсиз дон; 3—бир ургулласи олиб ташланган дон; *a*—уруг киндиги; *b*—киндинк изи; *e*—микрониле; *ë*—халаза; *d*—илдизча урни; *e*—урупалла; *ë*—илдизча; *ж*—куртакча.

жойда муртак илдизаси билан куртакча бўлади. Баъзи дуккакли экинлар ургининг куртакчаси анча ривожланган ва иккита чинбаргга эга, ўсимликнинг ўсиш нуқтаси шулар орасида жойлашган. Ургининг тузилишини бўртган уруғларда кузатиш қулайроқdir. Бунда уруғларнинг пўсти осон ажралади ва муртагининг барча қисми яхши қўриниб туради (17-расм).

НУХАТ


Аҳамияти. Нўхат дони озиқ-овқатда ишлатилади, хашаки навларининг дони ем учун, кўкати эса тўйимли озуқа сифатида фойдаланилади (18-расм). Донининг таркибида 19—30 фоиз оксил, 4—7 фоиз мой, 47—60 фоиз азотсиз экстрактив моддалар, 2,4—12,8 фоиз тўқима, витаминлар ва минерал тузлар мавжуд.

Тарихи. Нўхат қадимдан Осиёning қурғоқчил минтақасида экиб келинган, дунё бўйича 10 млн. га ерга экиласди. Ҳиндистон, Жазоир, Туркия, Эронда кенг тарқалган. Ўзбекистонда лалми ва сугориладиган ерларда экилмоқда. Сувли ерларда 15—20 ц/га дон олинади.

Биологияси. Ўзидан чангланади. Иссиқсевар ўсимлик, урги 3—5°C иссиқ ҳароратда униб чиқади, майсаси баҳорги совуқларга чидамли.

Ёргесевар, узун кун ўсимлиги. Намгарчиликда аскохитоз касаллиги билан заарланади. Тупроқни унча танламайди, шўрланган, унумдорлиги паст, қумлоқ ерларда кам ҳосил беради. Ўсиш даври 65—100 кун.

Ўзбекистонда «Лаззат», «Ўзбекистон—32», «Юлдуз» ва бошқа навлар экиласди.



18-расм. Нұхат үсімлигі.

Етиштиркш технологияси

Үтмишдоши. Нұхатта бүгдой, арпа яхши үтмишдош ҳисобланади, ундан кейин эса башқа дала экинлари экилади.

Ерга ишлов бериш. Ер 22—25 см чуқурликда шудгорланади, эрта баҳорда бороналанади. Экишга яқын 10 см чуқурликда культивация құрлинаади, кетма-кет бороналанади ва мола босилади.

Үткітлаш. Шудгорлашдан олдин 5 т/га гүңгі, 50 кг фосфор соли нағади. Экиш олдидан 30—40 кг/га азот берилади.

Экиш. Уруғи тозаланиб, сараланади, нитрагин билан ишлов берилади.

Лалми ерларда эрта баҳорда, феврал-март ойларида экилади. Кузда (октябрда) ҳам экиш мумкин. Кенг қаторлаб (қатор ораси 45—60 см) ёки ёппасига қаторлаб (қатор ораси 15 см) экилади. Бир гектарга 0,5—0,8 млн дона уруғ сарфланади (40—100 кг/га), экиш чуқурлиги 4—7 см.

Парваришаш. Экишдан кейин қатқалоққа ва бегона ўтларга қарши борона қилинади.

Кенг қаторлаб экилганда қатор ораси 1—2 марта ишланади. Шоналаш, гуллаш даври бошланишида ва дони етилаётган даврда суфорилади.

Хосилини йигиб олиш. Меваси тұлиқ етилганда дон комбайылары ёрдамида йигиб олинади. Дони тозалагич машиналарыла тозаланиб, қуруқ жойларда сақланади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Күк ва маҳаллий нұхатнинг тупига қараб, фарқланувчи белгиларини күрсатын?
2. Нұхат етиштириш технологиясы қандай жараёнларни ўз ичига олади?
3. Нұхатнинг агротехник аҳамияти нималарда күрінади?


СОЯ

Аҳамияти. Соя халқ хұжалигыда кенг құлланилади. Донининг таркибида 30—52 фоиз оқсил, 17—27 фоиз мой, 20 фоиз карбон сувлари мавжуд (19-расм).

Ем-хашак сифатида ҳам экилади. Дони, күккөті, сомони, қипиғи ем сифатида ишлатилади, силоғта күккөті ва дони құшилади. Соядан тайёрланған озуқаларнинг түйимлилігі юқори бўлиб, бир озуқа бирлигига 200 г.дан ортиқ оқсил тұғри келади.

Тарихи. Соянинг ватани — Жануби-шарқий Осиё. Хиндистон, Япония, Корея, Вьетнам, Хитой ва Индонезияда қадимдан экиб келинган. Ер юзида 73,55 млн. га майдонда етиштирилади. Ўзбекистонда ўртача 10 минг га ерга экilmокда, 2,5—3,5 т/га дон олинади.

Биологияси. Соя — баҳори ўсимлик, ўсиш даври 75—120 кун. Иссиқсевар экин, уруғи 8—10°C да униб чиқади, макбул ҳарорат 20—22°C. Майсаси 2°C совуққа чидайди. Намсевар ўсимлик, илдизи яхши ривожланғанлығы учун вақтингчалик сувсизликка чидаса-да, гуллаш ва дон туғиши даврларыда күп сув талаб қиласы. Ёруғсевар, қисқа кун ўсимлиги. Мұхити (pH) 6,5—7,0 бұлған, бегона ўтлардан



19-расм. Соя ўсимилиги.

тоза, унумдор тупроқларга экилади. Озиқага талабчан: 1 ц дон ва тегишли сомон стиштириш учун 8 кг азот, 1,5—2,0 кг фосфор ва 5—6 кг калий ўзлаштиради.

Етиштириш технологияси

Үтмишдоши — гўза, шоли, маккажўхори. Ерни 22—25 см чуқурликда шудгорлаш лозим. Бегона үтлар кўп бўлса, шудгордан олдин дискли борона ёки чизел ўтказилади. Баҳорда бороналанади. Зарурият бўлса, экиш муддатигача ёппасига культивация ёки чизеллаш амалга оширилади, говак тупроқларда борона билан мола босилади.

Ўғитлаш. Ерни ҳайдашдан олдин гектарига 10—15 т гўнг, 100 кг фосфор ва 50 кг калий ўғити солинади. Экишдан олдин 20—30 кг ҳамда экиш вақтида ва ўсиш даврида яна 10—15 кг азот билан 1—2 марта озиқлантирилади. Гектарига жами 100—150 кг азот қўлланилади.

Экиш. Экиш муддати апрел ойининг охири—май ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Такорий экин сифатида июн ойида экилиши мақсадга мувофиқдир. Кенг қаторлаб экилади, қатор ораси 60 см, экиш чуқурлиғи 4—6 см. Экишдан олдин уруғ нитрагин (ризоторфин) билан ишланса, ҳаво азотини ўзлаштириш жараёни фаол кечади. Бу ишни «Мобитокс» ёки ПС-10 машиналарида бажариб, уруғлик сояни қўёш нури тушмайдиган жойда селгитиб, дарҳол экиш лозим. Экишда гектарига 300—500 минг дона уруғ тўғри келиши керак. Кечпишар навлар кам, эртапишар навлар эса кўпроқ меъёра экилади. Дон учун экилган майдонлар камлиги ҳисобига кўкат олиш учун экилганда уруғ меъёри оширилади.

Парваришланинг даври. Ўсиш даврида қатор орасига ишлов бериб, суғорилади. Суғориш миқдори 600—800 м³/га бўлиши керак. Бегона ўтларга қарши экишдан олдин трефлан (1—1,5 кг/га), майсаланиш даврида базагран (1,5—3,0 кг/га) гербицилдари қўлланилади. Касаллик ва ҳашаротларга қарши фақат рухсат этилган кимёвий моддаларгина ишлатилиди.

Соя ҳосили дон комбайнлари ёрдамида йигиб олинади. Кечпишар навларда ўсимликнинг куриши учун десикация қилинади. Бунинг учун ўсимлик етилганда 45—53 фоиз хлорат магний (20 кг/га) ёки реглон (Зл.га) ишлатилиб, гектарига 100 л ишчи эритмаси сарфланади.

Йигилган доннинг намлиги 14 фоиздан ошмаслиги керак.

Кўнғирбош экинлар билан сояни кўшиб экиш. Силос тайёрлаш учун соя маккажӯхори, жӯхори, судан ўти билан кўшиб экилади. Бу усул силос тайёрлаш учун зоотехника талабига жавоб берадиган кўкат стиштиришга имкон яратади. Соя билан маккажӯхори бир қаторда ёки ҳар хил қаторларда навбатма-навбат жойлаштирилади. Маккажӯхори, жӯхори ва судан ўтининг экиш меъёри ўзгармайди, соя эса меъёридан 75 фоиз миқдорда экилади.

Навлари. Майсаси тўқ яшил рангда, поясининг баландлиги 120 см. гача бўлган «Ўзбекистон—2» нави Тошкент шолиличлик илмий-текшириш институтига яратилган. Унинг дуккаги узун, ясси, понасимон, ялтироқ сариқ рангда. Лалми ерларда 10,4 ц/га, сугориладиган ерларда 32,0 ц/га ҳосил олинади. Доннинг таркибида 19,2—23,4 фоиз мой ва 33,6—39,3 фоиз оқсил мавжуд. Ўсиш даври 130—132 кунга тўғри келади. Ҳосилини механизация ёрдамида йигиши мумкин.

«Дўстлик» нави ҳам шолиличлик ИТИда танлаш йўли билан яратилган. Ўсиш даври 124—126 кун. Поясининг баландлиги 170—180 см, гули икки жинсли, майда, оқ рангли. Дони ўртacha, оқ-сариқ рангда, 1000 донасининг вазни 160—165 г, ҳосилдорлиги 32—34 ц/га—дон,

350—400 ц/га—құкат. Донининг таркибида 39—40 фоиз оқсил ва 24 фоиз мой, құқатининг таркибида 16 фоиз оқсил бор. Механизация ёрдамида йигиб олинади.

«Ўзбекистон — 6» нави кеч пищади, ўсиш даври 140—143 кун. Донининг ҳосили 30—35 ц/га, құкат ҳосили 400—450 ц/га тұғри келади. Поясининг баландлығи 160—170 см. Донининг таркибида 41—42 фоиз оқсил ва 21—22 фоиз мой мавжуд, 1000 та донининг вазни 160—170 г. Такорий экин сифатида экилганды етилиб улгурмайды.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Соянияң ҳалқ ұжалигидаги ақамияти.
2. Соядан қандай маҳсулоттар тайёрланади?
3. Сояны тақорий экин сифатида әкиш мүмкінми?
4. Ўзбекистонда соянияң қандай навлари етиштирилади?
5. Сояни етиштириш агротехникасынинг үзиге хос хүсусиятлари нимәттерден иборат?

КҮКНҰХАТ

Ақамияти. Озиқ-свқат учун ва молларға озуқа тайёрлашда ишлатылади. Уруғида 20—26 фоиз оқсил бұллади. Ҳар гектар ерда бир мавсумда 70—100 кг/га азот түплайды ва тупроқ унумдорлыгини оширади. Дони, құкати, сомони ем-хашак сифатида ишлатылади. Маҳсус хашаки навлари ҳам мавжуд.

Тарихи. Күкнұхат, асосан Олд Осиё ва Ўрта Ер деңгизи соҳиларида етиштириб келинади (20-расм). Европа, Осиё, Америкада ҳам экилади. Ер юзіда 15 млн.га майдонда етиштирилади. Уруғ ҳосили 2—3 т/га.

Биологияси. Нави ва шароитта қараб, ўсиш даври 70—140 кун. Майсаланиш даврида уруғпалласи ер бетига чиқмайды, ўзидан chanгланади. Ҳұраки навлар пояси чирмашиб үсади. Ёргасвар, узун күн ўсимліги, уруғи 4—5°C исисік ҳароратда униб чиқади, 4°C совуққа чидамли, әнг мақбул ҳарорат 16—20°C ҳисобланади. 26°C дан юқори ҳарорат ҳосилга салбий таъсир күрсатади. Намсевар, уруғ бүртиши учун 100—120 фоиз сув сарфлайди. Шоналаш, гуллаш, мева ҳосил қилиш даврларыда күп сув талаб қиласы. Унумдор, тоза тупрөқтарға «Восток-55», «Восток-84», «Усатый» навлари экилади.

Етиштириш технологияси

Үтмишдоши. Күзги дон экинлари, картошка, қандлавлаги, мак-каждыори экинлари күкнүхат учун яхши үтмишдош ҳисобланади. Экишдан олдин ер ёппасига культивация қилинади, сүнгра борона юргизилади, агар зарур бўлса, мола босилади. Күкнүхат кузда оралиқ экин сифатида ҳам экилади.

Ўғитлаш. 1 т уруг ва шунга мувофиқ поя — барг этиштириш учун 45—60 кг азот, 16—20 кг фосфор ва 20—30 кг калий сарфланади. Гектарига 20—30 кг азот, 60—80 кг фосфор ва 30—40 кг калий солиш тавсия этилади. Фосфорли ва калийли ўғит ер ҳайдаш ёки экишгача, азотли ўғит экишдан олдин ёки ўсиш даврида кўлланилади.

Экиш. Тоза, сараланган уруғ экилади, 1-синф уруғнинг тозалиги 98 фоиз, унувчанилиги 95 фоизга teng. Баҳор (март)да ва куз (октябр)да экилади. Экиш меъёри 150—300 кг/га тўғри кслади. Сувли ерларда ёппасига, лалми ерларда қенг қаторлаб—қатор ораси 45 см қилиб экилади (екиш меъёри — 60 кг/га).

Парваришилаш. Қатқалоққа қарши борона юргизилади, шоналаш, гуллаш, дон туғиши даврларида 1—3 марта сугорилади. Майсаланиш даврида бегона ўтларга қарши 48 фоиз (2—3 л/га) базагран, ҳашаротларга қарши 65 фоиз (0,65—1,20 л/га) карбофос ишлатиласди. Чирмашиб ўсуви навлари таянч экинлар билан қўшиб экилади. 60—70 фоиз дуккаги етилганда ҳосил ўриб, янчилади. Донининг намлиги 14—16 фоиз бўлганда яхши сақланади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Кўк нўхатни этиштириш технологияси нималардан иборат?
2. Хашаки нўхат навларини уруғига қараб аниқлаш мумкинми?
3. Кўк нўхатнинг аҳамияти ва биологиясини таърифланг.



20-расм. Кўкнүхат ўсимлиги.

3. ШИРАЛИ ОЗУҚА ОЛИНАДИГАН ХАШАКИ ТУГАНАК МЕВАЛИЛАР, ИЛДИЗМЕВАЛИЛАР, ПОЛІЗ ВА СИЛОСБОП ЭКИНЛАР

3.1. ТУГАНАК МЕВАЛИЛАР

Бу гурӯҳга ҳар хил ботаник оила ва турларга мансуб тұганак мева ҳосил қылувчи, таркиби осон ҳазм бұладытап моддаларға бой үсимликлар киради.

Тұганак мевалилар таркибіда 65—84 фоиз сув ва 16—35 феиз қуруқ модда мавжуд. Озиқ-овқат, ем-хашак сифатыда ва техник мақсадтарда хом ашё сифатыда ишлатиласы. Тұганак мевалар ср ости пояларда 5—20 см чүкүрликта ривожланиши мүмкін.

Ўзбекистонда тұгунак мевали үсимликлардан картошка, қисман топинамбур ва батат экилади.

КАРТОШКА

Аҳамияти. Картошка мұхим озиқ-овқат ва техник үсимлик ҳисобларынан, тұганагининг таркибіда 75 фоиз сув ва 25 фоиз қуруқ модда мавжуд. Қуруқ модда 1,2 фоиз оқсил, 0,7 фоиз аминокислота, 17,13 фоиз крахмал, 0,9 фоиз қанд, 0,7 фоиз пектин моддалар, 0,2 фоиз органик кислоталар, 0,1 фоиз мой ва 1,5 фоиз бошқа моддалардан ташкил топған.

100 г истеъмол қилинадиган картошка 75 ккал энергия беради. Тұганак таркибіда витаминлардан 0,57 фоиз РР, 0,11 фоиз В₁, 0,06 фоиз В₂, 0,22 фоиз В₆ мавжуд, С витаминың күп миқдорни—12 фоизни ташкил этади.

Картошка молларға ҳомлигича, қайнатылған, қуритиштан ва силосланған ҳолда берилади. 1 кг картошка таркибища 0,31 озуқа бирлиги бор.

Республикамыз миқсесіда картошка асосан, озиқ-овқат сифатыда етиштириледи. Олинган ҳосилнинг 25—30 фоизи уруғликка ишлатиласы. Агротехник аҳамиятта зәға бұлған картошка күргина қишлоқ хұжалиги экинлари учун яхши үтмишдошdir.

Тарих. Картошканың ватаны Жанубий Америка ҳисобланади. Анд тоги атрофи ва Тинч океани соҳилларида бу экиннинг ёсвойи ва

ярим ёввойи турлари ҳозир ҳам ўсади. Европага XVI асрнинг иккинчи ярмида келтирилган. Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда картошкага XIX аср ўрталарида кенг тарқалди.

Биологияси. Картошка иссиқликни кам талаб қилади. Туганакларининг кўкариши ва ўсимликнинг ўса бошлиши учун дастлабки ҳарорат 6—7°C. Яхши ривожланиши учун эса ўртacha ҳарорат 19—23°C бўлгани маъкул. Туганак ўстирилаётган вақтда иссиқ ҳарорат 3—5°C атрофига ва 31°C дан юқори бўлса, у ривожланишлан тўхтайди. 7°C ҳароратда картошканинг илдизи ҳосил бўлади. Пояси 5—6°C дан ўса бошлиайди, 17—22°C да жадал ривожланади.

Сақлаш учун қўйилган ургуллик картошка ёзда юқори ҳарорат таъсирида нобуд бўлади, экилганда эса ерда чириб кетади. Натижада экин кўпинча сийрак чиқади ва ҳосили ҳам кам бўлади.

Картошка—ёргесевар ўсимлик. Туганаклар ундирилаётган вақтда ёргуллик етарли бўлмаса, мўрт ва тезда синиб кетадиган оқ ўсимта ҳосил қилади. Картошка — қисқа кун ўсимлиги.

Куннинг узунлиги картошканинг ривожланишига катта таъсир кўрсатиб, унинг туганак ҳосил қилишига имкон яратади.

Картошка намликка талабчан бўлиши билан бирга, қурғоқчиликка ҳам бардошидир. Қурғоқчилик, тупроқ намининг етишмаслиги бошлинишиданоқ картошка туганак ҳосил қилишдан тўхтайди, аммо нобуд бўлмайди. Қурғоқчилик ўтиб кетгач, мева тувишни давом эттиради.

Картошка тупроқдаги минерал моддаларга нисбатан талабчан. Бир тонна туганак мева ва унга мувофиқ келувчи поя-барг етишитириш учун 6,2 кг азот, 2 кг фосфор ва 8 кг калий сарфлайди.

Картошка шўр срларда яхши ўスマиди, унга хлорли тузлар кучли таъсир этади. Тупроқ таркибида хлор 0,015—0,020 фоиздан кўп бўлса, ҳосилдорлик сезиларли даражала камаяди, 0,05—0,07 фоиз бўлганла эса деярли ҳосил бермайди. Шунинг учун шўр срларда картошка етиширишдан олдин тегишли мелиоратив тадбирларни амалга ошириш зарур.

Картошканинг экиласидаги навлари пишиб етилишига қараб тез-нишар (ниҳоллар униб чиққанидан пишунича 60—65 кун), эртаги-ўртаги (70—80), ўртапишар (90—100), ўртаги-кечки (110—120) ва кечипишар (130—150 кун) гуруҳларга бўлинади.

Тезпишар, серҳосил, мазали, крахмали унча кўп бўлмаган «Се-

дов» нави яхши сақланади, шур ерларда ўсишга бирмунча чидамли Асосан, эрта баҳорда экиладиган бу навдан икки маротаба ҳосил олинади. Оқ рангли туганаги йирик-йирик бўлади.

«Зарафшон» нави тезпишар, серҳосил, туганаклари крахмалли, пуштиранг, эти оқ. Тиним даври қисқа бўлғанлиги учун икки маротаба ҳосил олинади. Иссиққа ва айниш касалликларига чидамли, пояси паст, сербарг.

Республикамизда, шунингдек, картошканинг ўртапишар «Фаленский», «Лорх», кеччишар «Вольтман» (қайчи барг), «Обидов—2» навлари етиштирилади.

Картошканинг айниши. Ноқулай экологик шароит ҳамда турли вируслар экин хусусиятларининг ёмонлашувига, ҳосили кескин камайишига ва сифати пасайишига олиб келади.

Айниган картошка ўсимлиги баргларида хлорофилл доналари камайиб кетади, фотосинтез ҳамда транспирация жараёни сусайиб, экин касалликларга бардош бера олмай қолади, туганаклар миқдори озаяди ва таъми бузилади.

Картошка ўсимлигининг айниганлигини барглари буришиб, майдалашиб, устида жигарранг доғлар ҳосил бўлганидан, поядаги бўғин оралиғи узайиб, тупдаги поялар сони кескин кўпайиб кетганидан билиш мумкин. Туганакларнинг айниганлиги эса уларнин устида думалоқ доғлар ҳосил бўлиши ёки ёрилиб кетишидан маълум бўлади. Айниган туганаклар ипсимон ўсимта ҳосил қиласи, шунингдек, пўсти рангсизланиб қолади.

Етиштириш технологияси

Ўтмишдоши. Сабзавот алмашлаб экишда карам, бодринг, полиз экинлари ва илдизмевалилар, пиёз ҳамда дуккакли дон ўсимликлари, беда энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Бу экинлардан бўшаган ерларда экилган картошка юқори ҳосил бериши мумкин. Экишга мўлжалланган ер кузда чуқур (27—29 см) ҳайдалиб, эрта баҳорда эса бороналаниб, эртаги картошка экилади.

Ўтлоқи-ботқоғли ерларга эртаги (баҳорги) картошкани барвақт экиш учун куз фаслида златлар олиб қўйилгани маъқул. Бўз тунроқларда ҳам шу усулда экиш яхши натижা беради. Картошка такрорий экин сифатида экиладиган ер ҳайдалишдан олдин суфорилали, сўнгра ҳайдалиб, бир йўла борона босилади ва экилади.

Ўғитлаш. Картошка—органик ва минерал ўғитларга талабчан ўсим-

лик. Ўзбекистоннинг сугориладиган тупроқлари таркибида азот ва фосфор жуда кам, шунинг учун бу минерал ўғитларни етгали миқдорда тупроққа солиш картошка экинига ижобий таъсир кўрсатади.

Кўп йиллар мобайнида фойдаланиб келинаётган бўз тупроқларда картошка етишириш учун гектарига қуйидаги миқдорда минерал ўғитлар берилиши тавсия этилади: эргаги картошкага 120—150 кг.дан азот, 80—100 кг фосфор, 60 кг калий, кечки картошкага тегишли равиша 200—225 кг азот, 150—160 кг фосфор ва 90—100 кг калий: ўтлоқи тупроқларда эртаги картошкага: 100—120 кг азот ва фосфор, 50—60 кг калий, кечки картошкага эса 150—180 кг азот ва фосфор, 70—80 кг калий берилиши керак.

Гектарига 20—40 тонна органик ўғит берилса, азот ҳамда фосфор ўғитлари миқдори 20—30 фоизга, калий ўғити эса 50—70 фоизга камайтирилади.

Органик ҳамда калий ўғитларининг белгиланган миқдори тупроққа шудгорлашдан олдин тўлиғича, фосфор эса 75—80 фоиз миқдорида солиниши керак. Фосфорнинг қолган қисми (20—25 фоизи) картошканинг экилиш даврида берилади.

Микроунсурлар (бўр, молибден, марганец) ҳам картошка ҳосилдорлигини оширади. Буниинг учун туганаклар микроўғитларнинг 0,01—0,05 фоизли эритмаси билан намланади ёки ўсимликлар барги орқали озиқлантирилади.

Экиш. Картошка етиширишда навга хос туганакларни ажратиб олиш ҳамда айнинган ва ипсимон ўсимта берганларини чиқитга чиқаруб ташлаш зарур. Уруғлик туганаклар уч турга ажратилади: 25—50, 50—90 г. ва 90 г. дан оғир. Улардан йириги кўзларининг жойланисига кўра икки бўлак қилиб кесилади. Кесилган туганаккага экишдан олдин ТМТД дориси сепилади, бунда 1 тонна кесилган уруғликка 3,0—3,5 кг дори тўғри келади. Ёзда экиладиган картошка туганаклари кесилмайди, чунки юқори ҳарорат таъсирида улар чириб кетиши мумкин.

Ёзда экишга 1,5—2 ҳафта қолганда картошка туганаклари ҳосил қилган ўсимталар 8—10 см.га етганда синдириб ташланади.

Баҳор ва ёз фаслларида экиладиган картошка туганаклари экишгача ўстирувчи гиберелин (0,5 мг/л) ва тур (500 мг/л) эритмасига солиниб, сўнг экилса, ижобий самара беради.

Парваришлаш. Эртаги картошка ернинг табиий намига униб чиқали. Кечки картошка экилган куни сугорилади. Экилганидан 25—30 кун ўтиб униб чиқали. Бу муддат ичига бегона ўтларни йўқотиш учун 1—2 маротаба тишли енгил борона билан бороналаш керак.


Униб чиқишини тезлатиш учун эгат устига чириган гүнг ёки қора рангли плёнка ёпиш мақсадга мувофиқдир. Пояси эгатни қоллагунга қадар 2—3 маротаба культивация қилинади. Эртаги картошкана үсіш даврида 1 ёки 2, кечкиси эса 2 маротаба — биринчи марта үсімлік бүйі 15—20 см бұлғанида, иккінчи марта гуллаш даврида чопик қилинади.

Суфориш сони ва меъёрлари картошкани етиштириш муддатига ва сизот сувларининг чуқур ёки юза жойлашғанлыгига қараб белгиланади. Эртаги картошкани суфориш апрел ойининг иккінчи ярмидан бошланади.

Эртаги картошкана үсіш даврида сизот суви яқын жойлашған ерларда 4—7, чуқур жойлашған тупроқларда эса 8—9 маротаба суфорилади.

Кечки картошка экилиб бұлниши билан суфорилиши керак. Үсіш даврида ҳар 8—10 кунда бир маротаба суфорилиб, ҳосил ии-
шига 2—3 ҳафта қолғандаги-
на суфориш тұтхатилади. Сизот
суви юза жойлашған майдон-
ларда 7—10, чуқур жойлашған
ерларда эса 10—12 маротаба су-
форилади (21-расм).

Муаммолар. Картошка әкініга заарқунандалардан симкурт, күзги тұнлам, колорадо құнгизи ва қандалалар катта заар етказади. Картошкани әкиш вакытда күзги тұнламга қарши гектарига 50 кімикдорида 7 фоизли гранулали хлорофос солиниши керак. Үсіш даврида эса 0,5 фоиз хлорофос эртимаси сепилали. Колорадо құнгизига қарши қаратә, дәңис, сумми-альфа препараттарининг бирортасыдан 0,15—0,3 кг, қандалаларға қарши эса БИ-58 ёки Антио препараттарининг 0,15—0,20 фоиз эртимаси сепилиши лозим. Колорадо құнгизлары йүқтөпилгач, уларнинг ғумбак ва тухумларига қарши суми-



21-расм. Картошкана үсімлігі:
1—барғи; 2—тулғи; 3—тутунак меваси; 4—меваси.

цин ишлатиш яхши самара беради. Поя нематодига қарши тупроқ 1m^2 ҳисобига 150—200 г карбатион билан ишланади.

Картошка экинила фузариоз сұлиш, макроспориоз, җалқали чириш каби касаллуклар айниңса, күп тарқалған. Бундан ташқары, фитофтора ҳам учраб туралы. Макроспориоз ва фитофторага қарши бир фоизли бордо суюқлиги эритмаси, шунингдек, мис хлорид-нинг 0,3—0,5 фоизли эритмаси ёки цинеб препаратининг 0,4—0,5 фоизли суспензияси пуркалади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Картошка "айнимаслиги"нинг қандай өнерләри бор?
2. Картошкани етиштириш технологиясини баён этинг.
3. Картошканинг морфологияси ва биологиясини таърифланг.
4. Картошка касаллукларидан қайсилари күп тарқалған?

ТОПИНАМБҮР

Аҳамияти. Топинамбур асосан, чорва учун озуқа сифатида ишлатлади. Унинг ер устки (пояси) ва ер остки қисми (туганаги)дан фойдаланылади. Таркибида протеин (21 фоиз), мой ва азотсиз моддалар күплиги жиҳатидан маккаждүхоридан устун туралы.

Туганагининг кимёвий таркиби картошка туганагига ўшаш. Фарқи шундаки, таркибидаги углеводлар (30—40 фоиз) картошка крахмали күренишида эмас, балки асосан, инулин шаклидадир. Инулин қандлари тоза ҳолда таъмсиз, унсимон модда бўлиб, совуқ сувда секин, иссиқ сувда тез эрийди.

Туганагидаги инулин углеводларнинг 80 фоизини ташкил этади, у қишида парчаланиб, қандга айланади ва мевасига ширин таъм беради.

Биологияси. Совуққа чидамли, қисқа кун ўсимлиги бўлганлиги учун уни шимолий минтақаларда ҳам етиштириш мумкин. Топинамбурнинг устки қисми 6°C совуққа бардош бера олади. Музлаган туганаги эриб, яна ўз ҳолига қайтиши мумкин.

Бошқа маданий ўсимликларга нисбатан тупроқ турларига (шўрхок ва шўртоб тупроқдан ташқари) осон мослашади.

Тупроқ озиқасига талабчан: 1 ц ҳосилга 3 кг азот, 1,2—1,4 кг фосфор ва 4,5 кг калий истельмол қиласи. Ўсиш даври 120—200 кунга тўғри келади (22-расм).

Ўсиш даврида 8—10 марта суғорилса, ҳосилдорлиги кескин ошади.

Топинамбур бир ерда 10, ҳатто 40 йил ўстирилиши мумкин.



22-расм. Топинамбур ўсимлигининг умумий күриниши ва туганклари.

«Фузо», «Патта», «Киевская», «Белая», «Северокавказская красная», «МОС-650Ю», «Белий урожайный», «Вадим» ва «Красноклубнев» навлари кенг тарқалган.

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишда топинамбур эҳтиёткорлик билан жойлаштирилмаса ва муайян ерда неча йил ўсиши ҳисобга олинмаса, ўзидан кейин экиладиган ўсимликларга бегона ўтлар каби зарар етказиши мумкин.

Топинамбурни айни бир ерда 3—4 йил мобайнода етиштириш мақсадга мувофиқдир. Марказий Осиёда бу экиндан бўшаган ерга беда экиш ижобий натижага беради, чунки беда бир йил давомида 5—6 маротаба ўрилиши натижасида топинамбурдан ўсиб чиқсан нихоллар

йўқотилиб, ер тозаланади. Топинамбур учун ер картошка экинилаги каби ишланади. Ҳайдашдан олдин ерга 30—40 т гўнг солинади.

Топинамбурнинг 25—50 граммли туганаклари экилади, кесиб экилса, ҳосилдорлиги 25—30 фоиз кам бўлади. Агар туганак жуда йирик (70—80 г) бўлса, кесиб экилгани маъқул. Лекин кесилган туганак фақат баҳорда экилиши керак, кузда экиш тавсия этилмайди. Гектарига 50—60 минг дона экилганда 0,6—2,0 т уруғлик туганак сарфланади.

Топинамбур этиштириладиган иқлим шароитига кўра, икки муддатда—феврал ойининг охири—март ойи бошида ва октябр ойининг охири—ноябр ойи бошида экилади.

Экиш чуқурлиги экилаётган туганак вазнига боғлиқ бўлиб, 5—12 см чуқурликка 70x35—40 см тартибида экилади. Ниҳоллар кўкариб чиққунича ер 1—2 марта бороналанади. Улар тўлиқ кўкариб чиққач, ҳар суғоришдан кейин қатор ораси культивация қилинади. Агар топинамбур этиштирилайтган ерда бегона ўт кўп бўлса, қатор оралари чопик қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади.

Топинамбур ўсиш даврида чилпиш (чеканка қилиш) кўк массасини кўпайтириб, туганак ҳосилига салбий тасир этади, шунинг учун бу усулни қўллаш тавсия этилмайди.

Топинамбур ўсаётган ер эрта баҳорда 2—3 марта борона қилинади. Иккинчи ва учинчи йили топинамбур ўсимлиги ҳар m^2 да кўпайиб кетганлиги сабабли қатор ораси культивация қилинади ҳамда ортиқча ўсимликлар олиб ташланади, яъни қаторлар зичлиги меъёрига келтирилади. Топинамбур фақат туганагидан эмас, поя қаламчаларидан ҳам кўпайтирилиши мумкин. Ўзбекистон шароитида пояси октябрда силос йигадиган комбайнлар билан, туганаги эса ноябр охирларида картошка кавловчи машиналар ёрдамида йигиштирилади.

Топинамбур чириш касаллиги билан заарланади, бунга қарши курашиш учун туганак мева сақланбаётган хона ҳароратини—3°C дан паст даражада ушлаб туриш ва касалланган ўсимликларни йўқотиш лозим. Симқурт, март қўнғизи, лавлаги ва шолғом каналари унинг поя қисмини заарлайди. Уларга қарши анабазин сульфат сепилиши зарур.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАРИ

1. Топинамбурнинг ҳалқ ҳўжалигидаги аҳамияти.
2. Топинамбурнинг биологияси ва морфологиясини баён этинг.
3. Топинамбур стиштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.

3.2. ИЛДИЗМЕВАЛИ ЭКИНЛАР

Бу гурұхға серсүв, ширави, куруқ моддаси кам бұлған илдизмевали ўсимликлар киради. Турли шақтада илдизмеваларда уларнинг куруқ вазнига нисбатан күп (14—24 фоиз) карбон сувлари тұпланаади. Мазкур гурұхға кирадынан ўсимликлар ҳар хил ботаник оиласалар (шұрагуллilar, соябонгулдошлар, бутгуллilar, мұракқабгуллilar) сирасынан кириб, улар орасыла бир, икки ва күп йиллик турлари ҳам учрайди. Үзбекистонда асосан, күп йиллик турлари (қандлавлаги, ҳашаки лавлаги, шолғом, ҳашаки сабзи) экилади. Қандлавлаги қашалаб чиқарып учун техник әкін сифатыда экилса, озиқ-овқат үшін сабзи, лавлаги, шолғом, турп, чорвачилик учун ем-хашик сифт жаңа ҳашаки лавлаги, турнепс, сақратқи етиширилади.

Бу ўсимликлар илдизмеваси таркибида 10 фоиздан 30 фоизге дейінгі куруқ модда, күп миқдорда қанд, крахмал, ҳар хил туз ва минералдар ҳамда каротин мавжуд. Таркибида сув күп бұлғанлығынан да үларни сақлаш қыйин.

ҲАШАКИ ЛАВЛАГИ

Аҳамияти. Ҳашаки лавлагидан ширалы, осон ҳазм бўлалиган тўйимли озуқа тайёрланади. Унинг таркиби чорва моллари организми учун зарур моддалар— углеводлар, азотсиз экстрактив моддалар, минерал тузлар ва витаминларга бой.

Тарихи. XVIII—XIX асрларда ҳашаки лавлаги илдизмевалари озиқ-овқат, қанд ва ем-хашик тайёрлаш йўналишлари учун етиширилган. Ҳашаки лавлаги Европада, жумладан, Буюк Британия ва бошқа ривожланган мамлакатларда күп тарқалған. Бу ерларда илдизмевалилар ҳосили гектарига 600—900 ц.ни ташкил қылади.

Ҳамдүстлик мамлакатларда ҳозирги вақтда ҳашаки лавлаги қарийб 1,8 млн. га майдонни эгаллайди. Илдизмева ҳосили 204—215 ц/га.ни ташкил этади. 1999 йили Үзбекистонда ҳашаки лавлаги экилган 14,71 минг гектардан 198,9 ц. дан, айрим жамоа хўжаликларидан эса 800—1000 ц. ва ундан ҳам юқори ҳосил олинган. Уруф ҳосили 15—20 ц.га баравар бўлған.

Биологияси. Ҳашаки лавлагининг иссиқлик ва ёруғликка бўлған талаби қандлавлагиники билан бир хил. Ҳашаки лавлаги нафас олиши жараённининг фаол бўлғанлығи унинг илдизмевасида қанд моддасининг күп тұпланишига йўл қўймайды. Қандлавлаги илдизмевасида қанд моддасининг кўплигига эса ўсимликнинг шўрга ва кузги совуққа чидамлилигини ҳашаки лавлагига нисбатан анча оширади. Ҳашаки лавлаги илдизмевасининг кўпроқ қисми ер устида жойлашғанлығы учун унга кузги совуқ тез таъсир этади.

Қандлавлагига үшаб хашаки лавлаги ҳам озиқ молдаларига талбачан. У тупроқда шундай моддалар етарли даражада бўлганлagini юқори ҳосил бериши мумкин. Хашаки лавлаги ер ости сувлари чукур жойлашган, шўрланмаган, унумли тупроқларда яхши ўсади.

Етиштириш технологияси

Ўтмишдоши. Хашаки лавлаги учун карам, картошка, маккажӯхори, гўза, беда яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Ерни тайёрлаш. Кузда ер 20—25 см чуқурликла ҳайдалиб, шўрланган ерларнинг шўри ювилади, эрта баҳорда борона қилинади, чигланади, мола босилади. Март ва апрел ойларидагектарига 7—8 кг сарфланиб, қатор ораси 60—70 см, ўсимлик ораси 20 см, экиш ўрлиги 3—4 см қилиб экилади.

Парваришлаш. Тўла майсалар кўкариб чиққандан кейин қатор ёсига ишлов берилиб, яганалашда гектаридага 70—75 минг туп ўсимлик қолдирилади. Ўсиш даврида қатор орасига 2—3 марта ишлов берилиб, 1—2 марта қўшимча озиқлантирилади ва сугорилади.

Ҳосил йигиш. Ўсимлик барглари сарғайганда илдизмева кавлаб олиниб, барглардан тозаланади ва маҳсус ажратилган майдонларда сақланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Хашаки лавлагининг биологияси ва морфологиясини таърифланг.
2. Хашаки лавлагининг аҳамияти нимада?
3. Хашаки лавлагини етиштириш технологиясини баён этинг.

ХАШАКИ САБЗИ

Аҳамияти. Сабзи озиқ-овқатлик хусусиятидан ташқари, чорва моллари ва паррандалар учун каротин моддасига бой озуқадир. Янги йигиштириб олинган илдизмева таркибида 12—15 фоиз куруқ модда, 9 фоиз карбон сувлари, 25—150 мг.гача каротин, 0,14—0,16 озуқа бирлиги мавжуд.

Тарихи. Сабзи қадимдан Жанубий Осиёда етиштирилиб, шу ердан Европа мингақасига тарқалган. Афғонистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Ҳиндистоннинг бир қисми унинг иккинчи ватани ҳисобланади. 2000 йил муқаддам сабзи доривор ўсимлик сифатида экиб келинган. Ўзбекистонда сабзи 5—10 минг га майдонга экилади, ҳосилдорлиги 200—300 ц/га. ни ташкил қиласи.

Биологияси. Сабзи—саёбонгулдошлар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили йўғонлашган илдизмева, иккинчичи йили

уроф ҳосил қиласи. Сабзи совуққа чидамли, уруғи 2—4°C совуқда униб чиқади, 18—20°C ўсиб, ривожланиши учун энг мақбул ҳарорат ҳисобланади. Майсалари 5—6°C совуққа, илдизи яхши ривожланганлыги учун ёзги курғочиликка чидамли. Ўсиш даврида тупроқнинг бир хил намлиқда бўлиб туришини талаб қиласи. Озиқ моддаларига кўпроқ ўсиш даврининг иккинчи ярмида эҳтиёж сезади. Ўсиш даври 120—130 кун давом этади. Ургу олиш учун оналик илдизмева иккинчи йили экиласи.

«Шантенэ—2461», «Геранда», «Валерия—5» каби ҳашаки навлар етиширилади.

Етишириш технологияси

Ўтмишдоши. Ҳашаки сабзига кузги дон экинлари, картошка, кўп йиллик ўтлар яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ерга ҳашаки лавлагига тайёрлангандай ишлов берилади.

Экиш. Сабзавот сеялкаларида эрта баҳорда экиласи. Экишдан олдин ургу тозаланиб, дориланади. Қатор оралари 60—70 см, экиш меъёри 4—6 кг/га, экиш чуқурлиги 1,5—2,0 см бўлиши лозим. Ерга бир текисда тушиши учун экишдан олдин ургу фосфор ёки чиринди билан араплаштирилади.

Парваришлаш. Майсалар тўла униб чиққандан кейин қатор орасига юза ишлов берилади. Ўсимлик 4—5 та чинбарг чиқаргач, ягана қилинади. Ҳар гектарда 250—300 минг туп бўлиши керак. Бегона ўларга қарши гербициллар кўлланилади. Ўсиш даврида 2—3 марта культивация ва қўлда чопиқ қилинали. Қўшимча озиқлантиришда 80—90 кг/га азот ўғити берилади. Ўсиш даврида 7—8 марта сугоришида. Барглари сарғайгандага ҳосил йиғиштирилади, бунда СНУ-3С ёки фўзапоя йиғиштирадиган машиналардан фойдаланиш мумкин. Илдизмева маҳсус жойларда ёки чуқурлиги 0,7—1,0 м, эни 0,7 м, узунлиги 10 м бўлган ерларда усти ёпилган ҳолатда сақланади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ҳашаки сабзининг аҳамияти, биологияси ва морфологиясини баён этинг.
2. Ҳашаки сабзини етишириш технологиясини таърифланг.

ҲАШАКИ ШОЛФОМ

Аҳамияти. Тўйимли, ширали, осон ҳазм буладиган озуқа беради. Сут етиширишга ихтисослашган хўжаликларда ем-ҳашак экинларининг 40—50 фоизи шу экинга тўғри келади. Таркибida калий, фосфор, магний унсурлари кўп бўлганлиги боис мевасидан ун тайёрлаш мумкин. Баргода витаминлар, оқсил моддалар кўп. Илдизме-

ванинг 1 кг.да 310—470 мт каротин бор. Серҳосил экин. Ўзбекистонда баҳорда экилганда 45—50 т/га, ёзда экилганда 20—25 т/га ҳосил беради.

Биологияси. Ҳашаки шолғом—бутгуллilar оиласига мансуб иккى йиллик ўсимлик, биринчи йили йўғонлашган илдизмева ҳосил булса, илдизмева иккинчи йили экилганда поя чиқариб, гул ҳосил қиласди ва ургу тугади.

Ҳашаки шолғомнинг уруғи 1—2° С иссиқда униб чиқа бошлайди. Нам тупроққа экилган шолғом уруғи етарли ҳарорат бўлган ҳолда, 3—4 кунда униб чиқиши мумкин. Ёш ниҳоллари 5° С, йириклари 6° С совуққа ҳам бардош бера олади.

Намга талабчан ўсимлик. Эртапишар навлари 50—60 кунда, кечпишар навлари эса 100—110 кунда пишиб етилади. Ўзбекистонда «Маҳаллий Наманган», «Маҳаллий Самарқанд» навлари экилади.

Етиштириш технологияси

Тупроқни экишга тайёрлаш, ишлов бериш ҳашаки лавлаги ва сабзи экинларини етиштиришдаги билан бир хил. Алмашлаб экишда ҳашаки шолғомни ғўза, маккажӯхори, кузги ғалла экинларидан кейин оралиқ экин сифатида ҳам етиштириш мумкин. Ерни шудгорлашдан олдин гектарига 20—30 тонна чириган гўнг, 60—80 кг фосфор ва калийли (соф ҳолда) минерал ўғитлар солинади. Баҳорда ер чизелланиб, бороналанади, тупроқда намни сақлаб қолиш, уруғнинг бир текис тушиши ва кўмилиши учун яхши текисланиб экишга тайёрланади. Ҳашаки шолғом уруғи сабзавот экиладиган сеялкаларда экилади. Бир гектар ерга 3—4 кг уруғ ишлатилади, экиш чуқурлиги 1,5—2 см. Тупроққа бир текисда тушиши учун уруғ экиш олдидан суперфосфат ёки чиринди билан аралаштирилади. Қатор ораси 60—70 см. Яганадан кейин бир гектар ерда 90—100 минг ўсимлик қолдирилади.

Ҳашаки шолғомни парвариш қилиш қатқалоққа қарши кураш, қатор ораларини культивация қилиш, яганалаш, озиқлантириш ва супориш ишларини ўз ичига олади. Экин экилгач, ёғингарчилик натижасида қатқалоқ ҳосил бўлса, кўндалангига енгил бороналаш, чопик қилиш йўли билан қатқалоқ йўқотилади. 2—3 жуфт чинбарг чиққанда ягана қилинади. 2—3 марта культивация қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади ва қатор оралари юмшатилади, май ойининг охири ва июн ойи бошларида гектар ҳисобига 60—80 кг азот билан озиқлантирилиб, супорилади. Ўсимликнинг ўсиш даврида 3—4 марта супориш лозим.

Хашаки шолғомни такрорий экин сифатида күзги экинлардан кейин, яъни ёзда ҳам экиш мумкин. Бу ҳолда унинг агротехникиаси баҳорда экилганидан фарқ қилмайди. Фақат асосий экиндан кейин қисқа мулдатда ерни ҳайдаб, экиш керак. Баҳорда экилган хашаки шолғомнинг илдизмевалари қуриб қолмасидан июл ойида чорва молларига озуқа учун йигиштириб олинади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Хашаки шолғомнинг аҳамияти, биологияси ва морфологиясини таърифланг.
2. Хашаки шолғомни етишишиш технологиясини баён этинг.

5-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ТУГАНАК МЕВАЛИ ВА ИЛДИЗМЕВАЛИ ЭКИНЛАРНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

ТОПИНАМБУРНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Дарс режаси: Топинамбурнинг морфологиясини ўрганиш.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: гербарий, туганклар, мева, расм, услубий қўлланмалар.

Мураккабдошлар оиласига мансуб бу экиннинг ер ости қисми картошкага, ер устки қисми кунгабоқарга ўхшайди. Пояси тик ўсади, сершоҳ, бўйи 2,5—4 м.га етади. Барглари чўзиқ, учлари ўткир, йирик, чети аррасимон. Поянинг пастки қисмиди доира шақлидаги барглар мавжуд. Тўпгули кунгабоқарга нисбатан майдароқ, диаметри 3—5 см. Гули четдан чангланади. Меваси писта бўлиб, 1000 дона-сининг вазни 7—9 г келади (22-расм).

Ўқилдили тупроққа 2—3 м.га кириб боради. Ер ости поялари туганак мевага айланади. Бир туплан ўртача 20—25 та, айрим ҳолларда 5 кг.гача туганак олиш мумкин. 10—100 г келадиган туганаклар ноксимон, чўзиқ шаклда, оқ, бинафша рангларда бўлади.

ХАШАКИ ЛАВЛАГИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Дарс режаси: Хашаки лавлагининг морфологик белгиларини ўрганиш ва турларини ажратиш.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: ўсимлик намуналари, гербарий, илдизмевалар, уруг, кўргазмали расм ва услубий кўргазмалар.

Илдизи. Ўқ илдизи яхши ривожланган, тупроққа 1,5—2 метр

чуқурликкача кириб боради, биринчи йили асосий илдизи йўғонлашиб илдизмевага айланади.

Илдизмеваси халтасимон, конуссимон, думалоқ-овалсимон шаклда, оқ, сариқ, яшил, пушти рангда бўлади.

Барги. Оддий, йирик бандли, юзаси текис, тухумсимон шаклда. Биринчи йили 50—80 та барг ривожланади. Иккинчи йилги барглари майда бўлади.

Пояси. Ўтсимон, сершоҳ, қиррали, баландлиги 1—1,5 м. га етади (23-расм).

Гули. Икки жинсли гулкосаси 5 та гултожибарг ва генератив органлардан ташкил топган. Гуллари майда, яшил рангли, барг қўлтиқларида 2—6 тадан жойлашади.

Меваси. Майда, бир уруғли ёнғоқчадан иборат меваси думалоқ, бурчак шаклида, оч қўнғир рангда. Бир гултўпламда жойлашган гулларининг гулкосалари қўшилиб ўсади, бунинг натижасида ҳосил бўлган қўшалоқ меваси таркибida 2—6 та уруғ бўлади.

Навлари. Хашаки лавлагининг «Узбекская полусахарная», «Эккендорфская желтая» навлари етиштирилади.



23-расм. Хашаки лавлаги илдизмеваларининг шакллари.

ХАШАКИ ШОЛГОМНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Дарс режаси: Хашаки шолгомнинг морфологиясини ўрганиш ва фарқини аниқлаш.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: илдизмевалар, ўсимлик намуналари, уруғлари, расмлар, услубий қўлланма.

Шолғом — бутгуллилар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик, биринчи йили илдизмева ва илдиз ёнбарглар ҳосил қиласди. Иккинчи йили шу илдизмева қайта экилганда поя ва гул ҳосил қилиб, уруғ беради.

Барглари калта, кенг тухумсимон, усти ясси бўлади. Ҳақиқий барглари йирик, оддий, барги тукли, тубига қараб кенгайган.

Иккинчи йили ўсимлик илдизмеваларидан пояни ёппасига қоплаган учбурчак занжир шаклидаги барглар ҳосил бўлади.

Илдизмевасининг шакли ва ранги навларига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпчилик навларининг илдизмеваси узун цилиндричесимон ёки эллипссимон бўлади. Ер ости қисми оқ ёки сарғиш, ер устки қисми бинафша, яшил рангда, силлиқ кўринишига эга. Илдизмевасининг 1/2 дан 2/3 гача қисми тупроққа кириб туради, ён илдизлари илдизмеванинг энг устки қисмидаги ҳосил бўлади (23-расм).

Иккинчи йили илдизмева экилгач, ундан бир неча пой ўсиб чиқади, поянинг баландлиги 1 м.га этади, шохланиб, тўпгуллар ҳосил қиласди. Тўпгуллар қалқонча шаклида, гули сарик, 4 та гул барги, б та чангчи—оналиги бўлиб, гуллаб оталангандан кейин кўп уруғли қўзоқчага айланади.

Уруғлари майда, жигарранг ёки қора, 1000 донасининг вазни 2,5—3,5 г.

Ўсиш даври биринчи йили 70—110, иккинчи йили эса 85—90 кунгача давом этади.

3.3. ХАШАКИ ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ

Хашаки экинлар орасида полиз экинлари серсув, ширали карбон сувларига бой озуқалардир. Хашаки тарвуз мевасида 3—5 фоиз қуруқ модда ва 1—3 фоиз қанд, 10—20 фоизгача пектин моддаси бўлиб, меваларининг узоқ вақт сақланишини таъминлайди. Қовоқнинг хашаки навларига қуруқ модда 6 фоизни, қанд 2—3 фоизни ташкил қиласди. Бу экинлар меваси сут кўпайтириш хусусиятига эга.

Тарихи. Тарвузнинг ватани Жанубий Африка, қовоқники Жанубий Америка ҳисобланади.

Биологияси. Полиз экинлари қовоқдошлар оиласига мансуб иссиқсевар ўсимликлардир. Қовоқ уруғи 10—13°C, тарвуз уруғи эса 15—16°C иссиқда униб чиқади. Қовоқ ривожланиши учун 20°C, тарвуз учун 25—30°C энг мақбул ҳарорат ҳисобланади. Ҳаво ҳарорати 15°C гача пасайса, ўсиши сусаяди, 5—10°C да ўсишдан тўхтайди. Полиз экинларининг яхши ривожланиши учун тупроқ намлиги 80—85 фоиз, ҳаво намлиги 50—60 фоиз бўлиши керак. Бу ёргусевар экинлар 10—12 соатли кунда ва енгил, қумлоқ тупроқларда яхши ривожланади.

Тарвуз майсалаганидан 40—50 кун ўтиб, қовоқ эса 35—60 кун-

дан кейин гуллайди, мева туғиши тарвузда 35—50 кун, қовоқда 45—70 кун давом этади. Умуман, қовоқ нағшари 75—135 кунда, тарвуз нағшари 60—120 кунда пишади.

Етиштириш технологияси

Үтмишдоши. Донли экинлар, беда, карам ва сабзи бу экинларнинг асосий үтмишдошлари ҳисобланади. Бир далага полиз экинлари 1—2 йилдан ортиқ экилмайди. Үтмишдош экинлардан бушаган ерлар экишга тайёрлашдан аввал сүғорилиб, сұнгра чизелланади ва органик ўғитлар сепилади, бунда тупроқ 30 см чуқурликла ҳайдалиши керак. Эрта баҳорда намликни сақладаб қолиш учун ер борона қилинади ва бетона үтлардан тозаланади. Экишдан олдин 18—20 см чуқурликда юмшатилади. Хайдашдан олдин 15—20 т/га гүнг солинади. Бұз тупроқли ерларда 100—150 кг азот, 100—150 кг фосфор ва 50 кг калий, үтлоқи ва үтлоқи-ботқоқ ерларда 80—100 кг азот, 100—120 кг фосфор ва 50—60 кг калий солиши тавсия қилинади. Фосфорлы ва калийли ўғитларнинг 75 фоизи күзда, қолған қисми (25 фоизи) ва азотнинг 50 фоизи экиншдан олдин, қолғани үсіш даврида солинади.

Экиш. Полиз экинлари тупроқ ҳарорати 12—15°C га етганда 10 см чуқурликка экилади. Ўзбекистонда хашаки тарвуз 1 апрелдан 15 майгача, хашаки қовоқ 20 апрелдан 10 майгача экилади. Экиш чуқурлиги 5—7 см. Экиш усули ҳар хил бўлиб, қатор ораси 180, 210 ва 280 см, ўсимликлар ораси 70 см қилиб олинади. Экинлар бир ёки қўш қаторли қилиб экилади. Бир гектар майдонга тарвузнинг 6—8 минг, қовоқнинг 5,0—5,5 минг дона уруғи экилади. Үсіш даврида тупроқ юмшатилади, зарур бўлса, яганаланиб, сугорилади. Чопик қилингач, палаклари тўғриланиб, бетона үтлардан тозаланади. Ҳосилни йигишдан 10—12 кун олдин сүғориш тұхтатилади. Сүғориш ариқлапи текисланиб, йигиштиришга киришилади.

6-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШІФУЛОТИ

ХАШАКИ ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Дарс режаси: Хашаки полиз экинларининг морфологиясини ўрганиш ва фарқини аниқлаш.


Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: хашаки полиз экинларининг мевалари, ўсимлик намуналари, гербарий, уруғлар, расмлар, услубий күлланма.

Морфологияси. Полиз экинлари қовоқдошлар оиласига мансуб.

Тарвуз. Яхши ривожланган, сершох, ўқилдизи тупроққа 2—3 м.гача киради. Барглари патсимон. Поя ва барглари сертук. Гули йирик, оч сариқ рангла, эркак гулларининг гулбанди үрочи гулиникига нисбатан анча узун, ҳашаротлар ёрдамида четдан чангланади. Меваси кўп уруғли сохта мева бўлиб, шакли шарсимон, тухумсимон чўзиқ, яшил, оч яшил рангда. Вазни 10—15 кг.дан 25—30 кг.гача бўладиган мевасининг эти яшил ёки оқиш рангли, таркибида 1,2—2,6 фоиз қанд мавжуд. Яssi, кертикли ва қаттиқ пўстли, ҳар хил рангдаги уруғидан 1000 донасининг вазни 120—200 г келади (24-расм).

Хашаки тарвузнинг «Богарний—112», «Бродский-37—42», «Диксим» навлари етиштирилади.

Қовоқ. Илдизи тарвузники сингари яхши ривожланган. Ерги тарагиб ўсуви, палаги тукчалар билан қопланган, барглари оддий, йирик. Турига қараб, гулларининг шакли ва ранги ҳар хил бўлиши мумкин. Гуллари айрим жинсли, бир уяли, сариқ рангда бўлиб, барг қўлтиғида жойлашади. Меваси шарсимон ёки чўзиқ, зарғалдоқ, гоҳида оқ рангли, эти юмшоқ, серсув, таркибида 2—8 фоиз мой бор. 1000 лона уруғининг вазни




24-расм. Тарвуз барглари(г), гуллари (а,б), чангли (в).

240—300 г атрофида. Хашаки қовоқнинг «Стофунтова», «Алтайская—47», «Гибрид—72», «Витаминная», «Волжская серая—92» навлари мавжуд (25-расм).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Хашаки қовоқ ва тарвузнинг биологияси ҳамда морфологияси ни баён этинг.

2. Хашаки полиз экинлари етишириш агротехникасини търифланг.



25-расм. Қовоқ барғлари.

3.4. СИЛОСБОП ЭКИНЛАР

Силос тайёrlаши учун ҳар хил дала экинларидан фойдаланилади. Бу экинлар орасида мойли экинлардан кунгабоқар ва рапс алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг уруғи ва меваси таркибида 20—60 фоиз мой булиб, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида ҳам ишлатилади. Шундан қолган кунжара ва шрот чорва молларига тўйимли озуқа ҳисобланади. 1 кг кунгабоқар широти 1, 20, соя широти эса 1,30 озуқа бирлигига teng.

Ер юзида энг кўп тарқалган мойли экинлар сирасига соя (62,6 млн. га), кунгабоқар (18,3 млн.га), рапс, сурепица (22,2 млн.га) кабилар киради. Мойли экинлар АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина, Хитой, Покистон, Россия, Молдова, Украина, айниқса, кўп экилади. Ўзбекистонда мойли силосбоп экинлардан кунгабоқар ва рапс етиширилади. Мойли экинлар юқори сифатли оқсил моддасига, лизин, цистин, аргинин каби муҳим аминокислоталарга бой.

КУНГАБОҚАР

Аҳамияти. Кунгабоқар мойи асосан, озиқ-овқатда кенг қўлланилади. Мойи оч сариқ рангли, тиниқ, ярим қурийдиган (йод сони 119—144); уруғи таркибида 29—56 фоиз мой ва 15 фоиз оқсил бор.

Мой олингандан кейин қоладиган чиқиндилари (шрот ва кунжаси), шунингдек, ўсимлик савати чорва моллари учун юқори сифатли озуқа ҳисобланади.

Тарихи. Шимолий Американинг жанубий ҳудудларидан Европага XVI аср бошида олиб келинган. Дастлаб манзарали ўсимлик сифатида стиштирилган. Кунгабоқар мойи илк бор 1835 йили Россияда ишлаб чиқарилган. Ер юзида кунгабоқар 18,3 млн. га майдонни эгаллади. Аргентина, Канада, Хитой, Испания, Туркия, Руминия, Австралия, Танзания, Украина, Молдовада экилади. Уруғ ҳосили 2—5 т/га ни ташкил этади.

Кунгабоқар уруги йириклиги, мойининг миқдори ва магизининг чиқишига қараб, 3 та гуруҳга бўлиниди: 1) мойли кунгабоқар — пистаси майда, 1000 донасининг вазни 35—80 г, магизининг таркибида 53—63 фоиз мой бўлади; 2) чақиладиган кунгабоқар — пистаси йирик, 1000 донасининг вазни 100—170 г, мағизининг таркибида 20—35 фоиз мой мавжуд; силосланиши мумкин; 3) оралиқ нав — барча кўрсаткичлари бўйича ўргача.

Биологияси. Бир йиллик ўсимлик. Уруғи 4—6°C иссиқда униб чиқади, 10—12°C ҳароратда анча тез унади. Майсаласи 6°C совуқка бардош беради, ривожланиши учун энг мақбул ҳарорат 18°C. Майсаланиш-гуллаш паллалари иссиқликка талабчан даври ҳисобланади.

Курғочиликка чидамли бу ўсимликнинг қалин туклари танасидаги намни бугланишдан сақтайди. Сувни кўп талаб қиласидан гуллаш даври бўлиб, бу пайтда 60 фоиз сувни ўзлаштиради. Курғочилик шароитида ҳосили анча камаяди. Ёргесвар, қисқа кун экини, соя жойда ва булутли ҳавода ўсиши ва ривожланиши тұхтайди, барглари майдалашади.

Озуқага талабчан, 1 т писта ва шунга мос поябарг ҳосил қилиши учун 50—60 кг азот, 20—25 кг фосфор, 120—160 кг калий сарфлайди. Озиқ унсурларини кўп талаб қилиши фаол ривожланишидан гуллашитача бўлган даврига тўғри келади. Гуллаш даврига етганда 60 фоиз азот, 80 фоиз фосфор ва 90 фоиз калий ўзлаштиради. Кунгабоқар қора, бўз, сур, муҳити (pH)—6,0—6,8 бўлган тупроқларда яхши ўсади ва ривожланади.

Кунгабоқар ўсиш даврида қуйидаги ривожланиши босқичларини утади:

1. Униб чиқиши 10—15 кун давом этади, муртак илдиз ривожланади, уруғ палласи ер бетига чиқади.

2. Саватининг шакланиши 30—40 кунга тұғри келади, бу босқичда биринчи чинбарглар ривожланади. Үсімлікта үртаса 13 та барг ривожланганда сават ҳосил бўлади.

3. Шоналаш палласида үсімлік тез ўсади, гуллаши бошланади ва 25—30 кун давом этади, сариқ рангли тилсімон гулбарглари ривожланади.

4. Гуллаш-пишиш даври 35—40 кун давом этади, иккى жинсли найчасимон гуллар ҳосил қиласи, гули четдан чангланади. Навга хос рангга эга бўлади.

5. Тулиқ пишишила савати сариқ, жигаррәнг, пистасининг намлиги 18—12 фоизга камаяди.

Ўзбекистонда кунгабоқарнинг «ВНИИМК — 8931», «Чкаловский гигант» навлари етиштирилади.

Етиштириш технологияси

Ўтмишдоши. Кузги ва баҳорги буғдой, арпа, дуккакли дон ва ем-хашак ўтлар, кунгабоқар, қандлавлаги, беда, судан, рапс, кўкнўхат яхши ўтмишдошир. Бир экилган ерга 8—10 йилдан кейин қайта экиш мумкин.

Ерга ишлов беришда кўп йиллик бегона ўтлардан тозалаш, текислаш, намни сақлаш талаб этилади. Кўп йиллик бегона ўтлар тарқалған ерларга мураккаб босқичли ишлов берилади: 6—8 см чуқурликда дискланади, кейин 10—12 см чуқурликда чизелланади, оғир борона (БДТ—7) юргизилади, ўт ўсіб чиққанда ер ҳайдалади.

Экишдан олдин тупроқ юзаси текисланиб, 8—10 см чуқурликда культивация қилинади ва борона босилади.

Ҳайдашдан олдин ерга 15—20 т/га гўнг, 45—60 кг. дан фосфор ва калий, экиш билан бирга 10—15 кг. дан NPK, униб чиққандан кейин 30—50 кг натрий, 20—40 кг фосфор қўлланилади.

Экиш. Унувчанлиги 95 фоиздан кам бўлмаслигӣ, гектарига тупсони сувли ерларда 40—50 минг, лалми ерларда 20—30 минг бўлиши мақсадга мувофиқидир.

Кунгабоқар уруғи экишдан олдин фентиурам (3кг/т) билан ишланади. Жадал етиштириш технологияси ишлатилади, ягана қилмаслик учун аниқ экиш усули қўлланилади. Ўртаса 45—55 минг дона, яъни 5—8 кг/га уруғ экилади, 35—40 кг/га силос тайёрлаш учун уруғ 6—10 см чуқурликка кенг қаторлаб экилади, қатор ораси 70 см қилиб олинади. Силос тайёрлаш учун кунгабоқар соя ва бошқа ем-хашак экинлари билан бирга қўшиб экилади.

Перваришлиш. Кунгабоқар қуруқ түпроққа экилган бұлса, ғалтаклар билан зичлаштирилади. Қатқалоққа қарши борона босилади. Үсіш даврида қатор ораси 2—3 маротаба культивация қилинади.

Бесона үтларға қарши нитран, трефлан, гезагард-50 гербициллари құлланилади. Гуллаш даврида экинзорга асалари уялари (1 га срга 1—1,5 үя) құйылса, гуллар яхши чангланиб, мүл ҳосил беради, уруг экишдан олдин касаллуклар ва қашаротларға қарши ТМТД (80 фоиз, 3 кг/т), апрон (35 фоиз, 4кг/т) ишлов берилади, шумғияга қарши алманилаб экиси, уругны дөрилаш, чидамли навлар экиш тавсия қилинади.

Кунгабоқар үсіш даврида — гуллаш дазригача ва гуллаш даврида 2 маротаба, пишиш давригача 1 марта 600—800 м³/га меъёрида сугорилади.

Ҳосил дон комбайнларидан маҳсус мослама билан ўрилади. Сақланадиган уруглар намлиғи 13 фоиздан ошмаслиги лозим.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Кунгабоқарнинг аҳамияти ва биологиясини таърифланг.
2. Кунгабоқардан қандай маҳсулоттар олинади?
3. Кунгабоқар етиштириш агротехникасини баён этинг.

РАПС

Аҳамияти. Мойи озиқ-овқат учун ва техникада құлланилади. Күзги рапснинг уруғида 32—50 фоиз мой, 23 фоиз оқсил, баҳорги рапсда 35—40 фоиз мой ва 21 фоиз оқсил бор. Рапсдан күкат озуқа ҳам тайёрланади. Күнжарааси молларга юқори түйимли озуқадир.

Уруг ҳосили 1,5—2,5 т/га, күкат ҳосили 15—25 т/га.

Биологияси. Бир йиллик үтсімөн үсімлік, карамдошлар оиласында мансуб, күзги ва баҳорги биологик гурұхлары мавжуд. Совуққа чидамли, уруги 1—3°C ҳароратда униб чиқади, майсаси 3—5°C союққа бардош беради.. Намталаб, ёруғсевар экин.

Етиштириш технологияси

Үтмишдоши. Рапсга бир йиллик үтлар, дон ва силосбоп экинлар асосий үтмишшошdir. Бир экилган майдонга 4 йилдан кейин экиси мүмкін. Ерни тайёрлаш күзги дон экишдегига үхшаши. Уруги майдалиги сабабли еркіннеги ниҳоятта текис булишини талаб қиласы,

Үгітлаш. Бир тонна уруг етиштириш учун 50—60 кг азот, 25—35 кг фосфор ва 40—60 кг калий сарфланади. Үртача үгітлаш

меъёри 80—100 кг азот, 80—100 кг фосфор ва 40—50 кг калийга тўғри келади. Ўғитлар ер ҳайдашдан олдин (фосфор, калий), экишгача ва ўсиш даврларида солинади.

Экиш. Ёппасига қаторлаб ёки кенг қаторлаб экилганда қатор ораси 30, 45, 60 см, экиш чўкурлиги 3—4 см бўлиши лозим. Экиш меъёри — ёппасига қаторлаб экилганда 3—4 млн. дона, кенг қаторлаб экилганда 2,0—2,5 млн. дона уруққа тенг бўлади. Кузги раВс кузги дон экинлари билан, баҳорги раВс баҳорги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Ўзбекистонда раВс оралиқ экин сифатида етиштирилмоқда.

Парваришлаш. Кузда экилгандан кейин мола босилади, 2 та чинбарги чиққози, культивация қилинади, 4—5 та барги ривожланганда, борона қилинади (ёппасига қаторлаб экилганда). Экишдан олдин уруғ зааркуннадаларга қарши дориланади (80 фоизи ТМТД 5 кг/т), ўсиш даврида ҳашаротларга қарши карбофос (50 фоиз, 0,6—0,8 л/га), сумицидин (20 фоиз, 0,3 л/га) билан ишлов берилади. Баҳорда экилган раВс майсаланиш даврида бороналанади, кенг қаторлаб экилганда культивация қилинади. Ҳосил дон комбайнлари ёрдамида йиғиб олинади, донини 8—10 фоиз намлигига сақлаш мумкин. Қўкат олиш учун кузда экилган раВс баҳорда, гуллаган даврида ўрилиши лозим.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Рапснинг аҳамияти, морфологияси ва биологиясини баён этинг.
2. Рапсни етиштириш технологиясини таърифланг.
3. Рапснинг ишлатилиш соҳаларини курсатинг.

ХАШАКИ КАРАМ

Хашаки карам муҳим силосбоп экинлардан ҳисобланаб, тўйимлилиги жиҳатидан кунгабоқардан қолишмайди. Бу икки йиллик ўсимлик қўкат ва силос тайёрлаш учун экилади. 100 кг қўкати 15,7 озуқа бирлигига тенг. Таркибида 2,5 фоиз оқсил, 8,8 фоиз азотсиз экстрактив моддалар бўлиб, С, В витаминлари ва каротинга бой. 1 кг қўкатида 33 мг каротин, шунингдек, 12—14 фоиз қуруқ модда мавжуд. Ҳосилдорлиги 500—1000 ц/га атрофида. Илдизи яхши ривожланган, поясининг йўғонлиги 3—5 см. га етади. Пояси ва барглари яшил, барглари мумгубор билан қопланган, гоҳида бинафишаранг доғлилари учрайди. Иккинчи йили барг қўлтиқларидан гуллар ўсиб чиқади. Шингил тўпгулли, меваси—чатнаб кетмайдиган қўзок, уруғи майда, 1000 донасининг вазни 3—5 г келади.

Уруги 5—6°C ҳароратда униб чиқади. Майсаси 5—7°C совуққа бардош бера олади. Хашаки карам тупроққа талабчан бўлиб, унумдор, сув билан таъминланган, ботқоқланмаган, механик таркиби ўртacha ерларда юқори ҳосил бериши мумкин. Вегетация даври биринчи йили 140—160 кунга, иккинчи йили 80—90 кунга тўғри келади.

Етиштириш технологияси

Хашаки карам уруги ва кўчатидан ўстирилади. Уругидан ўстирилганда кенг қаторлаб—қатор ораси 60—70 см қилиб экилади. Экиш меъёри 2—3 кг/га, экиш чуқурлиги 1,5—2 см. Эртаги дон экинлари билан бир вақтда, кўчати ёрдамида ўстирилганда эса май ойидаёқ далага экилиши керак: кўчатлар 3—4 та барг чиқарганда СКН—6 маркали машинада гектарига 40—50 минг туп қалинликда, қатор ораси 70 см қилиб экилади. Вегетация даврида қатор оралари юмшатилади, 3—4 та барг чиқарганда туплар орасида 30—40 см қолдириб ягана қилинади, бегона ўтлар йўқотилади. Тупроқ намлиги ҳисобга олинган ҳолда суфорилади.

Ўғитлаш меъёри: гектарига 40 тонна гўнг, 60—90 кг.дан азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар солинади. Баҳорда экилган хашаки карам ёз ойларига бориб йўғон, баландлиги 100—120 см келадиган поя ва йирик барглар ҳосил қиласиди. Бу ҳол кузгача сақланади, деқабрга бориб барги тўкилади. Хашаки карам август ойида уругидан ёки кўчати орқали ўстирилганда ҳам поя ва барг ҳосил қилиши мумкин, яхши қишлиайди, март ойларида ўсиши давом этиб, апрелда гуллайди ва июнга бориб уруги етилади.

Қўкати совуқ тушишидан олдин ўриш машиналарида ўриб олиниади. Карамнинг қўкати бошқа ем-хашак экинларига қўшиб силос қилинади. Музлаган силоси тўйимлилигини йўқотмайди. Силослаш учун «Мингбош», қўкат учун «Мозговая» карам нави маъқул ҳисобланади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР


1. Хашаки карамнинг аҳамиятини баён этинг.
2. Хашаки карамнинг биологияси ва морфологиясини сўзлаб беринг.
3. Хашаки карамни етиштириш технологияси ҳақида нималарни билиб олдингиз?

7-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШФУЛОТИ СИЛОСБОЛ ЭКИНЛАРНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ КУНГАБОҚАРНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Дарс режаси: Ўсимликнинг тузилишини ўрганиш, гули, савати, гербарийси асосида унинг хусусиятларини фарқлаш.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: ўсимлик ёки гербарий, уруги, савати, услубий кўлланма.

Морфологияси. Кунгабоқар яхши ривожланган ўқилдизли бир ийллик ўсимлик. Пояси тик ўсади, юқори қисми шохланади, қалин тукли, баландлиги турларига қараб 1—4 м бўлади. Барги оддий, юраксимон, бандли, тукли, дағал, кетма-кет жойлашади, барглари саватни ўраб туради. Саватида икки хил гул бўлади: сават атрофида мева ҳосил қўлмайдиган сариқ рангли гуллар жойлашади, унинг юзасини икки жинсли гуллар эгаллайди. Меваси — тўрт қиррали оқ, кулранг писта, 1000 донасининг вазни 100—150 г келади (26-расм).



26-расм. Кунгабоқар:
I—ўсимликнинг умумий кўриниши;
II—саватининг кундаланг кесими.

РАПСНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ



27-расм. Рапс.

Дарс режаси: Рапс экинининг тузилиши ва морфологик белгиларини аниқлани.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: ўсимлик ва уруғ намуналари, гербарий, расмлар, ўкув қулланмалар.

Илдизи. Урчуқсимон, сершох, яхши ривожланган ўқилдиз. Кузги рапс кузда экилганда 5—9 та баргдан ташкил топган түпбарг ҳосил қиласи. Қишлиб чиққандан кейин поячиқаради, гуллайди ва уруғ ҳосил қиласи. Баҳори рапс баҳорда ва ёзда экилади ва шу ийлнинг ўзида ҳосил беради.

Пояси. Тик ўсади, кўп шохланади, ён шохлари яхши ривожланади, туксиз бўлали, баландлиги 100—150 см.га етади (27-расм).

Барги. Бандли, туксиз, тўқ яшил рангли, патсимон, қийилган, 2—4 та жуфт бўлакли, понасимон, кам тукланган барг. Пояда жойлашган ўрнига қараб барглар кертилган, патсимон, чўзинчоқ ланцетсимон, бутун барг кўринишига эга ва поясининг ярмини ўраб туради.

Гултўплами. Ёйиқ шингил гули тўрт бўлакли, оч сариқ рангли; бир гултўпламида 25—40 та гул бўлади.

Меваси. Тўғри, эгилган қўзоқча. Узунлиги 5—10 см, ингичка (3—4 мм), стилгандаги чатнамайди. Мевалари юқори томон йўналиган.

Ургуғи. Шарсимон, оч жигаррангдан қорагача бўлади, юзаси майда катакчали, 1000 донасининг вазни 3—7 г келади.

4. ЕМ-ХАШАК ЎТЛАР

Ем-хашак экинларидан чорва моллари учун кўкат, пичан, си-лос, витаминли ун, сенаж каби тўйимли озуқалар тайёрланади, улар таркибида витаминлар, оксили моддалар, мой, минерал тузлар мавжуд. Ем-хашак ўтлар гурӯҳига кўп ва бир йиллик дуккакли ва қўнғир-бош ўтлар, шунингдек, бошқа оиласга мансуб экинлар ҳам киради.

4.1. КЎП ЙИЛЛИК ДУККАКЛИ ЎТЛАР

Кўп йиллик дуккакли ўтлар 2—3 йил мобайнинда бир гектарда 200—400 кг азот ва кўп миқдорда илдиз қолдиқларини тўплайди.

Дүккакли ўтлар таркибидан юқори сифатлы оқсил бўлиб, улардан тайёрланган озуқалар осон ҳазм бўлади. Дүккакли ўтлар тупроқ юзасини кўк массаси билан тўлиқ қопграб, тупроқни шамол ва сув эрозиясидан, айниқса, баҳор ва куз ёғингарчиликларидан сақладайди. Ҳар йили ер ҳайдалиб экилмаслиги, уруғ талаб қилмаслиги ва қатор ораси ишланмаслиги туфайли бу экинлар яхши иқтисодий самара беради. Аммо улар тупроқда етарли миқдорда фосфор, калий, молибден моддалари бўлишини талаб қиласди.

Дүккакли ўтлардан бир неча марта ҳосил олиш мумкин. Гуллаш даврида кўкат таркибидан 14—18 фоиз оқсил бўлади. Уруғи бир вақтда етилмайди. Уруғлар унувчанлигининг сақланиш хусусияти ҳар хил—баргакда 1—2 йил, сарик қашқарбедада 16—17 йил, бедада 3—7 йил, қизил себаргада 3—4 йил.

Бу экинлар бошқа барча дала экинларига яхши ўтмишдош бўлади.

БЕДА

Аҳамияти. Беда ўсимлигидан хилма-хил озуқалар тайёрланади. Улар тўйимлилиги билан ажралиб туради. 1 кг кўкати таркибидан 0,20 озуқа бирлиги ва 30 г оқсил, 1 кг пичанида 0,47 озуқа бирлиги ва 90 г оқсил мавжуд. Беда таркибидан ҳайвонлар учун зарур бўлган А, В₁, В₂, Д, С, Е, К витаминлари бор. Кўкати таркибидан 70—75 фоиз сув бўлади. Беда агротехник аҳамиятга ҳам эга бўлиб, бир гектар ерда 250—340 кг азот ва 150—184 ц илдиз қолдиқларини тўплайди. У экилган шўрланган ерларда тузлар миқдори камаяди. Суфориладиган маданий яйлов барпо этишда ҳам муҳим аҳамияти билан ажралиб туради.

Беда биринчи йили 20—40 ц/га, иккинчи йили 60—80 ц/га, учинчи йили 100—150 ц/га пичан беради. Селекцион навларда уруғ ҳосили 4—6 ц/га. га етади.

Тарихи. Беда қадимдан экиб келинган. Марказий Осиёда илк бор эрамиздан 5 минг йил илгари экилган. Бу экин қадимда Хитой, Хиндистон, Эрон, Греция, Италия ва Шимолий Африкада тарқалган. Ҳозир ер юзида беда 30 млн/га майдонда этиштирилади. Ўзбекистонда 200 минг. га ерга экилади.

Биологияси. Беда — дуккаклилар оиласига мансуб бир, икки ва кўп ийллик ўсимлик. Энг кўп экиладигани кўк беда бўлиб, у кўп ийллик ўсимликдир. Беда уруғи 1—3°C иссиқда униб чиқади, унинг

учун мақбул ҳарорат 18—20°C, майсаси 6°C совуққа чидайди. Қалин қор тағида 40°C совуққа ҳам бардош бериши мүмкін. Баҳорда 5—7°C да униши тезлаша бошлайди. Намсевар, уруг бұртиши учун оғирлигига нисбатан 100—120 фоиз сув сарфлайди, үсиш даврида тупроқ намлиги 70—75 фоиздан кам бұлмаслиги керак. Илдизи яхши ривожланғанлығы туфайли тупроқнинг чуқур қатламидан сув үзлаштира олади, шунинг учун лалми ерларда ҳам экилади. Беда — ёргесвар, узун күн үсимлиги. Бир тонна пичан етиштириш учун 26 кг азот, 6,6 кг фосфор ва 15 кг калий сарфлайди. Унумдор, донадор, шұрламаган, муҳити (рН) 6—7,5 бўлган тупроқларда мўл ҳосил беради.

Кулай шароитда экилган беда 5—6 кунда униб чиқади, майсаси майда, қатқалоқ таъсирида кўп нобуд бўлади. Майса кўринганидан 3—4 кун кейин биринчи чинбарг пайдо бўлади, үсимликда 15—20 чинбарг ҳосил беради. Майсаланишдан 40—60 кун ўтгач, шоналаш даври бошланади, ундан 10—15 кундан кейин эса гуллайди. Баҳорда экилган беда 90—110 кунда гуллаб, 140 кунда уруғи пишади. Ҳар бир ўрими 25—65 кунда етилади.

Етиштириш технологияси

Ўтмишдоши. Яхши ўтмишдошлари — ғўза, каноп, шоли, макка-жўхори, бошоқли дон, полиз ва сабзавот экинлари. Бир экилган ерга беда 5—6 йилдан кейин қайта экилиши мүмкін. Шароитта қараб, ер ҳайдашдан олдин сугориш талаб қилинади. Беда 1—3 см чуқурликка экилади, баҳорда бороналанади, бегона ўтлар кўп бўлса, ёнпасига культивация қилинади, кейин борона ва талаб қилинганда, мола ҳам босилади.

Ўғитлаш. Ер ҳайдашдан олдин 10—15 т/га гўнг солинади. Тупроқ тури ва унумдорлигига қараб, ўртача 90—150 кг фосфор ва 50—100 кг калий сарфланади. Иккинчи ва учинчи йили ерга 60—90 кг фосфорли ва 30—45 кг калийли ўғит сепилади. Агар тупроқ таркибида азот етарли бўлмаса, экишдан олдин 50 кг азот солинади. Азот бу меъёдан кўп ишлатилса, биологик азот кам тўпланади ва экиннин афзалик хусусиятлари йўқолади.

Экиш. Экиш учун сифатли уруг тайёрланади. Давлат андозаларига кўра, кўк беда уруғининг тозалиги 92—98 фоиз, унувчанлиги 70—95 фоиз бўлиши керак. Ер зарпечак ва какра уруғидан маҳсус

«Кускут» ва ЭМСС-1 сараловчи электромагнит машиналарида тозаланади. Беда баҳор, ёз ва кузда, лалми ерларда кузги ёғингарчиликлар олдидан экилиши керак. Беда ёппасига қаторлаб ёки тор қаторлаб экилади. Экиш меъёри 14—16 кг/га урурга тенг. Беда бошқа экинлар, яъни арпа, сули, судан ўти билан ҳам қўшиб экилиши мумкин. Бунда экиш меъёри камайтирилади.

Парваришилаш. Беда ўсиш даврида сугориб турилади. Бу туроқ шароитига, ўрим сонига ва олинадиган маҳсулотга боғлиқ. Шу сабаларга кўра, ҳар ўрими 1—3 марта сугорилиб, шулардан биттаси шоналаш даврида ўтказилиши керак, айрим ҳолларда биринчи ўрими сугорилмаслиги ҳам мумкин. Беда эгат олинниб сугорилганда сугориш меъёри 800—1000 м³/га. Режага асосан қўшимча озиқлантирилади. Баҳорда борона ёки диск юргизилади ва зарур ҳолларда зараркунандаларга қарши чора қўрилади. Бедада фитономус, беда уруғхури ва туганак узунбуруни кўп учрайди. Фитономус бедага катта зарар келтиради, унга қарши 0,6—0,8 кг/га миқдорида 50 фоизли ГХЦГ, 1,6—3,3 кг/га 30 фоизли фозалон ёки 0,2—0,6 л/га 50 фоизли карбофос пуркалади ҳамда беда муддатидан олдин ўрилади. Ўсиш даврида уруғхурига қарши 3—5 кг/га миқдорида 80 фоиз дилорон, 0,2—0,6 л/га миқдорида 50 фоиз карбофос, 0,8—1,5 л/га миқдорида 80 фоиз хлорофос сепилади. Бедазорларда аскохитоз, занг касаллиги, ун-шудринг ҳам учраб туради. Бу касалликларга қарши курашиш керак. Кўкат ва пичан тайёрлашда беда шоналаш-гуллаш даврига бориб ўрилади. Навбатдаги ўримлар ҳар хил муддатларга тўғри келиши мумкин. Беда ер сатҳидан 5 см баландликда ўрилади. Охириг ўримидан то ҳайдалгунга қадар бедапояда мол боқиши мумкин.

Беданинг биринчи ёки иккинчи ўримидан уруғ олинади. Уруғ олинадиган ўрими кам сугорилиб, дуккакларининг 70 фоизи етилганда ўрилиб, қуритилади, янчилади, тозаланади. Уруғ 13—14 фоиз намлиқда яхши сақланади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Беданинг аҳамияти ва биологиясини тавсифланг.
2. Беданинг морфологиясини байён этинг.
3. Беда етишириш агротехникасида нималарга эътибор бериш керак?
4. Уруғ ва пичан учун беда етиширишнинг хусусиятларини сўзлаб беринг.

8-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШФУЛОТИ

БЕДАНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Дарс режаси: Беда ўсимлигининг тузилишини ўрганиш, нав ва турлар бўйича морфологик белгиларини аниқлаш.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: ўсимлик намуналари, гербариј, уруғ, дуккаклар, расмлар, ўкув кўлланма, заррабин.

Илдизи. Яхши ривожланган, сершоҳ ўқ илдизи 2 м.дан ортиқ чукурликкача кириб боради. Илдизининг ён томонларга шохланиши ўсимлик турига боғлиқ. Пояси тик ўсадиган турларида илдизнинг ён шохлари тупроқнинг ҳайдов қатламидан пастроқ, пояси чирмашиб ўсадиган турларида эса ҳайдов қатламининг ўзида жойлашади. Илдизининг йўғонлашган қисми илдиз бўйни, юқори қисми илдиз бошчаси дейилади. Илдиз бошчасида поя чиқаралиган куртаклар жойлашади. Кўп йиллик бедада илдиз бошчаси чукурроқ жойлашиб, экиннинг совуққа чидамлилиги ошади.

Пояси. Ўтсимон, сал қиррали, ёни силлиқ, тукли, чети туксиз, ичи ғовак, яшил рангли поясининг бўйи 60—70 см атрофида. Бир тупида 3—10 та, сийраклашган ҳолда 100 тагача поя бўлади. Пояси шохланади. Тупининг шакли ҳар хил кўринишга эга.


Барги. Мураккаб, тоқ патсимон, қўшалоқ барглари чўзинчоқ, тухумсимон шаклда. Поянинг пастки қисмидаги барглар майда, ўрта қисмидагилари йирик, юқори қисмидагилари ўртача ва ингичка бўлади. Барглари бандли, пояга қўшилган жойида иккита ён барглари бор, яшил рангли, туксиз ёки тукли, катталиги ва шакли ҳар хил. Кўкат ҳосилининг 30—40 фоизини барг ташкил қиласди (28-расм).

Гултўплами. Асосий ва ён шохларининг барг қўлтиқларида жойлашган гултўплами шингил шаклида, катталиги ва зичлиги ҳар хил. Бир шингилда (2—2,5 см) ўртача 10—30 та гул бўлиб, гултўплами шарсимон, урчуқсимон, цилиндриксимон бўлади. Бир туп ўсимликда бир неча юздан икки минг шингилгача шаклланиши мумкин. Гули икки жинсли, капалаксимон, кўк ва бинафша рангли, гулкоса, гултоҷ, чангдон ва тугунчадан ташкил топган. Гулкоса бешта тинли, тукли, гултожи бешта гулбаргдан иборат. Гулбаргларининг катталиги ва шакли ҳар хил. Чангдонлари 10 та, шу жумладан, 9 таси қўшилиб ўстган.

Дуккаги. 2—5 буралган бурама шакли, 6—12 та уруғли дуккаги майда, диаметри 3—5 мм атрофида, тукли ва туксиз, сариқ, жигарранг ва қора рангларда бўлади.



2



3

28-расм. Беда: 1—пояси ва гули; 2—уруги; 3—дүккаги.

Уруги. Майда, шаклан ҳар хил, кўпинча буйраксимон, ялтирок, сарғиш-яшил, эски уруглар эса қизғишиш-жигарранг, 1000 донасинг вазни 1,5—3,5 г.га тенг.

Навлари. «Аридная» — ўртапишар нав, ўсиш даври 110 кун, баҳорда биринчи ўрими 65 кунда етилади, лекин яхши пишмайди. Иккинчи йилдан бошлаб 5—6 йил давомида ҳар йили икки марта ҳосил олиш мумкин. Лалми ерларда 164 ц/га қўкат, 54 ц/га пичан, 2,4 ц/га уруғ етиширилади. Кўкатининг таркибида 17,2 фоиз оқсил, 25,8 фоиз тўқима мавжуд.

«Тошкент—3192»—селекция йўли билан яратилган нав. Тупи тик ўсади, поялари ўртача баландликда. Барглари майда, пояси, барги ва луккаклари тук билан қопланган. Шингили ўртача зичликда, узун-чоқ ёки бошча шаклида. Гуллари оч пуштиранг ёки бошқа рангда булиши мумкин. Дуккаклари ўртача йириклика, 3—4 буралган. Уруги ўртача катталикда. Серҳосил, эртапишар, қишига ва қурғоқчиликка чидамли бу нав баҳорда эрта ўсиб, кузда қишилашга кеч киради.

«Тошкент—1» — селекция йўли билан яратилган бу навнинг тупи тўғри кўтарилиди, баландлиги ўртача, ўрилгандан кейин янги чиқадиган пояси ётикроқ ўсади. Барглари йирик, пояси, барглари, дук-

каклари сийрак түкли, шингили зич жойлашган. Гуллари бинафшарнг. 3—4 буралган дуккаклари ҳамда уруғи ўртача йириклика; серҳосил, эртапишар, қишига чидамли нав. Баҳорда эрта ўсади, кузда қишилашга кеч киради.

«Хива жайдари» нави — тури ёйилиб ўсади, күп пояли. Баландлиги ўртача бўладиган ушбу навнинг ўрилгандан кейин янги чиқадиган поялари ер бағирлаб зич ўсади. Барглари ўртача йириклика. Шингиллари зич, калта, цилиндрисимон ва чўзинчоқ бошча шаклида. Гуллари тўқ бинафша рангда. Қора рангли дуккаклари ўртача катталикда, 2—3 буралган бўлади. Уруғи ловиясимон, оч яшил, сариқ рангда. Бу кечпишар нав бўлиб, баҳорда кеч ривожлана бошлайди ва кузда ўсишдан эрта тўхтайди. Ўсиш даврида ўртача 3 маротаба ўрилади. Қишига чидамли, қурғоқчиликка эса чидамсиз.

ҚИЗИЛ СЕБАРГА

Аҳамияти. Бу ўсимликдан тўйимли кўкат, пичан, силосбоп поя олинади. Пичанидан ун ҳам тайёрлаш мумкин. Кўкати таркибида 15,2 фоиз оқсил, 3,1 фоиз мой, 43,9 фоиз карбон сувлари мавжуд. 100 кг кўкатида 20 озуқа бирлиги, 2,7 кг оқсил, 400 мг каротин бор. 100 кг пичани 52,2 озиқ бирлигига, 7,9 кг оқсил, 2500 мг каротинга эга. Тупроқни азот билан бойитиб, унумдорлигини оширади.

Тарихи. Қадимдан Греция ва Италияда экиб келинган. Ўрта Ер денгизи соҳилларида, Осиё ва Африка тоғ худудларида учрайди. АҚШ, Европада кенг тарқалган. Умумий экин майдони 20 млн.га. ни ташкил қиласиди. Ўзбекистонда қизил себарга ўтлоқи, ўтлоқиботқоқ ерларда, шоличилик хўжаликларида етиштирилади. Гектаридан 300—400 ц/га кўкат, 60—80 ц пичан ва 3 ц уруғ олинади.

Биологияси. Бир, икки ва күп йиллик турлари мавжуд. Ўзбекистоннинг



29-расм. Қизил себарга: 1—новдаси ва гули; 2—уруги.

тоғли жойларыда унинг ҳар хил турлари учрайди. Қизил себарга 1—2°C иссиқда униб чиқади (29-расм). Ўсиши ва ривожланиши учун 15—20°C иссиқ ҳарорат талаб қилинади. Биринчи йили 15°C совуққа чидаши мүмкін. Иккінчи ва кейинги йилларда совуққа бардошлилігі пасаяди ва 8,5°C паст ҳароратда ўсимликнің 40 фоизи нобуд булади. Намсевар ўсимлик, шоналаш даврида күп сув талаб қиласы, гуллагунича тупроқ намлиги 80 фоиз булиши лозим, кейин эса паст булиши мүмкін. Ёруғлук талаб қымайди, шунинг учун бошқа ўсимліклар билан құшиб экса ҳам бұлаверади. Ҳар хил хусусиятли тупроқтарға экилади, унинг учун тупроқ мұхити (рН) 4.5 дан юқори булиши шарт. Бир тонна пичан етиштиришга 5—6 кг азот, 16—17 кг фосфор, 15—17 кг калий талаб қилинади.

Қизил себарга март ойида экилса, 6—7 кунда құкариб, ер юзига бир жуфт үруг барғы, сүнгра битта оддий барғы чиқиб, кейин мұраккаб чинбарглари ривожлана бошлайди. Майсаланишидан 65—80 кун ўтиб гуллайди, гуллаши 15—20 кун давом этади. Үруги биринчи ўримида 110—120 кунда, иккінчи ўримида 155—160 кунда етилади.

Етиштириш технологиясы

Үтмишдоши. Шоли, маккажүхори, картошка ва сабзавот әкінлары асосий үтмишдоши ҳисобланади. Қизил себарга экиладиган ер күзде ҳайдалиб, баҳорда бороналанади. Экишдан олдин дискли борона босилади ёки ёппасига культивация қилинади ҳамда кетма-кет бороналанади.

Үғитлаш. Кузги шудгорлашдан олдин 10—20 т/га гүнг, 100 кг фосфор, 50 кг калий сепилади. Экиш вақтида молибден бериш тавсия қилинади. Бунинг учун үруг сувга 100—200 г молибден со-либ ҳосил қилинган эритма билан аралаштирилиб экилади.


Экиш. Эрта баҳорда дон ёки дон-үт экадиган сеялкаларда гектарига 12—16 кг меъёрида үруг ёппасига қаторлаб, 1—3 см чукурликка экилади. Үруг олиш учун кенг қаторлаб, гектарига 6—8 кг үруг экиш мүмкін. Бошқа әкінлар билан құшиб экилгандан 6—10 кг үруг сарфланади.

Парваришлаш. Майса униб чиқишидан олдин ва кейин борона қилиш тавсия этилади. Себарга беда сингари сүфорилади. Түйимли озуқа тайёрлаш учун гуллаш даврининг бошланишида ўрилади. Иккінчи йилнинг биринчи ўримидан үруг олинади. Дуккагининг 80

фоизи етилганда ҳосил ўрилиб, янчилиб, тозаланади ҳамда қури-тилган ҳолда омборларда сақланади.

БАРГАК

Аҳамиятн. Тўйимли озуқа берувчи кенг тарқалган ўсимлик. 100 кг пичанида 53—54 озуқа бирлиги ва 11,9—12,6 кг оқсил мавжуд бўлиб, уни истеъмол қиласан чорва моллари тимпанит касаллигига учрамайди. Тупроқда гектарига 100—200 кг азот тўплайди. Гектар ҳисобига 170 кг асал беради. Лалми ерларда гектарига 20—75 ц, сувли ерларда 150 ц пичан ва 6—18 ц уруғ олиш мумкин.



30-расм. Баргак ўсимлиги:
1—пояси ва гули; 2—уруги.

Биолёгияси. Кўп йиллик ўтсимон ўсимлик (30-расм). Уруғи 1—2°C иссиқда униб чиқади, ривожланиш учун мақбул ҳарорат 18—25°C, яхши қишлоғди, баҳорда 12°C соvuққа бардош беради. Қурғоқчиликка чидамли, транспирация коэффициенти 300—400 га тенг, ёруғсевар. Шурланган тупроқларда яхши ўсмайди. 1 т пичан етиштириш учун 6—7 кг азот, 18—20 кг фосфор, 11—12 кг калий сарфланади. Экилгач, ер бетига уруғ барглари, кейин оддий чинбарг, сунгра мураккаб патсимон тоқ барглар чиқаради. Баҳорда ўсишининг 60—65 кунларидан кейин гуллайди ва 110—120 кунда етилади. Кузда ҳарорат 5°C иссиқдан пасайганда ўсишдан тўхтайди.

Етиштириш технологияси

Ўтмишдоши. Кузги буғдой, маккажӯхори, илдизмевалилар асосий ўтмишдошидир. Ўтмишдошнинг ҳосили йифилгандан кейин ер сугорилади, чизелланади ва 10—15 кун ўтиб, 20—25 см чуқурликда ҳайдалади. Баҳорда борона қилинади, зарурат бўлса, мола босилаади.

Үйтлаш. Гектарига 60—90 кг фосфор ва 40—70 кг калий ишлатилади. Ҳайдашгача 50—70 кг фосфор ва 40—50 кг калий, экишгача 10—15 кг азот, фосфор ва калий солиниши лозим. Тупроқда азотли моддалар кам бұлса, экишдан олдин ёки үсиш даврида 30—50 кг азот құлланилади. Режадаги үйтларнинг қолган миқдорлари үсиш даврида берилади.

Экиш. Эрта баҳорда ёппасига қаторлаб 2—3 см чуқурликка экилади. Экиш меъёри сувли ерларда 90—110 кг/га, лалми ерларда 70—80 кг/га бұлиши керак.

Парвариша什. Режадаги үйт солиниб, шоналаш, гуллаш ва мева ҳосил қилиш даврларыда сүфорилади, меъёри 600—700 м³/га. Пичан учун шоналаш-гуллаш даврида, уруғ олиш учун дуккаклари 70 фоиз етилганды үрилади, сұнгра қуритилиб, янчилади ва маҳсус омборларда сақланади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Барғакнинг аҳамияти ва биологиясини таърифланг.
2. Барғакни етиштириш технологиясининг хусусиятлари нималардан иборат?

ҚАШҚАРБЕДА

Аҳамияти. Қашқарбеда—түйимли озуқа берадиган үсимлик (31-расм). Үндан юқори сифатлы құқат, пичан, сенаж ва силос тайёрланади. 1 кг құқатидә 17—25 г оқсил ва 0,16—0,20 озуқа бирлиги мавжуд.

Курғоқчиликка, совуққа ва шүрланишга чидамли үсимлик бўлған қашқарбеда деҳқончиликда үзига хос аҳамиятта эга. Шунингдек, у тупроқни азот билан бойитади, шўрини камайтиради ва асал беради. Сарик қашқарбедадан озиқ-овқат ва фармакологияда доривор сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистонда қашқарбеда дарё қирғоқларида, ариқ буйларида ва тоғларда кўп учрайди.

Биологияси. Биологик хусусиятига кўра бедага яқин туради, аммо қишига, курғоқчиликка чидамлилиги унга нисбатан юқори. Намни кўп талаб қилиши гуллаш даврига тўғри келади. Шу даврда сув етиш маса, барги тўкилиб кетади.

Үсиш даври 85—140 кун. Эрта баҳорда үсиши бошланиб, шоналаш палласида тез ривожланади, суткасига 3—5 см буй чўзади. Гуллаш даври 14—15 кун давом этади, етилган меваси тўкилиб кетади.



31-расм. Қашқарбеда: 1—пояси ва гуллари; 2—меваси; 3—уруги.

Барча турларининг илдизи, пояси, барги, гули ва мевасида кумарин хушбүй моддаси бор.

Етиштириш технологияси

Үтмишдоши. Қашқарбеда турли ўсимиликлардан бушаган ерларга экилади. Бир тонна пичан етиштириш учун тупроққа 3 кг азот ва 15 кг калий сарфланади. Унга мұлжалланған ер беда экишші тайёрлагандек ишланади.

Экиш. Сифати давлат андозаларига тұғри келадиган уруғ экилиши керак. Эрта баҳорда гектарига 20—25 кг уруғ ишлатылади, экиш чукурлігі 2—3 см булиши лозим. Аксарият қолларда қопловчы экинлар билан экилади.

Парваришилаш. Биринчи йили ҳар ўрими эгатлар орқали 1—3

марта сугорилади, сугориш мөъёри 600—800 м³/га. Пичан тайёрлаш учун қашқарбеда шоналаш-гуллаш даврларида ўрилади. Ўримдан кейин озиқлантирилади ва сугорилади. Иккинчи йили баҳорда борона бо- силади.

Уруғи 1 ёки 2-ўримларидан олинади. Дуккагининг 30 фоизи етилганда йиғиши бошлаш мумкин. Дон комбайнларида янчид, тозалаб олинади. Уруғи 15 фоиз намлиқда яхши сақланади, бир ўримдан 10—12 ц/га уруғ чиқади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Қашқарбеланинг аҳамияти ва биологиясини баён этинг.
2. Қашқарбела етиштириши технологиясини тушунтииринг.

4.2. БИР ЙИЛЛИК ДУККАКЛИ ЎТЛАР

ШАБДАР

Аҳамияти. Шабдар (Эрон себаргаси)дан ҳайвонлар учун сифатли озуқа тайёрланади. Пичанинг таркибида 15,2 фоиз оқсил, 6,49 фоиз мой, 30,3 фоиз азотсиз экстрактив моддалар мавжуд, 1 кг пичани 0,50 озуқа бирлигига teng.

Тарихи. Ёввойи ҳолда Осиё, Европа, Шимолий Америкада учрайди. Шабдардан 60—70 ц/га пичан, 1—8 ц/га уруғ олинади.

Биологияси. Шабдар — намталаб, ёруғсевар ва совуққа чидамли ўсимлик, кузда ва баҳорда экилиши мумкин (32-расм). Уруғи 5—6°C иссиқ ҳароратда яхши униб чиқади, майсалари 5—6°C паст ҳароратга, қишлоғ пайтида 25°C совуққа ҳам чидаши мумкин. Ер танламайди, лекин ботқоқланган ва шурланган ерларга экilmайди. Шабдар ҳашартлар ёрдамида четдан чангланади.



32-расм. Шабдар.

Бир йилда 2—4 марта ўрилади, уруғи етилганда ўрилса, қайта ўсиб чиқмайди. Ўсиш даври 80—130 кун, фитономус билан зарарланмайди.

Етиштириш технологияси

Ўтмишдоши. Шабдар дон, техника экинлари, шоли, маккажұхори, сабзавот экинларидан бушаган ерларга экилиши мүмкін. Ер беда экишдагидек тайёрланади. Соф ҳолда ёки беда, арпа, сули билан биргалиқда экиласы.

Гектарига 15—20 кг уруғ кузда ёки эрта баҳорда дон-ұт экадиган С3Т—47 сеялкаси ёрдамида экиласы, экиш чукурлиги 1—2 см. Кузда экилганда оралиғи 60—70 см бұлған зғатлар орқали кетма-кет сув берилади. Бошқа экинларға құшиб экиласы, гектарига 8—10 кг уруғ ишлатилади. Құпинча бедага құшиб экиш тавсия этилади. Бу ҳолда, шабдарнинг улуши биринчи ўримда 85 фоизни, иккинчи ўримда 15 фоизни ташкил қиласы.

Баҳорда дон экинларига құшиб экилганда гектарига 15 кг шабдар, 50—70 кг дон экинлари уруғи ишлатилади.

Парвариша. Ўсиш даврида шабдарнинг ұт бир ўрими 2—3 марта сугорилади, битта сугорища гектарига 600—800 м³ сув сарфланади.

Озуқа учун гуллашининг бошида ёки ёппасига гуллаганда ўрилади. Кузда экилса, уруғи май ойида, баҳорда экилса, июн ойининг иккинчи ярмида пишади. Уруғлик учун экиш мөндері гектарига 8 кг, кенг қаторлаб экишда — 3—5 кг. Ўсиш даврида қатор орасига ишлов берилади ва 1—2 маротаба сугорилади. Уруғ биринчи ўримидан олиниб, гултұлами ёппасига етилганда ўрилади ҳамда дон комбайнла-рида янчилиб, ұт тозалайдын машиналардан үтказилади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шабдарнинг аҳамияти ва биологиясини түшунтириңг.
2. Шабдар етиштириш агротехникасини баён этиңг.

БЕРСИМ

Аҳамияти. Берсим (Миср себаргаси)дан құқат, пичан, силос ва сенаж тайёрланади. Пичани таркибида 9,3 фоиз оқсил, 2,39 фоиз мой ва 46 фоиз карбон сувлари мавжуд. Ўзбекистонда шолицилиқ

хұжаликпен күпроқ экилади. Пичан ҳосили 70—80 ц/га, уруг ҳосили 5—8 ц/га га түрін келади.

Биологияси. Намсевар, ис-
сиқталаб үсімлік, уруги 6—8°C
иссиқ ҳароратда униб чиқади.
Майсаси 7—8 кунда күриналади,
совуққа чидамсиз. Майсалани-
шидан 50—60 кун үтиб гул-
лайды.

Етиштириш технологияси

Берсім шолидан, каноп-
дан бұшаган ерларға экилади
(33-расм). Ерни ҳайдаштан ол-
дин 3—5 ц /га суперфосфат
үғити солинади. Күпроқ ба-
хорда, баъзан кузда ҳам эки-
лиши мүмкін. Экиш мөъери
гектарига 12—16 кг уруғ
булиб, ёппасига қаторлаб эки-
лади. Себарга ёки бедага
күшиб экилса, гектарига 8—10 кг уруғ ишлатилади. Экиш чу-
курлиги 2—3 см булиши лозим. Берсімнинг ҳар үрими 1—2 мар-
та сугорилади. Гуллаш даврининг бошларыда үрилади. Уруғ олиш
учун ёзғи үрими қолдирилса, яхши ҳосил беради.



33-расм. Берсім.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Берсімнинг ақамияти нимада?
2. Берсім этиштириш технологияси қандай?

✓ 4.3. КҮП ЙИЛЛИК ҮТЛАР

Күп йиллик ғалласимон үтлар құнғирбошлар оиласига киради.
Ер юзида құнғирбош үтлар түйимли озуқа этиштириш, яйлов барпо

етиш, тупроқ ва сув эрозиясининг олдини олиш, шаҳарларда кўка-
ламзорлар яратиш учун экилади.

Ўзбекистонда қўнгирбош ўтлар кўп тарқалган, аммо улар кам
экилади. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу ўтлар уруғчилиги-
нинг яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Суғориладиган ерларда қўнгир-
бош ўтлар беда ва қизил себаргага қўшиб ёки соғ ҳолда экилади.

Дехқончиликда экиладиган қўнгирбош ўтларнинг ҳаммаси ҳам
ҳаводан азотни ўзлаштиравермайди, шунинг учун ҳосилдорлик туп-
роқ таркибидаги азот миқдорига боғлиқ бўлади. Мақбул шароитда
қўнгирбош ўтлар бир ерда 5—10 йил яхши ҳосил бериши мумкин.

Бу ўтлар, айниқса, уларнинг ғовак пояли турлари яхши тупла-
нади. Иккинчи ўримидан ҳосил тупланиш жараённида вужудга келган
поялар эвазига олинади.

Қўнгирбош ўтлар илдизи попукилдиз бўлиб, ҳар бир янги поя
ўз илдизига эга. Бошоқланиш даврига еттанда илдизнинг куруқ ваз-
ни поя ва баргнинг 80—90 фоизини ташкил қиласди.

Қўкат миқдорининг энг тез кўпаядиган даври—най ўраш даври-
дан бошоқланиш (рўвакланиш) гача. Бундан олдин ўрилса, ҳосил
кам бўлади, кеч ўрилса, сифати пасаяди.

Ўтларнинг гуллаш даври бошланишидаги тўйимлилик даражаси
юқори, қўкати 8—11 фоиз оқсилга эга, унинг 49—67 фоизи осон
ҳазм бўлади.

ОҚСҮХТА

Аҳамияти. Оқсўхта — сийрак тупли қўнгирбош ўт, яловда 10
йилгacha ўсади (34-расм). 1 кг пичани таркибида 0,54 озуқа бирлиги
ва 0,043 кг оқсил, тупланиш даврида кўкати таркибида эса 0,02
озуқа бирлиги ва 4,2 г оқсил, 1—4 мг каротин мавжуд. Пичани ва
ялов ўти чорва моллари томонидан яхши ейилади. Баҳорда эрта
ўсади. Ўримдан кейин яхши униб чиқади, яйловлатишга чидамли.
Оқсўхтадан ялов, пичанзор барпо этишда фойдаланилади.

Қўкат ҳосили 500 ц/га, пичан ҳосили 150 ц/га. Биологиясига
кўра кузги турӯҳ ўсимликларига мансуб.

Биологияси. Экилгандан кейин секин ўсади. Учинчи йили тўла
етилади, июн ойида гуллайди. Қишига чидамли, курғоқчиликда яхши
ривожланмайди. Сув босган пастлик ерларда етарлича авж олмайди.
Унумдор тупроқларда яхши ҳосил беради.

Озиққа талабчан, бир центнер пичан этиштириш учун 2,3—2,5
кг азот, 0,4—0,5 кг фосфор ва 3,6—3,8 кг калий сарфланади.

Етиштириш технологияси

Кузда ёппасига қаторлаб гектарига 14—15 кг мөйөрида экилади, уруғ олиш учун экилганда эса 8—9 кг уруғ сарфланади. Үт аралашмаларида 7—8 кг/га экилади. Күкат тайёрлаш учун най үрашидан рұвак чиқариш давригача үрилади. Уруғ олиш учун уруғ түлиқ етилганда дон комбайнла-ри ёрдамида йигиштириләди.

ЭРКАК ҮТ


Аҳамияти. Эркак үт (35-расм) түйимли ем-хашак үсімлиги хисобланади. 100 кг күкатаи 22,2 озуқа бирлигига тенг, таркибида 4,1 кг қазм буладын протеин бор, пичанида бу күрсаткыч тегишлича 48,7 ва 6,9 га тенг. Башоқланыш давригача чорва молларига ем-хашак сифатыда берсә булади. Маданий яйлов ва пичанзорлар барпо этишда күлланилади.

Тарихи. Эркак үт дашт ва ярим дашт мінтақаларда күп тар-қалған. Ўзбекистонда «Сибирли» тор бошоқли, «Даштли» тор бо-шоқли ва кент бошоқли турлари күп учрайди.

Биологияси. Эркак үт—сий-рак тупли, құнғирбош үт үсім-лиги, яхши тупланади, қишиға чи-дамлы, күзги ёғингарчилик бош-ланганица ҳам үсиши давом этади. Кам шүрланған тупроқларда ҳам экилади. Бир центнер пичан



34-расм. Оқсұхта.



35-расм. Эркак үт.

етиштириш учун 2,2 кг азот, 0,54 фосфор ва 2,1 кг калий сарфлана-ди. Айни бир майдонда 20 йилгача ҳосил бериши мумкин. Энг юқори ҳосил 4- ва 5-йилларда олинади.

Етиштириш технологияси


Эркак ўт соғ ҳолда ёки арпа, тарик, буғдой билан қўшиб экилади. Ўритлаш меъёри гектарига: 30—50 кг азот, 45—60 кг фосфор ва 30—45 кг калий. Эркак ўт экиладиган ерлар бегона ўтлардан тоза бўлиши керак.

Уруғ экиш меъёри 10—12 кг/га, ўт аралашмаларида 8—10 кг, кенг қаторлаб экилганда 5—7 кг. Экиш чуқурлиги 2—3 см.

Кўкат учун бошоқданиш-гуллаш бошланишида ўрилади. Уруғ олиш учун мум пишганда ўрилади. Дон комбайни ёрдамида ўрилиб, янчилади.

ҚўНГИРБОШ

Аҳамияти. Қўнгирбуш чорва моллари учун муҳим ем-хашак ўтларидан биридир (36-расм). Бошоқданиш даврида 100 кг кўкати 24,5 озуқа бирлигига teng, таркибида 3,5 кг оқсил бўлади. Яйлов барпо этишда қўлланилади. Бошқа ўтлар билан аралаш экилганда сифатли озуқа олинади.



36-расм. Ўтлоқи қўнгирбош:
1—үсимлиги; 2—бошоқчаси.

Биологияси. Баҳорда эрта ўсади, 2—3 йил суст ривожланади, тўртингчи йилдан 10 йилгача ўт аралашмаларида яхши ўсиб туради, яйловлатишга чидамли, ўримлардан кейин тез унади. Кўкат ҳосили 6—12 т/га.

Илдизи суст ўсади, тупроқка 1 м. гача киради. Пояси —сомонопоя, баландлиги 90—100 см атрофида, яхши тупланади. Гултўплами—ёйик рўвак.

Ўртacha намли, унумдор тупроқларда яхши ўсади. Қурғоқчиликка, қишига, кузги ва баҳорги совуқларга чидамли. Уруғидан ва вегетатив усулда кўпаяди, ўт аралашмаларида етилган уруғи тўкилиб ҳам ўсиб чиқиши мумкин.

Хосилдорлиги ва сифатига азотли ўғитлар ижобий таъсир қиласи.
Қузда ўт аралашмаларида 5—7 кг/га уруғ экилади, экиш чукурлигі 0,5—1,5 см.

КҮН ЎРИМЛИ МАСТАК

Аҳамияти. Күкат ва пичан учун скилади. Пичанининг 100 кг да 4,9 кг оқсил, кўкатида 1,2 кг оқсил мавжуд, бу 20 озуқа бирлигига тенгdir. Пичан ҳосили 4—6 т/га, ўтзорда 3—4 йил юқори ҳосил беради. Шаҳарларни кўкаламзорлаширишда қўлланилади.

Биологияси. Сийрак тупли кўн йиллик ўсимлик (37-расм). Иссик ва намли иқлимга мослашган. Марказий Осиёда кенг тарқалган. Яхши қишлоамайди, сугорилганда тез унади ва 5—6 маротаба ўрилади. Биринчи йили яхши ўсуб, иккинчи йили 3 та ўрим беради.

Етиштириш технологияси. Ёппасига қаторлаб экилганда 10—13 кг, кенг қаторлаб экилганда 7—8 кг/га уруғ сарфланади. Пичан тайёрлаш учун бошоқланиши даврида, уруғ учун мум пишиш даврида ўрилади. Сўнгра қуритилиб, янчилади ва тозаланади.



37-расм. Кўн ўримли мастак.

СУДАН ЎТИ

Аҳамияти. Чорва моллари учун сифатли бир йиллик тўйимли ем-хашак ўсимлиги. Кўкат, пичан, силос, сенаж ва уруғ тайёрланни учун этиштирилади. Кўкат ҳосили 60—80 т/га, уруғ ҳосили 2,5 т/га.

Кўкатининг 100 кг. да 2,8 кг оқсил, 22 озуқа бирлиги мавжуд, пичанида эса бу кўрсаткич тегишлича 7,4 ва 57 кг. га тўғри келади. Судан ўти такрорий экин сифатида ҳам экилади ва ўт аралашмаларига қўшилади (38-расм).

Тарихи. Дастрлаб Судан (Африка)да етиштирилган. Ўзбекистонда XX асрнинг 20-йилларидан буён экилади. Тропик ва субтропик минтақаларда көнт тарқалган.

Биологияси. Иссиқсевар ўсимлик, уруги 8—10°C да униб чиқади, унинг учун мақбул ҳарорат 25°C га тенг. Иссиқлик 45°C га кўтарилигандан ўсишдан тұхтайди. Фойдалы ҳарорат йигиндиси 1500—3000°C. Ўсимлик 3—4°C совуқда нобуд бўлади. Курғоқчиликка, шўрга чидамли. Бегона ўтлардан тоза, унумдор тупроқларда яхши ўсади, озуқага талабчан. 1 т пичан етиштириш учун 20—22 кг азот, 8—10 кг фосфор ва 20 кг калий сарфланади.



38-расм. Судан ўти: 1—пояси ва иллизи; 2—супургиси;
3—гули; 4—уруги.

Етиштириш технологияси

Судан ўти кузги буғдой, баҳорги дон экинлари, дуккакли дон ва қатор орасига ишлов бериладиган ўсимликлардан бүшаган ерларда етиштирилади. Баҳорги экин бўлганлиги учун тупроққа асосий ишлов бериш кузга тўғри келади. Ҳайдашдан олдин ерга 20—25 т/га гўнг, 50—100 кг азот, 50—100 кг фосфор ва 20—40 кг калий солинади. Судан ўти ёппасига қаторлаб экилади, қатор ораси 15 см, экиш чуқурлиги 3—5 см. Экиш меъёри ўртача 25 кг/га. Сув тақчил шароитда 10—12 кг уруф экилиши лозим. Апрелдан ёзниг ўрталаригача экиш мумкин. Эрта экилса, ўримлар сони кўпаяди.

Судан ўтини соф ҳолда ёки ҳил ем-хашак экинлар билан қўшиб экса ҳам бўлаверади. Беда билан қўшиб экилганда беда уруғи 16 кг, судан ўти уруғи 12 кг нисбатда ишлатилади. Соя билан қўшиб экилганда, судан ўти уруғидан 25 кг, соя уруғидан 40 кг экилади, қатор ораси 30 см бўлиши керак.

Кўкат олиш учун пояси 50 см.га етганда ўрилади. Рӯвак чиқариш даврида ўрилса, юқори сифатли кўкат олинади. Судан ўтини яшил конвейерга қўшиш мумкин. Уруф биринчи ўримидан олинади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Оқ сўхтанинг аҳамияти, биологияси ва парваришдаш агротехникасини таърифланг.
2. Эркак ўтнинг биологияси ва етиштириш технологиясини баён этинг.
3. Кўнгирбошнинг биологияси ва парваришлаш хусусиятларини кўрсатинг.
4. Судан ўтининг аҳамияти, биологияси ва етиштириш технологияси.

5. ЯЙЛОВ ВА ПИЧАНЗОРЛАР

Ем-хашак яйлов ва пичанзорларда ҳамда далаларда (ҳайдаладиган ерларда) етиштирилади. Яйлов — чорва моллари ҳайдаб боқила-диган ўтзор. Пичанли ўтзор чорвани яйловлатишга нокулай бўлиб, бундай срлардан пичан ўриб олинади.

Ўзбекистонда табний яйловлар кенг майдонни ташкил қиласиди. Ўтлар қоплами, тупроқ тури, иқлим шароити ҳар хил бўлганлигига кўра яйловларнинг бир неча тури мавжуд:

1. Чүл минтақасындағы яйловлар

Иқлими үтә континентал, ёғингарчилик кам (100—120 мм), ҳаво намлиги паст бұлади, күчли шамол эсіб туради. Үртача йиллик ҳарорат 12°C иссиқ. Ёз ойларида ҳарорат 44—48°C га күтарилади. Қиши совуқ, январнинг мутлақ ҳарорати — 32° С.

Минтақаның тупроқтары ҳар хил: күм, құмоқ, шұрхок, тақир, соз-ләссли. Тупроқ тури үсимликлар дүнёсиге катта таъсир күрсатади.

Бу минтақада буталардан — оқсаксовул, оқжузғун, қора саксовул, қорабарғак; ярим буталардан — сингрен, чугон, шувоқ; күп йиллик үтлардан — илоқ, каррак, чалов; әфемерлардан — балиқ күз, шұр ажриқ, оқчытир, ялтирибош каби үсимликлар учрайди ва улар ем-хашиқ ҳосилининг асосий қисмими ташкил қылади.

Күмли чүл катта майдонни әгаллайди (Когон, Нурота, Фориш). Бу минтақада бута, ярим бута, күп йиллик ва бир йиллик үтлар ҳамда әфемерлар үсади. Шароитта қараб 1—6 ц/га пичан ҳосили олинади.

Соз-ләссли чүл кам майдонни әгаллайди (Мирзачұл, Қашқадарған, Сирдарё қырғоқлары). Бу ерларда ярим бута, әфемер үтлар учрайди. Үшбу яйловларда йил бүйи чорва молларини бөкіш мүмкін. Шароитта қараб ҳосил 2—8 ц/га бұлади.

Амударё, Сирдарё, Мурғоб, Зарафшон, дарёлари атрофидаги ерлар шұрхок чүл сирасига киради. Тупроқ таркибидаги туз миқдорига қараб, тақир, қаттиқ, майнин, ҳүл шұрхок ва ботқоқ шұрхок майдонларға ажратылади. Бу минтақада ялтирибош, құнғирбош, янтоқ, аччиқмия каби үсимликлар үсади. Үт қоплами сийрак, ҳосил 0,5—5,0 ц/га атрофифа бұлиши мүмкін.

Үстюрг, Конимек чүли, Қарноб чүли, Малик чүли, Нурота тоғ зтаклари гипсли чүл ҳисобланиб, катта майдонни әгаллайди. Бу минтақада шувоқ, каврак, арпағон, читир, ялтирибош, құнғирбош ва саксовул күп учрайдиган үсимликлардандир. Улар ҳосилдерлигі 0,5—3,5 ц/га. ни ташкил қылади.

2. Адирли минтақадагы яйловлар

Бир оз салқын ва намгарчиликка мойил бу минтақада үртача йиллик ҳарорат 12,3°C иссиқ, юқори ҳарорат 42°C иссиққа тенг бұлади. Қишила совуқ 4—25°C га етади. Ёғингарчилик миқдори 200—400 мм. Тупроғи ҳар хил турдаги бұз тупроқлардан иборат.

Бута ва ярим буталар — изен, шувоқ, терескен; күп йиллик үтлар — бетага, каррак, ажриқбош, оқсұхта, себарга, қашқарбеда, ранг каби үсимликларға бой.

Адир минтақасига денгиз сатқидан 500 м.дан 1600 м.гача баландлықтада жойланған ҳудудтар киради. Пастки адир (денгиз сатқидан 500—900 м) рельефи текис бұлиб, ранг, құнғирбош, нұхатак, ялтирибош ва бошқа бир йиллик ва күп йиллик үтлар асосий әкінлари хисобланади. Рельефи нотекис юқори адир (900—1600 м баландлықтада)нинг асосий үсимликлари жумласига құнғирбош, ранг, құзиқулоқ, бүфдойиқ, беда, сеебарга, ёввойи арпа, кийикүт киради. Уларниң ҳосили 10—15 ц/га атрофида бұлади.

3. Төг минтақасидаги яйловлар

Денгиз сатқидан 1600—2800 м баландлықтада жойлашган бу минтақада ёз ойлары үртаса ҳарорат 8—12° иссиқ бұлиб, қишлоғы 3—4 ой дағавом этади. Ёғынлар миқдори 500—900 мм. га стади. Минтақаниң пастки қисмидеги тупроқтар гумусга бойлиги боис құнғир рангли бұлади. Төгнинг юқори қисмидеги тупроқтар күлранг тусда. Рельефи мураккаб. Үсимликларнинг түрлари хилма-хил: төг яйловларидан терескен, наымтатак, шувоқ, бетага, отқулоқ, төг арпа, тарық, қиёқ, қорабош, олабұта, тароқбош каби үсимликлар күп учрайди.

Пастки төгли яйловларда эфемерлар, барғак, бетага күп үсади. Текис майдонларидан 20—30 ц/га пичан ҳосили олинади.

4. Баланд төг яйловлари (Алтын яйловлари)

Бу минтақа денгиз сатқидан 2600—3800 м ва ундан ҳам баланд бўлиши мумкин. Яйлов майдони кам. Ҳавоси паст, булутли кунлар күп, ёзда ҳам тез-тез ёғынлар бўлиб туради. Тупроқлари түқ құнғир ва қора рангда. Бу яйловларда тиканли терескен, төг шувоқ, арслон-қулоқ, бетага, каррак, оқ гулхайри, сүмбул, құнғирбош каби бута ва ярим буталар үсади. Гектаридан 5—14 ц пичан олиш мумкин. Мазкур минтақада доривор үсимликлар, мевали ва манзаралы даражалар ҳам күп учрайди.

ТАБИИЙ ЯЙЛОВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Табиий яйлов ва пичанзорлардан тұла фойдаланиси мақсадида улар аниқ ҳисобга олинади. Бунда аввал уларниң чегараси ва майдони аниқланади. Унинг харитадаги рақами ва маҳаллий номи, сув манбаи, ер ости сувларининг чукурлуги, тупроғининг тури ва фитосанитар қолати, үсимлик дүнәсінінг тури, ҳосиллорлуги, озуқалық даражаси, маданий-техник қолати (даражалар, буталар, тұнкалар, тошлар, рельефи), ферма ва сув манбаидан узоқлуги каби

жиҳатларига баҳо берилиб, яйловлар ҳосилини ошириш чоралари белгиланади.

Сув манбаи таҳлил қилинганда ёғингарчилик миқдори, қурғоқчилик хавфи, сизот сувларининг чуқурлиги ҳам ҳисобга олинади.

Тупроқнинг тури, бегона ўтлардан тозалиги, фитосанитар ҳолати аниқ кўрсатилади ҳамда тупроқ унумдорлиги баҳоланади.

Тупроқнинг ўт қопламини аниқлашда ўсимлик турлари ва уларнинг сони, озуқалик даражаси, ҳазм бўлиши, заҳарли ва зарарли ўсимликлар мавжудлиги, фойдали ўсимликларнинг ҳосилдорлиги каби масалаларга эътибор қаратилиди.

Тупроқнинг маданий-техник ҳолатига баҳо берилганда эса бир гектар майдондаги дараҳт ва буталар сони, баландлиги, йўғонлиги, тупроқ юзасининг ҳолати (нотекислиги, тош ва бошқа қурилиш қолдиқлари) ҳисобга олинishi лозим. Бу ишлар натижасида хусусиятлари таҳлил қилинган ўтзордан қандай фойдаланиш (пичан ўриб олиш ёки молларни боқиш) усувлари тавсия этилади.

Яйловларни яхшилаш

Яйловни юза яхшилаш — бу табиий яйловнинг ўсимлик қопламини бузмасдан, ҳосилдорлигини оширишга мўлжалланган чора-тадбирлардир. Уларнинг амалга оширилиши туфайли табиий яйловдаги ўсимликларнинг сув, ҳаво ва озуқа таъминоти тизимини яхшилаш ва улардан узоқ муддатли озуқа олиш мумкин бўлади. Яйловларни тубдан яхшилаш эса мавжуд ўтзорни йўқ қилиб (ҳайдаб), янги ўтзор барпо этишдан иборат.

Яйловларни яхшилашдан аввал маданий-техник ишлар олиб борилади. Бунинг натижасида фойдали ўтлар ўсадиган майдон кенгайиб, унинг ҳосилдорлиги ҳам ошади. Аввалига яйловлар ДП-24, МТП-13 машиналари ёрдамида дараҳт ва буталардан тозаланади. Яйловлар юзасини текислашда маҳсус машина ва куроллар қўлланилади.

Яйловларнинг сув таъминотини яхшилашда ер ости сувларидан фойдаланиш мумкин. Суғориш учун, шунингдек, булоқлар, кичик сойлар ва оқава сувлар ишлатилади. Айниқса, тоғлардаги тез оқувчи сой ва дарё сувларидан яйловларни суғориш яхши самара беради.

Маданий-техник ишлар бажарилганидан кейин агротехник тадбирлар ўтказилади. Ўтлар қопламини тўлдириш мақсадида шу минтақада ўсадиган ўсимликлар уруғи йиғилиб, маълум вақтда экилади.

Аслида, яйловни яхшилаш бир йил эмас, балки 4—5 йил давом этадиган жараён бўлиб, бунинг учун қўшимча экиш ишлари олиб борилади. Экиш мулдати, меъёри, турлари ҳар хил бўлиши мумкин.

Яйловларда изен, терескен, астрагал, шувоқ, саксовул экиш яхши натижা беради. Экиш меъёри изенда 3—4 кг, терескенда 12—15 кг, шувоқда 0,5—1,0 кг, оқ саксовулда 5—8 кг/га. ни ташкил қиласди. Кенг қаторлаб экиш усули қўлланилиб, қатор ораси 45—60 см бўлади, фақат терескен 60—80 см, саксовул 100—120 см оралиқда ўтқазилади. Экиш чуқурлиги уруғнинг йириклигига қараб 0,5—3,0 см бўлиши мумкин. Уруғ кузда ёки қиш ойларида экилади.

Адирларда ўсимлик қопламининг 20 фоизини бута, 65 фоизини ярим бута ва 15 фоизини ўтлар ташкил қиласди. Гипсли яйловларда бу қопламининг 20—25 фоизи бута, 50—60 фоизи ярим бута, 25—30 фоизи ўтлар бўлиши яхши ҳосил олишни таъминлайди. Соз-лёссли яйловларда ўсимликларнинг 35 фоизини бута, 35 фоизини ярим бута ва 30 фоизини ўтлар ташкил қиласди.

Мол боқиш ва пичан ўриш натижасида яйловларда ҳосил камайиб, тупроқнинг физик, кимёвий ва биологик жараёнлари ўзгариши юз беради ва тупроқни ўғитлаш заруриятини келтириб чиқаради. Органик ўғитлар 15—20 т/га миқдорида 3—4 йилда бир марта солинса, минерал ўғитлардан 60—80 кг фосфор 60—90 кг калий қўлланилади. Мунтазам равишда ўғитлаб туриш яйловларнинг маданийлашувига олиб келади.

Табиий ўт қоплами — кам ҳосил берувчи ўтзор йўқотилиб, янги ўтзор ҳосил қилинади.

Маданий сугориладиган яйловлар барпо этиш

Сугориладиган ерларда қисқа ва узоқ муддатли маданий яйловлар ташкил қилиш мумкин. Чорва молларини қисқа муддатли яйловларда 1—5 йил, узоқ муддатли яйловларда 5—10 йил мобайнида боқса бўлади.

Чўл минтақаларидаги муддатли яйловларда баргак (30—40 кг), эркак ўт (8—10 кг) экилади (2-жадвал). Шунингдек, бир йиллик ўтларни (судан ўти, берсим, шабдар) ҳам экиш мумкин. Бундай маданий яйловлар яхши ҳосил беради.

2-жадвал

**Яйлов барпо этишда жойлаштирилдиган экин
турлари ва экилалинган уруғ мөсьери**

Т.р.	Экин тури	Экиш мөсьери, млн.дона/га	Ургунинг хўжалик яроқлилиги, %	Экиш мөсьери, кг/га
1	2	3	4	5
	Аралашма			
1	Беда	8,0	88,2	17,0
	Кўп ўримли мастак	4,0	85,5	10,0
	Яйлов мастаги	4,0	87,3	10,0
	ЖАМИ	16,0		37,0
2	Беда	8,0	88,2	17,0
	Кўп ўримли мастак	5,2	85,5	13,0
	Оқсўхта	2,8	86,4	4,0
	ЖАМИ	16,0		34
3	Беда	8,0	88,2	17,0
	Кўп ўримли мастак	3,0	85,5	7
	Яйлов мастаги	3,0	87,3	7,0
	Оқ сўхта	2,0	86,4	3,0
	ЖАМИ	16,0		34,0
4	Беда	8	88,2	17
	Кўп ўримли мастак	4	85,5	10,0
	Қиљтиқсиз костер	4	85,5	16,0
5	Беда	8	88,2	17,0
	Кўп ўримли мастак	3	85,5	7
	Яйлов мастаги	2	87,3	5,0
	Қиљтиқсиз костер	3	85,5	12,0
	ЖАМИ	16		41
6	Беда	8	88,2	17,0

1	2.	3	4	5
	Күп үримли мастак	3	85, 5	7
	Яйлов мастаги	1, 5	87,3	3,0
	Қылтиқсиз костер	2, 5	85,5	10,0
	Оқсұхта	1, 5	86,4	2,0
	ЖАМ И	16		40
7	Беса	5, 6	88,2	12,0
	Қызил себарға	2, 4	88,2	5,0
	Күп үримли мастак	3	85,5	7,0
	Яйлов мастаги	2, 5	87,3	6,0
	Қылтиқсиз костер	2, 5	85,5	10,0
	ЖАМ И	16		40

Изоҳ: күрсатылған әкиш мөъёрлари уннувчанлик 100 фоиз бўлган шароит учун қулланилади.

ЯЙЛОВЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Яйловлатиш даврида яйловларда маълум агротехник тадбирлар ўтказилади:

1. **Бегона ўтларга қарши кураш.** Яйлов ва пичанзорларда чорва моллари емайдиган ва кам ҳосил берувчи үсимликлар йўқ қилинади. Бунинг учун боқишини тўғри ташкил қилиш, гербицидлардан (2,4-Д бутил әфир, 2—3 кг/га) фойдаланиш мумкин.

2. **Орасига әкиш.** Турли сабабларга кўра сийраклашиб қолган жойларда ўтлар аралашмаси экиласди. Экиш мөъёри, муддати яйлов барпо этилганидагидек бўлади.

3. **Тупроқ ҳаво режимини яхшилаш.** Борона ва дискалаш каби тадбирлар ўтказилади. Бунда яйловларнинг ҳолати, тупроқ ва иқлим шароити ҳисобга олинади.

4. **Ўриш.** Моллар яйловда боқилгандан кейин ейилмай қолган ўтларни ўриш лозим. Бу тадбир кейинги ўтларнинг текис үсиб чиқишига имкон беради. Акс ҳолда ейилмасдан қолган ўт дағаллашиб, қуриши натижасида яйловларнинг маданий ҳолатига путур стади.

5. Суғориши. Моллардан қолған үтлар үрилганидан кейин маданий яйловлар сүфорилади.

6. Үғитлаш. Агар режада күрсатылған бұлса, суғорищдан олдин үғит солинади. Моллар боқылғандан кейин, улар гүнги борона ёрдамда ёйиб юборилади.

ЯЙЛОВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Йиллар давомида яхши ҳосил олиш учун яйловлардан оқилона фойдаланиши лозим. Бунда күйилаги тәдбиrlар құлланилади:

1. Яйловларни жиқозлаш. Яйлов фермага яқын бұлса (1—2 км масофада), моллар суғориши, соғиши ва дам олдириши учун фермага ҳайдаб келтириледи. Фермадан узоқ яйлов атрофида эса ветеринария хизмати, чүпонлар яшаши, молларни соғиши ва суғориши учун зарур шарт-шароит яратылади.

2. Яйловлатыш усули. Яйловда молларни боқышнинг қуидаги уч хил усули құлланилади:

— әркін боқылади (моллар яйловда хоҳлаган жойдан үтлаши мүмкін);

— боғлаб боқылади (хар бөш қора мол қозықтарға боғлаб қўйи-либ, маълум доираға үт ейилғандан кейингина янги жойга кўчириб боғланади);

— загон усулида боқиши; бунда яйлов бир неча загонларга (кичикроқ қисмларга) бүлиніб, моллар қабул қилинган тартибда улар ичіда боқылади.

Эркін боқиши усули Ўзбекистоннинг табиии яйловларидан құлланылади, ҳосили кам үтзорларда факат шу усульда яйловлатилади. Боғлаб боқиши усули маланий сүфориладиган, серхосил, майдони кичик үтзорларда құлланилади. Бу усул яйловдан тәжамкорлик билан фойдаланиш имконини беради. Сүфориладиган катта майдонли яйловлар бир неча қисмларга бүлиніб, моллар шулар доирасыда боқылади. Бу усульда ҳам яйловлардан тұла ва оқилона фойдаланиш мүмкін.

Бир загон майдонини аниқлаш учун подадаги моллар сони, яйловнинг ҳосилдорлиги ва бир кунда бир бөш молнинг үт ейиш меңгері, шунингдек, бир загонда неча кун мол боқиши мүмкінligини билиш лозим.

Битта загон майдони аниқланашиб, мавжуд яйлов майдони шу ракамга бўлинганида загонлар сони келиб чиқади.

Загонларда майдонларни яйловлатиш, айрим үримлардан пичан тайёрлаш ва уруғ олиш тартиби аниқ режаласытириледи.

3. Яйловлатиш мұддати. Янги барпо этилган яйловларда дүккак-ли ұтлар шоналаш, құнғирбөш ұтлар наid үраш даврига үтганды, эски яйловларда ұтлар баландлығи 15—20 см. га етганды яйловлатиш мүмкін. Күзде, союқ тушишига 25—30 кун қолғанда яйловлатишни тұхтатиши лозим. Союқли күнларғача агротехник тәдбиrlар үтка-зилади.

Чорва моллари кун давомида, одатда, әрталаб ва тушдан кейин яйловлатилади, күннинг иссиқ соатларыда яйловлатиш мақсадға му-воғиқ әмас.

Чүл минтақасыда йил давомида яйловлатилади.

Яйловлатиш тартиби. Эрталаб дағал, кам түйимли, баланд үсганды ұтлар бор жойда; кечқурун зса сернам, түйимли юқори ұтли жойларда яйловлатиш керак. Агар хұжаликда ҳар хил моллар бұлса, олдин иирик шохли моллар, кейин майда шохли моллар яйловлатилади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Яйлов ва пичанзорлар деганды нимани тушунасиз?
2. Яйловларни қисобға олиш тартиби ва уни яхшилаш тәдбиrlары ҳақида қандай тасаввурға эта бұлдингиз?
3. Сугориладиган яйловлар барпо қилиш ва уларни парваришилаш ҳақида нималарни билиб олдингиз?
4. Яйловлардан фойдаланыш тартибини күрсатинг.

9-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ЯЙЛОВ ВА ПИЧАНЗОРЛАР ҲОСИЛДОРЛIGИ ҲАМДА СИФИМИНИ АНИҚЛАШ

Дарс режаси: Яйлов ҳосилдорлігінің сифимини аниқлаш ҳамда озуқа режимини тузиш.

Кераклы воситалар: яйловларда бажарылыш керак тәдбиrlар бүйіча топшириледі.

1. Яйлов ҳосилдорлігінің аниқлаш. Яйловнинг 4 та жойидан 2 м² қисобида майдон ажратилади. Шу майдондан 5 см баландлықда үтүрилиб, тортиб күрілади ва унга 4 та майдончадан үрілген күккөз вазни құшилиб, сұнгра 4 га бўлинади. Чиққан сон гектаридан олиниадиган ҳосил кўрсаткичи қисобланади.

Мисол. 2 м² дан 2 кг күккөз олинса, гектаридан 100 ц.ни ташкил қилади.

2. Яйлов сифимини аниқлаш. Яйлов сифими — бу I га яйловда неча бош молни яйловлатиш мүмкінлігіні билдиради.

Яйлов сиғими қўйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$H=U/B \cdot P,$$

бу ерда, H —яйлов сиғими; U —ҳосил, кг/га; B —бир кунда сийладиган кўкат миқдори (кг/бош); P — яйловлатиш даври (кун).

3. Бир йилда (*ойда, кварталла*) талаб қилинадиган озуқа миқдо-
рини аниқлаш. Озуқа етишириш режасини тузиш учун қўйидаги
маълумотларга асосланилади: мол сони, тури; ҳар куни ейиладиган
кўкат миқдори (мол турлари бўйича, кг/бош ҳисобида); яйловнинг
ҳосилдорлиги, ц/га; яйловлатиш даври, кун; талаб қилинадиган
максус ем-хашак экинларининг экилиши (экин майдони, унинг
ҳосилдорлиги).

6. ЯШИЛ КОНВЕЙЕР

Кишлоқ ҳўжалиги молларини яйловлатиш мавсумида уларни
кўкат билан узлуксиз таъминлаш борасида олиб бориладиган техно-
логик, ҳўжалик ва ташкилий ишлар тизими *яшил конвейер* деб ата-
лади. Яшил конвейер табиий, аралаш ва сунъий турларга бўлинади.

Табиий яшил конвейер — табиий яйлов ва пичанзорлардан фойдаланиб, эрта баҳордан то кузгача молларни узлуксиз кўкат билан
таъминлашдир. Бошқа турлар орасида бу энг арzon ва ташкил қилиш
осон бўлган усул ҳисобланади.

Аралаш яшил конвейер — молларни табиий ўтлоқ ва максус экил-
ган см-хашак экинлар ёрдамида яйловлатиш мавсумида узлуксиз
таъмин қилишдан иборат. Маълумки, табиий ўтлоқларда баҳор ва
кузда ўсган ўтлар ёзга келиб қуриди, шунинг учун моллар бу
даврда максус экилган ем-хашак экинларидан олинган ҳосил билан боқилади.

Сунъий яшил конвейер — молларни яйловлатиш мавсумида фақат
максус ем-хашак экинларини экиб, кўкат билан узлуксиз таъмин-
лап. Бу яшил конвейер турлари орасида энг мураккаби бўлиб, Ўзбе-
кистон шароитида кўп қўлланилади.

Яшил конвейерни ташкил қилиш учун экинларни танлаш, та-
лаб қилинадиган кўкат миқдорини ва ҳар бир экиннинг экин май-
донини аниқлаш лозим.

Талаб қилинадиган кўкат миқдорини билишда ҳўжаликдаги мол-
лар сони ва ҳар бош молга зарур кўкат миқдорини, бу молларнинг
турига, ёшига боғлиқ равишда ўрганиш зарур (3-жадвал).

**Бир баш молга едирилалыган күкатнинг ўртача меъёри
(В.П.Мастерова, Н.Н.Ананьина маълумотлари)**

T.р.	Молларнинг тури ва ёши	Бир кунги күкат меъёри,кг
1	Ўртача вазни 500 кг келадиган сигирлар: суткада 10—12 л сут берадиган суткада 14—16 л сут бералиган суткада 18—20 л сут берадиган	65—75 45—55 55—65
2	Буқалар	25—35
3	Еннажинлар	30
4	Бир ёшдан катта бузоқлар	30—40
5	Бир ёшга етмаган бузоқлар	15—25
6	Ишчи отлар	30—40
7	Болали она чүчқалар	10—15
8	Эркак чүчқалар	5—7
9	Бўрдоқига боқиладиган чўчиқалар	3—5
10	Катта ёшдаги қўйлар	6—8
11	Кўзилар	2—3

Ем-хашак экинлари ҳосилдорлиги, тўйимлилиги, ҳазм бўлиши ва иқтисодий самарасига қараб танланади. Яшил конвейерга экинлар танлашда хўжаликда йил давомида барча озуқа турларини тайёрлаш имконияти ҳисобга олинади, шунинг учун бу экинлар сирасига ўтлар, силосбоп экинлар, ширали озуқа берадиган туганақ мевалилар ва илдизмевалилар, хашаки полиз экинлари қўшилади. Ўтлар жумласида бир ва кўп йилликлари бўлиши лозим. Ем-хашак экинлари орасида оқсилига бой дуккакли экинлар ҳам бўлиши мақсадга мувофиқdir. Ўртача бир яшил конвейерга 5—7 хил экин тури қўшилади. Экин тури кўп бўлгани сари уларни етиштиришда қийинчиликлар ҳам орта борали. Одатда, яшил конвейерга маккажӯхори, жўхори, судан ўти, кузги жавдар, арпа, сули, тритикале, беда, қизил себарга, хашаки қовоқ, хашаки лавлаги, соя, бурчоқ, кўкнўхат, нўхат танланади. Экинларни танлашда тупроқ-икълим шароити ҳам ҳисобга олинади. Шўрланган тупроқларда шўрга чидамли, сув танқис минга тақаларда қурғочиликка бардошли экинлар танланади.

Яшил конвейерга қүшилган экинларни экишга бўлган талаб уларнинг ўртача ҳосилига қараб аниқланади. Таанланган ер майдони фермага яқин бўлиши лозим.

Яшил конвейер тизимлари

4-жадвали

Йирик шохли қора моллар учун сув етарди минтақада яшил конвейер тизими
(яйловлатиш муддати — апрел—ноябр)

Т.р.	Экинлар	Экиш муддати	Фойдаланиш муддати	
			бошланиши	тугаси
1	Кузги жавдар—кузги вика	Октябр	Май	
2	Кузги хашаки буғдой—вика	Октябр		Май
3	Беда, баргак	Эски	Май	Июн
4	Кукнұхат — арпа	Октябр	Май	Июн
5	Кукнұхат — бурчоқ	Октябр	Июн	
6	Маккажұхори	Март	Июн	Июл
7	Маккажұхори — соя	Апрел	Июл	Август
8	Беда, баргак	Эски	Июл	Август
9	Судан үти	Март	Июл	Август
10	Маккажұхори	Апрел		
11	Жұхори	Апрел	Сентябр	
12	Хашаки ласлаги	Март	Сентябр	Ноябр

5-жадвал

**Құйлар учун яшил конвейер тизими
(яйловлатыш муддати — апрел—октябр)**

Т.р.	Экинлар	Экиш муддати	Фойдаланиш муддати: бошланиши — тугаши
1	Күзги жавдар — күзги вика	Октябр	Апрел — Май
2	Күзги бүгдей — күзги вика	Октябр	Апрел — Май
3	Беда — мастак	Октябр	Май — Июн
4	Сули — күкнүхат	Октябр	Июн
5	Судан үти	Апрел	Июл
6	Беда — мастак	Октябр	
7	Маккажүхори	Март	Август
8	Беда — мастак	Октябр	Сентябр
9	Сули — бурчоқ	Июн	Сентябр — Октябр

6-жадвал

**Курғоқчылык мінтақасы учун яшил конвейер тизими
(яйловлатыш муддати — апрел—ноябр)**

Т.р.	Экинлар	Экиш муддати	Фойдаланиш муддати: бошланиши — тугаши
1	Табиий яйловлар		Апрел — Май
2	Сунъий яйловлар	Октябр	Июн
3	Сули — бурчоқ	Октябр	Июн
4	Судан үти, жүхори	Апрел	Июл
5	Судан үти, жүхори, беда, тариқ	Март Апрел	Август
6	Судан үти, хашаки полиз экинлари, бела	Март Апрел	Сентябр
7	Беда, судан үти, хашаки полиз экинлари	Март Апрел	Октябр — Ноябр

**Шұрланған тупроқлар үчүн яшил конвейер тизими
(яйловлатыш муддаты — апрел—октябрь)**

Т.р.	Экинлар	Экиш муддати	Фойдаланиш муддати: бошланиши—тугаши
1	Кузги жаңдар, әрқак ўт	Октябр	Апрел — Май
2	Әрқак ўт, қашқарбела	Октябр	Май — Июн
3	Судан ўти, жұхори, қашқарбела	Апрел, Октябр	Июн — Июл
4	Судан ўти, жұхори	Апрел	Август
5	Судан ўти, әрқак ўт	Март	Сентябр
6	Судан ўти, хашаки полиз экинлари	Март, Апрел	Октябр

Яшил конвейернинг намуна учун келтирилган тизимлари тахминий ҳисобланиб, экин турлари, етиштириш технологияси (экиш муддати ва фойдаланиш муддатлари) ҳар хил булиши мүмкін.

НАЗОРАТ ҮЧУН САВОЛЛАР

1. Яшил конвейер деганда нимани тушунасиз?
2. Яшил конвейер турларини күрсатынг.
3. Яшил конвейер ташкил қилишда қандай омиллар ҳисобға олинади?

10-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШГУЛОТИ

ЯШИЛ КОНВЕЙЕР ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Дарс режаси: Хұжалик мисолида яшил конвейер тизимини ишлаб чиқиши.

Керекшіл воситалар, асбоб-анжомлар: см-хашак экинларини етиштириш технологияси бүйіча жадваллар, хұжаликнинг ишлаб чиқариш күрсаткышлари (экин майданы, экинларнинг қосылдорлығы, мавжуд молларнинг сони ва тури).

(Бу иш үқитувчи ёрдамида бажарылади).

7. ОЗУҚАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

7.1. Пичан тайёрлаш технологияси

Пичан дағал озуқалар орасида түйимлилiği, таркибида оқсил, витаминаларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Бошқа озуқаларга қараганда пичан кўп қўлланилади. Чорвачилиқда ишлатиладиган озуқаларнинг 40 фоизини пичан ташкил қиласди. Унинг сифати экин турига, ўриш муддати ва ўриш баландлигига боғлиқ (8-жадвал).

8-жадвал

Ҳар хил экинлардан тайёрланган пичан сифати
(В.Далакъян ва бошқаларнинг маълумотлари)

Т.р.	Пичан тури	Озуқа бирлиги	Осон ўзлаштирилайдиган протеин, г/кг
1	Беда (ўртача)	0,47	88
2	Беда (гуллашнинг бошланишида)	0,41	101
3	Маккажӯхори пичани	0,57	44
4	Сули пичани	0,39	61
5	Тарик пичани	0,53	31
6	Жавдар пичани	0,49	48
7	Судан ўти пичани	0,55	41
8	Рапс пичани	0,40	26

Маълумки, ўсимлик қисмларининг түйимлилiği бир хил эмас. Барғ ва гул таркибида оқсил, минерал тузлар ва витаминалар кўп бўлади. Масалан, улар таркибида оқсил поядагига нисбатан 2 баравар, каротин 10—15 баравар кўп, ҳазм бўлиши 40 фоизга ортиқ. Шунинг учун юқори сифатли пичан тайёрлашда ўтларни ўришнинг мақбул муддатини аниқлаш лозим. Табиий яйловларда ўтлар тўла гуллаганда ўрилади. Дуккакли экинларда шоналаш даврида оқсила кўп тұпланади, аммо бу даврда ўрилса, кам ҳосил беради. Шунинг учун, одатда, ишлаб чиқаришда кўпчилик ўтлар гуллаш даврининг бошланишида ўрилади. Кеч ўрилганда барғи, оқсили камайиб, пичан сифати пасаяди. Ҳар бир далада ўтларнинг ривожланишига қараб,


ўриш муддати белгиланади. Кўп ва бир йиллик ўглар бир неча маротаба ўрилади, лекин ҳамма ўримларини бир хил муддатда амалга ошириш мумкин эмас. Ўт уни тайёрлаш учун эса ўтлар эрта ўрилади. Ўриш муддати йиллар ва ўримлар бўйича ўзгартириб турилиши лозим.

Пичан сифати ўтларни ўриш баландлигига, бу эса навбатдаги ўримларнинг қайта ўсишига боғлиқ. Агар 6 см ўрнига 12 см қолдириб ўрилса, ҳосил 20—45 фоизга камаяди. Ўсимликнинг пастки қисмида оқсил миқдори кам бўлади. Ammo 4 смдан паст ўриш мумкин эмас, чунки бу навбатдаги ўрим суст ўсишига сабаб бўлади. Шунинг учун ўтлар ўртacha яйловда 4—6 см, табиий ўтлоқларда 6—7 см, нотекис ерларда 8—10 см. баландликдан ўрилади.

Ўтлар маҳсус техника ёрдамида ўриб, ташилади ҳамда ғарамланади. Ўриш учун КДП—4,0, КС—2,1, КСП—2,1А, ётиб қолган ўтлар учун эса КРН—2,1 машиналари ишлатилади. Ўтлар тез қуриши учун маҳсус ПТП—2,0 машина ёрдамида сал эзғиланади. Табиий пичанзорларда КДП—4,0, маҳсус экилган ўтзорларда КНУ—6 ва ПТП—2,0 машиналари қўлланилади.

Пичан тайёрлаш тартиби:

1. Ўтларни ўриш ва эзғилаш (КС-2,1, ПТП-2,0);
2. Ўрилган ўтларни ағдариш (ГВК-6,0, Е-247/249);
3. Ўрилган ўтларни йиғиш (ГВК-6,0, ГП-14,0, ПСБ-1,6) ва (ГУТ—2,5) сақланадиган ерларга ташиш;
4. Пичанни ғарамлаш (СНУ—0,5);
5. Пичаннинг намлиги меъеридан ортиқ бўлса, вентиляторлар ёрдамида куритилади. Сақланадиган пичаннинг намлиги 17—20 фоиз атрофида бўлиши керак (39-расм).



39-расм. Пичан тайёрлаш технологияси:
а—оддий усул; б—зичлаштирилган пичан.

Пичанни сақлаш учун юзаси тоза, сув түпланмайдиган махсус жой тайёрланади. Фармнинг баландлиги 5—7 м, эни тубида 4 м, ўрта қисмида 5,5 м, юқорига қараб камаяди. Узунлиги 20 м ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Усти дағал поялар, плёнка билан қопланади. Сувдан асраб сақланганда, бир неча йил сифатини йўқотмаслиги мумкин. Фармлар ораси 30—40 м, фермагача 100 м бўлиши лозим. Фармлар атрофида сув түпланиб қолмаслиги учун 20—25 см чукурликда эгатлар олинади. Оддий усуlda тайёрланган пичаннинг сифати сақлаши даврида 7—8 фоизга, зичланган пичанники 2—2,5 фоизга пасаяди.

Пичаннинг сифати ҳиди, ранги (саріқ, яшил, сарғиши-яшил, кўк-яшил, тўқ сариқ), ўрилган даври (гули, шонасига қараб), намлиги (бир қисм пичан қўлга олиб ишқаланади, агар барги тўкилиб кетса, намлиги меъёрдан кам, агар пичаннинг усти нам бўлса, намлиги ортиқча, енгил буралиб, барги тўкилмаса, намлиги меъёрда эканлиги) аниқланади. Пичан сифати давлат андозаларига кўра 2 та синфга бўлинади: биринчи синфга кирадиган пичанда 5 фоизгача ейилмайдиган қўшилмалар ва 1 фоизгача заҳарли ўсимликлар бўлиши мумкин. Иккинчи синфга мансуб пичан таркибида 10 фоизгача ейилмайдиган қўшилмалар ва 2 фоизгача заҳарли ўсимликлар бўлишига йўл қўйилади. Талабга кўра, пичан хушбўй, сариқ, яшил рангли, намлиги 17 фоиз, заҳарли ўсимликлар миқдори 1 фоиз, чанг босмаган, юқори сифатли бўлиши лозим.

Пичандан пичан уни, зичланган брикетлар, донадор (гранула)-лаштирилган озуқалар тайёрлаш мумкин.

11-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШФУЛОТИ ПИЧАННИНГ ҲАЖМИ ВА СИФАТИНИ АНИҚЛАШ

Дарс режаси: Пичаннинг сифати ва ҳажмини аниқлаш.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: пичан турлари бўйича намуналар, термостат, тарози.

Пичан намлиги оддий усуlda аниқланади. У боғ қилиб боғланганда, шитирлаган товуш эшитилса, намлиги 15 фоиз, боғи сиқилганда ёки буралганда фирчилласа, намлиги 17 фоиз, боғи буралганда фирчилламай, буралган жойидан сув чиқса, намлиги 23—25 фоизга тўғри келади. Пичан намлигини унинг намунаси тарозида тортилиб, сўнгра термостатда қуритилганда аниқ билиш мумкин.

Пичанни ҳисобга олиш учун гарәмларининг ҳажми аниқланади.

Бунда ғарамнинг узунлиги, эни ва белбогининг узунлигини билиш лозим. Эни ҳар икки томонидан ўлчаниб, олинган сонлар қўшилади, йигиндиси эса тенг иккига бўлинади. Ғарамнинг пастки томони тор бўлса, ҳар икки томонидан икки мартадан ўлчаш керак. Олдин ғарам юқориги кенг қисмидан, сўнгра пастидан ўлчанади, олинган сонлар қўшилади ва йигиндиси иккига бўлинади. Узунлиги ҳам икки томонидан ўлчанади, олинган сонлар қўшиб, йигиндиси тенг иккига бўлинади. Ғарамнинг белбоги узунлиги бўйича ўлчанади. Баландлиги ҳар хил бўлиши мумкин, шунинг учун белбоги З жойдан ўлчанади, уларнинг ўртачаси ҳисобга олинади. Шундай қилиб, пичан ғарамининг эни, бўйи, белбогининт узунлигига қараб ҳажмини аниклаш мумкин.

Бунда 1 м³ пичан тарозида тортилади ва ҳажмига қараб ғарамнинг вазни ҳисобланади. Пичаннинг вазни турига қараб ҳар хил бўлади.

7.2. СИЛОС ВА СЕНАЖ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Қиши ойларида чорва молларини ширави озуқа билан боқиш учун силос тайёрланади. Бунда герметик усул қўлланилади. Силослаш жараёнида ҳосил бўлған суг кислотаси сабабли чиритиш бактериялари, аэроб бактерияларининг барчаси нобуд бўлали. Силоснинг муҳити (рН) ўртача 4,2 бўлиши лозим. Силос — серсув, шираси камроқ, лекин минерал молдаларга бой озуқа. Унинг сифати силослаш учун фойдаланилган экин тури, ўриш муддати, силослаш технологияси ва сақлаш шароитига боғлиқ. Бу мақсадда керакли ўсимликларни тўғри танлаш лозим, чунки улар орасида яхши силосланадиган, қийин силосланадиган ва силосланмайдиган турлари бўлиши мумкин. Маккажӯхори, жӯхори, судан ўти, кунгабоқар, полиз экинларидан яхши силос тайёрланади. Бу экинлар таркибида қанд миқдори кўп. Қийин силосланадиган экинлар гуруҳига мансуб себарга, қашқарбеда, яйлов ўтлари таркибида эса, аксинча, қанд камдир. Силосланмайдиган экинлардан бўлган беда, баргак, бурчоқ, соя таркибида қанд жуда кам миқдорда бўлади.

Экинларнинг силосланиш хусусияти уларнинг ривожланиши муддатига ҳам боғлиқлигини ҳисобга олиб, кўкатни ўриш муддатини тўғри аниқлаш керак. Думбул пишиш даврида ўрилган маккажӯхори намлиги 70 фоиз бўлганда, 100 кг силос таркибида 25 озуқа бирлиги ва 2,1 кг ҳазм бўлалигиган протеин, сут-думбул пишиш даврида намлиги 76 фоиз бўлган маккажӯхори ўрилганда, 100 кг силос таркибида 20 озуқа бирлиги ва 1,2 кг протеин, маккажӯхори сут-пи-

шиш даврида ўрилиб, намлиги 80 фоиз бўлганда, 100 кг силос таркибида 17 озуқа бирлиги ва 2,0 кг протеин мавжуд бўлади.

Силосланадиган экинларни ўриш муддатлари: 1) маккажўхори – донининг думбул пишиш даврида; 2) кунгабоқар – 5 фоиз гуллағанда; 3) судан ўти – рўвакланиш даврида; 4) жўхори – донининг думбул пишиш палласида; 5) соя – пастки дуккаклари пишиши пайтида; 6) кўп йиллик қўнгирбош ўтлар – гуллаш даврининг бошланишида; 7) кўп йиллик дуккакли ўтлар – шоналаш даврида. Шунинг учун айтиш мумкинки, силоснинг сифати ўсимлик ривожланишининг қайси даврида силос учун ўрилганига боғлиқ. Масалан, маккажўхори силосининг сифати қуидагича бўлади (1 кг силоси таркибида):

1) дон ривожланишининг бошланишида 0,18 озуқа бирлиги ва 13,6 г протеин; 2) сут пишиш даврида 0,22 ва 13,0; 3) сут-думбул пишиш даврида 0,30 ва 13,0; 4) думбул пишиш даврида 0,32 ва 14,0 ва 5) тўла пишиш даврида 0,39 озуқа бирлиги ва 14,6 г протеин бўлади.

Кўкатнинг намлиги 75 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак. Агар намлиги шундан зиёда бўлса, унга дагал, куруқ озуқалар, намлиги меъёрдан кам бўлса, ширали серсув озуқалар қўшилали. Кўкат намлиги 60–70 фоизлигига тайёрланган силос сифати яхши бўлиб, нобудгарчилик 10–12 фоизга камаяди. 75–78 фоиз намлика 14–15 фоиз, 80 фоиз ва ундан ортиқ намлика 15 фоиздан кўпроқ куруқ модда нобуд бўлиши мумкин. Кўкат намлиги 80 фоизга тушса, силоснинг сифати паст бўлади. Аксарият ҳолларда ҳосил йиғилиниша ем-хашик экинларининг намлиги 60–70 фоизни ташкил қиласди.

Кўкатни майдалаш унинг намлигига боғлиқ. Кўкат майдаланса, яхши зичланиб, оралиқдаги ҳаво миқдори камаяди. Намлиги 60–70 фоизли кўкат 2 см. ли бўлакларга, намлик 75–80 фоиз бўлганда, 4–5 см. ли бўлакларга, 80 фоиздан ортиқ намлика эса 8–12 см. ли қилиб қиймаланади. Бу усулда куруқ мoddанинг нобулгарчилиги камаяди.

Силос иншоотлари силос тайёрлаш ва сақлашга хизмат қиласди. Герметик усулда ёпилиб, силосни сувдан, ҳаводан ва наст ҳароратдан сақловчи бу иншоотлардан техника ёрдамида фойдаланиш имконияти ҳам туғилади. Улар ўғит ва кимёвий моддалар сақланадиган жойлардан камида 300 м узоқлиқда бўлиши керак. Чуқурлар ва миноралар шундай иншоотлардан ҳисобланади. Силос миқдори кам бўлса, чуқурларда, кўп бўлса, минораларда тайёрланади. Чуқурлар мавжуд

Қурилиш материаллари (бетон, гищт, тош) дан бунёд этилади, ҳажми етиширилган ва йигиб олинган ҳосилга боғлиқ. Чукур эни кўкатни зичлаштирадиган тракторнинг икки энига, узунлиги 2—3 энига, чуқурлиги 1,5—2,0 м. га тўғри келади. Чукурлар юзаси дағал поялар ва тупроқ билан қопланиб, четлари герметик усулда ёпилади. Улар устини ёпиш учун плёнкалардан фойдаланиш мумкин. Тайёрланган силос бир йилгача сақланади.

Силос тайёрлаш технологияси. Силосланадиган экин мақбул муддатда ўрилиб, иншоотларда майдаланади ва чукурларда трактор ёрдамида зичлаштирилади, чукур тўлгандан кейин усти герметик усулда ёпилади.

Силоснинг сифатини ошириш усулига мувофиқ, қийин силосланадиган экинларга 1,5—3 фоиз миқдорида бошқа моддалар қўшилади, дуккакли экинларга картошка, ун (1 тонна кўкатга 40—50 кг ун), оқсили моддалар, туз ва сув қўшилади. Силос иншоотларида иссиқ ҳарорат $35-37^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак.

Сенаж — ўриб, сўлитилган кўп ва бир йиллик ўтлардан тайёрланаб, намлиги 50—55 фоиз бўлган юқори сифатли озука ҳисобланади. Сенажнинг сифати ўтларнинг ўрилиш муддатига боғлиқ. Дуккакли ўтлар шоналаш даврида, қўнгирбоз ўтлар гуллаш даврида ўрилади.

Сенаж ҳам силос сақланадиган иншоотларда тайёрланади ва сақланади. Сенаж учун асосан, миноралар қулай. Ўтлар мақбул даврда ўрилиб, майдаланади ва иншоотларда трактор ёрдамида зичланади. Минораларда маҳсус зичлаштирувчи мосламалар ҳам қўлланилади. Чукурлар усти герметик усулда ёпилади. Сенажни сув ва ҳаводан сақлаш зарур. У чорва молларига қиши ойларида кўкат ўрнида берилади.

12-АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАШФУЛОТИ

СИЛОС ВА СЕНАЖНИНГ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ

Дарс режаси: Силос ва сенаж сифатининг белгилари ва кўрсаткичлари билан танишиш.

Керакли воситалар, асбоб-анжомлар: силос ва сенаж намуналари, илишилар, термостат.

Силос бостирилганидан бир ой ўтгач, унинг 1 m^3 вазнига қараб бутун вазни аниқланади. Силоснинг сифатига баҳо бериш учун чукурнинг четидан 50 см ва уч томонидан 3,5 м ичкаридан 2 та намуна олинади. Силос бостирилганидан икки ой ўтиб олинган намуналар 2—3 л ҳажмидаги идишларга солинади ва оғзи бекитилиб, комиссияга топширилади. Силос сифатига кўра 3 синфга бўлинади.

Силоснинг сифати

Т.р.	Курсаткичлар	1-синф	2-синф	3-синф
1	Куруқ модда, фоиз			
	Үтлар силосида	30	30	30
	Янги ўрилган үтлар силосида	25	20	10
	Кунгабоқар силосида	18	15	12
2	Протеин миқдори, фоиз			
	Дуккакли үтлар силосида	14	12	10
	Фалласимон үтлар силосида	12	10	8
3	Каротин, мг/кг	60	40	30
4	Кул, фоиз	13	15	17
5	Силоснинг мұхити (pH)	3,9—4,3	3,9—4,3	3,8—4,5
6	Сут кислотаси фоиз	50	40	20
7	Мой кислотаси, фоиз	0,1	0,2	0,3

Ушбу талабларга түғри келмайдыган силос молларга берилмайды.

Бағолашда бир чуқурдаги ва таркиби бир хил бұлған сенаждан камида 1,5 кг намуна олинади. Сенаж ҳам сифатига күра 3 синфга бүлинади (10-жадвал).

Сенажнинг сипати

Т.р.	Курсаткичлар	1-синф	2-синф	3-синф
1	2	3	4	5
1	Куруқ модда миқдори, фоиз			
	Дуккакдошлар сенажида	40—55	40—55	40—55
	Күнгірбөш сенажида	40—60	40—60	40—60
2	Протеин миқдори, фоиз			

1	2	3	4	5
	Дуккаклошлар сенажида	15	13	11
	Құнғирбош сенажида	13	11	9
3	Клетчатка, фоиз	29	32	35
4	Күлгінгі міқдори, фоиз	12	14	15
5	Углеводлар міқдори, фоиз	2	—	—
6	Каротин, мг/кг	55	40	30
7	Мой кислотаси, фоиз	—	0,1	0,2

10-жадвалдаги сифат күрсаткычларига тұғри келмайдын сенажни молларга бермаслик керак. Сенаж яшил, сарғыш-яшил, оч жи-гаррант, хушбүй ҳидли бұлади. Сифати қониқарсиз сенаж тұқ жи-гаррант ёки қора рангли бұлади.

7.3. ОМИХТА ЕМ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСЫ

Чорвачиликни юқори сифатлы түйимли озуқа билан таъминлашда маҳсус рецепттә күра омихта ем тайёрланади. Уннинг таркибида оқсил, мой, карбон сувлари, минерал мoddалар нисбати талаб даражасыда режалаштирилади. Қишлоқ құжалиғи молларининг туриға, ёшига қараб, рецептлар ҳар хил бұлади (давлат андозалари бүйіча 70 дан ортиқ рецептлар мавжуд). Омихта емларнинг асосий таркиби донли (60–90 фоиз) ва дуккакли әкинлар донидан иборат. Омихта ем озиқ-овқат саноатининг чиқиндиси, кепак, дон қипиғи, маккаждары сұтаси, кунжара, пичан уни, меласса аралашмасыдан тайёрланади. Бу озуқалар майлаланиб, тозаланади ва маълум меъёрга келтирилиб, аралаштирилади. Талаб қилинган қолда оз міқдорда витаминалар, микроун-сурлар, туз құшилади. Емнинг таркиби ва сифати бир хил бұлиши учун құшилмалар яхшилаб аралаштирилиши зарур.

Тайёрланған омихта ем оддий сочма, донадор(гранула)лаштирилған ва зичлаштирилған (брекетлаштирилған) шаклға келтириледи. Омихта емнинг түйимлилігі уннинг таркибиға құшилған озуқалар түйимлилігінде боғлиқ. Буни 11-жадвалдан күриш мүмкін.

Чигит кунжараси құшилғанда уннинг таркибидеги госсипол міқдори 0,06 фоиздан ошмаслиғи лозим. Аммо молларнинг тури ва ёшига қараб бу чеклов 7 фоизгача күтарилади.

11-жадвал

Оміхта ем манбаларининг (озуқаларнинг) түйимлилiği
(Н.Н.Козьмина маълумотлари)

Т.р.	Экинлар	Озуқа бирлиги	Оқсил, кг	Клетчатка, кг
1	Маккажұхори. дон	133,7	7,8	2,2
2	Маккажұхори, сұға	112	4,5	5,5
3	Сули дони	100	12	9,2
4	Арпа дони	120,5	8,1	4,8
5	Тарық дони	95,5	8,4	9,6
6	Жұхори дони	118,8	9	3
7	Бүгдой дони	119,5	11,7	2,2
8	Жавдар дони	118,4	10,2	2,4
9	Күкнұхат дони	117	19,5	5,1
10	Ясмиқ дони	116,3	21,6	3,8
11	Бұрчоқ дони	102	22,9	5,4
12	Вика дони	116	22,7	5,3
Кунжаранинг түйимлилiği				
13	Кунгабсқар кунжараси	108	39,6	13,7
14	Зигир кунжараси	115	28,5	9,3
15	Чигит кунжараси	115	35,2	9,7

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

«Агрономия асослари» бўлимига оид

1. З.А. Артукметов, Б. Тұхташов, Р. Анарметов. Суфориш тизимидан фойдаланиш фанидан амалий машғулотлар. Т., 1995.
2. Г.В. Бадина, А.В. Королев, Р.О. Королёв. Основы агрономии. Л., «Агропромиздат», 1988.
3. М. Баҳодиров. Тупроқшунослик. Т., «Ўқитувчи», 1983.
4. М. Баҳодиров, М. Мирюнусов. Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар. Т., «Ўқитувчи», 1987.
5. Временные технические указания по созданию и использованию культурных орошаемых пастбищ в Узбекистане. Т., 1973.
6. Э. И. Зауров, Г.А. Иброҳимов, А.А. Расулов. Деҳқончилик. Т., «Ўқитувчи», 1985.
7. Э.И. Зауров. Деҳқончиликдан амалий машғулотлар. Т., «Ўқитувчи», 1974.
8. И.Қаландаров. Қишлоқ жұжалиги асослари. Т., «Ўқитувчи», 1976.
9. В.Т. Лев. Орошаемое земледелие. Т., «Ўқитувчи», 1981.
10. В.Т. Лев, З.А. Артукметов. Сточные воды и орошение. Т., «Мехнат», 1990.
11. В.Т. Лев. Практикум по сельскохозяйственным мелиорациям и орошаемому земледелию. Т., «Мехнат», 1986.
12. Б.С. Мусаев. Агрокимё. Т., «Шарқ», 2001.
13. А.Е. Нерозин. Сельскохозяйственные мелиорации. Т., «Ўқитувчи», 1980.
14. В.М. Новиков, В.В. Игнатова, Ф.Ф. Костанди и др. Механизация уборки и утилизации навоза. М., «Колос», 1982.
15. С.М. Поспелов, М.В. Арсеньева, Г.С. Груздев. Защита растений. Л., «Колос», 1979.
16. Практикум по сельскохозяйственной энтомологии. /Под. ред. Бондаренко Н.В./ Л., «Колос», 1976.

17. А.К. Ирматов. Сүғориладиган деңқончилик. Т., «Үқитувчи», 1983.
18. Б.А. Этамқулов. Агрономия асосларидан практикум. Т., 1983.

«Ем-хашак етиштириш» бұлымында оқылар

1. Х. Отабоеева ва бошқ. Ем-хашак етиштириш. Т., «Мекнэт», 1997.
2. Х. Отабоеева ва бошқ. Үсімлікшүнослик. Т., «Мекнэт», 2000.
3. Б. Виноградов, Х. Атабаева, А. Дементьевна. Растениеводство. Т., «Мекнэт», 1987.
4. Б. Аблекаримов ва бошқ. Деңқончилик асослари ва ем-хашак етиштириш. Т., «Мекнэт». 1987.
5. Н.П. Козьмина. Зерно. М., «Колос», 1969.
6. В.П. Местерова, Н.Н. Ананьина. Ем-хашак етиштириш. Т., «Үқитувчи», 1977.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

I. АГРОНОМИЯ АСОСЛАРИ

1. Дәхқончилік тарихидан	5
2. Қышилқ хұжалиғи экинларнинг ҳаёт омыллари ва уларни бөйнекарыш	9
3. Тупроқлар ва унинг унумдорлығы	15
1-амалый тажриба машғулоти. Тупроқнинг морфологиясини үрганиш	22
2-амалый тажриба машғулоти. Тупроқнинг агрегат таркибини аниқлаш (Н.И. Саввинов усули)	25
3-амалый тажриба машғулоти. Тупроқнинг намлигини аниқлаш	28
4. Ұсимлек заарқунандалары, касаллуклари, бегона ўтлари ҳамда уларга қарши кураш	31
4.1. Заарқунанда ва касаллуклар. Қарши кураш тадбирлари	31
4-амалый тажрибы машғулоти. Ұсимлекларнинг заарқунаңда ва касаллуклари ҳамда пестицидлар билан танишиш	40
4.2. Бегона ўтлар ва уларга қарши кураш йұллари	43
5-амалый тажриба машғулоти. Бегона ўтлар тасифи	52
5. Алмашлаб экиш	57
6-амалый тажриба машғулоти. Экін майдонлари структурасининг таҳлили ва см-хашак алмашлаб экисиши үзлаشتырыш	65
6. Үғитлар ва уларни құллаш	69
6.1. Үғитларнинг турлари	69
6.2. Үғитлаш тизими	75
7-амалый тажриба машғулоти. Минерал үғитларнің ташқы құрнишига қараб ва сифат реакциялари ёрдамыда аниқлаш	78
7. Ерга ишлов бериш	83
8-амалый тажриба машғулоти. Ҳайдов қатламининг түзилишини аниқлаш	95
9-амалый тажриба машғулоти. Тупроққа ишлов бериш тизимини ишлаб чиқыш	99
8. Уруғлик ва уни экиш	102
10-амалый тажриба машғулоти. Ұсимлекларнинг уруглары билан танишиш ва уруғ сифатини аниқлаш	108

9. Тупроқ мелиорацияси	114
9.1. Қишлоқ хұжалиғи әкінларини сугориш	115
11-амалың тажриба машылоти. Қишлоқ хұжалиғи әкінларини сугориш режимини аниқлаш	122
12-амалың тажриба машылоти. Сугоришга берілаётгап сув міқдорини аниқлаш	126
9.2. Чорвачилик чиқицилардың сувлардан фойдаланыладын маңсус сугориш тизимлери	128
13-амалың тажриба машылоти. Чиқынды сувлардан фойдаланыладын сугориш тизимлари майдонини ҳисоблаш	132
9.3. Тупроқдар шүрләніши, ботқоқланиши ва зөзиясінинг олдінни олиш ҳамда уларға қарши кураш	135
10. Дәхқончилік тилемі	143

II. ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШ

1. Озуқа турлари ва уларнинг сифат күрсаткычлари	151
2. Хашаки доишли ва дүккаклы дон әкінлари	156
2.1. Доишли әкінлар	156
1-амалың тажриба машылоти. Доишли әкінларнинг умумий морфологик белгилари	157
Бүгдой	161
Арпа	167
Жавдар ва тритикалс	170
Сули	172
2-амалың тажриба машылоти . Биринчи гурӯх доишли әкінларнинг морфологияси	173
Маккажұхори	177
Жұхори	180
Тарық	184
3-амалың тажриба машылоти. Маккажұхори ва жұхори әкінларнинг морфологияси	186
2.2. Дүккаклы дон әкінлари	188
4-амалың тажриба машылоти. Дүккаклы дон әкінларнинг умумий морфологик белгилари	190
Нұхат	193
Соя	195
Күкнұхат	198
3. Ширази озуқа олинадын хашаки тұганак мевалилар, илдизмевалилар, полиз ва сиолосбооп әкінлар	200
3.1. Тұганак мевалилар	200
Картошка	200
Тоғынабур	205
3.2. Илдизмевали әкінлар	208
Хашаки лавлаги	208
Хашаки сабзи	209

Хашаки шолғом	210
<i>5-амалың тажриба машгүлөти. Туганак мевали ва илдизмевали</i>	
екинларнинг морфологияси.	212
3.3. Хашаки полиз экинлари	214
<i>6-амалың тажриба машгүлөти. Хашаки полиз экинларининг</i>	
морфологияси	216
3.4. Силосбоп экинлар	217
Кунгабоқар	217
Рәсс	218
Хашаки карам	221
<i>7-амалың тажриба машгүлөти. Силосбоп экинларининг</i>	
морфологияси	223
4. Ем-хашак ўтлар	224
4.1. Кўп йиллик дуккакли ўтлар	224
Беда	225
<i>8-амалың тажриба машгүлөти. Беданинг морфологияси.</i>	
Қизил себарга	228
Баргак	230
Қашқарбела	232
4.2. Бир йиллик дуккакли ўтлар	233
Шабдар	235
Берсим	235
4.3. Кўп йиллик ўтлар	237
5. Яйлов ва пичанзорлар	243
<i>9-амалың тажриба машгүлөти. Яйлов ва пичанзорлар</i>	
ҳосилдорлиги ҳамда сигимини аниқлаш	251
6. Яшил конвейер	252
<i>10-амалың тажриба машгүлөти. Яшил конвейер тизимини</i>	
ишлаб чиқиш	256
7. Озуқаларни тайёрлаш технологияси	257
7.1. Пичан тайёрлаш технологияси	257
<i>11-амалың тажриба машгүлөти. Пичанинг ҳажми ва</i>	
сифатини аниқлаш	259
7.2. Силос ва сенаж тайёрлаш технологияси	260
<i>12-амалың тажриба машгүлөти. Силос ва сенажнинг</i>	
сифатини аниқлаш	262
7.3. Омихта ем тайёрлаш технологияси	264
Фойдаланилган адабиётлар	266

ЗИЯМИТДИН АНАРМЕТОВИЧ АРТУКМЕТОВ,
ҲАЛИМА НАЗАРОВНА ОТАБОЕВА

**АГРОНОМИЯ АСОСЛАРИ
ВА ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШ**

Касб-хунар колледжлари учун дарслик

«Меҳнат» нашриёти — Тошкент — 2003

Таҳририят мудири *А. Бобониёзов*

Муҳаррир *Ш. Ҳолмуродов*

Рассом *Ш.Хўжаев*

Бадиий муҳаррир *Ҳ.Қутлуқов*

Техник муҳаррир *Л. Пак*

Мусаҳҳидлар *С. Бадалбеков, Ф. Темирхўжаева*

2003 йил 21 апрелда чоп этишига руҳсат берилди. Бичими 60x84 1/₁₆. «Таймс»
ҳарфифа терилиб, оғсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 17,0.

Нашр табоғи 17,0. 5000 нусха. Буюртма № 3022.

Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашриёти, 7000129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-үй.
Шартнома № 52—2002.

Андоза нусхаси «Меҳнат» нашриётининг компьютер бўлимида
тайёрланди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Биринчи Тошкент
босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Сағбон кӯчаси, 1-берк кӯча, 2-үй.

A 80 Артукмостов З. А., Отабоева X. Н. Агрономия асеслари ва ем-хашак этиштириш: (Касб-хунар колледжлари учун дарслик). —Т.: «Меҳнат», 2003. — 272 б.

1. Ҳаммуалифлар.

ББК 4я722